

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ЭРТАКЛАРИ

---


АЙЁР ВАЗИР





ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ЭРТАКЛАРИ

# АЙЁР ВАЗИР



ТОШКЕНТ  
«ЧУЛПОН»  
1991

*Таҳрир ҳайъати*  
*Эркин Воҳидов*  
*Қодир Мирмуҳамедов*  
*Муҳаммадҷон Мирзамуҳамедов*  
*Худойберди Тўхтабоев*  
*Нурили Қобул*  
*Носир Фозилов*  
*Тоҳир Малик*  
*Анвар Обиджон*  
*Тўлқин Алимов*

Тўпловчи *Амир Файзуллаев*  
Муҳаррир *Тўлқин Алимов*

Айёр вазир: Ҳинд халқ эртаклари: Урта мактаб ёшидаги болалар учун (Тўпловчи А. Файзуллаев; Таҳрир ҳайъати: Э. Воҳидов ва бошқ. — Т.: Чўлпон, 1991 — 304 б.  
— (Жаҳон халқлари эртаклари):

«Жаҳон халқлари эртаклари» сериясидан чоп этилаётган ушбу жилдага ҳинд халқининг бой оғзаки ижодиётидан намуналар жамланди.

Коварный визир: Индийские народные сказки: Для детей сред. школ. возраста.

ББК 82.33

4804020400—43  
Т 360(04)91 54—91

ISBN 5—8250—0276—6

© А. Файзуллаев (таржимон) 1991 й.  
© М. Мирқосимов (таржимон) 1991 й.  
© Ш. Соатова (таржимон) 1991 й.  
© Х. Зиёхонов. (рассом). 1991 й.



## ГАП ТАГИДА ГАП БОР

з ойлари экан. Жазирама иссиқ бўлиб, ерлар тандирдай қизиган экан. Бир кекса савдогар иш билан қайсидир қишлоққа келибди. То ишларини битириб йўлга тушгунча вақт туш бўлибди. Йўл узоқ экан, бунинг устига сояда ўтириб бирпас ҳордиқ чиқарай деса, йўлда на бирон дарахт, на бирон бута бор эмиш. Уйга қайтмаса яна бўлмайди. Таваккал дебди-ю, савдогар йўлга тушибди.

Қишлоқдан чиқиши ҳамон унга бир ёш йигит дуч келибди. У йигит ҳам шаҳарга бораётган экан.

Чол қадамини тезлатиб, йигитга етиб олибди. Юра-юра йигитдан:

— Хўш, оғайни, йўл бўлсин? — деб сўрабди.

— Ассалому алайкум, бобо! — дебди йигит одоб билан. — Бир шаҳарга тушиб чиқай дегандим.

— Жуда яхши бўлди-да, — дебди чол суюниб. — Мен ҳам шаҳарга кетаяпман, ўзинг шаҳарда турасанми?


— Йўқ, бобо, менинг уйим жуда узоқда, — дебди йигит орқа томонга қўли билан ишора қилиб. Кейин сўзида давом этибди: — Шаҳарга иш излаб кетяпман.

— Шунақа де, — дебди чол бош чайқаб. — Мен эса шаҳарда тураман.

— Бу ерга бирон иш билан келибмидингиз? — сўрабди йигит.

— Ҳа. Озгина қатиқ олишим керак эди. Шаҳарда яхши қатиқлар бўлмайди. Шунинг учун қатиқни мен шу ёқлардан олиб кетаман. Мана, учраганинг яхши бўлди, менга ҳамроҳ бўласан. Биттадан иккита яхши, гурунглашиб кетамиз.

— Ҳа, бобо, гапингиз тўғри, — дебди унга жавобан йигит. — Икки киши бўлса, йўлнинг таноби тортилади, йўлнинг узоғи ҳам билинмайди.



— Нима? — Чол ҳайрат билан йигитга қарабди, ўзича пичирлаб йигитнинг гапини такрорлабди: «йўлнинг таноби тортилади»...

Йигит индамай кетаверибди. Фақат чолга кўз қирини ташлаб, кулиб қўйибди.

Чол эса кўнглида ўйлай бошлабди: «Бу йигитнинг сал эси кирарли-чиқарлига ўхшайди. Бўлмаса йўлнинг ҳам таноби бўладими? Товба! Сира эшитмаганман бунақа гапни».

Шундан кейин чолнинг йигитга ичи ачибди. «Қаранглар, ажабтовур йигитча экан-у, худо ақлдан қисган экан-да. Бунга шаҳарда ким иш берай деб ўтирибди? Хўп, иш беради ҳам дейлик, у ёғи нима бўлади? Бунақа телба-тескари гаплар оғзидан чиқиб тургандан кейин, ким чидаб тура олади? Шартта ковушини тўғрилаб қўяди, вассалом».

Чол шуларни ўйлаб, йўлида кетаверибди.

Бир оз юргандан кейин бир дарё келибди. Дарё ўзи унча катта бўлмаса ҳам, лекин тезоқар экан, эҳтиёт бўлмаса оқизиб кетиши ҳеч гап эмас экан.

Чол қирғоқда туриб, кийимларини еча бошлабди, қип-яланғоч бўлгандан кейингина сувга тушибди.

Бироқ йигит нима қилибди денг: кийимларини ечиш у ёқда турсин, почасини йиғиштирмабди ҳам, қандай юриб келаётган бўлса шундай сувга кириб кетаверибди. У бошидан-оёқ сувга ивиб, шалаббо бўлибди.

Сувдан ўтиб олгач, чол қуп-қуруқ кийимларини қайта кийиб олибди-да, ўз ишидан мамнун бўлиб, гердайиб йўлга тушибди. Йигит эса сувда роса ивиган эмасми, йўл-йўлакай нуқул кийимларини сиқармиш.

Чол ичида йигитнинг аҳмоқлигидан роса кулибди.

Ҳай, бўлар иш бўлибди-ю, бироқ олдинда ундан ҳам қизиқ ишлар қараб турган экан.

Салгина юрганларидан кейин бир дарахт учрабди. Йўл юравериб, чолнинг роса мадори қуриган экан, бунинг устига жазирама иссиқдан жиқ-жиқ терга ботган экан.

Чол югуриб ўзини дарахт соясига олибди. У рўмолчаси билан терларини арта туриб, йигитга дебди:

— Биродар, жуда ҳолдан тойдим, кел, бирпас сояда дам олиб олайлик.

Йигит ҳам тўхтабди.

— Ҳа, бобо, мен ҳам жуда чарчаб кетдим. Майли, сал нафасимизни ростлаб, ўзимизга келиб олайлик.

Чол сояга ўтирибди.

Йигит ҳам ўтирибди-ю, лекин соябонни ҳам очиб, бошига тутиб олибди.

Чол унинг бу қилиғини кўриб, роса ажабланибди. Азбаройи таажжубдан оғзи очилиб қолибди. Таажжубланмай бўладими,

ахир. Бутун йўл давомида жазирама иссиққа парво қилмай, соябонини қўлтиғида қисиб келган одам энди дарахт соясига келиб ўтирганда соябонни очиб, бошига тутиб олгани нимаси?

«Бу йигит аҳмоқ эмас, ғирт жинни экан, — ўйлабди чол. — Фақат жинниларгина шундай ҳаракатлар қилиши мумкин. Аввалига йўлнинг таноби тортилади деб бир алжиради, кейин сувга кийими билан тушиб яна ғалати қилиқ қилди. Энди бўлса дарахт соясида бошига соябон тутиб олди. Бу қанақаси бўлди? Ҳа, бу ғирт жинни экан».

Шуларни ўйлаб, чол қўрқиб кетибди. «Жинни одам билан ҳамроҳлик қилиб бўларканми? Албатта, бир касри урмай қўймайди. Ахир жинни ўз оти билан жинни-да! Бирдан жиннилиги қўзиб, бирон кор-ҳол қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Жинни дегани нари-берини ўйлаб ўтирмайди, кўнглига нима келса, шуни қилади. Бу йигитни ҳам ким билиб ўтирибди, бирдан ташланиб қолса-чи? Ҳали ўлдириб қўйса-я! Эй худо-йим-ей, қандай кунларга қолдим... »

Чол шунақанги қўрқиб кетибдики, шартта ўрнидан туриб, йўлга тушибди.

— Ҳа, бобо, дарров дам олиб бўлдингизми? — деб сўрабди йигит.

Чол сир бой бермай, жавоб қайтарибди:

— Ҳа, болам, дам олиб бўлдим. Энди борай, уйга тезроқ етиб боришим керак эди.

— Яхши, — дебди йигит ҳам ўрнидан туриб, — унда мен ҳам кетдим. Кемага тушганнинг жони бир дейдилар.

«Кемага тушганнинг жони бир? » — чол баттар таажжубга тушибди. Таажжубдан кўра кўпроқ ташвиш босибди. «Мен ундан ажралиш учун ўрнимдан туриб кетсам, у яна илашяпти. Бунинг устига мана бунақа одам ақли етмайдиган гаплар қиляпти. Жиннининг миясига бундай гаплар қаёқдан келаркан-а? Бир-биридан ваҳимали, бир-биридан жумбоқ гаплар».

Начора, шўрлик чол учун бугун тақдирга тан берадиган кун экан. Қўрқса ҳам, ташвишга тушса ҳам энди ҳамроҳи бир жинни бўлибди. Улар бирга йўлга тушишибди. Шунда ҳам чол жиннини орқада қолдириб, шаҳарга ёлғиз кириб бориш учун жонининг бориचा қадамини тезлатаверибди.

Барибир шаҳарга иккалови бирга кириб борибди.

Шаҳарга етгач, чол йигитга қараб дебди:

— Мана, мен уйимга етиб келдим ҳисоби, оғайни. Хайр бўлмаса, мен кетдим.

— Бўпти, бобо, яхши боринг, — дебди унга жавобан йигит. — Менинг бу ерда ҳеч қанақа турар жойим йўқ. Шунинг учун карвонсаройда тунай қоламан.

— Хайр, яхши бор, — дебди чол ва уйи томон жўнаб қолибди.

— Хайр, бобо, — дейди йигит кулиб, — менга қаранг, бобо, бир нарса эсингиздан чиқмасин — уйга киришингиздан олдин йўталиб, томоқ қириб олинг.

Шундай дея йигит ҳам кўздан ғойиб бўлибди.

«Эҳ, хайрият-ей, бир балодан қутулдим, — дебди чол йигит билан ажралишганидан кейин. — Умрингда жинни билан ҳамроҳ бўлма экан».

Суянганидан ҳадеб чол мийғида кулар эмиш.

Чолнинг уйи шу яқин атрофда экан. У энди ичкарига қадам қўймоқчи бўлиб турганида бирдан йигитнинг сўнги гапи эсига тушибди. Чол кулиб қўйибди. Топган гапини қаранглар! «Уйингизга киришдан олдин йўталиб, томоқ қириб олинг» эмиш. Бундан нима чиқар экан!

Шундай бўлса ҳам йигитнинг гапини масхара қилиш ниятида у жўрттага қаттиқ-қаттиқ йўталиб, томоқ қирибди.

Уйда чолнинг қизи бор экан. Бу пайтда қиз чўмилиб бўлиб, кийимларини алмаштираётган экан. Бирдан отасининг йўтал товушини эшитиб қолибди-ю, «Вой! » деганича ташқарига овоз берибди:

— Отажон, бирпас сабр қилиб туринг, мен кийимларимни алмаштираётибман.

Чол ташқарида кутиб турибди.

Қиз шоша-пиша кийимларини кийибди-ю, ташқарига югуриб чиқибди. У кулиб туриб отасидан сўрабди:

— Ўзи нима гап, отажон, бугун йўталиб, томоқ қириб кириб келиш қандай ҳаёлингизга кела қолди?

Чол уйга кирибди. Курсига ўтирибди-да, рўмолчаси билан терларини арта-арта шундай депти:

— Эҳ, қизим, нимасини айтасан, бугун бир жинни билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. Менга ўша жинни айтди: «Уйга киришингиздан олдин йўталиб, томоқ қириб олинг», деб.

— Жинни айтди дейсизми, отажон? — қиз таажжуб билан сўрабди. — Жинни бўлатуриб бундай ақлли гапни қаердан топиб гапирди экан? Йўқ, отажон, у жинни эмас, ақлли, доно одам бўлса керак ҳойнаҳой.

— Доно дейсанми? — дебди чол ва қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди. — Умрида доноликнинг кўчасидан ўтмаган. Жинни дедим-ку, ахир ғирт жинни. Йўл бўйи юрагимни ҳовучлаб келдим, ишқилиб бу жинни бирон кор-қол қилиб қўймасин-да, деб. Тагин ташланиб қоладими, уриб ўлдириб қўядими, ким билади дейсан. Жинни-да. Йўлда шунақанги ақл бовар қилмас қилиқлар қилдики, нимасини айтасан, қизим...

— Қандай қилиқлар қилди, отажон? — деб сўрабди қиз отасининг гапини бўлиб.

— Қандай бўларди, жинни-жинни қилиқлар-да, — дебди кулиб чол. — Айтсам, ўзинг ҳам кулавериб ичагинг узилади.



Нима бўлиб ҳам қишлоқдан чиқаверишда шу йигит дуч келиб қолди. Мен, кел, биттадан иккита яхши деб унга қўшилиб олдим. Шунда у нима дейди де: «Икки киши бўлса йўлнинг таноби тортилади, узоқ йўлни қандай босиб ўтганингни ҳам сезмай қоласан», дейди. Узинг айт, қизим, йўлнинг ҳам таноби бўларканми? Буни фақат жинни гапириши мумкин.

Лекин қиз кулиб қўйибди-да:

— Хўш, кейин-чи? — деб сўрабди.

— Бир вақт бир дарё учради. Шунда ҳалиги жинни нима қилди де.

— Нима қилди?

— Мен-ку кийимларимни ечиб, кейин сувга тушдим. Ҳалиги жинни бўлса кийимини ечмай, шундайча дарёни кечиб ўта бошлади-ку. Бутун энгил-боши жиққа ҳўл бўлди.

— Ҳа, сувга тушгандан кейин ҳўл бўлади-да, — дебди қизи ва яна кулиб қўйибди. Кейин-чи?

— Сал нари борсақ, бир дарахт кўринди. Мен ўлгундай чарчаган эдим, бир нафас дам олгани дарахт соясига бориб ўтирдим. Ҳалиги жинни ҳам келиб ўтирди. Унинг соябони бор эди. Йўл бўйи жазирама офтобда жинни соябонини қўлтиғида қисиб келаётувди. Лекин дарахт соясига келиб ўтириши билан соябонни очди-да, бошига тутиб олди.

— Хўш, кейин-чи?

— Кейин шаҳарга келдик. Мен уйимиз томонга бурилиб келаётсам, у орқамдан: «Уйга киришдан аввал йўталиб, томоқ қириб олинг», деди. Эҳ, қизим, бу жинни роса тинкамадоримни қуритди, сира мендан ажралмади-ажралмади-да.

— Кейин у қаёққа кетди, отажон? — деб сўрабди қизи тоқатсизланиб.

— Карвонсаройда тунайман, деди, — деб жавоб берибди чол киноя аралаш кулиб. — Шаҳарда иш топиб ишлайман дейётувди, шўрлик. У жиннини ким ҳам ишга олай деб турибди?

— Отажон, ўша йигит жинни эмас, жуда доно экан, — дебди бир вақт чолнинг қизи.

— Қизининг гапини эшитиб, чол сергак тортибди ва қулоқларига ишонмай, қайта сўрабди:

— Нима дединг? Доно дейсанми?

— Ҳа, — дебди қиз. — Сиз унинг гапларини тўғри тушунмай, бекорга жиннига чиқариб ўтирибсиз экан. Қулоқ солинг-а, мен ҳозир у айтган гапларнинг маъзини чақиб бераман.

— Қани, хўш...

— Икки киши бўлса, йўлнинг таноби тортилади, қанча узоқ йўлни босиб ўтсанг ҳам билинмайди, деганининг маъноси шуки, икки киши бўлса, гаплашиб-гаплашиб кетаверади. Суҳбатга берилиб, йўл азобини эсдан чиқаради, чарчоғи ёзилади, демоқчи бўлган.

— Эҳ-а-а-а, мана гап қаёқда экан,— дебди чол кўзларини катта-катта очганча қизига аграйиб қараб.— Мен ростдан ҳам унинг гапининг мағзини тушунмаган эканман. У жуда ақлли гап айтган экан. Лекин иккинчиси чиндан ҳам аҳмоқона, жиннининг қилиғи эди. Ахир кийим-пийим билан сувга...

— Йўқ, отажон,— дебди қиз чолнинг гапини бўлиб.— Бу ҳам оқилона ўйлаб қилинган.

— Хўш?

— Дарё суви тез оқар эканми?

— Сен буни қаердан биласан? — дебди чол ҳайрон бўлиб.— Оқим ростданам жуда кучли эди, лекин сен буни қаердан билдинг?

— Буни ҳам ўша йигитнинг донолигидан билдим,— дебди қиз кулиб.— Оқим кучли бўлгани учун ҳам кийимларини ечмаган.

— Нега?

— Гап шундаки, оқим кучли бўлганидан дарё оқизиб кетиш хавфи бўлган. Агар одам кийимсиз оқиб кетса, қирғоқда кўрганлар уни ўликка йўйишлари мумкин. Агар кийимли одам оққанини кўрса, одамлар уни қандайдир мусофир бўлса керак, йўлни билмай, сувга дуч келибди, деб дарров қутқариш пайига тушиб қоладилар.

— Э қойил-ей, фаросатингга балли, қизим! — дебди чол яна ҳам суюниб.— Мен мияси айниган чол бўлса, уни жиннига чиқариб ўтирибман. Ҳолбуки у жуда доно йигит экан. Бироқ... Офтоб тиғида бош яланг юрган одам дарахт соясига келиб, бошига соябон тутиб олишига нима дейсан, қизим?

— Бу ҳам донолик белгиси,— дебди қиз отасининг гапини илиб,— агар офтобда бошига соябон тутса ҳамма офтоб соябонига тушади-да, ундан битта қолмай бошига уради. Аслида ҳам шундай-ку, иссиқда соябон тутса, соябон қуёшнинг тафтини икки баробар қилиб беради.

— Ундай бўлса, дарахт соясида бошига соябон тутиб олганига нима дейсан, қизим?

— Дарахтларда ҳар турли қушлар яшайди,— дебди қиз,— йигитнинг дарахт тағида бошига соябон тутиб олишининг сабаби шундаки, қушлар ахлат ташлаши мумкин, устимга тушиб, ифлос қилмасин деб эҳтиёт чорасини кўрган.

Энди чол қилган ишидан пушаймон ея бошлабди. «Шундай ақлли доно йигитни мен жинни деб ўтирибман-а,— деб ўйлабди у.— Шундай содда хаёлга бориб у билан одамлардай муомала ҳам қилмадим. Агар тузукроқ гаплашганимда, балки бундан ҳам ақллироқ гаплар айтармиди. Лекин мен унинг гаплари маъносини тушунмасдан зўр хатога йўл қўйдим. Ҳай, аттанг, аттанг... »

Чол афсус ва надомат билан бош чайқаб туриб, қизига қараб дебди:

— Унда у йигитнинг охирги гапи ҳам жуда чуқур маъноли бўлса керак, а, қизим?

— Бўлмаса-чи! Унинг гапи билан сиз эшиқдан кириб келишдан олдин йўталдингиз, томоқ қирдингиз. Мен кийимларимни алмаштираётган эдим, овозингизни эшитиб, «ота, бир-паст сабр қилинг», дедим. Бу одат ҳар тарафлама яхши.

Чол ўйланиб, жим қолибди.

Қизи дебди:

— Ҳозир-чи, ота, мен сизга у йигитнинг донолигини яна бир намоиш қиламан.

Қиз бир лаганга масаллиқ, бир ликобчага тўртта нон, яна егулик ул-бул нарсалар солибди-да, хизматкорини чақириб, ҳалиги нарсаларни кўрсатиб, шундай дебди:

— Карвонсаройга ҳозиргина бир мусофир йигит келиб қўнди. Мана бу овқатни ўшанга бериб кел. Унга айтгинки, бу нарсаларни ҳамроҳингиз бўлган ҳалиги чол бериб юборди, де.

— Хўп бўлади! — дебди хизматкор ва лаган билан ликопчани кўтариб, йўлга тушибди.

Қиз яна шундай тайинлабди:

— Уша мусофир йигитга айт: денгиз лиммо-лим тўла, осмон тўла юлдуз, саккиз томон бор. Йигит нима деб жавоб қилса, келиб менга айтасан.

Хизматкор жўнаб кетгандан кейин чол ҳайрон бўлиб, қизидан сўрабди.

— Бу, сен ҳозир нималар дединг, қизим? Бунинг маъноси нима?

Қиз кулиб қўйибди-да, шундай дебди:

— Хизматкор йўлда овқатдан ўғринча еб олишдан шубҳа қилиб шундай дедим.

— Хўш? Бу гапларнинг нима фойдаси бор? — Чолнинг таажжуби баттар ортибди.

— Бундан хизматкорнинг овқатга ўғирлик қилган-қилмаганини билиб оламан, — дебди қиз.

Чол ҳеч нарса тушунмабди. Фақат баттар таажжубга тушибди, холос.

— Қандай қилиб билиб оласан?

— Бирпаст сабр қилинг, ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз, — дебди қиз ва отасига овқат суза бошлабди.


Ҳаял ўтмай хизматкор қайтиб келибди. Уни кўриши билан қиз сўрабди:

— Овқатни бериб келдингми?

— Бериб келдим.

— Мен айтган гапларни ҳам айтдингми?

— Айтдим.



— У нима деб жавоб қилди?

— Э, у жуда ғалати одам экан, бекам, қаёқдаги гапларни айтди, — дебди хизматкор калака қилиб кулиб, — биласизми, нима дейди, денгизнинг ярми қуриб қолган, беш-ўнтагина юлдуз кўриниб турибди, томоңлар тўрттагина дейди...

Хизматкор гапини тугатмасданоқ қиз хафа бўлиб шундай дебди:

— Хўш, аввал менга айт-чи, нега хиёнат қилдинг?

— Хиёнат? — деб хизматкорнинг ранги қув оқариб кетибди, оёқ-қўли қалтирай бошлабди. Аслида у чинданам ўғрилиқ қилган экан. Қиз бериб юборган таомларни кўриб, унинг ҳаваси келибди, оғзига сув тўлибди. Масаллиқлар, қип-қизариб пишган чавати нонлар, қиёмига етказиб димланган кўкатлар... Хизматкор умрида бундай таомларни оғзига олмаган экан. Йўлда кета туриб, у шундай хаёлга борибди: «Шунча кўп нон, шунча мўл овқатни бир одам қандоқ ейди? Кел, озгина еб олсам нима қилибди, қолгани ҳам бемалол у одамга етиб ортади. Бунинг устига у бир нотаниш, етти ёт бегона, мусофир бўлса, билиб ўтирибдими у менинг овқатдан еган-емаганимни».

Шундай деб ўйлабди-да, хизматкорнинг сабр-тоқати тугабди. Аста йўл чеккасига ўтириб олиб, овқатнинг нақ ярмини паққос тушириб олибди. Ҳеч ким кўрмагандан кейин бекаси қаёқдан билиб ўтирибди?

Бироқ бекасининг дағдағасини кўриб, қаттиқ таажубга тушибди, ҳам кўрқиб кетибди. Тили тутилиб, нима деб жавоб беришини билмай каловланиб қолибди:

— Бе-бе-бекам...

— Тўғрисини айт! — ғазаб билан дебди қиз, — овқатга ўғирлиқ қилдингми, йўқми?

Бе-бе-бе-бекам...

Қиз ўша-ўша дарғазаб, дебди:

— Сен тўртта нонни еб қўйгансан, тўғрими?

— Т тўғри, дебди хизматкор ҳайратдан кўзлари катта-катта очилиб. Барибир ҳам ўғирлиқ қилгани маълум бўлибди-да! Энди пушаймон қилишдан фойда йўқ. Қўрқиб-қалтираб дебди:

Хато қилдим, бекам, кечиринг!

— Масаллиқнинг ҳам ярмини жиғилдонингга уриб олгансан, тўғрими?

Тўғри, бекам...

Кўкатларнинг салкам барини еб қўйгансан, тўғрими?

Тўғри...

— Серёғ, сермасаллиқ таомни кўриб, балойи нафсинг ҳаккалак отиб кетган-да, тўғрими? — дебди қиз қошларини чимириб.

Қизнинг қари отаси ҳамон қизи билан хизматкор ўртасида-

ги муноқашага жимгина қулоқ солиб ўтирган эди. Охири ҳайратини енголмай, қизига қараб дебди:

— Ахир сен буларнинг барини қаёқдан билдинг, ҳай қизим?

— Ақлу фаросатим билан билдим, — дебди қиз қулиб. — Хизматкордан нима гап тайинлаганим эсингиздами, ота? Денгиз лимо-лим, осмон тўла юлдуз, саккизта томони бор, деган эдим.

— Бунинг маъноси нима бўлади, шуни айт-да қизим.

— Мен хизматкордан шубҳа қилган эдим, шунинг учун гапларимни пардали қилиб айтгандим. Денгиз лиммо-лим деганим лагандаги масаллиқ чеккасигача тўлдириб солинган деганим эди. Осмон тўла юлдуз деганим кўкатлар ичидаги картошка мўл-кўл деганим эди. Мен саккизта нон солган эдим, саккизта томон деганим шунга ишора эди.

— Хўш? — дебди чол ҳали ҳам гап нимадалигини тушунолмай, — у йигит сенинг гапингни қандай тушуниб олди?

— Доноларнинг фазилати ҳам шунда-да, отажон, — дебди қиз чолга қараб, — улар гапни фақат эшитибгина қолмай, унинг маъзини ҳам чақадилар. Нимага ишора қилинаётганини англаб турадилар. Худди шу нарсани донолик дейдилар. Тил билан айтилгани ҳақиқий гап бўлмайди, фикр билан тушуниб, англаб олинган нарсани ҳақиқий гап дейдилар.

— Э-ҳа! — дебди чол қулиб, — мен мусофирнинг гапларини эшитиб, уни жиннига чиқарганимга ўхшаган-да! Қара, унинг гапларини сиртдан туриб эшитибман-у, маъносини чақмабман, ҳақиқий гапни англамабман. Мана, сен англадинг менга. Шундоқ доно қизим борлигини энди билдим.

Отасининг мақтовидан қизи уялиб кетибди. У аста шундай дебди:

— Мен анови мусофир йигитнинг донолиги тўғрисида гапираётувдим, отажон. Шунга яраша жавоб ҳам айтган: денгизнинг ярми қуриб қолган, яъни лагандаги овқатнинг ярми йўқ дебди. Беш-ўнтагина юлдуз кўриниб турибди, яъни кўкатдаги картошкалар жуда кам қолган дебди. Тўрт томон бор, яъни тўртта чавати нон кўрдим дебди. Хизматкоримизнинг хиёнат қилганини мен шу гаплардан англадим.

Чол ўша заҳоти ҳисоб-китоб қилиб, хизматкорнинг думини тугибди. Кейин карвонсаройга ўзи борибди-да, мусофир йигитни уйига олиб келибди. У мусофир йигит билан қизининг донолигига қайта-қайта қойил қолиб, роса мақтабди. Иккаласини никоҳлаб, тўйини ўтказибди-да, бисотида йиққан-туккан мол-давлатини уларга инъом қилибди. Шундан кейин доно йигит шу шаҳарда қолиб, доно қайлиғи билан умргузаронлик қилиб, муроду мақсадига етибди.



## КИМ УЛУҒ?

У гап жуда қадим замонларда бўлган экан. ўшанда одамлар эндигина маъбуд ва маъбудаларга сиғина бошлаган пайтлар экан.

Лекин аввал-бошданоқ улар бир тўсиққа дуч келишибди.

Аслида сиғиниш борасида, ҳаммаларининг фикри бир жойдан чиққани жуда соз бўлибди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, бу ишни амалга оширишга тайёргарлик кўра бошлабди. Бироқ бир нарсага келганда нима қилишларини билмай, бир-бирларига қарашибди: хўш, маъбуд ва маъбудалардан қайси бирига аввал сиғинишса жоиз бўларкин? Чунки дуч келган маъбуд ё маъбудадан бошлайверайлик деса, қолган илоҳаларнинг норози бўлиб, қаҳри келишидан чўчишибди. Илоҳаларнинг қаҳри келгудек бўлса борми, унда бандаларга кун йўқ-да. Хуллас, ҳамманинг боши қотибди. Тоат-ибодат қилсак, ҳайру эҳсонларни ўрнига қўйсак, илоҳалар биздан хурсанд бўлади, деб, аввал қувонганлари қаёқда-ю, бу ташвиш қаёқда! Шунда одамлар ичидан биттаси ўрнидан туриб, шундай дебди:

— Келинлар, илгари қандай юрган бўлсак, бундан кейин ҳам шундай юраверайлик.

— Жуда тўғри, — деб унинг гапини маъқуллабди бошқа бир одам. — Бир маъбудага сиғинганимизни кўриб, бошқа маъбуданинг рашки келадиган бўлса, келинг сиғинмай қўя қолайлик, оч қорним, тинч қулоғим. Илоҳалар биздан хурсанд ҳам, хафа ҳам бўлмасин.

— Ҳақ гап, — дебди учинчи бир одам ўртага чиқиб, — сиғинганимиздан кейин шунақа можаро чиқадиган бўлса, қўйинлар, бутунлай сиғинишдан воз кечамиз, ҳеч кимга сиғинмаймиз.

— У ҳолда бошимизга зўр кулфат ёғилади, бу ёғини ўйлаб кўрдиларингми? — дебди ҳалидан бери чуқур ўйга толиб ўтирган дунё кўрган чол гап қотиб.

Бироқ чолнинг гапига ҳеч ким тушунмабди. Биров хурсанд бўлмаса, биров хафа бўлмаса, тагин қанақа кулфат ёғилиши мумкин?

— Гапингизни тушунмадик, бобо, — дебди бир киши таж-жубини яширолмай.



Чол маъюс товушда гапирибди:

— Сиғинишга қарор қилдикми, энди сиғинмасдан иложимиз йўқ. Борди-ю бу ишга шак келтирадиган бўлсак, маъбуду маъбудаларнинг ҳаммаси норози бўлади бизлардан.

Буёғи қизиқ бўлди-ку! Сиғинишса, маъбуд-маъбудалар хафа бўлишса, сиғинишмаса, тагин хафа бўлишса, ахир нима қилиш керак ўзи?!

Чол яна узоқ ўйга толибди-да, охири қатъий дебди:

— Нима бўлса бўлар, сиғинаверинглар.

— Ахир, бобо, азалдан ўзимиз шунга келишиб олган эдик-ку, — дебди жуда боши қотиб, калавасини йўқотган оломон, — фақат сиғинишни кимдан бошлашни билмай турибмиз, холос.

Гап айланиб яна аввал кимга сиғинайлик деган масалага келиб тақалибди. Ҳамма ўйга толди.

Анчадан кейин чолнинг миясига бир фикр келибди. У хурсанд бўлиб, шундай дебди:

— Миямга бир фикр келди. Келинлар, сиғинишни маъбуд-маъбудаларнинг энг улуғидан бошлаймиз.

— Ана бу бошқа гап, — дебди оломон энгил нафас олиб. — Бунинг бир қулай томони шундаки, бошқа тангрилар хафа бўлса, улуғ тангри бизнинг ёнимизни олади.

— Мен ҳам шуни айтаман-да, — дебди чол бошини сарак-сарак қилиб. — Қани, бўлмаса энди ишни бошлайверайлик.

— Хўш, энг аввал кимдан бошлаймиз? Тангрилар ичида энг улуғи ким бўлади? — Ҳамма чуғурлашибди.

— Ие, ҳали энг улуғ тангри ким эканини ҳам билмайсизларми? — дебди чол кулиб, — Бҳагвондан улуғ тангри бор эканми?

— Индра! — дебди бир киши мунозарага қўшилиб. — Индра жамики тангриларнинг рожаси бўлади!

Чол уни жеркиб берибди:

— Ҳамоқат! Имонингга мункир келдинг! Индра дегани хоҳ рожа бўлсин, хоҳ малика бўлсин, Бҳагвон олдида у ҳеч нарса эмас. Чунки Бҳагвон — Бҳагвон-да!

— Шуни билиб қўйингки, бобо, Бҳагвон фақат илоҳа, тангри ҳисобланади. Индра-чи? У жамики илоҳа, тангри, маъбуд ва маъбудалар устидан ҳукмронлик қилади. Бҳагвон ҳам унинг ҳукми билан иш тутади. Шу боисдан ҳам Индра Бҳагвондан катта.

— Бу одамнинг гаплари ҳақ, бобо, тан бсравнинг, — дебди халойиқ шовқин солиб.

Чол кўпчиликнинг раъйига қарши чиқолмай, жим бўлиб қолибди. Энди ҳар томондан ҳар хил овозлар эшитила бошлабди:

— Индра тангриларнинг рожаси бўлади, шунинг учун аввал уни тавоф қилиб, сиғинайлик. Унга сиғинсак, ҳеч қайси маъбуд



ё маъбуда хафа бўлмайди. Хафа бўлган тақдирда ҳам Индра уларнинг рожаси, бир ишора билан ҳаммасининг попугини пасайтириб қўяди.

— Лекин Шанкар жийга Индранинг сўзи ўтмайди, — дебди кимдир дабдурустдан. Агар Шанкар жийнинг қаҳри келиб, учинчи кўзини очса борми, ҳаммаёқни кунфаякун қилиб юборди-я! Унинг қаҳридан Индра ҳам титраб-қақшаб туради.

— Хўш, — дебди яна бир одам, — бу гапинг билан Шанкар жий энг улуғ тангри демоқчимисан?

— Бўлмасам-чи, биз аввал шу тангрига сиғинишимиз керак. Борди-ю бирон маъбуд ё маъбуда қовоғини уядиган бўлса, Шанкар жий шартта учинчи кўзини очади-ю, ҳаммаси...

— Ҳаммаси ер билан яксон бўлади, — деб унинг гапини тугаллабди бошқа бир одам. — Бўлди, Шанкар жийга сиғинамиз, энг улуғ тангри Шанкар жий бўлади.

— Бўлмаган гап, — дебди яна кимдир битай деган ишнинг белига тепиб, — Шанкар жийни ким ато қилган? Браҳма жий! Браҳма жий унга ота ўрнида бўлади. Энди ўзингиз айтинг, ота каттами, ўғилми? Шунинг учун энг улуғ тангри Браҳма жий бўлади. Браҳма жийга сиғинамиз.

Баҳс қизигандан қизиб кетибди. Бироқ қайси тангри улуғлиги ҳақида бир қарорга келиша олмабди.

Охири бояги чол ўртага чиқибди-да, шундай дебди:

— Оғайнилар, бундай баҳслашиб ўтирадиган бўлсак, муд-даога эришишимиз амримаҳол, келинлар, бир иш қилайлик. Шартта илоҳаларнинг ҳузурига борайлик-да, ичларингда энг улуғларинг ким, биз аввал кимга сиғинайлик деб ўзларидан сўрайлик.

Чолнинг бу гапи ҳаммага маъқул тушибди, ҳаммалари ўринларидан туриб, тангриларининг ҳузурига йўл олишибди.

Бу пайтда Индра аҳли аъёнларнинг бари баланд-баланд тахтларда қўр тўкиб ўтиришган экан. Машварат тугаб, энди ўйин-томошага гал келибди. Ўртадаги кенг саҳнада Урваши — Менка рақс туша бошлабди. Гандҳарврож вийна<sup>1</sup> чалибди. Атрофдаги олтин-кумуш безакларнинг кўплигидан ва чиройлигидан кўз қамашармиш.

Одамлар одоб билан эгилиб праном<sup>2</sup> қилишибди-да, саҳна-нинг бир чеккасидан жой олишибди.

Бир оздан кейин ўйин-томоша ҳам тугабди.

Бир вақт Индра жий бошини кўтариб, одамларга қарабди ва:

<sup>1</sup> Вийна — сеторга ўхшаш торли соз.

<sup>2</sup> Праном — жуфтланган кафтларни пешонага теккизиб, таъзим бажо келтириш.

— Хўш, нега келдиларинг? — деб сўрабди. Шунда оломонни бошлаб келган чол ўрнидан турибди-да, қўлларини қовуштириб, праном қилибди ва дарҳол мударога кўчиб қўя қолибди.

— Маҳорож, бизлар маъбуд-маъбудаларга сиғинишга қарор қилган эдик.

— Жуда соз! — суюниб кетиб уларни мақтабди Индра. — Бу жуда аъло иш бўлар эди. Бўпти, сиз истаганча бўлсин, сиғинаверинглар.

— Лекин, маҳорож... — чол нима дейишни билмай гапини йўқотиб қўйибди. — Ҳа, айтмоқчи, маҳорож, бизлар қайси тангрига сиғинайлик?

— Вой-бў, шуни ҳам сўраб ўтирибсизларми? — дебди Индра одамларнинг соддалигидан завқланиб куларкан. — Ана, тангри дегандан кўпи бор эканми, ичимиздан хоҳлаганингизга сажда қилаверинглар.

— Гап шундаки, маҳорож, — дебди чол сал ўзига келиб, — ҳамма тангриларга барабар сажда қилиб бўлмайди, биттасига сажда қилайлик десак, бошқалари хафа бўлиб қолармикан деб кўрқаяпмиз.

— Ҳа, бу ёғи ҳам бор, — дебди Индра бош ирғаб. Одамларнинг нега ҳузурига қадам ранжида қилганларини у энди англабди.

Чол дебди:

— Бизлар бу тўғрида бир тўхтамга келолмадик, охири сизларнинг ҳузурларингизга келишга мажбур бўлдик, маҳорож. Хўш, энди марҳамат қилиб айтсангиз, аввал қайси бирингизга сиғиниб, сажда қилайлик?

Индра чуқур ўйга толибди, ниҳоят одамларга қараб шундай дебди.

— Қайси тангри энг улуғи бўлса, аввал ўшанга сиғининглар.

Бу гапни одамлар олдиндан билишарди, бироқ қайси тангри энг улуғи эканлигини билолмай, бу ерга келишганди. Биров фалон тангри улуғ деса, бошқаси писмадон тангри катта дерди.

Чол қўл қовуштириб дебди:

— Маҳорож, сизлардан ўтиниб сўраймиз, ичингизда энг улуғингиз ким, биз аввал кимга тавоф қилиб, кимга сиғинайлик, шуни аниқлаб беринглар.

Бироқ бу нарсани аниқлаб бериш тангриларга ҳам осон бўлмабди. Чунки уларнинг ҳар бири ўзини энг улуғи деб ҳисобларкан. Фалон тангри энг улуғимиз бўлади, деб бошқасини кўрсатишга ҳеч қайсисининг ғурури йўл қўймас экан.

Охирида тангриларнинг оқсоқоли Бриҳаспатини чақиришга мажбур бўлишибди. Ҳамма гапни диққат билан эшитибди-да, Бриҳаспати:

— Бунақада тангриларнинг қайси бири улуғ эканлигини аниқлаб бўлмайди, — дебди.

— Лекин улар ичидан биттасини энг улуғ деб тан олишимиз мумкин-ку, — дебди Индра тушунтириб, шунинг учун бу масалани ҳал этишда ёрдам берасиз деб сизни чақирдик.

Бриҳаспати эса пинагини ҳам бузмай:

— Ундай бўлса, синаб имтиҳондан ўтказинглар, ўз-ўзидан маълум бўлади-қўяди, — дебди гапни чўзиб ўтирмай.

— Қандай қилиб синовдан ўтказамиз?

Бриҳаспати бир оз ўйга толиб, шунда жавоб қилибди:

— Келинлар, бундоқ қиламиз: тангриларнинг ҳаммасини йиғиб, пойгага қўямиз. Кимки энг улуғ нарсани айланиб, маррага биринчи бўлиб етиб келса, ўшани улуғ тангри деб эълон қиламиз ва биринчи бўлиб ўшанга сигинамиз.

— Энг улуғ нарса Осмон, — дебди тангрилар рожаси Индра. — Келинлар, осмонни айланиб келайлик.

Индранинг бу таклифи ҳаммага маъқул тушибди.

Шундай қилиб, тангрилар пойгаси бошланибди. Тангри Вишну ўзининг Гаруд деган улкан қушига сувора бўлибди-ю, шиддат билан Осмонга кўтарилибди. Индра эса жанговар Айроват лақабли филини миниб, йўлга тушибди. Шанкар Нандий исмли хўкизига ўтириб, улар орқасидан равона бўлибди. Дурга маъбудасининг улови Шер экан. Чопқирликда шернинг олдига тушадигани топилмас экан, чунки у ҳар сакраганида шерикларининг юз қадамини бир қадамда босиб ўтар экан. Шанкарнинг ўғли тангри Сваёмикартик ўзининг севимли товусида парвоз қилибди. Ямрож бўлса Қўтосига миниб жўнабди. Маъбуда Лакшмийнинг улови Бойўғли бўлса, Сарасваътийники Оққуш экан. Улар иккаласи ёнма-ён Осмон бағрига сингиб кетибди. Шу тариқа ҳар ким ўзи ўрганган, ўзи фойдаланиб юрган уловидан пойгани бошлаб кетибди.

Фақат Шанкарнинг яна бир ўғли Ганеш жийгина жойидан қимирламабди. Шунда Бриҳаспати ундан:

— Сен нега турибсан? Пойгага нега қўшилмадинг? — деб сўрабди.

Ганеш жий кулиб туриб шундай жавоб берибди:

— Олампаҳоқ, уларнинг уловини ўзингиз кўрдингиз, ҳам-малари бир-биридан учқур, тезюрар, шитобкор уловларга миниб, Осмонни забт этгани чиқиб кетишди. Менинг уловим эса жуда ночор, кичкина, кўримсиз. Ахир Сичқон уларнинг олдида улов сонига ўта олармиди?

— Бундан чиқдики, Осмонни айланиб келиш ниятинг йўқ экан-да? — дебди Бриҳаспати Ганешга қараб. — Энг улуғ тангри бўлишни хоҳламайсанми?

— Хоҳлашга-ку хоҳлайман, устоз.

— Бўлмаса, ҳаракатингни қил.

— Ҳаракатим бор, мана, ҳозир кўрасиз, — дебди Ганеш жий ва даст ўрнидан турибди. Кейин ерга отаси билан онасининг исмини чизиб ёзибди-да, Сичқонни миниб, исмлар теварагидан бир айланиб чиқибди.

Бриҳаспати буни кўриб, суюнганидан қичқириб юборибди:

— Офарин! Сен ақлу фаросатинг билан қолган ҳамма тангриларни мот қилдинг. Энг улуғ тангри сен бўлдинг!

Одамлар ҳам воқеани ўз кўзлари билан кўриб, томоша қилиб туришган экан. Лекин бунинг маъносини ҳадеганда тушунишмабди. Ҳалиги чол қўлларини қовуштириб, Бриҳаспатига мурожаат қилибди:

— Маҳорож, ахир Ганеш жий Осмонни айланиб келмади-ку. Ҳатто ердан бир қарич кўтарилгани ҳам йўқ. Қандай қилиб энди у улуғ тангри бўлиб қўя қолди?

Буни эшитиб, Бриҳаспати кулиб юборибди. Кейин ётиги билан тушунтириб шундай дебди:

— Оғайни, ҳаммамизга кундай равшанки, оламда Осмондан буюк, Осмондан катта, Осмондан кенг ва бепоён нарса йўқ. Тангрилар рожаси Индра ҳаммани Осмон пойгасига қўйганининг боиси ҳам шунда эди. Бироқ Осмондан ҳам катта, Осмондан ҳам улуғ ва табаррук нарса борлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмабди. Буни бизга ҳозиргина Ганеш жий маълум қилди. Ахир, ота-онадан ҳам улуғроқ, табаррукроқ, буюкроқ зот борми? Зинҳор ва зинҳор бўлиши мумкин эмас! Ўзининг ўтқир зеҳни, теран ақли, зўр фаросати билан Ганеш жий ҳамма тангрию маъбудаларни мот қилди. Мен тантанаю асъаса билан бутун оламга маълум қиламанки, тангриларнинг улуғи Ганеш жий бўлади. Бугундан бошлаб кимки тоат-ибодат қиладими, сажда қиладими, сиғинадими, муножот қиладими, энг аввал тангри Ганеш номини шафе келтириб, дуо ўқисин!

Тангри ва маъбудалар ҳориб-толиб, ҳансираб бир-бир Осмон пойгасидан қайтиб кела бошлабдилар. Бироқ келишлари билан тарвузлари қўлтиқларидан тушиб, сувга бўккан нондек бўшашиб қолаверибдилар. Марра бошида савлат тўкиб Ганеш жий турар — энг улуғ тангри деган шарафли номга сазовор бўлиш унга насиб қилган экан.

— Бизлар бориб аввал тангри Ганешга ибодат қилайликми? — деб сўрабди чол ҳамон кўзларига ишонмай.

— Ҳа-да!

Одамлар Ганеш томон ёпирилиб келибди ва унинг оёғига бош уриб сиғина бошлашибди. Аввалига унинг ота-онасига шунчалик меҳрибонлигидан суюнишса, яна улуғ номга сазовор бўлганидан эътиқодлари икки баравар ошибди.

Ҳамма жойда одамлар аввал тангри Ганешга сиғинишининг сабаби шу экан.



## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Бир мамлакатда бир рожа бўлган экан. Рожа бўлганида ҳам айтгани айтган, дегани деган экан. Бўлмасам-чи, хазиnasiда олтин-кумушлар, дуру жавоҳирлар ҳеч ерга сиғмас экан, на бирон нарсага муҳтожлик сезар ва на биронта ташвиши бор экан. Саройидаги вазиру вuзародан тортиб мулозим-югурдакларгача унинг амр-фармонига шай, хизматида ҳозир, ҳукмига кечаю кундуз қундуз қулоқлари динг экан. Каттаю кичик ҳамма унинг оғзига маҳтал экан, бир им қоқса кифоя экан, айтгани уёқда турсин, ўйлагани ҳам ўша заҳоти муҳайё экан. Шундай бўлгандан кейин нимадан ташвиш чексин? Ана шунақа беармон рожа экан у.

Нима бўлибди-ю, бир куни рожа ўтириб-ўтириб ўзича: «Бир шу кароматгўйликни ўргансам-чи», деб орзу қилибди. У ҳамма билимлар ичида кароматгўйликни юқори қўяр экан, бу билимдан бохабар кишининг бошига сира кулфат тушмайди, ҳамма нарсани олдиндан билиб, эҳтиёт чорасини кўриб юради, деб ўйлар экан. «Қандай ажойиб нарса бу кароматгўйлик! Ҳамма вақт жонинг тинч бўлади, келгусидаги яхши-ёмон барча ишлар сенга олдиндан кундай равшан бўлиб туради. Шунинг учун вақти ғаниматда шу илмни ўрганиб олай».

Рожанинг кўнглига келган иш амалга ошмай қолмас экан. Шу заҳотиёқ у вазирни чақириб дилидагини унга баён қилибди. Вазир қулоқ қоқмай хазиnasiдан керагича олтин-кумуш олибди-да, кароматгўйликка оид бир қанча қимматбаҳо китобларни топиб, рожанинг олдига қўйибди. Рожа бир қанча устоз кароматгўйларни саройига чақиртириб, улардан сабоқ

ўрганишга киришибди, гоҳ устозларидан сўраса, гоҳ ҳалиги китоблардан ўқиб, саводини ошира бошлабди. Устозлар кучли, бир-биридан ноёб китоблар муҳайё бўлгандан кейин қолгани нима гап экан, тез мударат ичидаёқ ҳам қароматгўйликни, ҳам кафтдаги чизиқларга қараб ром очишни ўрганиб олибди. Энди рожа ҳамма нарсани олдиндан билиб турар экан. Шундай бўлгандан кейин тагин нима армони бор? Рожанинг кўнгли хотиржам бўлиб, аввалгидан ҳам бемалолроқ давлатини бошқаришда давом этибди.

Нима бўлибди-ю, бир куни рожа қароматгўйликка оид бир китобни ўқиб ўтирган экан, кўзи қуйидаги сатрга тушибди: «Қароматгўй тақдирга ёзилганни олдиндан айта олади-ю, лекин уни ўзгартира олмайди».

Рожага бу гап ғалати туюлибди. У ўйлабди: «Ҳамма нарса ҳаракатга боғлиқ, одам астойдил бир нарсага киришса, ақл билан иш тутса, удаламай қўймайди. Ахир, мен рожаман-ку! Нима хоҳласам, шунини қиламан. Қисматга ёзилганни ўзгартириш мен учун нима гап экан!»

Шу пайт ташқаридан қоровулнинг овози эшитилибди. Рожа шошиб ўрнидан турибди. Эшикни очиб, ташқарига қарасаки, ростдан ҳам қоровул Рому шу ерда айланиб, саройни қўриқлаб турган экан. Рому болалигидан саройда хизмат қилиб келар экан, жуда ҳалол, инсоф-диёнатли одам экан. Рожа уни ичкарига чақирибди ва ёруқча олиб келиб, унинг кафтини қарабди. Кафтидаги чизиқлардан шу нарса маълум бўлибдики, Рому бир умр пул-давлатга ёлчимай ўтар экан, ғариблик унинг сўнгги нафасигача ҳамроҳлик қилар экан.

Рожа кулиб қўйибди. «Мен Ромуни бадавлат қиламан, унинг қисматини ўзгартириб юбораман», деб ўйлабди у ўзича гурур билан.

Шуларни ўйлаб рожа дарҳол қўлига қалам-қоғоз олибди-да, тез-тез бир мактуб битибди. Мактубни жилдга ўраб, муҳрлабди ва Ромуга тутқазиб, шундай дебди:

— Мана шу мактубни олиб, Ромпурга жўна ва уни Ромпур ҳокимига топшир.

Ромунинг ҳеч бир гапдан хабари йўқ экан. Шунинг учун рожанинг буйруғини эшитиб, нафаси ичига тушиб кетибди. Бу пайтда тун яримлаб қолган, ҳаво ҳам жуда совуқ экан. Шу аҳволда Ромпурга бориш... Худо кўрсатмасин! Ромпур дегани қаёқда ётибди? Зим-зиё тун бўлса, қаҳратон совуқда шунча узок йўлга ҳам бориб, ҳам келиш... Қандай азоб!

Рому кўнглида қаттиқ хафа бўлиб, тек туриб қолибди. Тўғриси, рожадан сира бунчалик жаҳли чиқмаган экан. Ундан бошқа одам қуриб кетганмиди? Отлиқ сарбозларидан бирини жўната қолмайдими. Отда Ромпур нима деган йўл — югуриб

боради, югуриб келади, қарабсанки, кўз-очиб юмгунча иш битиб турибди.

Лекин рожа буйруқ бергандан кейин ундан бўйин товлаб бўларканми? Рому аста қўлини чўзиб, мактубни олибди. Кўнгли вайрон бўлиб:

— Бош устига: маҳорож... айтмоқчи, ҳозир боришим керакми ё... — деб сўрабди овозини зўрға чиқариб.

— Албатта ҳозир-да, шу дақиқада! — дебди рожа бошини ирғаб. — Мана бу сенга йўл харжи, ма ол, йўлда у-бу тамадди қилиб оларсан.

Шундай деб рожа ҳамёнидан уч-тўртта кумуш танга чиқариб, Ромуга тутқазибди. Рому тангаларни олибди-ю, ичида сўкинганича ташқарига чиқиб кетибди.

У ич-ичидан ғазабланиб, куйиб-пишиб кетиб бораётган экан, рўпарасидан қўшниси Жўровар чиқиб қолибди.

Жўровар билан Рому иккаласи болаликдан дўст экан. Ромунинг хомуш кетаётганини кўриб, дўсти сўрабди:

— Нима гап, Рому дўстим? Сен саройда қўриқчилик қилардинг-ку, буёқларга не юмушлар билан келиб қолдинг?

— Ишлар пачава, — дебди Рому баттар зардаси қайнаб. — Э, Жўровар оғайни, билмайман кейинги пайтларда бу рожага нима бўлган. Баъзида шунақа ғалати буйруқлар берадиган бўлиб қолган-да!

— Хўш, бугун қанақа буйруқ берди?

— Қанақа бўларди, шундоқ бемаҳалда Ромпур рожасига бориб мактуб топшириб келармишман...

— Бунинг нимаси ғалати экан? — сўрабди Жўровар ҳайрон бўлиб.

Ромунинг баттар жаҳли чиқиб кетибди.

— Ғалати бўлмай нима тагин? Кўрмаяпсанми, шундай бемаҳал, ярим тунда-я! Бунинг устига совуқни қара, суякни қақшатиб юборяпти.

— Шунга шунчами, Рому, — дебди Жўровар тасалли оҳангида, — ҳа, энди хизматчиликда бўлади-да.

— Хизматни битта менга чиқарганми? — Рому зарда билан жавоб қайтарибди. — Ана, саройда гиж-гиж хизматкор, югурдак. Ё бўлмаса биронта суворий-муворийга айтса ҳам бўлар эди-ку.

— Ҳа, энди рожа сенга букорибди-да, Рому, — деб ётиғи билан тушунтирибди дўсти. — Сендай бир бўз йигит шу хизматдан оғриниб турса, уят бўлади, оғайни. Қолаверса, сен ўзингни бошқалар билан тенглаштира. Ҳар ким ўзини билгани, ўз ишини билиб қилгани яхши. Буёғини ўйласа, сенга барибир эмасми, совуқда саройни қўриқлаб туни билан ҳовли айланиб чиқдинг нима-ю, йўл юриб, Ромпурга бориб келдинг нима.

— Сен ҳам, Жўровар дўстим, ҳеч нарсага ақлинг етмайди. Ахир бу ерда ким сарой қўриқлаб, ҳовли кезади дейсан? Бу ер шоҳ саройи эканини ҳамма билади, сарбозу мулозимлар, суворию аскарлар кечаю кундуз шай турса. Бу ерга ўғримликка киргани кимнинг юраги бетлайди? Саройдагилар уйқуга кетиши билан буёқдан биз ҳам бир бурчақда таппа ташлаб уйқуга кетамиз.

— Ие-ие, Рому, бу гапларинг жуда чакки бўлди-ку, — дебди Жўровар тилини тишлаб. — Ахир шундай қилишинг яхши эмас-да.

— Бўпти-бўпти, насиҳатингни чўнтагинга солиб қўй, — дебди Ромуга дўстининг гапи айил ботиб. — Ундан кўра менга маслаҳат бер, қандай қилсам Ромпурга боришдан қутуламан?

— Сенга нима бўлган ўзи, Рому? — дебди Жўровар баттар таажжубланиб. — Ишларинг бири-биридан номақбул. Ҳозиргина ўзинг айтдинг, ҳар куни бир бурчақда таппа ташлаб, уйқуни урамиз деб. Бугун энди арзимаган юмуш чиқиб қолибди-ю, шуни ҳам бажармасанг, буёғи қанақа бўлади? Ахир, дангасалик ҳам сал эви билан-да, оғайни.

Ромуни уйқу элитмоқда экан. Совуқдан тишлари такирлаб кетибди. Бадани қалт-қалт титраб, шундай жавоб қайтарибди:

— Дўстим, ҳадеб насиҳат беравермасанг-чи. Ахир қиёматлик дўстлармиз, дўст эса бошга иш тушганда билинади. Тўғрисини айтсам-чи, сенинг бир ёрдаминг керак бўлиб қолди. Хўп дейсанми?

— Қанақа ёрдамим керак бўлиб қолди?

— Кулоқ сол, дўстим, йўл харжи, чой пули деб рожа менга бир оз кумуш танга-чақа берган эди. Уша пулларни сен ол-да мана шу мактубни Ромпур ҳокимига топшириб кел. Йўқ дема, Жўровар дўстим, бу яхшилигингни ўла-ўлгунча эрдан чиқармайман.

Жўровар кулиб туриб, шундай дебди:

— Дўстлигимиз ҳурмати бу илтимосингни бажаришга тай-ёрман. Лекин дангасалик ҳам сал эвида бўлсин.

— У ишларни қўявер, дедим-ку, оғайни, — дебди Рому дўстининг гапини бўлиб. — Мана бу тангаларни ол. Қани, оғайни, оёқни қўлга олгин-да, учиб бориб, учиб кел.

Жўровар мактубни олибди-да, ортиқ гапини чўзиб ўтирмай, Ромпурга қараб йўл олибди.

Ромпур ҳокими мактубни очиб ўқибди ва суюниб кетибди. Ахир, рожа тенг ярим ҳокимиятини унга инъом қилади-ю, суюнмай бўладими?! Қизи рожага келин, ўзи у билан қуда бўлади! Ҳоким сапчиб ўрнидан турибди-да, Жўроварнинг истиқболига чиқибди. Бирпасда чўрию канизлар жам бўлиб, суюнчли хабар олиб келган азиз меҳмонни иззат-икром қила бошлашибди.



Жўровар аввалига саросимага тушибди, таажжуб билан ҳадеб ҳокимнинг юзига тикилиб қарайверибди. Бироқ ҳоким унга мактубдаги гапни тушунтириб бергандан сўнг ваҳимага тушиб кетибди. Нима қилишини билмай, жуда боши қотибди. Мактубни рожа бошқа бир кишидан бериб юборганини у қандай айтади? Ҳаммадан ёмони шундаки, тўғриси айтгудек бўлса, Рому сўзсиз жазога тортилади.

Барибир Жўроварнинг виждони йўл қўймабди. Гапнинг тўғриси айтишга аҳд қилиб, ҳоким билан гаплашиш учун қулай пайт қидира бошлабди.

— Қўявер, — дебди меҳмоннинг мақсадидан беҳабар ҳоким унинг сўзларига парво қилмай. — Қолган гапни мавриди билан гаплашаварамиз. Аввал рожанинг буйруғини адо этишимиз даркор. Ана, никоҳ ҳам бошланиб қолди!

Қанақа никоҳ? Бу гапнинг тагига етаман дегунча Жўроварни ҳаммомга олиб киришиб, яхшилаб чўмилтиришибди, бош-оёқ заррин либослар кийдиришиб, ҳокимнинг олдига олиб чиқишибди! Ҳоким ўша заҳотиёқ қизини Жўроварга никоҳлаб, тўйни бошлаб юборибди.

Уёқда Рому мактубни Жўровардан бериб юборибди-да, уйига бориб, маза қилиб уйқуни урибди.

Тонг отибди. Рому уйқудан уйғонибди. Юз-қўлини ювибди. Нонушта қилибди. Дангаса эмасми, уни яна уйқу элтибди. Ётиб ухлабди. Шундан кейин кечга яқин уйғонибди ва шошапиша саройга жўнабди.

Рожа эса Рому ҳақида бутунлай бошқа хаёлда экан. Ромпур ҳокими унинг мактубини олиб, Ромуга роса зиёфат қилиб сийлайди, кейин қизини никоҳлаб, куёв қилиб олади, бир неча кун ёнида олиб қолиб, ундан кейин куёвига қизини қўшиб, тантана билан кузатиб қўяди, деб ўйлаётган экан. Рому қайтиб келгандан кейин ҳокимиятининг ярмини унга бераман, шу билан унинг кафтидаги чизиқлар маъносини ўзгартираман, деб ўйлаган экан.

Лекин эртасига қоровулликда турган Ромуни кўриб, рожа ҳайрон бўлибди.

— Сен мактубни Ромпур ҳокимига элтиб бердингми? — деб сўрабди у шошиб.

Рому ўзини рожанинг оёғига ташлабди. Қўлларини қовуш-тирганча дебди:

— Мени афв этсинлар, муҳтарам рожа, кеча энди йўлга чиқай деб турганимда тобим қочиб қолди. Шунинг учун уёққа ўзим боролмадим.

— Хўш, мактуб қани?!

Рому бошини рожанинг оёғига уриб дебди:

— Маҳорож, ҳойнаҳой бу муҳим мактуб бўлса керак, бўлмаса маҳорож уни ярим тунда юбормас эдилар, деб

ўйладим-да, мактубни бир дўстимдан бериб юбордим.

Рожанинг қаттиқ жаҳли чиқибди. «Мен бу шўрликка раҳм қилиб, тақдирига ёр бўлмоқчи эдим, лекин бошқа бир одамнинг тақдирига ёр бўлдим. Ҳоким энди мактуб олиб борган одамни куёв қилиб, қизини никоҳлаб беради. Қайтиб келганидан кейин салтанатимнинг ярмини унга беришга мажбурман. Ҳокимга битган мактубимда мен шуларни ваъда қилган эдим. Энди ваъдага вафо қилмасам, номардлик бўлади. Лекин мана бу Рому ўша-ўша қашшоқлигича қолади. Шунга айтар эканлар-да, тақдир деб...» дея узоқ ўйга толибди.

Бироқ тақдирга ёзгани муқаррар бўлаверса, рожанинг аҳди нима бўлади? Ахир, у қисматни ўзгартираман деб ўзига-ўзи сўз бериб қўйган эди-ку. Ахир у рожа, истаган нарсани қилишга қодир. Агар мана бу тентак Рому ишни бузиб қўймаганда, айтгани бўлмай қолмасди...

Шунда ҳам рожа осонликча таслим бўлишни истамабди. У ўйлабди: «Майли, бу гал Ромунинг хатолиги билан иш пачава бўлди, бироқ мен ҳам уни бой қилмагунимча қўймайман!»

Бир оз ўй суриб тургандан кейин рожа яна Ромуни чақирибди.

— Касал бўлиб қолганингга қарамай, менинг буйруғимни охирига етказганингдан хурсандман, — дебди у сир бой бермай. — Хизматингга яраша тақдирлашим жоиз. Бирпас тура тур.

Рожа ичкарига кириб, бир каттакон тарвуз сўраттирибди. Тарвузни чақмоқлаб, туйнук очибди-да, у ердан ичидаги ҳамма мағзини чиқариб ташлабди. Тарвузнинг бўшаган ичига қимматбаҳо дур-гавҳарлару олтин-кумушлар солиб, тўлдирибди. Чақмоқланган жойини яна билинмайдиган қилиб бекитибди-да, кўтариб ташқарига олиб чиқибди.

— Мана буни ол, — дебди у тарвузни Ромуга тутқазиб. — Бу мендан сенга совға. Буни тезда уйга олиб бориб, сўйиб еб, бир маза қил. Бугун хизматингдан ҳам озодсан.

Рому тарвузни кўтариб, уйга равона бўлибди.

Рожа эса ўз кўнглида роса суюнибди: «Охири қисматга ёзилганини ўзгартирдим-ку! Бу сафар Ромуга қўлига давлатни ўз қўлим билан топширдим. Унинг пешонасига қашшоқликдан боши чиқмайди, деб ёзилган, лекин мен уни бадавлат қилдим, тақдирини ўзгартирдим».

Лекин уёқда Ромунинг миясида бошқача ўйлар чарх ураркан: бир кунга хизматдан озод этилгани яхши бўлди, ҳар қалай бир кун тўйиб ухлаб олади, бироқ совғага рожанинг тарвуз бергани алам қилибди. Йўл-йўлакай ўзича шундай дер эмиш:

— Номи рожа бўлгани билан ўзи ўлгудай зиқна одам. Хурсанд бўлганида олтин-кумуш, дур-гавҳар инъом қиладиганни рожа дейди-да! Буни қаранглар, шунча хурсанд бўлса ҳам

эвазига бор-йўғи битта тарвуз совға қилди-я. Ким билади, туравериб, ичи тушиб, пўла бўлиб кетган бўлса, кел, шуни совға қилиб қўя қолай, деб ўзига мартаба билган. Хотиним кўриб, гапирадиганини гапиради ҳали, келиб-келиб рожанг сенга шуни совға қилдими, дейди.

— Ҳа, ўзи нима гап, Рому, ўзингизча нималар деб кетяпсиз?

Рому қайрилиб қарабди. У билан изма-из қўшниси Бҳўла баққол келаётган экан. Баттар фиғони ошиб, шундай дебди:

— Ҳеч нима деганим йўқ, Бҳўла. Мана бу катта-катта рожа-маҳоржоларнинг феъли ҳам ғалати бўлади-да.

— Ҳа, ўзи нима гап? — сўрабди Бҳўла қизиқсиниб.

— Нима бўларди, дейсан, Бҳўла, — дебди Рому бошини лоқайд чайқаганча, — кеча бир хизмат кўрсатган эдим. Бундан рожа жуда хурсанд бўлиб, сенга бир ажойиб совға қиламан, деди, мана, кўриб қўй рожанинг совғасини! Тарвуз! Ким билади, саройда қачондан бери ётганинкин. Ҳай аттанг, аттанг, бообрў рожа бўла туриб, шунчалик паст кетиш... Э, нимасини айтасан бунинг...

Бҳўла асли насли баққол одам эмасми, бирдан ҳушёр тортибди. Модомики, рожа тарвуз совға қилибдими, унда бир ҳикмат бўлиши керак, деб ўйлабди у. Қандай қилиб бўлса ҳам тарвузни Ромунинг қўлидан олиш керак. Ўзича бир найранг ўйлаб, у шундай дебди:

— Гапинг жуда тўғри, Рому, кирои совға деб бергандан кейин олтин-кумушми, дур-жавоҳирми бўлиши лозим эди. Шундай катта рожа бўла туриб, қўлингга бор-йўғи битта тарвузни тутқазиб қўйса-я! Эшитганлар, «Рожа Ромуга битта тарвуз совға қилибди», деб кулмайдими.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да, Бҳўла, — дебди унга сайин куйиб-пишиб Рому. — Энди тананга ўйлаб кўр, уйга бориб бола-чақамга, «рожа хурсандчилигидан менга шу ириган тарвузни совға қилди», деб қайси юз билан айтаман?

— Ҳа, биродар, жуда уят иш бўлибди, — дебди Бҳўла бошини чайқаб, — тарвуз ростдан ҳам ириганга ўхшаяпти. Ундан кўра... Яхшиси бундоқ қил, тарвузни менга сотиб қўя қол. Икки рупия бераман. Уйда эчкимга тўғраб берсам, жониворнинг бир қорни тўяди. Уйга ириган тарвузни кўтариб кирганингдан кўра икки рупия пул олиб борганинг маъқул эмасми? Хотинингга берсанг, хурсанд бўлади.

Унинг гапини эшитиб, Рому суюниб кетибди: Бҳўла ўзи аҳмоқ, бўлмаса шу ириган тарвузни икки рупияга сотиб олармиди? Буёғи билан нима ишим бор, хонаси келганда фойдаланиб қолай, бир ириган-чириган тарвузни уйга кўтариб бораманми? Бунақа овсар харидор юз йилда бир учрайди. Шунинг учун иссиғида икки рупияни олай-да, тарвузни Бҳўланинг қўлига топшириб, тезроқ уйга жўнай».

Рому шундай қилибди.

Анчадан кейин Рому нима баҳона билан қўшниси Жўровар-никига ўтибди. Унинг уйига кирибди-ю, ҳайратдан оғзи очилиб қолибди. Не кўз билан кўрсинки, умрида эғни кийимга ёлчимаган Жўровар зар-зевару олтин-кумушларга чирмалиб, шаҳзода либосида ўтирганмиш. Жўровар ҳамма гапни бир бошдан гапириб бериб, шундай дебди:

— Рому, дангасаликнинг оқибати шунақа бўлади! Агар дангасалик қилмай, Ромпурга мактубни ўзинг олиб борганингда ҳам уйланиб олган бўлардинг, ҳам рожанинг ярим салтанатига эга бўлардинг.

Рому чуқур қайғуга ботиб, сочларини юлибди, роса пушаймон бўлибди. Кейин ўйлай бошлабди: «Ким билсин, рожа менга тарвуз совға қилувди, балки унда ҳам бир сир бўлса керак! Ахир шундай катта рожа бўлатуриб, шунақа оддий бир нарса совға қилармиди? Ҳойнаҳой, шу тарвузда бир гап бор!»

У ҳовлиққанча Бҳўланинг уйига жўнабди.

Уёқда Бҳўла уйга келибди-ю, дарров тарвузни сўйибди. Тарвуз ичидаги қимматбаҳо тошлару зар-зеварларни кўриб, қувонганидан ўйинга тушиб кетибди. У ёмбиларнинг ҳаммасини олиб, авайлаб темир сандиққа жойлабди ва сандиқни қулфлаб қўйибди. Рому кириб келганда у уч-тўрт қўшнилари билан ўтириб, бир данғиллама ҳовли қуриш ҳақида гаплашаётган экан. Савдогарлик қилиш нияти ҳам борлигини айтибди. Бирданига шунча мол-дунёга эга бўлганидан унинг димоғи осмонда экан.

У Ромуга қайрилиб ҳам қарамабди. Рому ҳадеб йиғлаб-сиқтайверган экан, Бҳўла хизматкорини чақириб, уни уйидан ҳайдаб чиқарибди.

Рому иккала қўлини бурнига тикқанча уйига қайтиб келибди.

Жўровар ҳамма гапни эшитиб бўлгандан кейин шундай депти:

— Сен жуда боқибегамсан, Рому. Биринчи гал рожа сенга марҳамат кўрсатганда ўзинг дангасалик қилиб, омадни қўлдан бердинг. Кейинги гал ҳам тарвузни тўлдириб, дур-гавҳар инъом қилди. Агар сен ўзинг ақл билан иш тутганингда тушунган бўлардинг. Ахир рожанинг нимадан ками бор эдики, келиб-келиб сенга тарвуз совға қилса? Модомики, тарвуз совға қилдими, бунда бир гап бўлса керак, деб ўйлашинг керак эди. Йўқ, бунинг ўрнига сен дур-жавоҳир тўла тарвузни сув текинга бировга сотиб юбординг.

Рому ҳам шуларни ўйлаб, тобора юрагини ғам кемира бошлабди. Пешонасига шап уриб шундай дебди:

— Гапларинг тўғри, Жўровар. Бундан кейин ўйлаб иш тутганим бўлсин. Дангасаликка келганда... қасам ичиб айтаманки, буни буткул ташлайман.

Эртасига Рому яна саройга қўриқчилик қилгани борибди. Уни кўриб, рожа ҳайрон бўлибди. Шунча бойликни кўриб, Рому роса суюнса керак, данғиллама уй қуриб олади, қоровулликни ташлаб савдогарлик қила бошлайди, деб ўйлаган экан. Бироқ... Рому шумшайиб, қовоқлари осилиб тураверибди.

Рожа Ромуни ёнига чақириб сўрабди:

— Хўш, Рому, тарвузни сўйдингми, ширин чиқдими?

Рому чуқур оҳ тортиб дебди:

— Кеча тўсатдан озгина пул жуда керак бўлиб қолганди, тақсир. Уша тарвузни шартта Бҳўла баққолга сотиб қўя қолгандим.

Рожа сапчиб тушибди.

— Сотдим дейсанми? Неча пулга?

— Икки рупияга, тақсир...

Рожа ич-ичидан афсусланибди. «Қисматни ўзгартирмоқчи бўлиб қилган шунча ҳаракатларим қаёқда-ю, қашшоқ Ромунинг бу аҳмоқона қилиқлари қаёқда! Мен уни бой қилмоқчи бўлиб юрибман. Бу бўлса ишнинг пачавасини чиқаргани-чиқарган. Йўқ, кимсан, бутун бошли бир салтанат рожасан! Нимани истасам, шу бўлиши керак! Ҳамма нарсага етган дастим, наҳотки шу бир Рому камбағалга келганда калталиқ қилади? Қисматни ўзгартиришга, наҳотки қурбим етмайди?» Рожа жаҳлдан бир оқариб, бир кўкарибди. Оббо, бадмаош, ифлос қоровул-ей, одамни шунчалиқ ҳам овора қиладими?

Рожа анчагача ўйга толибди, кейин Ромуга «шошмай тур», дегандек ишора қилиб, ичкарига кириб кетибди.

Суюнганидан Ромунинг юраги ҳапқириб кетибди. Кўнглида: «Рожа бугун ҳам қандайдир баҳона билан менга бойлик бериши аниқ. Бу сафар ўла қолсам ҳам аҳмоқлик ё дангасалиқ қилмайман. Рожа қандай буйруқ берса, шундай адо этаман», — деб ўйлабди.

Ичкаридан чиқиб келиб, рожа унга бир мактуб тутқазибди-да, шундай дебди:

— Бу мактубни олиб, бетўхтов сипоҳсоларга етказ! — Сипоҳсолор мактубни очиб ўқибди. Унда қуйидаги гаплар битилган экан: «Мана шу одам дунёдаги энг аҳмоқ ва дангаса одамдир. Уни тутиб, шу заҳотиёқ зиндонга ташла».

Рожанинг буйруғига ким итоат этмайди дейсиз? Сипоҳсолор иккита сипоҳийга ишора қилган экан, улар Ромунинг кўлларига кишан солиб, ўша ондаёқ зиндонбанд қилишибди.

Рому зиндонда ўтириб, ўзининг аҳмоқлиги ва дангасалигидан минг-минг пушаймон ея бошлабди.

Жўровар бу хабарни эшитиб, қаттиқ хафа бўлибди. Шу дўстининг шарофати билан у ярим салтанатга эга бўлган эди, энди унинг бошига кулфат тушганда индамай қараб тура

олармиди! У шартта филга минибди-ю, рожага учрашгани саройга йўл олибди.

Рожа энди уни ўзи билан баравар санаб, жуда иззат-икром билан қарши олибди. Истиқболига чиқиб, қучоқлашиб кўришибди ва тирсагидан тутиб, махсус келтириб қўйилган тахтга ўтқазибди.

Жўровар рожага Рому ҳақида оғиз очибди.

Рожа шундай депти:

— У ўтакетган ярамас, дангаса одам. У шундай жазога лойиқ эди. Энди у тўғрисида ўйлашнинг ҳам кераги қолмади. Қисматга ёзилгани бўлади, деганига мен юз фойиз ишондим. Унинг тақдирини ўзгартиришга менинг кучим етмас экан.

Жўровар одоб билан дебди:

— Мана кўрдингизми, жаноби олийлари, шундоқ катта рожа бўла туриб, сиз ҳам тақдирга тан бердингиз. Тақдир, барибир, тақдир экан-да! Мен сизга айтсам, маҳорож, тақдир, қисмат, кафтдаги чизиқлар ғирт хурофотдан бошқа нарса эмас.

— Энди қанақасига ўз оғзим билан «ёлғон» дейман! Ахир бари кўз ўнгимда содир бўлди-ку. Йўқ, хурофот эмас, айна ҳақиқат. Рому умрбод камбағаллигича қолаверади.

Жўровар дебди:

— Юрт эгаси сиз шунақа умидсиз бўлсангиз, аҳли фуқародан, раиятдан не умид, маҳорож! Тўғри, жаҳлингиз чиққанича бор, лекин бундоқ дўппини ерга қўйиб ўйлаб кўринг. Шунда Рому ўзининг аҳмоқлиги ва дангасалиги жабрини тортаётганига ишончингиз комил бўлади. «Қисматга битилган» деган гаплар ғирт ёлғон. Чунки, меҳнат қилган, бели оғриган одам ҳеч қачон доғда қолмайди, истаган нарчасига эриша олади.

— Эриша олмайди! Тақдирга ёзгани бўлади!

— «Тақдир» деганлари ёлғон, маҳорож, — дебди Жўровар.

— Хўш, бу гапингни исботлай оласанми?

— Ҳа, маҳорож, исботлайман. Менга муҳлат беринг. Ромуни озод қилинг. Олти ой ичида гапимнинг ростлигини исботлаб бераман.

— Борди-ю, исботлай олмасанг-чи? — иккиланиб сўрабди рожа.

— Майли, унда истаган жазонгизни беринг.

— Бўпти.

Рожанинг ҳукми билан Рому зиндондан озод этилибди.

Ромунинг тақдирини ўзгартираман деб рожа давлат ишларини ҳам унутиб қўяёзган экан.

Бир куни тўсатдан қўшни рожа катта лашкар тортиб, бу рожа устига бостириб келибди. Қўққисдан бошланган ҳамла ҳамманинг эсхонасини чиқариб юборибди. Бироқ Жўровар ўзини йўқотмабди. Душманни даф қилишни ўз зиммасига олибди.

Жўровар жангда ғолиб чиқибди. Мағлуб рожани ҳибсга олибди ва кишан солиб, бу рожа саройига келтирибди.

Ғолиб рожа мағлуб рожага қараб шундай савол берибди:

— Сенинг лашкаринг бизникидан икки баравар кўп эди. Қандай қилиб енгилиб қолдинг?

Мағлуб рожа бошини чайқаб жавоб қайтарибди:

— Маҳорож, гапингиз тўғри, лашкаримиз икки баравар кўп эди, бироқ аскарларимнинг кўпи дангаса ва аҳмоқ эди. Рақибимиз, яъни сизнинг лашкарингиз икки баравар кам бўлса ҳам, сатта сара ва ботир йигитлар экан, айниқса лашкарингизга бош бўлган сипоҳсолорингиз бағоят тадбиркор ва доно киши экан, исми ҳам жисмига монанд — Ромсинҳ!

— Сипоҳсолор Ромсинҳ?! — Рожа ҳайрон бўлибди. Кейин Жўроварга қараб дебди: — Бу қанақа сипоҳсолор бўлди? Шу пайтгача бундай одамнинг исми қулоғимизга чалинмаган эди-ку?

Жўровар им қоққан экан, бир аскар олдинга чиқиб, рожага таъзим қилибди.

— Ие, Рому, сенмисан? — ҳайратдан рожа кўзларини катта-катта очиб сўрабди.

— Ҳа, маҳорож! — дебди Жўровар кулиб. — Дангасалиги ва аҳмоқлиги азобини тортгандан кейин аввалги Ромудан асар ҳам қолмади. Ҳозир менинг энг тадбиркор ва жасур ҳарбий қўмондоним шу Ромсинҳ бўлади. Мана, ҳозиргина ўз кўзингиз билан кўрдингиз, маҳорож, Ромсинҳ ўзидан икки баравар кўп лашкари бўлган душман қўшинини қандай чаққонлик билан ер тишлатди!

— Бундан чиқди, унинг тақдири ниҳоят ўзгарибди-да, шундайми?

— Ҳа, маҳорож, гапингиз тўғри, ақл билан меҳнат ҳар нарсага қодир! Тақдирини ўзгартириш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Ақлни пешлаб, кучини чоғлаб ҳаракат қилса, ҳар қандай одам бунинг уддасидан чиқади.

Рожа Жўроварнинг бўйнидан кучоқлабди. Уша куниёқ Ромсинҳни салтанатининг бош сипоҳсолори қилиб тайинлабди.





## АРЗОННИНГ ШҮРВАСИ ТАТИМАС

ир бойга хизматкор керак бўлиб қолибди. Лекин бой ростгўй, ҳалол, меҳнатдан қочмайдиган, гаҳ деса бошмалдоғига қўнадиган бўлсин-у, лекин кам ҳақ оладиганини хоҳларкан.

Қидириб-қидириб бой охири шундай хизматкорни топибди ҳам. Хизматкор чекка бир қишлоқдан келган экан, шунинг учун ўзига етганча содда, баёвгина экан. Лекин жуссаси бақувват, соғлом, тоғни урса талқон қилгудек экан.

Бой уни кўриб суюниб кетибди.

— Отинг нима, чироғим? — деб уни саволга тутибди бой.

— Бҳўлу, — деб одоб билан жавоб қайтарибди хизматкор.

— Ишламоқчимисан?

— Ҳа, жаноб.

— Қанча ҳақ сўрайсан? — деб бой дарров муддаога кўча қолибди.

Бҳўлу қишлоқда деҳқончилик қиларкан, лекин кейинги пайтларда деҳқончилик иш бермай қўйган экан. Қишлоқдошларининг кўпи шаҳарга келиб, шунақа хизматкорлик билан кун кўришар экан. Бҳўлу уларнинг оғзидан ҳар хил гаплар эшитаркан. Шаҳарда қилган хизматинг ерда қолмайди, насибанга яраша оласан, лекин ҳаммадан маза томони шундаки, агар хўжайин хурсанд бўлса, совға-саломларни аямайди, деб мақтаниб гапиришаркан улар.

Шундай гапларни кўп эшитиб, охири Бҳўлу ҳам ҳайт деб шаҳарга жўнаворган экан. Бойнинг ҳақ тўғрисидаги саволини эшитибди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолибди. «Ие, буёғи қандоқ



бўлди, — деб ўйлабди у, — энди нима қилдим? Қанча ҳақ сўрай? Тагин кўп сўраб юборсам-чи? Унда совға-саломлардан ҳам қуруқ қоламан, хизматдан ҳам маҳрум бўламан».

Узоқ ўй суриб тургандан кейин охири шундай деб жавоб берибди:

— Хўжайин, ўзлари қанчани маъқул кўрсалар, биз шунга рози.

Буни эшитиб бой жуда қувонибди. Худди шундай одамни қидириб юрган экан-да ўзиям. Кейин Бхўлуга қараб дебди:

— Қулоқ сол бўлмаса, чироғим. Ҳозирча сен қиладиган иш йўқ. Шундай бўлса ҳам хизматкорликка олмоқчиман. Еган-ичганинг, кийган-тутганингдан ташқари ойига беш рупия маош бераман. Кейинчалик ишни ўрганиб оласан, ўшанда маошингни ошираман.

Маош жуда оз эди, шундай бўлса ҳам Бхўлу рози бўлибди. У шундай хаёл сурибди: «Маошдан фойда йўқ. Ҳамма гап бойнинг совғасида. Мен аввал бойни хурсанд қилишни ўйлашим керак».

Шундай қилиб, Бхўлу бойникида хизмат қилиб юраверибди.

Кунлар ўтибди. Бой эрталаб азонда дўконга чиқиб кетар экан. Бхўлу эса туриб, ҳовли-жойларини йиғиштириб, саранжом-саришта қилар экан. Бекачга бирон нарса керак бўлиб қолса, бозорга тушиб, айтганини олиб келар экан. Кейин тушда дўконга бойга овқат олиб борар экан. Шундан кейин бекач ибодатхонага чиқиб кетар экан. Бхўлу эса бир ўзи уйда оёғини узатиб дам олиб ётар экан.

Бойнинг битта ҳам боласи бўлмагани учун ортиқча шовқин-сурон ҳам йўқ экан, ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит бўлиб, Бхўлунинг жони ҳузурда экан.

Бир куни бир воқеа рўй берибди. Бой дўконга чиқиб кетибди. Бекач овқатга уннай бошлабди. Қараса уйда туз қолмаганмиш. Рўзғорда нималар бўлмайди дейсиз, ўша кунлари пулдан ҳам сиқилиб қолган пайтлари экан. Энди овқат нима бўлади? Шундай катта бой савдогарнинг хонадони бўла туриб, овқатсиз қолишадими? Қўшненикига туз сўраб чиқишга эса орийат йўл қўймабди. Овқат қилиб, бойга олиб бормаса, тагин бўлмайди. Охири бекач Бхўлуни чақириб, шундай дебди:

— Оёғингни қўлингга олиб дўконга чоп, бойга айт, уйда туз қолмабди де.

Бхўлу ҳар қандай буйруққа ҳозир ушай экан. Бекачнинг гапини эшитибди-ю, зинғиллаб кетибди. Ҳарсиллаб дўкон эшиги олдида пайдо бўлибди ва бойга қараб:

— Бой ота, бой ота, бекач айтдиларки, уйда туз қолмабди, — дебди.

Бойнинг ёмон жаҳли чиқибди. Уша пайтда дўконда хари-

дорлар гавжум экан. Шунча одамнинг олдида Бҳўлу, уйда туз йўқ, деб ўтирибди-я! Эшитганлар, шундай бой бўла туриб, тузга ёлчимас экан, зиқналик ҳам эви билан-да, деб ўйламайди-ми?

Бир кўнгли шартта Бҳўлуни ишдан ҳайдасаммикан дебди, лекин шайтонга ҳай берибди. Шунча кам маошга хизматкорни яна қаердан қидириб топади? Сал ақлли бўлса, кўп маош талаб қилади. Бҳўлу унақа эмас, содда-баёв, шунинг учун ҳам озгина маошга ишлаб юрибди. Уни ҳайдашдан фойда йўқ. Майли, озроқ гўл бўлса бўлибди-да, чидайди, сал нарига бориб эси кириб қолар.

Бой ўрнидан турибди-ю, Бҳўлуни бир четга чақириб, бир-иккита аччиқ-чучук сўз айтибди, кейин ўгит оҳангида дебди:

— Бундан кейин уйдаги гапни бунақа бақириб айтма, секин имлаб, бир четга чақир-да, қулоққа айт! Уқдингми?

Бҳўлу бойнинг гапини эшитиб, ҳозиржавоблик билан:

— Хўп бўлади, бой ота! — дебди.

Бой тузга пул берибди, Бҳўлу қайтиб кетибди.

Бир кунни бекач ўғил туғибди. У Бҳўлуни чақириб, шундай дебди:

— Югуриб дўконга бор, бой отангга «ўғил кўрдингиз» деб хабар қил.

Бҳўлу хўп деганича ўқдай учиб кетибди.

Лекин бу сафар у олдинги аҳмоқлигини қилмабди. Бойнинг гапини дилига маҳкам жойлаб олган экан. Дўконга борибди-да, одоб сақлаб бир чеккада жим қараб тураверибди.

Бу пайтда бир қанча харидор билан бойнинг савдоси қизиб турган экан. Шунинг учун у ҳадеганда Бҳўлуни келганини пайқабди.

Туравериб оёғи толган Бҳўлу охири бойнинг диққатини тортиш учун бир-икки йўталибди. Шундагина бойнинг кўзи унга тушибди. Кўзлари тўқнаш келганда Бҳўлу мени хилватга бошляпти, деб ўйлабди ичида. Харидорларга, «бир оз сабр қилинглар, мен ҳозир келаман», дебди-да, Бҳўлуни олдига борибди.

— Нима гап ўзи, Бҳўлу, тинчликми?

Бҳўлу бойга яна ҳам яқинроқ келибди, оғзини бойнинг қулоғига олиб борибди-да, шивирлаб дебди:

— Бой ота, бекачим ўғил кўрдилар.

Бечора бой қариб қолган экан. Уйланганига шунча йиллар ўтган бўлса ҳам шу пайтгача фарзанд кўрмаган экан. Бой ҳам, хотин ҳам тирноққа зор эканлар. Узларини қаратмаган жой, қаратмаган табиб қолмаган экан. Мана, худо уларнинг оҳ-зорига етибди, ўғил ато этибди.

Қайсидир кунни бекач эрига, «яқинда фарзанд кўрамиз», деб қўйган экан, шундан бери эр-хотин хурсандчилик кунини

интиқлик билан пойлар эканлар. Фарзанд кўрсак, бутун шаҳарни чақириб зиёфат берамиз, деб келишиб бунга тайёргарлик ҳам кўриб қўйишган экан.

Лекин шундай қувончли хабарни мана бу беақл Бхўлу гўё ҳеч нимага арзимагандай, шунақанги бепарволик билан айтиптики, бу бойга жуда қаттиқ ботиб кетибди. Ғазаб билан бақирибди:

— Бу қандай бемаънилик, ҳой Бхўлу! Ҳой тентак! Уғил бола дунёга келади-ю, бу хушхабарни шунақа яшириб айтадими? Ахир аввал уч-тўрт машшоқ топмайсанми, йўл бўйи ўйинкулги қилмайсанми, қўшиқни ванг қўймайсанми!.. Ахир одамлар бойникида ўғил дунёга келганини шундан билмайдиларми?

— Мени кечиринг, бой ота, — дебди Бхўлу, қўлларини қовуштириб ёлворганча. — Энди бундай қилмайман, худди сиз айтгандай қиламан, хўжайин, бир сафар кечиринг.

Уғил кўрганидан бой деярли ҳушини йўқотиб қўйган экан, шунинг учун хурсандчилик кунда хизматкорини ортиқ койиб ўтирмабди. Қушдай учиб, уйига етибди. Кўз очиб-юмгунча ҳаммани оёққа турғазибди, ўйин-кулги, мусиқа-қўшиқлар авжига чиқибди. Ногора-сурнайлар чалинибди. Ахир, бу кунга осонликча етишдимми?

Бироқ бой билан хотинининг пешонасига шу биргина ўғил ҳам сиғмабди. Қувончлари жуда қисқа бўлибди. Чақалоқ энди олти ойлик бўлганда бирдан тоби қочибди-ю, ўлиб қолибди.

Бу пайтда бой дўконда ўтирган экан. Уйда бекач бир ўзи қолган экан. У ўлиб қолган чақалоғини тинмай бағрига босар, хўнграб-хўнграб, уввос тортиб йиғлар экан.

Кўп ўтмай қўни-қўшни, маҳалла-куй йиғилибди. Хотинлар бекачини ўртага олиб тасалли беришибди, юпатишибди, эркаклар Бхўлуга дебди:

— Оғайни, сен дўконга бориб, бойга айт, ўғлингиз нобуд бўлди де.

Бхўлу йўлга тушибди. Йўл-йўлакай бойнинг гапларини эслабди. Бола ҳақида қай тарзда хабар қилиш лозимлигини эслаб олибди.

Кейин нима бўлибди дейсизми? Бхўлу аввал бориб машшоқларни чақириб келибди. Бир неча хонандаю раққоса топибди. Шундан кейин ҳаммасини жам қилиб, хабар қилгани бойнинг олдига йўл олибди.

Кўчани тўлдириб келаётган бир гала ёш ўйинчи-машшоқлару хонанда-созандаларни кўриб, халойиқнинг завқи келибди. Ишни қойил қилганидан севинчини сиғдиролмай Бхўлу олдинга ўтиб олибди-да, ўйинга тушиб кетаверибди.

Кўп ўтмай улар бойнинг дўкони олдига етиб келишибди. Бой хизматкорининг бу тариқа завқ билан ўйнаётганини кўриб, кулиб юбориб сўрабди:

— Хўш, Бҳўлу, бугун қандай хушхабар олиб келдинг?


— Жуда катта хушхабар, бой ота! — дебди ўйиндан тўхтамай Бҳўлу. — Ўғилчангиз ўлиб қолди!..

Бҳўлу гапини охиригача айтгани ҳам йўқ эканки, бой унинг қулоқ-чаккаси аралаш шапалоқ тортиб юборибди. Бҳўлу ерга чаппа ағдарилиб тушибди. Бир вақт ўзига келиб, ўрнидан туриб қарасаки, бой «вой болам, вой жигарим», деб йиғлаганча уйи томон кетаётган эмиш.

Бҳўлу ҳайрон бўлибди. «Бойнинг нега йиғлаётгани-ку, маълум, лекин мени нега уради? Ахир ўзи айтмаганмиди, болалар тўғрисидаги хабарни ўйин-кулги, ашула-қўшиқ билан айтиш керак, деб? Мен худди у айтгандай қилдим. Тагин нимадан хафа бўлади?»

У ҳеч нарса тушунолмай, елка қисибди.

Лекин бой ҳам бир нарсани яхши тушуниб олибди: маошини кўп берса ҳам хизматкор ақлли бўлиши керак экан. Арзоннинг шўрваси татимас, деб шунга айтсалар керак-да.





## ДОНО УҒИЛЛАР

ир пандит бўлган экан. Унинг тўрт ўғли бор экан. Пандит ўқимишли, доно одам экан. У Беда ва Пуро-на<sup>1</sup>ларни ёддан биларкан. Алломалиги ва донишмандлиги туфайли ўша атрофда уни билмайдиган одам йўқ экан. Каттақ кичик ҳамма баравар ҳурмат қилар, узоқдан кўриши билан югуриб келиб хоки пойини олар экан.

Лекин пандитнинг ўғиллари сал бошқачароқ экан. Улар оталаричалик иззат-ҳурмат, обрў-эътиборга сазовар бўлмасалар ҳам кўп мақтанишаркан. Пандит эса тўрттала ўғлини ҳам ўқитиб, уларнинг илм-донишли бўлишини хоҳлар экан.

Бир куни пандит ўғилларини чақириб, олдига ўтқазибди-да, шундай дебди:

— Мен ҳар бирингизга беш юз-беш юз рупиядан пул бераман. Пулни олиб, ҳаммангиз ўзга юртларга равона бўласизлар. Уёқда биронта буюк алломага шогирд тушиб, саводларингизни маромига етказасизлар, илм-дониш ҳосил қиласизлар. Олим бўлиб етишганларингиздан кейин устозларингиздан оқ фотиҳа олиб, ота юртига қайтиб келасизлар.

Тўрттала ўғлон оталари айтганидай қилибди. Беш юз-беш юз рупия пулни белларига тугибдилар-да, ота-оналарининг оёғидан ўпиб, қадрдон уйларини тарк этишибди.

Кўп ўтмай улар шаҳардан узоқлашиб кетишибди. Кун туш бўлибди. Тўрттала оғайни ўтириб овқатланибди, бирпас ҳордиқ чиқариб олгандан кейин яна йўлга отланибди.

Шунда тўнғичи сўз қотибди:

— Қайси тарафга юрамиз, иниларим?

<sup>1</sup> *Беда ва Пуро-на* — ҳиндларнинг қадимги муқаддас диний китоблари.

Иккинчиси дебди:

— Шарққа қараб юра қолайлик.

Учинчиси эътироз билдирибди:

— Йўқ, ғарбга қараб юрганимиз маъқул.

Тўртинчи — кенжаси акаларидан ортда қолишни истамабди:

— Мен шимолга қараб юрмоқчиман.

Хуллас, тўрт ака-уканинг гапи бир жойдан чиқмабди. Ҳар бири бошқа-бошқа томонни айтибди. Охири улар ҳар ким ўзи хоҳлаган томонга юришни маъқул кўрибдилар. Майли, беш йилдан кейин худди шу куни яна шу ерда учрашишга ва ҳаммалари бирга ота уйига кириб боришга келишибди.

Ака -укалар йўлга тушибди.

Тўнғич ака жанубга йўл олибди.

Иккинчи ака шарққа қараб жўнабди.

Учинчиси ғарб томонга кетибди.

Кенжаси шимолни афзал кўриб, ўша ёққа йўл олибди.

Вақт деганлари оқар сувдай гап экан. Ҳаш-паш дегунча беш йил ҳам ўтиб кетибди. Оғайнилар белгиланган кунда дастлаб ажрашган ўша жойларига етиб келишибди-да, яна бир-бирлари билан дийдор кўришишибди. Улар сафарлари чоғида ўзларига маъқул бўлган устоз-олимларга шогирд тушишибди, ҳар бири зўр аллома бўлиб етишибди! Ҳаммаларининг юз-чеҳраларидан илму дониш ва ақлу заковат нурлари ёғилиб турармиш. Барибир беш йиллик жудолик ҳазилакам гап эмас-да. Ака-укалар бир-бирларини роса соғинишган экан, узоқ-узоқ қучоқлашиб кўришишибди. Бир-бирларидан қайта-қайта ҳол-аҳвол сўрашишибди. Кенжа нима қилса ҳам кенжа экан-да, ҳаммадан суюклиги бўлгани учун гапни аввал ўша бошлабди:

— Ҳа, акажонларим, сизлар туфайли мен шу даражага етишдим. Сира қийналмадим, устозим ҳам мени ўғилларидан ортиқ кўрар эдилар.

— Хўш, ўқишларинг қалай бўлди? Ниҳоясига етказолдингми? — сўрашибди акалари ундан.

— Ҳа, огажонлар, мен катта аллома бўлиб етишдим, — деб жавоб қайтарибди кенжа.

— Нималарни ўқидинг, бундоқ ҳикоя қилиб бер-чи.

— Устозим менга Веда-Пуруналардан таълим бердилар, — дебди кенжа ўғил ўзида йўқ суюниб. — Уқишга-ку, қурбим етганича ўқидим, лекин устозим менга бир ажойиб ҳикматли гап ўргатди.

— Қанақа ҳикматли гап экан? — қизиқсиниб сўрашибди акалари.

Кенжа ўғил мақтанчоқли қилиб, гердайиб жавоб берибди:

— Уша ҳикматли гап туфайли мен чириган эски суякка қараб қандай жонзотнинг суяги эканини аниқ айтиб бера ола-

ман. Масалан, ана у суякни олиб кўрайлик, — деб у сал нарида ётган бир суякка ишора қилибди. — Мана, қаранг; кўринишдан оддий бир суяк. Бу ниманинг суяги эканини ким қаердан билиб ўтирибди? Лекин мен аниқ айта оламан — бу шернинг суяги.

Шунда оғайниларидан иккинчиси гапни илиб кетибди:

— Ҳали шугина илминг билан мақтаниб юрибсанми, укам? Мен шундай дуоларни биламанки, агар у дуоларни ўқигудек бўлсам, суякларнинг қолгани ҳам бир жойга тўпланиб, бутун бошли ҳайвон шаклини эгаллайди.

— Ростданми? — деб юборибди тааажжубини яширолмай кенжа.

— Бўлмасам-чи, — дебди иккинчи ака сўзини давом эттириб. — Мана, ишонмасанг ҳозир ўқиб кўрсатаман ўша дуоларни.

Кейин у ерга ўтириб олибди-да, кўзларини юмиб, узоқ хаёлга толибди, сўнг лабларини қимирлатиб, пичирлаб алланима ўқигандай бўлибди. Яна бир неча дақиқа ўтибди. Дуоларни ўқиб бўлиб, «суф» деган экан...

Бир вақт ростдан ҳам мўъжиза содир бўлибди. Ҳар жой-ҳар жойда бетартиб сочилиб ётган майда-чуйда суяклар ўз-ўзидан бир жойга тўпланиб, бир-бирига уланибди. Аста-секин ҳамманинг кўз ўнгида баҳайбат шер гавда суяги пайдо бўлибди.

Буни кўриб, кенжа ўғил иккинчи акасининг чинданам илму амалда камолотга етганига амин бўлибди ва боёқиш сушт тортиб қолибди.

Ака-укаларнинг учинчиси ҳам бошқалардан ортда қолишни истамабди. Унинг ҳам бир илм билан мақтангиси келибди. Ўзининг бошқа оғайниларидан ҳам кўра илми мукамалроқ экани, зеҳни ўткирлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлибди. Шунинг учун истеҳзо билан мийиғида кулиб.

— Шуми? Бўлдими? — дебди.

Бундан шер гавда суягини бутлаган иккинчи аканинг бир оз фаши келибди, укасининг гапидан ҳайрон бўлиб:

— «Шуми» деганинг нимаси, ука? Ахир, мана, ҳамма кўрдик, суякларни бир-бирига улаб, гавда суякни тикка қилдим. Тағин нима керак? — дебди.

— Уни-ку кўриб турибман, — дебди учинчи оғайни лабини қимтиб, — лекин бу бор йўғи гавда суяк-да. Бунинг териси, гўшти қани?

— Уми? У... ҳалиги... — Гавда суякни тикка қилгани тутилиб қолибди.

Учинчи оғайни кибр билан дебди:

— Бўлди, тушундим! Сенинг шундан ортиққа кучинг етмас экан. Энди бу суякларга на тери қоппай оласан, на гўшт-қон бера оласан. Сенинг устозинг бунақа нарсаларни ўргатмаган кўринади.

Иккинчи оғайни руҳи чўкиб, синиқ овозда иқроф бўлиб дебди:

— Ҳа, ака, устозим шундан бошқа нарса ўргатмаган эди.

— Ана, айтмадимми,— дебди акасининг мағлуб бўлганидан суюниб. Билимингиз ҳаминқадарлигини аввал бошданоқ сезган эдим. Сиз олим эмассиз. Мана, мени айтса бўлади олим деб. Менинг устозим ҳамма дуоларни мукамал ўргатди. Мен бу суякларга тери ҳам қоплай оламан, унга гўшт ва қон ҳам ато эта оламан.

— Қойил!

— Қойил қолмай иложларинг ҳам йўқ-да,— унга сайин кеккайиб кетибди ўртанча ука.

Шундай деб у дуолар ўқий кетибди. Зум ўтмай гавда суякка тери ҳам қопланибди, ичи гўштга ҳам тўлиб, қон югура бошлабди. Ҳаммаларининг назарида ерда бир шер ухлаб ётгандай туюлибди.

— Кўрдиларингми? — дебди учинчи оғайни кўкрагини кериб.— Мана буни мўъжиза дейдилар!

— Шошма-шошма, ука, ўпкангни бос. Нонни катта тишла-санг ҳам гапни катта гапирма,— дебди энг охирида тўнғичи.— Ҳали мўъжиза дейишингга озгина бор, укажон. Хўш, мана шу терию гўштга жон ато эта оласанми? Жон ато эт, шунда тан берай сенга!

— Жонми? — дебди тери ва гўшт ато этган укаси ичидан зил кетиб. Шундай дебди-да, қизариб, уёқ-буёққа аланглай бошлабди.

Тўнғич дебди:

— Ҳа-да. Шу ҳам гап бўлди-ю. Биринг айтасан, «суяк эгасини танийман», деб, биринг айтасан «суякларни улайман» деб, яна биринг «терию гўшт ато этаман», дейсан. Лекин ҳақиқий мўъжиза кўрсатиш ҳеч бирингнинг қўлингдан келганича йўқ. Қани, биронталаринг шу шер баданига жон ато этиб бер-чи, ана унда тан берай.

Бу гапларни эшитиб, учинчи оғайни сувга бўккан нондай бўшашиб, лаб-лунжи осилиб кетибди. Ҳозиргина кўкрагига муштлаб, мендан ўтадиган аллома йўқ деб тургани қаёқда-ю, энди бунақа мулзам бўлиб, хижолатдан ер чизиб қолгани қаёқда! Чунончи, у овозини зўрға чиқариб дебди:

— Бу энди қўлимиздан келмайди, ака. Биз учаламизнинг билимимиз шунгача етади, холос.

— Унда беш йил умрни исроф қилиб ўқиганларинг қаёққа кетди? Тагин олимман деб кўкракларингга урганларинг нима-си? Билиб қўйинглар, энг катта, энг зўр олим мен бўламан,— дебди тўнғич ака учов укасини баравар мулзам қилиб.— Чунки мен бу шерга жон ато эта оламан.

— А?!— укаларнинг энди оғизлари ҳам очилиб қолибди.—



Улик танага жон ато этиш! Йўқ, ака, бу нарса одамзоднинг қўлидан келмаса керагов.

— Мана, менинг қўлимдан келади, — дебди тўнғич ака қаҳ-қаҳ уриб куларкан укаларининг таажжубидан наша қилиб. — Ахир мен бекорга айтаётганим йўқ-ку, энг нафаси ўткир аллома ўзимман, деб! Мана, қараб туринглар, ҳозир билимим ўткирлигини ўз кўзларингиз билан кўрасизлар.

Ростдан ҳам тўнғич ака мўъжиза кўрсатибди.


Шер шу пайтгача ўлик бўлиб, ерда чўзилиб ётган экан. Лекин тўнғич ака дуо ўқиб, бир-икки «куф-суф» қилиб дам солган экан, бирдан ҳалиги танага жон кириб, қимирлай бошлабди. Бир оздан сўнг шер аста бошқа ёнбошига ағдарилибди. Кейин оғзини қўрқинчли очиб, даҳшатли тишларини бор бўйича кўрсатиб эснабди. Худди уйқудан уйғонгандай, у аста ўрнидан турибди-да, оёқларини узун-узун чўзиб керишибди.


Тўнғич ака ғуруридан ўзини қўйгани жой тополмасмиш. Укаларига қараб: «Қаранглар, кўриб қўйинглар», деб шерни кўрсатиб, тинмай мақтанармиш.

Бироқ шу пайт нима бўлибди денг!

Учала ука тўнғич акаларининг билимига қойил қолиб, ўзларича мулоҳаза юритиб туришган экан, шер дунёни бошига кўтариб қаттиқ ўкирибди. Ака-укалар унинг овозидан шунақанги чўчиб кетишибдики, аввалига бошимизга тоғ ағдарилиб тушмадимикан ё момақалдироқ бўлмадимикан деган хаёлга боришибди. Йўқ, тоғ ҳам ағдарилмаган экан, момақалдироқ ҳам гумбурламаган экан, олдиларида турган шер ўкирган экан. Тўртовлон ака-уканинг ўтакалари ёрилибди, чунки шер қўққисдан улар устига ташланиб қолган экан-да. Мақтанчоқ олим ака-укалар қочмоқчи бўлиб ўзларини дуч келган томонга уришибди. Бироқ шердан ким қочиб қутулибди! У олим ака-укаларни битта-битта тутиб олиб, икки ямлаб, бир ютиб қўя қолибди.

Кимдир: «Қуруқ илми ўрганган билан олим бўлмайди, уни жойида ишлатиб, элига фойда келтирсагина олим бўлади», деб айтган экан. Мана, шу ҳикматнинг ҳаққонийлигини тўрт мақтанчоқ, такаббур ака-уканинг бошига тушган мусибатдан билса бўларди.





## МЎТУ БИЛАН ЧҲЎТУ

Мўту кки аҳмоқ бўлган экан. Бирининг исми Мўту, иккинчисиники Чҳўту экан.

Мўтунинг ёши катта бўлиб, ўзи ҳам жуда семиз экан (Мўту асли «семизвой» дегани бўлади). Қорни кажавадай келаркан. Қўл ва оёқлари, боши, афт-андоми, қўйинг-чи, баданининг ҳамма жойи шунақанги тирсиллаб, кўпчиб кетган эканки, кўрган одам уни арига таланиб, шишиб кетганми деган хаёлга борар экан. Гавдасининг бу қадар семизлигидан унинг бўйи пастак, бошқа одамларга қараганда анча кичкина кўринар экан.

Чҳўтунинг ёши кичикроқ бўлиб, ўзи ҳам миттигина экан (дарвоқе Чҳўту исмининг ўзи ҳам «миттивой» дегани-да). Шу туришларида Мўту билан Чҳўту худди масхаравозларга ўхшаркан. Улар иккаласи ғирт аҳмоқ бўлиши билан бирга ўтакетган дангаса ҳам экан. Аввалига ҳеч бир ишга бўйнилари ёр бермас экан, борди-ю, бирон-бир ишни бажариш тўғри келиб қолганда ҳам телба-тескари қилишар экан.

Узларининг қилиқларию феъл-атворлари билан нуқул қишлоқ аҳлига кулги бўлгани-бўлган экан.

Нима бўлибди-ю, бир куни Мўтунинг миясига бир яхши фикр келиб қолибди. У Чҳўтуга қараб шундай дебди:

— Чҳўту, энди иккаламиз бир-иккита иш кўрсатмасак бўлмайди.

Ҳадеб элга кулгу бўлаверганларидан Чҳўтунинг ҳам кўнгли чўкиб юрган экан. Бу гапни эшитиб, унга сал жон кирибди.

— Ҳа, дўстим Мўту, гапинг юз фойиз тўғри. Мўту дебди:

— Одамлар иккаламизни ғирт аҳмоққа чиқариб қўйган. Ҳамма устимиздан кулгани-кулган.

Чҳўту дебди:

— Шундай бир иш қилайликки, одамлар бизнинг аҳмоқ эмаслигимизни билиб қўйсин, бундан кейин зинҳор устимиздан кулмайдиган бўлсин.

— Хўш,— дебди Мўту чуқур ўйга толиб.— Ишни нимадан бошлаймиз?

Мўту билан Чҳўту ияқларини муштумларига тираб, жуда узоқ ўйлабди.

Ниҳоят, уларнинг миясига бир фикр келибди.

— Оғайни,— дебди бошини кўтариб Мўту,— иккаламиз бир дўкон очмаймизми?

— Э, тилинга бол! — дебди Чҳўту суюнганидан бир сапчиб тушиб,— тиллога топилмайдиган гапни айтдинг-ку, биродар! Сенинг бошинг бош эмас, дўстим, тилло, тилло!

— Бўлмаса нима деб юрувдинг? — дебди унга сайин талтайиб Мўту.— Ҳали одамлар аҳмоқ деганига сен ишониб юрганмидинг? Кези келганда шунақанги доно фикрларни топиб айтаманки, қойил қолмай ҳам кўр-чи!

— Қойилман, биродар, юз бор қойилман! Мана, ҳозиргина ўзинг буни исботладинг-ку. Ахир иккаламизнинг дўкон очишимиз тўғрисидаги гап кимнинг хаёлига келувди дейсан? — дебди Чҳўту сонига шап уриб.

— Э, нимасини айтасан, Чҳўту, бу дунё дегани турганбитгани хазина бўлади. Бир пайсалик буюмни икки пайсага пуллайверасан.

— Пуллаймиз! — Чҳўту дўстини қувватлабди.— Тез кунда бойиб кетамиз, шоҳона кун кечира бошлаймиз. Одамлар шунда билади бизнинг кимлигимизни! Дўстим, кўп гап эшакка юк деганлар, кел шу дўкон ўлгурни дарров оча қолайлик.

— Тўппа-тўғри, бу ишни пайсалга солиб бўлмайди, қанча имилласанг, шунча зарар кўрасан.

— Қаерда очамиз дўконни? — Мўтунинг гапини кесиб сўрабди Чҳўту.

— Қаерда дейсанми? — дўстига тикилиб қараб дебди Мўту.— Буни пухта ўйлаб кўрмаса бўлмайди.

— Ҳа, оғайни, етти ўлачаб, бир кес деганлар. Аввал нариберисини яхшилаб ўйлаб кўриш керак, бўлмаса одамлар яна устимиздан кула бошлайди,— дебди Чҳўту қовоғини солиб.— Бу ердаги одамлар жуда ёмон, шунинг учун биз бу қишлоқда дўкон очмаймиз. Сен бунга нима дейсан?

— Тўғри айтасан,— деб унга қўшилибди Мўту.— Бир нарса оладими, йўқми, айтиш қийину, лекин бекорга жанжал кўтариб, одамни хуноб қилади.

— Шунинг учун айтипман-да, бошқа жойда дўкон очайлик, деб.

— Лекин... қаерда? — сўрабди Мўту.

— Ҳм... — деб бошини қашибди Чхўту. — буёғини чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Хўш, қаерда очамиз дўконни?

Иккаласи яна хаёл суриб кетибди.

Бу сафар Чхўтунинг калласи ишлаб кетибди. Бирдан чехраси очилиб, дебди:

— Менга қара, оғайни, келаси ҳафтада қўшни қишлоқда катта сайил бўлади. Уша сайилда очамиз дўконни.

— Қойил! — дебди Мўту оғайнисини елкасидан қоқиб. — Узинг мендан кичик бўлсанг ҳам миянг зўр ишлайди, а? Қара, олтинга ҳам топилмайди бу гап: «Сайилда дўкон очамиз!» Э қойил!

Чхўту нақ бир қоп семириб кетибди. Бир қўлини белига тираб, иккинчи қўлини ҳавода сермаб гапида давом этибди:

— У ерда одам минди-минди бўлади. Ҳамма мол қўлма-қўл бўлиб кетади. Фойда ёмғирдай ёғиб, пулнинг тагида қолиб кетамиз. Ҳеч қўрқмасдан бирни тўртга ураверасан.

— Қарабсанки, бирпасда бойиб кетамиз, — дебди Мўту ҳовлиқиб. — Хўш, дўконда қандай мол билан савдо қиламиз?

— Бу борада узоқ ўйлаб ўтиришмабди. Чунки ҳеч кимдан қолар гап йўқ, сайилга борган ёшу қари, эркагу аёл — ҳамма, албатта, ширинлик олади. Ўзи овқатланса ҳам охирида ширинлик ейди, бировни овқатлантирса ҳам ширинликсиз бўлмайди. Одамлар қайтишда уйга, албатта, ширинлик олади. Хуллас, бунақа сайил-томошаларда ширинликнинг бозори жуда чаққон бўлади.

Чхўту дебди:

— Ширинликнинг бозори чаққон бўлса, биз ҳам ширинлик дўкони очамиз-да.

— Бўпти, гап битта, — дебди Мўту шеригининг қўлига уриб. — Лекин яна бир гапни олдиндан келишиб олмасак бўлмайди.

— Қанақа гап экан? — сўрабди Чхўту.

Мўту дебди.

— Гапнинг индаллосини айтганда савдо қилишдан мақсад фойда орттириш. Шундай эмасми?

— Тўппа-тўғри!

— Шундай бўлгандан кейин олдиндан ҳисоб-китобни хом-чўт қилиб тўғрилаб олмаса, охирида фойда қилдингми, зарар кўрдингми, аниқлаш қийин бўлиб қолади.

— Баракалла! Биз аввал-бошданоқ ҳисоб-китобни пухталаб, фойда-зарарини аниқлаб оламиз.

— Қойил! — дебди Мўту шеригининг фаҳму фаросатини кўкларга кўтариб. — Шериклик ошни ит ичмас — бу гапни

яхши биласан-а? Айниқса, савдо ишида шерикликдан ёмони йўқ. Шунинг учун бизлар алоҳида-алоҳида дўкон очамиз. Яна бир гап бор: шу нарсани унутмайликки, харидор ҳар қанчалик қалин дўстимиз бўлганда ҳам бир пайса қарз ё насияга мол бериш йўқ!

— Йўқ! Тамом-вассалом! — дебди Чхўту ҳам чўрт кесиб. — Бошқаларни-ку, бир четга қўя турайлик, борди-ю, биз иккаламиз бир-биримиздан нарса сотиб олишимизга тўғри келиб қолса ҳам қарзга бериш йўқ. Нақдма-нақд!

— Бўлди, мен ҳам нақд тўлайман, сен ҳам нақд тўлайсан, — дебди Мўту розилик билан бош ирғаб.

Чхўту савол берибди:

— Менга айт-чи, сен қандай мол билан савдо қилмоқчисан?

— Роҳатижон билан, — деб жавоб берибди Мўту. — Сен-чи?

Сен дўконингда нима сотишни мўлжаллаяпсан?

— Ҳолва, — дебди Чхўту.

— Қанча ҳолва қўймоқчисан?

— Қанча ҳолва деганинг нимаси?

— Айтмоқчиманки, қанча пул сарфлаб дўкон очмоқчисан?

— Пул? — дебди Чхўту бўшашиб, — ёнимда бир чақа ҳам пулим йўқ. Сенинг ёнингда қанча пулинг бор?

— А? — Мўтунинг ранги қочибди. Ғамгин тусда дебди: —

Оғайни, бу... менинг ёнимда ҳам пул йўқ.

— Унда дўконни қандай очасан?

— Дарвоқе, оғайни, пулсиз дўкон очиб бўлмайди-ку...

— Лекин дўкон очмасак яна бўлмайди, — дебди Чхўту хаёлга чўмиб. — Дўконда шунчалик фойда катта бўладики, дўконда... хуллас, дўкон очмасак бўлмайди.

— Ҳа, оғайни, нима қилиб бўлса ҳам дўкон очиш керак.

— Пулни қаердан оламиз?

— Пулними?.. Бир йўлини топ-да, — дебди Мўту шеригини тезлаб.

— Бўпти, мен ўйлаб кўраман. Сен ҳам ўйла.

Иккаласи иягига муштини тираганча яна хаёл дарёсига ғарқ бўлибди. Улар ўйлайверибди, ўйлайверибди...

Ниҳоят бу гал ҳам, худди олдинги сафар бўлганидек, биринчи бўлиб Мўтунинг миясига ялт этиб бир фикр келибди.

— Э, биродар, бунинг йўли жуда осон экан-ку, — дебди у оғзи қулоғида.

— Қандай йўл экан? — дебди Чхўту сабрсизлик билан.

— Пулни иккаламиз ҳам ўз уйимиздан олиб келаемиз.

— Бироқ уйдагилар бизга пул берармиди?

— Э, буёғини ўйламабман, — дебди Мўту яна лунжини осилтириб. — Беришмайди. Ҳамма бизни ғирт аҳмоққа, дангасага чиқариб қўйган бўлса... Биласанми, нима қилаемиз?

— Хўш?

— Агар уйдагиларга дўкон очмоқчи эканимизни айтсак-чи? Балки...

— Э, қўй, оғайни, баттар кулгига қоламиз. Бундан бир иш чиқмайди.

— Нима бўпти, яна бир кулишса кулишар,— дебди Мўту катталарга хос вазминлик билан.— Лекин бизнинг бойиб кетганимизни кўриб, ҳаммаларининг оғизлари очилиб қолади. Қани, ўшанда ҳам кулиб кўришсин-чи?

«Бир ҳисобда бунинг гапи ҳам тўғри,— деб ўйлабди Чхўту.— Дўкон очилиши билан бойиб кетамиз. Кейин ҳеч ким кулмайди».

Мўту дебди:

— Э, оғайни, бу-ку ҳаёт-мамот масаласи, кези келганда эшакни ҳам тоға дейсан. Бир умр ҳузур-ҳаловатда яшаш учун озгина қийинчилик тортилса, ҳеч бокиси йўқ. Майли, шунча кулган халқ яна бир марта кулар. Борди-ю, дўкон очолмай қолсак...

— Йўқ, биродар, дўконни, албатта, очамиз.

— Унда бора қол, сен ҳам пул ташвишини қил. Мен ҳам пул топиш ғамини ей.

— Қанча пул сўрайман?

Дўстлар яна обдон бош қотиришибди, охирида беш рупиядан пул топсак, кифоя қилар, деган тўхтамга келишибди. Ҳар рупиясига йигирматадан ширинлик олишади-да, ширинликни дона байига ўн пайсадан пуллашади. Қарабсизки, бир рупиядан-бир рупиядан нақд фойда шарақлаб тушиб турибди.

— Ана, холос! — дебди Мўту ўзида йўқ суюниб.— Икки баравар фойдасига-я!

— Худди шундай! — дебди Чхўту ўзича чамалаб.— Бизлар яна икки рупиялик ширинлик сотиб оламиз. Уни тўрт рупияга пуллаймиз. Бу эса кечгача уч рупиядан фойда дегани бўлади.

— Агар уни яна икки бараварига пуллашга улгурсак, етти рупия чўнтакка тушиб турибди-да.

— Савдодан келадиган фойда шунақа сербарака бўлади, дўстим,— дебди Чхўту кафтини кафтига ишқаб.— Бир неча кун ичидаёқ каттакон дўкон очиб оламиз. Унда кунига юз рупиялаб фойда туша бошлайди.

— Менга қара, биродар, нуқул гапга берилиб кетиб, фурсатни ўтказиб юборяпмиз, фойда ўрнига зарар кўряпмиз. Илтимос, ҳозироқ бор-да, дарҳол пул топишга кириш,— дебди Мўту ўрнидан турар экан.— Мана, мен ҳам кетдим.

Уйдагилар уларнинг гапини эшитиб, аввалига роса кулишибди, лекин Чхўту билан Мўту оёқ тираб туриб олгандан кейин ноилож айтган пулларини беришибди.

Сайил кунни ҳам етиб келибди. Мўту билан Чхўту аллақачон ҳозирлик кўриб қўйишган экан. Каллайи саҳарлаб иккаласи

ширинликларни лаганга солиб, йўлга тушибди. Узлари учун харж пули деб йигирма рупиядан пулни белларига тугиб ҳам олишибди.

Минг ғайрат камарини белга боғламасин, дангаса барибир дангаса экан-да. Бир оз йўл юргандан кейин иккаласи ҳам ўтириб, дам олгиси келибди.

Бир дарахт тагига бориб туриб, Мўту дебди:

— Кел, Чхўту оғайни, ўтириб, бирпас ҳордигимизни чиқариб олайлик, кейин яна йўлга тушамиз.

— Тўғри айтасан, Мўту, — дебди Чхўтуга бу таклиф мойдай ёқиб. У ширинлик солинган лаганни ёнига — ерга қўйибди-да, оёғини узатиб талтайиб ўтириб олибди. Кейин оғайнисига мўлтайиб қараб дебди:

— Ростини айтсам, ўлгудай қорним очқади. Роҳатижондан озгина бермайсанми?

— Э, шуни ҳам сўраб ўтирибсанми, — дебди Мўту, — қанча хоҳласанг, шунча олавер. Лекин бояги гап эсингдан чиқмади-ми? Савдо-сотик, олди-бердида қарз-насия деган нарса бўлмайди.

— Йўқ, йўқ, биродар, олсам қарзга оламанми? Мана, нақд пулини санаб оласан, — дебди-да Чхўту киссасидан иккита ширинлик учун йигирма пайса чиқариб, шеригининг кафтига қўйибди.

Мўту пулни чўнтагига жойлабди ва иккита роҳатижонни дўстига узатибди.

Роҳатижонни еб бўлгандан кейин Чхўту ўртоғига қараб дебди:

— Ўртоқжон, бу иккита роҳатижонинг чап ичагимга юқ ҳам бўлмади-ку.

— Бўлмаса яна олиб е?

— Пулим тугаб қолади-да.

— Унда мен бир нарса деёлмайман, оғайни, — дебди Мўту бошини чайқаб. — Мен аввалбошдан айтиб қўйганман: савдо-сотик, ҳисоб-китобда қарз-насия бўлмайди. Қарз-насия ўртага тушдими, фойда-зарарга ҳам нуқсон етади.

— Ҳа, начора, дўстим, гапларинг тўғри, — дебди Чхўту ва ноилож ўрнидан турибди. Қани, кетдик сайилга.

Иккала дўст йўлга тушибди.

Лекин бир оз юришгандан кейин улар яна чарчаб қолишибди. Энди очлик Мўтуни ҳам қийнай бошлабди. Бир жойга етишганда, у чўнтагидан пул чиқариб, Чхўтуга дебди:

— Оғайни, менга тўртта роҳатижон бер. Қорним ўлгудай очди.

Ширинликни сотгандан кейин Чхўтунинг ёнидаги пул қирқ пайса бўлиб қолибди. Узи очликдан зўрға турган экан, тўртта роҳатижонни кўз очиб юмгунча паққос туширибди.

Мўту роҳатижонни берар экан, шундай дебди:

— Шу ҳам иш бўлди-ю! Нақд пулингга сотиб олиш ниятинг бор экан, биратўла икки рупиялик ола қолмайсанми!

Иккаласи еб-ичиб олибди-да, ҳордиқлари чиққандан кейин туриб, яна йўлга тушибди. Сира юриб ўрганмаган дангасалар учун бирданига узоқ сафарга чиқиш оғир бўлибди. Боз устига бошларида ширинлик тўла лаган. Ўн қадам юришаркан-да, ўпкалари оғзиларига тиқилиб, тўхтаб олишаркан. Қаерда дарахт ё бута кўринса, дарров соясида ўтириб, ҳордиқ чиқаришаркан. Бир-бирига оз-оздан роҳатижон сотиб, савдоларини ҳам юргизиб олишаркан. Кейин ўринларидан туриб, яна йўлга тушишаркан.

Шу тариқа ҳар қадамда тўхтаб-тўхтаб, ҳориб-чарчаб, оғайнилар шом деганда навбатдаги бир қишлоққа етиб келишибди. Бу пайтга келиб бозор ҳам тарқаб қолган экан. Одамлар сийраклашиб, унча-мунча қолганлари ҳам шошиб-пишиб кетиш тараддудини кўришаётган экан.

Буни кўриб Мўту билан Чхўтунинг тарвузи қўлтиғидан тушибди. Нима қилишини билмай, бир-бирига сўлжайиб қараб қолишибди. Охири иккалови йўл чеккасидан бир холироқ жойни апил-тапил тозалабди-да, ўша ерга чодирларини ёзиб, дўкон очибди.

Лекин не кўз билан кўришсаки, ширинлик солинган лаганларнинг иккаласи ҳам бўшаб қолган экан.

Иккаласи узоқ вақт қайғуга ботиб, жим қолишибди. Кўнгилларида шундай ўйлашибди: «Ширинликларни ўзи уйдан сотгани олиб чиққан эдик, лекин биз йўлдаёқ унинг масаласини ҳал қилиб қўйибмиз-ку». Азбаройи қаттиқ қайғурганларидан бир-бирларидан ҳол сўрашга ҳам уларнинг мажоли қолмабди.

Лекин шу он бирданига Мўтунинг мияси ишлаб кетибди. Суюнганидан шеригининг бошига тушириб қолибди.

— Ҳой, оғайни, ростдан туриб-туриб шундай аҳмоқликлар қилиб қўямизки, ҳеч нарёғи йўқ, — дебди у тиржайиб. — Бундоқ ўз тананга ўйлаб кўрсанг-чи, ахир биз нимага бунчалик мотам тутиб ўтирибмиз?

— Мотам тутадиган аҳволга тушганимиз учун-да, — деб жавоб қайтарибди Чхўту. — Бозорда сотамиз деб уйдан ширинлик кўтариб чиқдик. Нафс балосига йўлиқдик-у, йўлдаёқ саранжомлаб қўйдик, тагин нимасини гапирасан?

— Ғирт аҳмоқсан, Чхўту, — дебди Мўту яна оғайнисининг елкасига уриб. — Ширинликларни сотгани олиб чиққанмидик. Балли. Хўш, уни бозорга олиб келиб сотдик нима-ю, йўлда сотдик нима, икки ўн беш — бир ўттиз, а, лаббай?

— Э, ҳа, дарвоқе, ростданам шунақа эмасми? — дебди Чхўту хурсандликдан сапчиб тушиб. — Ахир, биз ширинликни



сотдик-ку! Ҳа-ҳа, охиригача битта қўймай сотдик.

Мўту терисига сиғмай дебди:

— Қара-я, молимиз текинга кетди деб бекорга ғамга ботиб ўтирибмиз. Узинг биласан-ку, ҳар донасини беш пайсадан олиб, ўн пайсадан сотган ким? Бизлар! Тагин битта ҳам насијаси йўқ, ҳаммаси нақд пулга!

— Бир рупиядан сотиб олиб, икки рупиядан пулладик, — дебди Чўту бармоқларини букиб, ўзича хомчўт қиларкан. — Кўрдингми, роса икки баравар фойда қилибмиз.

— Бўлмасам-чи! — дебди Мўту мўйловини силаб. — Қишлоқда эшитганлар ҳам қойил қолади энди. «Қаранглар, Чўту билан Мўтуни биз ким деб юрардик, бир рупиялик молни икки рупиядан пулладди. Йўлдаёқ икки баравар фойда қилиб, кўни-кўнжиларини пулга тўлдириб қайтибди», деб оғизлари очилиб қолади ҳали. Э нимасини айтасан, оғайни, омад деганлари шунақа бўлади.

Лекин улар қўлларини чўнтакларига тиқиб кўришса, ўша-ўша йигирма пайса чақа пул чиқибди, холос. Иккаласи ағрайиб бир-бирига қарабди. Буёғи қандоқ бўлди? Бир пайса ҳам насиј-қарзга ширинлик беришмаган эди-ку? Ҳаммасини битта қўймай пуллашганди-ку? Нега яна чўнтаклариде ўша-ўша йигирма пайса... сариқ чақа? Қолган пуллар қани — мушук олиб кетдим?

Мўту билан Чўту яна қаттиқ қайғуга ботибди. Унақасига ҳисоблаб кўришибди, бунақасига ҳисоблаб кўришибди, барибир ҳеч нарса чиқмабди. Товба, ҳар донасини бир рупиядан олиб, икки рупиядан пуллашган эди-ку? Йўлда биронта ёр-жўралари ҳам учрагани йўқки, текинга едиришган бўлса. Чўнтаклариде эса ўша арзимаган чақадан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Шундай ўйга ботиб ўтирганлариде Мўтунинг бирдан чиройи очилиб, қичқириб юборибди:

— Топдим! Ахир харж йўлимизга ширинлик олиб еганимизни унутдингми? Кел, кетса йигирма пайса пулимиз кетибди, шунга ҳам ота гўри қозихонами! — Кейин яна қовоқ солиб, сувга тушган латтадай шалвираб, дебди: — Лекин... лекин ширинликдан тушган пулимиз-чи? У қани?..

Чўту хавотир билан сўрабди:

— Тагин тушириб-негиб қўймадикми, овсар?

— Балки шундайдир, — дебди Мўту ёнларини пайпаслаб. — Юр, қидириб кўрайлик.

Сал нарида ўтирган бир йўловчи уларнинг гапларини эшитиб турган экан. У кулиб шундай дебди:

— Иккаланг ҳам ғирт аҳмоқ экансанлар. Бўлмаса, ширинликни бир-бирингга сотиб, жиғилдонга урганларингга наҳотки, ақлларинг етмайди?! Ҳалиги йигирма пайса пулларинг бор-ку, ўша гоҳ сенинг чўнтагингга, гоҳ сенинг чўнтагингга

Ўтиб турди.— Шундай деб йўловчи кулганича йўлида давом этибди.

Мўту билан Чҳўту ҳанг-манг бўлганларича бақрайиб қола-верибди. Барибир нима бўлганига ҳамон ақллари бовар қилмабди.

Охири чўнтаклари жуда ҳам қуруқ қолмаганига, жилла қурмаса йигирма пайсадан сариқ чақалари борлигига шукр қилиб, изларига қайтишибди.

— Барибир ютқазмадик,— дебди Чҳўту билан Мўту бир-бирига мамнун боқиб.— Бир рупиядан ширинлик сотиб олиб, икки рупиядан ютдик!





## ДАНГАСА ЭШАК

ир дарё бўйида бир қишлоқ бор экан. У қишлоқда ҳар хил касб-ҳунардаги одамлар яшар экан. Бири дурадгор, бири кулол, бири темирчи, бири кирчи — қўйинги, санаганингиз билан адо бўлмас экан.

Шулар ичидан бир кирчининг бир нечта эшаги бор экан. У ҳар куни кечга яқин тўпланган кирларга дарёда совун уриб, топ-тоза қилиб юваркан-да, кейин ёйиб қўяркан, шундан тонг отгунча уйқуни ураркан. Эрта билан азонда туриб, қуриган кирларни йиғиб, эга-эгаларига тарқатаркан-да, яна янги кирларни тўлагани кетар экан. Кечга яқин кирларни эшагига ортиб, яна дарё бўйига тушар экан. Хуллас, ҳар куни аҳволи шу экан.

Кирчининг эшаклари ичидан биттаси ўлгудай дангаса экан. Кунда устига юк ортиб, тушираверишлари унинг жонига тегибди. Шунинг учун ёнидаги бошқа эшақларга қараб, шундай дер экан:

— Оғайнилар, жуда азобдан бошимиз чиқмай қолдику. Кирчи кунда устимизга юк ортгани-ортган: биз бўлсак миқ этмай ташиганимиз-ташиган.

Бошқа эшақлар унга тасалли бериб, инсофга чақиришаркан:

— Қўй, нолима, оғайни, минг қилса ҳам у бизнинг эгамиз бўлади. Ҳар куни қорнимиз тўйгунча ем-хашак беради, шунга яраша ишлатади ҳам.

Буни эшитиб, дангаса эшақнинг баттар лаб-лунжи осилиб кетаркан ва шундай жавоб қайтараркан:

— Сизлар ҳаммаларингиз учига чиққан аҳмоқсизлар. Ана, қаранг, қишлоқда қанча ҳайвону жониворлар бор. Бировникида сигир бўлса, бировникида қўтос боғлоқли турибди. Уларнинг сира юк кўтарганини кўрганмисизлар? Хўш, улар очидан ўлиб қолаётгани йўқ-ку?

— Тўғри, очидан ўлиб қолаётгани йўқ...

— Бўпти-да! — дебди уларнинг гапини шарт кесиб дангаса

эшак.— Уларнинг ҳам эгаси ем-хашакдан қисиб қўймайди, лекин биронтасининг жон койитиб ишлаганини ҳеч кўрганмисиз? Қайтага куни билан олдиларига ҳали ем, ҳали хашак, ҳали терт олиб келиб ташлашгани-ташлашган, қачон қараманг, шуларнинг атрофида гирдикапалак.

— Эвазига сигир-қўтослар сут беради-да... — дебди эшаклар хўрсиниб.

— Сизлар ғирт аҳмоқсизлар десам ишонмайсизлар! — дебди дангаса эшак баттар жиғибийрони чиқиб.— Мен боғдан келсам, сизлар тоғдан келасизлар-а. Узи минг йилда ҳам сизларга ақл кирмайди.

Дангаса эшак, «сенларга ақл ўргатганнинг ўзи аҳмоқ», дегандай норози қиёфада тескари қараб олар экан. Хаёлида эса нуқул, «қандай қилсам шу юк ташиш балосидан қутуламан», деб ўйларкан.

Охири бир куни у юк ташишдан халос бўлиш йўлини ўйлаб топибди. Омадини қарангки, бунинг учун қулай пайт ҳам ўша заҳоти топила қолибди.

Воқеа бундай бўлган экан.

Ҳар кунгидек, кирчи эрта билан ўрнидан турибди-да, ишига йўл олибди. Бугун сал ҳаяллаб қолган экан, эшакларини уриб-ниқтаб ҳайдаганча кирларни тез-тез йиға бошлабди. Кечга яқин ҳамма кирларни эшакларига ортиб, дарёга олиб тушибди. Қирғоқда кирларни ерга туширибди-да, ўтласин деб эшакларни ўтлоққа қўйиб юборибди. Шошганидан ўша куни эшакларни тушовлаб қўйиш ҳам эсидан чиқибди.

«Бундан қулай пайт бўларканми?» — дебди дангаса эшак ўзича. Ҳамма эшаклар ўтлаб-ўтлаб ҳар тарафга тарқаб кетибди, лекин дангаса эшак турган жойидан ҳеч қаёққа жилмабди. Қараса, кирчи ишга киришиб кетган, буёққа қараш хаёлида ҳам йўқ. Дангаса эшак аста орқасига бурилибди-да, тўғри келган томонга қараб кетибди.

Олдидан бир йўл чиқибди. Дангаса эшак ўша йўлдан «ҳайт!» деб кетаверибди.

Туш вақти бўлибди.

Дангаса эшак ҳамон кетаверибди.

Кеч тушиб, шом чўкибди ҳамки дангаса эшак тўхтайд демас эмиш. Аста-секин қоронғилик қуюқлашиб, тун чўкибди, атрофни зим-зиё қоронғилик чўлғабди. Қоронғилик шунчалик қуюқ эканки, ҳамма йўл ҳам кўринмай қолибди. Дангаса эшак бошини кўтариб, уёқ-буёққа аланглабди. Бироқ қаерга келганини билолмай, йўл юришдан тўхтабди.

«Жуда олислаб кетганга ўхшайман», деб ўйлабди у. «Кирчи билан қишлоғи узоқ-узоқларда қолиб кетгандир. Эгам мени қидириб уёқ-буёққа қарайди-да, топилмаганимдан кейин қўлини силтаб, қайтиб уйга кириб кетади».



Эгасининг уйга кириб кетишини эслабди-ю, «ем-хашак ейдиган вақт бўлибди чамаси», деб кўнглидан ўтказибди дангаса эшак. Чунки ҳар куни шу вақтда кирчи кирларини чайиб, қуритиб, уйга қайтиб келаркан-да, эшакларига ем-хашак бераркан.

Шуларни эслаб, дангаса эшакнинг қорни жуда очқаб кетибди. Кун бўйи юравериб, ўтлаб-пўтлаб олмаганидан энди ичини ит таталай бошлабди. У бирон егулик излаб топиш ниятида қоронғида ён-верини искаб, тумшуғи билан ерни пайпаслай кетибди. Лекин зим-зиё қоронғиликда на бир ўт, на бир бутани кўриб бўларкан.

Шундан кейин дангаса эшак ўзига-ўзи тасалли бериб, зўраки кулиб қўйибди. «Майли, бирпас сабр қилай, бир кеча минг кеча бўлмас. Тонг ҳам отар, атроф ёришиб, ўт-алафлар кўриниб ҳам қолар. Ушанда қорним тўйганча ўтлайман».

Бироқ эрта билан эшакнинг аҳволи кечагидан бешбаттар бўлибди. Азбаройи очқаганидан қорни қовушиб, ич-ичига тортиб кетибди, кеча куни билан йўл юрганидан оёқлари узилиб тушай дермиш, бўгин-бўгинлари зирқираб қақшармиш. Бир вақт ўрнидан турай деса, туролмасмиш. Турса ҳам боши айланиб, гурс этиб ағанаб тушармиш. Ётиб бир оз дам оларкан-да, яна туришга ҳаракат қилиб, чирана бошларкан.

Бироқ эрталабдан аҳвол шу бўлгандан кейин нарига бориб нима бўлиши ўз-ўзидан аён-да. Вақт ўтган сари эшакнинг дармони баттар қурий бошлабди. «Бугунги ишни эртага қўйма», деб эскилар бежиз айтмаган ўзи, — деб ўйлабди у ётган жойида. — Нуқул галга солавериб, ўзимдан ўтди. Кеча маза қилиб ўтлаб олганимда бугун бунақа аҳволга тушмасдим. Дангасалигим бошимга етадиганга ўхшайди».

Шу алпозда дангаса эшак уч-тўрт кунгача ўша ерда қолиб кетибди. Аҳволи шу қадар ночорлашибдики, кўзларини очай деса қовоғини кўтаролмасмиш, кўз олди қоронғилашиб, боши айланиб кетармиш.

Энди туриб-туриб дангаса эшак эгаси кирчини эслай бошлабди. «Қандай яхши одам эди-я! Ҳар куни эрталаб, тушда, кечкурун ем-хашак берарди. Қорним очқади деб қайғурмасдим, ўт-бутоқ қидириб ҳар қаёқларга тентирамасдим, ҳаммаси вақт-соати билан жо-бажо муҳайё эди. Қозикда боғлоқлиқ тураверардим, овқат-емагим ўз-ўзидан келаверарди».

Охири сира бўлмагандан кейин шўрлик эшак бор кучини оёқларига тўплабди-да, бир амаллаб ўрнидан турибди. Оёқлари чалишиб-чалишиб, худди қаттиқ ичиб олган одамдай, чайқала-чайқала изига қайтибди. Кирчининг олдига қайтиб боришга энди юраги дов бермабди, лекин қайтиб боришни хоҳлаган тақдирида ҳам қандай боради? Ахир қайси йўлдан келганини ҳам билмайди-ку. Дангаса эшак ўй сура бошлабди: «Йўлда

дафъатан дуч келган қишлоққа кираман. Ахир бирон инсофли одам учраб қолиб, зора менга ем-хашак берса». Лекин бир-икки қадам ташлаган эканки, дармонсизликдан яна тўхтаб қолибди. Кўзларини юмиб тик турганча тин ола бошлабди. Бир вақт аллақадан бир киши келиб қолибди. У боққол экан. Шўрлик жуда камбағал экан. Бошқа баққолларга ўхшаган унинг бир дўкон-мўкони ҳам йўқ экан. Лекин кунда-кунда савдони юргизиб турмаса, боққолнинг куни қандай ўтади? Шунинг учун у қишлоқма-қишлоқ айланиб юриб, одамлардан пахта сотиб олар, уни шаҳарга олиб бориб сотар экан. Бечоранинг битта-яримта улови ҳам йўқ экан. Пахтани бошида кўтариб юришга тўғри келар экан. Шу боис унчалик кўп пахта йиғолмай оздан бозорга олиб чиқар, топган фойда-зарари ҳам шунга яраша экан. Тушган унча-мунча фойдаси еган-ичганидан ортмас экан. Шу боис қўр-қут орттириш, ўзига улов-пулов сотиб олиш шўрликнинг хаёлига ҳам келмас экан. Ўз ҳоли ўзига маълум бўлганидан фойда орттириш йўлини топай деб бошини ҳам қотирмас экан.

Бугун ҳам боққол пахтасини сотиб, шаҳардан қайтаётган экан, қараса йўлдан бир эшак чиқиб қолибди. Эшак шунақанги ориқ эканки, қовурғалари саналиб, оёқда зўрға турганмиш. Боққол эшакни кўриб, суюниб кетибди. «От-хачир сотиб олишга икки дунёда ҳам пул тополмайман,—деб ичида ўйлай бошлабди боққол.—Бу эшакни менга худо етказди. Йўқдан кўра бори. Ориқ бўлса ҳам нима қилибди, яхшилаб боқсам, тез кунда ўзига келиб қолади! Кўп бўлмаса ҳам мендан кўра кўпроқ юк кўтаради-ку».

Боққол эшакни кўтариб турғазмоқчи экан, қараса, эшак бутунлай беланги бўлиб, ётиб қолибди, ҳарчанд уринса ҳам оёққа турғизолмабди. Шунда боққол сал наридаги бир даракт шохини синдириб келиб, эшакка уч-тўрт туширибди. Калтакнинг захри аччиқ бўларканми, ҳарқалай эшакнинг дангасалиги ҳам эсидан чиқиб кетибди. Бориб ўтлашга ҳоли келмай турган эшак бир вақт дик этиб ўрнидан турибди-да, боққолнинг олдига тушиб йўрғалаб кетибди.

Боққол шу тахлит эшакни уриб-суриб уйига ҳайдаб келибди.

Ростдан ҳам уч-тўрт кун яхшилаб ем-хашак берган экан, эшакнинг баданига жир битиб, анча ўзига келиб қолибди.

Буёқда боққолнинг ҳам бозори юришиб, савдосига барака кирибди. Пахтани энди икки баравар сотиб оларкан-да, уни иккита қопчиққа тиқиб, шаҳарга олиб тушиб, сотиб келар экан. Илгарилари арзимаган бир тугунни не азобда бошида кўтариб шаҳарга тушишлари қаёқда-ю, энди бир йўла икки қопни эшакка ортиб, бемалол бозор қилиб келишлари қаёқда! Икки қоп пахтадан тушадиган фойда ҳам шунга яраша бўлади-да.

Хуллас, боққол ўзида йўқ суюнибди. Эшакка кўпроқ ем-хашак бериб, яхшироқ боқа бошлабди. «Эшак қанчалик семиз бўлса, шунчалик бақувват бўлади, юкни ҳам кўпроқ кўтаради. Юкни кўп кўтаргандан кейин фойда ҳам кўпроқ тушади. Кел, ёнига яна бир эшак олай. Тушум яхши бўлгандан кейин кўр-қут орттиришимга ҳам имкон туғилади. Кўр-қут орттириб олгандан кейин...»

Лекин эшак дангаса экан. Очидан ўлай деб тургани учунгина боққолникига келган экан. Энди эса олдидан ем-хашак аримай, кундан-кун семириб, кучга тўлиб бораверибди. Емак-ичмақдан қайғуси бўлмагандан кейин мияга ҳар хил гаплар келаверибди. Семиргани сайин эски дарди — дангасалиги қўзий бошлабди. Охири юк ташишга ҳам бўйни ёр бермай қўйибди. Лекин бир гал қочиб кетиб, роса адабини еганидан яна қочишга юраги бетламабди. Лекин юк ташиш балосидан қутулиш учун у бошқа чоралар ахтара бошлабди.

Бир куни икки қоп пахтани кўтарганча инқиллай ўйга ботиб кетаётган экан, қараса олдинда яна бир эшак кетаётганмиш. У шўрликнинг устидаги юки шунчалик оғир эканки, аранг қадам ташлаб бораётган экан.

Сал юргач, бир дарё келибди. Дарёнинг суви оз экан. Олдиндаги эшакнинг эгаси халачўп билан бир нуқиган экан, боёқиш эшак тўғри дарёга тушиб кетаверибди. Сувнинг таги тошлоқ эканми, эшак қаттиқ туртиниб кетибди. Азбаройи устидаги юкнинг оғирлигидан у ўзини ўнглолмай, сувга ағдарилиб тушибди. Эгаси эшакни гоҳ думидан, гоҳ қулоғидан тортиб, зўрға турғазиб олибди-да, яна йўлида давом этибди.

Дангаса эшак бу ҳолни кўриб, қаттиқ таажжубга тушибди — олдиндаги эшак ҳозиргина зўрға оёқда турган эди, юкини кўтаролмай сувга йиқилиб ҳам тушган эди. Энди бўлса ҳеч нарса кўрмагандай илдам юриб кетаётибди, устидаги, қоп ҳам анча кичрайиб қолгандай кўриняпти — ўзи нима гап?

Дангаса эшак ичида: «Бу дарёнинг сувида бир гап бўлса керак», деб ўйлай бошлабди. «Бу сувда ивиган нарса енгил тортиб қолади, чамаси. Бўлди, чорасини топдим. Мен ҳам сувга бир шўнғийман-да юкимни енгиллаштириб оламан».

Бироқ аслида гап бошқа ёқда экан. Олдиндаги эшак устига ортилган қопдаги нарса туз экан. Эшак сувга шўнғиганда тузнинг анчаси эриб кетган экан.

Ундан ибрат олиб дангаса эшак ҳам дарёга тушгандан кейин жўрттага қоқиниб, сувга йиқилибди. Афсуски, у ўйлагандай бўлмабди, балки бунинг тескариси бўлибди. Сувга тушиб, пахтаининг вазни бир неча баравар оғирлашиб кетибди.

Аслида пахтаининг оғири қанчалик бўларди дейсиз. Лекин дангаса эшакка шу ҳам малол келиб, қандай қутулиш йўлини ўйларкан.



Ҳа, эгри қозиққа — эгри тўқмоқ, дейдилар. Энди дангаса эшак бир неча марта оғир юкни кўтариб кетишга мажбур бўлибди.

Бу ҳам майли-я, пахтани ҳўл қилиб қўйганидан боққолнинг чапараста жаҳли чиқибди. Таёқ билан эшакни обдон савалабдики, шўрликнинг аъзойи бадани мўматалоқ бўлиб кетибди. Уша куни боққолнинг моли бозор кўтаролмай, фойда ўрнига зарар кўрибди. Бу қилиғи учун эшакни эрталабгача қантариб қўйиб, олдига ақалли бир чўп ҳам ташламабди.

Бечора эшак роса таъзирини ебди. Очликдан силласи қуриб, ўзича: «Энди сира дангасалик қилмайман, тўғри ишлаб, эгамга ҳалол хизмат қилиб, ҳалол ейман», — дея қасам ичибди.





## РОСТҒҮЙ АВЛИЕ

у жуда қадим замонда бўлган экан. Бир жойда очарчилик юз берибди. Бир йил ўтибди, икки йил ўтибди, лекин ёмғир ёғиш уёқда турсин, осмонда бир парча булут ҳам кўринмабди. Қуёш бамисоли ловуллаб ёниб турган оловга ўхшармиш. Ер ўчоққа қўйган товадай қизиб кетибди. Далаларда экин-тикин, деҳқончилик қилишни-ку, қўяверинг, жамики дов-дарахтлар, ўт-ўланлар битта қолмай қовжираб кетибди. Одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам очликдан қирила бошлабди. Охири одамлар чидай олмабди, у ерни ташлаб, бош олиб кетишга, ўзга юртларга бориб жон сақлашга қарор қилибди. «Бу ерда бекорга қирилиб кетгандан қўшни мамлакатга борганимиз яхши, у ерда ишлаймиз, тирикчилик қиламиз, жонимизни сақлаб қоламиз», дебди улар.

Шундан кейин тез орада уйлар, ҳовлилар ҳувилаб қолибди. Одамлар керакли рўзгор буюмларини, кийим-кечакларини, латта-путта, ашқол-дашқолларини бўхчалаб, тугунлаб бошларига қўйганча «ҳайт» деб йўлга тушаверибди.

Улар қўшни мамлакатга келиб, нари-берига қараб ўтирмай, тўғри келган ишни қилиб кетаверишибди. Ўз юртида егани олдида, емагани кетида бўлган, даргоҳида ўнлаб чоракору югурдаклар хизмат қилиб юрган мана ман деган бой-зодагонлар ҳам янги жойга келиб, ўзлари хизматкорга айланиб қолибди. Жон кўзларига кўриниб, Азройил тепаларида қиличини ялангочлаб тургандан кейин бошқа нима ҳам қила оларди у шўрликлар?

Ҳамма бир амаллаб ўзини-ўзи эплаб кетаверибди-ю, лекин бир пандит бечора жуда ночор қолибди. У ўқимишли, донишманд мулла экан-у, лекин кўндаланг чўпни олиб қўйишга ярамас экан, иш қилишга сира ўрганмаган, бунга тоқати ҳам йўқ экан. Ўзининг юртида қўни-қўшнилар қилган ҳайр-эҳсонлару назр-ниёзлар билан хотин иккаласининг бир куни ўтиб тураркан. Лекин бу ерда ундай бўлмабди. Ҳамма фақат ўз қорнининг ташвишида бўлиб, ҳайр-садақа қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмабди. Келганда ҳам ўзларининг ташвишидан ортиб, бир нима қила олмас ҳам экан-да.

Бу мамлакатнинг халқи жуда бой турар экан, лекин

уларнинг ўз пандити, ўз мулласи бўлиб, бошқа пандит-муллаларга эҳтиёж йўқ экан. Хуллас, мусофир юртига келиб, пандит билан хотини ит ётиш, мирза туриш билан кун кечиришга мажбур бўлибди. Кеч тушиши билан қўни-қўшниларнинг ўчоғидан тутун кўтарилиб, пиёздоғ ҳиди кела бошлар, бундан пандит ва хотинининг баттар иштаҳаси қўзиб, очликдан қийналар экан.

Охири хотини бу азобларга чидай олмай, эрига қараб бақарибди:

— Ҳой эр, очликдан ўлай деяпман, бир иложини қилмай-сизми?

— Узим ҳам зўрға турибман, хотин,— дебди пандит қорни-ни чангаллаб.— Иложим қанча...

— Иложим қанча дейсизми? — дебди хотини эрининг сўзини шартта кесиб.— Бошқалар қандай тирикчилик қиляпти — сиз ҳам шундай қилинг.

— Бошқалар қора меҳнат қилиб кун кўряпти, хотин! — дебди пандит овози чўкиб.— Мен эса на хат-саводда борман, на қўл меҳнатига ярайман.

— Унақа гапларингизни қўйинг, эр,— дебди жаҳли чиқиб хотини.— Бир жўжага ҳам дон керак, ҳам сув, тирикчиликнинг айби бор эканми, қиламан деган одамга ишнинг яхши-ёмони бўлмайди. Бунақа олма пиш, оғзимга туш деб ётаверсангиз, очликдан итдай ўлиб кетамиз-ку.

— Нафасингни иссиқ қил, хотин, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта «омин» дейди,— дебди қалт-қалт титраб пандит.— Ахир бараҳман деган номим бор-а, қора меҳнат қилиб, зотимизни иснодга қўяйми? Худодан қўрқаман, хотинжон, худодан!

— Бараҳман бўлсангиз, бараҳманнинг ишини қилинг-да,— дебди хотини очликдан инграб.— Агар чиндан бараҳман бўлганингизда бунақа хат-саводсизу авом бўлмас эдингиз, ўқи-мишли, олим бўлардингиз. Ушанда сизга одамлар ихлос қўйиб, хайр-эҳсонлар, садақа-инъомлар берар эди.

— Одамларнинг ихлоси ҳозир ҳам баланд, билиб қўй,— дебди хотинининг гапи юрагига наштардай ботиб пандит.

Пандит қараса, хотини ростдан ҳам ундан хафа бўляпти. Хотини хафа бўлдими, хоҳ яхши гапирсин, хоҳ ёмон гапирсин қулоқ солиш керак. Ахир беғамлик қилиб, ўз ҳолига ташлаб қўяверса, охири ўзига қийин бўлади. Хотин киши бир шаллақилик қилишга тушса, нақ дунёга ўт қўйиб юборади. Шунинг учун пандит дарров овозини мулойимлаштириб, меҳрибонлик билан дебди:

— Нега бунақа дейсан, хотинжон? Камбағал бўлсак нима қилибди — камбағаллик айб эмас. Ҳурмат-иззатимиз жойида, минг қилса ҳам бараҳман-пандит деган номим бор-да! Дуч

келган одам хоки пойимни олиб, кўзига суртади: «Ассалому алайкум, пандит жий!» деб узоқдан салом бериб келади.

— Э-э, саломини пишириб есин ўша одамлар! — дебди хотини баттар ғазаби қайнаб. — Одамларнинг саломидан қорин тўядими? Қоринни овқат тўйдиради! Боринг, овқат топиб келинг!

— Ов... овқат... дедингми, хотин? — дебди пандит тутилиб.

У нима қилишини, овқатни қаердан, қандай топишини билмай, роса боши қотибди. Нафаси ичига тушиб, жим бўлиб қолибди.

— Мум тишлаб олганингиз билан биров келиб: «Ҳолинг қалай?» деб сўрайдими? — дебди хотини яна қорнини чангаллаб вой-войлаганча. — Вой қорним! Вой ўламан! Дод!!!

— Шошма-шошма, хотинжон! Қўй, ўзингни бос! Сабр қил, хотин, — дебди шошиб қолган пандит хотинига тасалли бериб. — Нега ўлар экансан? Тиш берган эгам ризқни ҳам берар. Худо меҳрибон...

— Худо ҳам бекорга бермайди!..

— Э-э, оғзингга қараб гапир, хотин! Худо ҳар нарсага қодир, хоҳласа бор қилади, хоҳласа йўқ. Берадиган бўлса, ўзинг айтгандай, бекорга ҳам бераверади. Ахир, бандасимиз...

— Бундан чиқди, ҳали ҳам ишлаб тер тўккингиз келмаяптими? — Бирдан хотини ловуллаб кетибди. — Қанақа иш ёқмас, танбал одамсиз ўзи?

Шунда ҳам тепса тебранмас эрининг безрайиб турганини кўриб, хотинининг ҳафсаласи пир бўлибди, «э боринг-э», дегандай қўлини силтаб, тесқари қараб олибди.

Пандит худди шуни кутиб турган экан. Хотинининг қуролни ташлаганини кўриб, кўнгли хотиржам бўлибди ва босиқ оҳангда гапира бошлабди:

— Ўзингни бос, хотин. Сабр қил. Тангри мададкор, бирон-бир сабаб билан, албатта, беради, бермай қолмайди.

Очликдан энди хотинининг бутунлай силласи қуриб, гапиришга ҳам мажоли қолмабди. Кўрдик, эрига минг гапиргани билан фойдаси йўқ, қисматига йиғлаб, аста у ердан кетибди.

Пандит бўлса ҳамон хотинига тасалли бериб шундай дермиш:

— Қаноат керак, хотин! Худога шукр қил. Худо мададкор. Ўзи бир йўлини қилади. Яратган ҳам ўзи, парвариш қиладиган ҳам ўзи. Биз эса муте бандалармиз... \

Буни қарангки, худо ростдан ҳам уларга меҳрибончилик кўрсатибди.

Нима бўлибди-ю, бир куни алақандай бургут учиб келган экан. Бургут шундоқ пастга боқса, ерда қип-қизил бир нарса ётганмиш. У ёқут кўзли тилла узук экан. Бургут қизариб кўринган нарса гўшт бўлса керак, деб ўйлабди ва ўқдай пастга

шўнғибди. Ерга тушибди-да, ёқут кўзли узукни тумшуғига илиб, яна осмонга кўтарилибди.

Учиб кетаётиб бургут гўшт деб ўйлаган нарсани ейишга шунча ҳаракат қилса ҳам бўлмабди, сира томоғидан ўтмасмиш. Охири жаҳл билан уни пастга ташлаб юборибди.

Тасодифни қарангки, бургут бу пайтда пандитнинг уйи устидан учиб ўтаётган экан. Узук тўппа-тўғри пандитнинг ҳовлисига келиб тушибди.

Эрталаб пандит уйқудан туриб ҳовлига қараса, ерда ажойиб бир ёқут кўзли тилла узук ётганмиш. Пандит қўлларини қовуштириб, худога шукр қилибди-да, бориб узукни олиб келибди.

— Хотин, ҳой хотин, ахир сенга айтмаганмидим худо ўзи меҳрибон деб? — дебди.— Мана, кўр, бизга ёқут кўзли тилла узук берди.

Хотин эрининг шовқинидан чўчиб уйғониб кетибди. Қараса, эри чинданам бир ёқут кўзли тилла узукни шундоқ тепасида кўз-кўз қилиб турганмиш. Тушим бўлмасин тағин деб уёқ-буёғини чимчилабди, йўқ, хайрият, ўнги экан.

— Буёққа беринг-чи,— дебди хотин иккала қўлини баравар узукка чўзиб.

— Эсингдами, бирон-бир сабаб билан худо ўзи етказди, деган эдим, хотин? — дебди пандит оғзи қулоғига етиб.

— Ҳа, тўғри айтган экансиз, эр,— дебди хотини кўзлари севинчдан чарақлаб.— Сиз ҳамма нарсани шунақа олдиндан биласиз...

— Менга қара,— дебди пандит хотинининг мақтовидан мойдай эриб.— Мен бир нарсани билмасдан гапирмайман. Буни ўзинг яхши биласан-ку. Минг қилса ҳам бараҳманман-да, бараҳманга хат-саводли бўлишнинг кераги йўқ, онадан ўзи хат-саводли бўлиб туғилади. Ҳой хотин, сен ростданам мени алифни калтак деёлмайдиган саводсизга чиқариб қўймоқчимисан? Уёғини сўрасанг, мен асил кароматгўйман. Билдингми? Фақат сендай бир авом, кўзи кўр хотинга йўлиқиб қолганман, холос. Бу ҳам бўлса, тақдирнинг иши, начора.

Пандитнинг хотини хижолатдан бошини эгиб олибди. Унинг кўнглидан шундай гаплар ўтибди: «Эрим ростдан ҳам катта аллома экан-ку. Шундай зўр кароматгўйлигини шу пайтгача билмаган эканман мен кўр. Узим ҳам ўлгудай шаллақи бўлиб кетганман-да, шўрлик эримни бўлар-бўлмасга койийвераман. Кеча қандай гаплар оғзимдан чиқиб кетмади!.. Эй худо, ўзинг кечир, шундай катта авлиё одамни мен авом деб келган эканман... Оқ товба, кўк товба бу ишимдан! Аҳмоқликнинг қора пардаси кўзимни тўсган экан...»

Энди хотиники унинг кароматгўй авлиё эканини тан олди, буёғини сўрамаса ҳам бўлади. Хотин зотининг ичида

зиғирча гап ётмайди-ку, бундай катта гапни хотин ичига қандай сиғдирсин? У шартта ўрнидан турибди-да, қўшниларикига чиқиб кетибди. Ким кўринганга лоф уриб мақтана кетибди:

— Ҳой, қўшни, хабарингиз борми, эрим катта авлиё, ҳамма нарсани олдиндан билади. Айтган нарсаси бўлмай қолмайди.

— Ростданми? — Қўшни хотинлар ҳайратдан ёқа ушлабди. — Унда роса билимли, ўқимишли одам эканлар-ку.

— Ўқимишли ҳам гап эканми, дугонажон, аллома денг, аллома! — дебди. — Биласизми куни-кеча: «Худо бизга бирон баҳона билан давлат юборади», деган эдилар, эрталаб туриб ҳовлига қарасак, ростданам ерда бойлик ётибди.

— Е товба! — хотиннинг гапларини эшитиб, қўшнилари оғзи очилиб қолибди.

Бир хотиннинг оғзидан иккинчи хотин нинадай гап эшитди-ми уни туядай қилиб бошқа хотинларга етказишдан осони бор эканми? Бошқа хотинлар яна бошқаларига етказиб, қарабсизки, ҳаял ўтмай бутун мамлакатга ёйилиб бўлибди...

Энди гапни яна пандитдан эшитинг. Пандит узукни кўтариб, пуллагани бозорга йўл олибди. То у бозор-ўчар қилиб келгунча худди юқоридаги гап бўлибди — пандитнинг авлиёлиги ҳақидаги гапни аллақачон бутун юрт билин олибди.

Бу хабар юрт эгаси рожанинг қулоғига ҳам етиб борибди.

— Шундай улуғ авлиёнинг жойи фуқаро орасида эмас, подшоҳ кўшиқда бўлиши керак! — дебди рожа одамларнинг шов-шувини эшитиб.

Рожанинг оғзидан чиққан гапни икки қилишга кимнинг ҳадди сиғарди?

Вазири аъзам икки букилиб таъзим қилибди-да, дарҳол сипоҳийларига, мулозимларига буйруқ берибди:

— Тез пандитнинг қаердалигини билинглар, оёғини ерга теккизмай саройга олиб келинглар!

Ҳаял ўтмай рожа саройининг тахтиравони пандит эшиги олдида пайдо бўлибди.

Номи рожанинг қулоғига бориб етганини эшитган пандитнинг бирдан димоғи кўтарилиб кетибди. У хотинига ғўдайиб қараб дебди:

— Кўрдингми, қанақа зўр кароматгўйлигимни? Ҳатто ҳузурига чақиртириш учун рожа тахтиравони билан сипоҳийларини юборибди. Шундай дебди-да, пешонасига табаррук хол суриб, гердайиб тахтиравонга ўтирибди. Тахтиравон суворий сарбозлар қўриқчилигида дабдабаю асъаса билан саройга қараб равона бўлибди.

Тахтиравон саройга етиб келибди.

— Марҳамат, авлиё бобо! — дебди сипоҳийлар тахтиравондан пандитни қўлтиқлаб туширар экан. — Қани, ичкарига марҳабо, рожамиз сизга мунтазирлар.

Пандит тахтиравондан тушиб, сарой ичкарисига қадам қўйибди. Ичкарига кириши билан аёнлар ўринларидан туриб, пандитни қарши олишибди. Номии етти иқлимга таралган авлиё пандитни кўриб, рожа ҳам ўрнидан туриб салом берибди. Қўли билан юқоридан жой кўрсатибди. Пандит рожа кўрсатган жойга бориб, талтайиб ўтириб олибди.

Рожа мулойимлик билан пандитга қараб дебди:

— Пандит жий, сизнинг номингиз бутун шаҳарда оғизга тахт кетган, эшитишимча, сиз ажойиб кароматгўй эмишсиз?

Пандит юқорига имо қилиб жавоб берибди:

— Бу ҳамма нарсага қодир худонинг марҳаматидан, шоҳим!

Пандитнинг серодоб жавобини эшитиб, рожа суюниб кетибди. Кўнглида эса: «Бу ростдан ҳам жуда катта алломага ўхшайди, алломалар шунақа камтар бўлади. «Булар бари қодир худонинг марҳаматидан», дейиши шундан далолат бериб турибди. Э, қойил-ей!» — деб ўйлабди.

Рожа уни саволга тутибди:

— Айтганларингиз бари тўғри чиқадими?

— Шубҳасиз, маҳорож, шубҳасиз, — дебди пандит қўлларини қовуштириб таъзим бажо қиларкан, — қилча тафовут қилмайди. Мен жуда катта авлиёман, ёстиқдай-ёстиқдай китобларни ўқиб туширганман. Оғзимдан неки гап чиқса, худди айтганимдай содир бўлади.

«Қойил!» — деб яна дилдан ўтказибди рожа. Кейин овозини чиқариб, пандитга қараб дебди:

— Гап бундай, пандит жий, мен сизни саройимга кароматгўйлар бошлиғи қилиб қўймоқчиман!

Кароматгўйлар бошлиғи!

Пандитнинг боши айланиб кетибди. Ана омаду мана омад! Пандитнинг юраги ўйнаб кетибди. Хаёлидан шундай ўйлар кечибди: «Кун-кеча эшикма-эшик, кўчама-кўча садақа тилаб, бир тўғрам қора нонга зор бўлиб юрган эдим. Бугун бўлса рожанинг саройида, аёнлар билан бир сафда ўтирибман. Оҳ-оҳ-оҳ, кароматгўйлар сардори қанақа бўлишини ҳар ким ҳам билавермайди — данғиллама ҳовли-жойи, хизматкор-югурдаклари, тахтиравони бўлади. Ҳеч нимадан зориқмайди, егани олдида, емагани кетида бўлади. Ахир кимсан — кароматгўйлар сардори! Ҳатто рожа ҳам бир оғиз сўзимга маҳтал туради. Узи худо бир ол қулим деса ҳеч гап эмас экан-да!»

Лекин пандит суюнганини билдирмаслик учун озроқ пинда қилиб дебди:

— Маҳорож, кароматгўйлар бошлиғи қилиб хоҳ мени сайланг, хоҳ бошқа бир пандитни сайланг, бу сизнинг ихтиёрингиз, лекин менинг бир одатим борки, сира ёлғон гапирмайман. Нима айтсам, бари тўғри чиқади.

— Ҳай-ҳай, пандит жий, — дебди рожа унинг гапини бў-

либ, — ёлғон гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Сиз фақат тўғри гапни гапирасиз — биз бунга қилча шубҳа қилмаймиз. Лекин битта шартимиз бор.

«Шарт» сўзини эшитиб, пандит ичида бир нима узилгандай бўлибди, ранги қув ўчиб, шошиб қолибди.

— Қанақа шарт экан, маҳорож? — дебди пандит сўник овозда. «Ҳойнаҳой, бу лавозимга билиб-билмай мени ўтқазиб қўймас, бунинг бир балоси бўлса керагов», — деб ўйлабди у.

Ҳақиқатан ҳам «бир балоси» бор экан. Рожа дебди:

— Биласизми, пандит жий, саройимизда бир қоида бор, бировни қайсидир лавозимга кўтариш лозим бўлса, олдин синовдан ўтади. Агар синовдан муваффақиятли ўтолса одам ўша лавозимга муносиб деб топилади.

— Хўш? — дебди тарвузи қўлтиғидан тушиб пандит.

— Сизни ҳам бир синовдан ўтказсак.

— Қандай қилиб? — дебди пандит қўрқа-писа.

Рожа дебди:

— Сиз бир нарсани каромат қилинг. Агар у сиз айтгандай бўлиб чиқса, саройимда бош кароматгўйлик лавозимида қоласиз.

Бу гал пандит ёмон тушибди. Агар имтиҳон топширмаса, бу катта лавозимдан қуруқ қолиши аниқ. Борди-ю, имтиҳон топширай деса, нимани топширади? У асли-насли кароматгўй бўлмаса, келажакда бўладиган гапларни қандай айтади? Кейин нима бўлади? Ҳамма ўйлаганлари чиппакка чиқадими? Яна аввалгидек кўчама-кўча, эшикма-эшик санқиб, оч-наҳор, ит ётиш, мирза туриш билан кун кечирадими? Буниси ҳали ҳолва, борди-ю, айтгани тўғри чиқмай қолса, рожа жазо беришдан ҳам тоймайди. Пандит жий жони қил устида турганини сезибди. Ҳаммасига ўша шаллақи хотини айбдор! Ёлғон-яшиқ гапларни тўқиб-чирмаб, одамларга мақтаниб, унинг бошига ҳамма балони ўша сотиб олди!..

Лекин кўнгил қурмағур бир нарсага боғландими, осонликча ундан узилмас экан. Шунинг учун: «Таваккал, кўнглимга келганини айтиб кўрай-чи, ё ҳақ, ё раззоқ», — деб ўйлабди пандит ва таҳайюлга берилгандек кўзларини юмибди. У анчага-ча шу алпозда ўтирибди, кейин бирдан кўзини очибди-да, ҳовлиқиб гапира кетибди:

— Ана, маҳорож, ҳозиргина менга маълум бўлдики, икки-кун ичида хотиним оламдан ўтади. Хўп, энди мен тезроқ уйга борай, маҳорож...

— Бўлмасам-чи, дарров боринг уйингизга, — дебди рожа, — эсингиздан чиқмасин, пандит жий, борди-ю, шу гапингиз тўғри чиқса, сизни саройга бош кароматгўй қилиб тайинлайман.

Бироқ ҳақиқий кароматгўйнинг каромати тўғри чиқади-да! Пандит эса ҳозир оғзига келганини айтган-қўйган экан. Буни



у азбаройи хотинига аччиқ қилиб айтган экан.

Аччиқ қилиб айтмоқ қаёқда! Пандит ҳам ҳар томонини ўйлаб-жўйлаб гапирган экан. У кўнглидан шуларни ўтказибди: «Кароматгўйлар бошлиғи бўлиб олсам, ишим беш бўлади. Лекин имтиҳон топширмай туриб бунга эришиб бўлмайди. Имтиҳон бўлганда ҳам қанақаси денг — айтганим тўғри чиқса!»

Хуллас, пандит хотинини ўлдиришга жазм қилибди.

Тўғрисини айтганда пандит ўзи анчадан бери хотинини ёмон кўриб юраркан. Хотини сал гапга шанғиллаб берар, оғзига келганини қайтармай, эрини кўп ранжитар экан. Лекин пандит ўзини оғирликка олиб, ҳамма заҳрини ичига ютар, қўл силтаб қўяверар экан. Бир ёғи ҳеч қаерда ишламагани учун ҳам хотинидан тили қисик бўлиб, унинг жаҳл-ғазабларига чидаб келар экан.

«Агар саройга ишга ўтганимдан кейин ҳам хотиним шунақа шаллақилигини қиладиган бўлса, обрўйим бўлмайди. Бундан кўра хотинимнинг баҳридан ўтганим аъло. Нимадан ташвиш қиламан? Саройда ишласам, ҳеч нарсадан камчилик тортмайман, истасам дарров онаси ўпмаган бир қизга уйланиб оламан. Қайтамга бу жодугардан қутулганим қолади, чиройли келинчак қўйнимга кирати», деб ўйлабди пандит.

Бироқ пандитнинг ўйлагани ёки хоҳлагани билан хотини ўлиб қолаверадими? Шунинг учун пандит бунинг ҳам чорасини ўйлаб қўйибди. Ахир, каромати тўғри чиқиши керак-да! Акс ҳолда бош кароматгўйлик лавозими насиб қилмайди.

Эртасига кеч тунда пандит хотини ухлаб ётган уйга аста пусиб кирибди. Ҳе йўқ-бе йўқ пандит хотинига шердай ташланибди-ю, бечорани томоғидан хиппа бўғиб, жон-жаҳди билан қиса бошлабди. Хотини чўчиб уйғониб кетибди. Қараса, ўз эри ўлдиришга чоғланаяпти. Жон аччиғида овозининг борича қичқира бошлабди:


— Вой-дод, қутқаринглар! Ҳой, одамлар, ёрдам беринглар! Вой-дод!..

Уёқда рожанинг кўнглида олдиндан шубҳа пайдо бўлган экан.

«Нега келиб-келиб пандит хотинининг ўлиmidан гапирди? Ҳойнаҳой, бу ерда бир гап бўлса керак»,— деб ўйлабди ичида. Пандит кетиши билан орқасидан иккита айғоқчи қўйибди.

Хотиннинг чинқириғи эшитилиши ҳамон айғоқчилар шартта ичкарига бостириб кирибдилар-да, пандитни ҳибс қилибдилар.

Шундай қилиб, пандитнинг ҳамма сир-асрори фош бўлибди. Ўз роҳатини деб ўзганинг жонига қасд қилувчи, меҳнат қилмасдан катта еб, катта ичишни ўйловчи худбинлар ҳеч қачон ниятларига етмайдилар. Бу борада халқ: «Қилмиш-қидирмиш», деб бежиз айтмаган.



## ҚИСМАТ

ир рожа бўлган экан. Унинг салтанати гоят катта бўлиб, узоқ-узоқларга ёйилган экан. Салтанатни қўриқлаш учун жуда катта аскарлар кечаю кундуз посбонлик қилар, рожанинг биргина ишораси билан жонларини фидо қилишга ҳам тайёр турар эканлар.

Рожанинг фуқаролари ҳам уни жуда яхши кўрар экан. Бунинг сабаби шунда эканки, рожанинг ўзи ҳам фуқароларига роса жонкуяр экан.

Бунинг устига рожа ўта камтар бўлиб, на гердайиш, на мақтанишу на кибр-ҳавони билар экан.

Албатта, катта арава қайси йўлдан юрса, кичик арава ҳам шундан боради. Рожа ўзи шунақа бўлгандан кейин унинг аъёнлари ҳам шундай бўлади-да. Вазирлару мулозимлардан тортиб, навқару сипоҳийларгача фақат халқ ва салтанат қайғусини қилар, фикр-ёдлари яхшилик билан эл-юртга фойда келтиришда бўлар экан.

Шунчалик бўлишига қарамай, рожа ҳамма ишларим жойида, деб сира бепарво бўлмас экан. Ўзи халқ орасида юриб, камчиликларни аниқлаб, одамларнинг ташвишларига шерик бўлар, қийинчиликларни бартараф қилар экан. Ҳатто, кимки менга арз билан келса, йўлини тўсмай, олдимга қўйиб юборинглар, деб фармон ҳам бериб қўйган экан. Хоҳ катта ё кичик бўлсин, хоҳ бой ё камбағал бўлсин, ҳар ким бемалол рожага арз қилгани кираверар экан. Бошига мусибат тушган одам ўзи кириб дардини айтишини, уни мусибатдан фориг қилишда бош-қош бўлишини рожанинг ўзи яхши кўрар экан.

Бироқ бутун аҳли фуқаро эмин-эркин, тўқ-бадавлат, дориламон яшагандан кейин ким ҳам рожанинг олдига арз билан кирарди дейсиз? Биронта ҳам бахтсиз инсон, ғариб фуқаро йўқ эканки, арз билан юрт каттасининг олдига кирса. Туриб-туриб рожа гоҳида шундай шубҳаларга ҳам борар экан: «Балки, фуқаро қўрққанидан ёки ийманганидан олдимга киролмас? Бошига тушган мусибатни айтишга, дилидаги дардларини баён қилишга юраги бетламаётгандир?»

Рожа фуқаронинг дард-қайғулари ҳақида бор ҳақиқатни очиқ-ойдин билишни жуда-жуда истар экан.

Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Охири рожа бунинг ҳам иложини топибди.

У ўзича ҳар куни тунда кийимларини алмаштириб, ҳеч кимга бирдирмай, шаҳар айланишга қарор қилибди. Шундай қилса, ҳеч ким таниёлмас, у ҳам фуқаронинг аҳволини ўз кўзи билан кўра олар экан.

Уша кундан бошлаб рожа шу ишга бел боғлабди. Ҳар куни тун чўкиши билан кийимларини алмаштириб, жимгина шаҳар айлангани чиқиб кетар экан.

Фуқароси учун жонини ҳам беришга тайёр ана шундай рожалар бўлган экан.

Лекин энг қизиғи шундаки, бировларнинг бахтсизлигини кўрса тоқат қила олмайдиган, етим-есирларнинг, ғариб-ғураболарнинг бошини силаб, дарду қайғусига шерик бўлган шундай ажойиб рожа ўзини дунёда энг бахтсиз одам деб ҳисоблар экан.

Рожанинг фарзанди йўқ экан.

Бечора рожа шуни ўйлаб, кечалари йиғлаб чиқаркан. Рожаларининг фарзанддан қисилганини билган фуқаро ҳам шуни ҳар эслаганда дориламон ҳаётларию бадавлат салтанатлари татимай кетаркан. Бутун аҳли фуқаро эртаю кеч худодан, «суюкли рожамизга фарзанд ато қил», деб илтижо қилар экан.

Охири худо бандаларининг додига етибди. Тўққиз ой тўққиз кун ўтиб малика ой деса юзи бор, кун деса кўзи бор чиройли қизалоқ туғибди. Қиз фарзанд дунёга келгани ҳақидаги хабарни эшитиши билан рожа ҳам, аҳли фуқаро ҳам шунақанги суюнибдики, агар ер юзидаги бор ҳазина оёқлари остидан чиқиб қолганда ҳам шунчалик суюнишларини худо билади. Бутун салтанатда тўй-томошалар бошланибди. Ҳар бир уйнинг девору томида бахт маъбудаси Лакшмий шарафига шамлар ёқиблибди. Шаҳару қишлоқлар келинчақдай безанибди. Бараҳманларга инъому эҳсонлар, ғарибу ғураболарга хайру садақалар берилибди.

Рожанинг қанчалик суюнганини сўз билан таърифлаш қийин экан. Аҳли фуқаросининг қувончини кўриб, у икки баравар суюнибди.

Одатга кўра, рожа мунажжимини чақирибди-да, фарзандининг толедан фол кўриб беришни сўрабди. Мунажжим қалин китобини очиб, солиштириб, узоқ фикрга толибди ва шундай дебди:

— Маҳорож! Тақдирингизда биргина шу қиз ёзилган экан. Начора, бизнинг ишимиз бор ҳақиқатни баён этишдир. Қисматга ёзилмишлари эса худодан. Табаррук китобдаги аҳли ҳукамолар ҳикматию фалак буржидаги сайёралар ҳолати биргаликда фарзанди аржумандингиз толеи хусусида шу нарсани баён қиладики, қизингиз туфайлидан келажақда мамлакат бошига зўр кулфат тушгусидир...

— Кулфат! — дебди рожа чўчиб тушиб. Бирдан унинг авзойи бузилиб, дилини ғашлик чулғабди. — Қанақа кулфат, мунажжим? Кўрқманг, ҳаммасини очиқ-ойдин, яширмай айтаверинг. Агар фарзандим туфайли халқим бошига мусибат тушиб, азият тортар экан, ундай фарзанднинг менга кераги йўқ. Ундан фарзандсиз ўтганим минг марта аъло. Халқимнинг азоб-кубатда яшашини кўришга тоқатим йўқ!

Мунажжим бошқатдан фол кўрибди. Барибир ўша таъбир чиқибди.

— Кулфат тушиши аниқ, маҳорож! — дебди мунажжим ерга қараб. — Лекин бундан ташвишланишнинг асло ҳожати йўқ. Маликамиз жуда ҳам ботир, тадбиркор бир йигитга турмушга чиқади. Малика, салтанат ва халқ бошига тушган кулфатни ўша баҳодир, мард йигит бартараф этади. Сиздан кейин салтанатга ҳам ўша йигит ҳоким бўлиб қолади. Хотиржам бўлинг, кўнглингни тўқ тутинг, маҳорож, у ҳам сизга ўхшаган адолатпарвар, халқпарвар, одил рожа бўлиб, мамлакатни бундан ҳам ободу фаровон қилгуси.

Рожа ҳам, бошқалар ҳам энгил нафас олибди. Маликанинг эри шу салтанатга ҳоким бўлса, раиятпарвар бўлса, бундан яхшиси бор эканми. Чунки, шундай меҳрибон, адолатпарвар рожаларимиздан кейин унинг ўрнини боса оладиган бирон-бир шаҳзода йўқ деб ҳамма ташвишда экан-да. Мана, эл бу ташвишдан ҳам қутулибди. Одамларнинг суюнгани шунчаликки, келажақда мамлакат бошига тушадиган кулфат ҳам эсларидан чиқиб кетибди.

Лекин қисматга нима ёзилган бўлса, ўша бўлмай қолмас экан.

Чақалоқ ўн икки кунлик бўлганида рожа юртга катта ош берибди. Теварак-атрофдаги, узоқ-яқиндаги бутун аҳли фуқарою, казо-казоларни чақирибди, дастурхонга неча хил таомлар тортиб базму зиёфатларни обдон қизитибди.

Зиёфат авжи палласига етганда бир қизиқ ҳангома бўлибди. Бирпас олдин тип-тиниқ бўлган осмонда бирданига тўп-тўп қора булутлар пайдо бўлибди. Кучли шамол кўтарилибди.

Ҳаммаёқни чанг-тўзон қоплабди. Одамлар ҳар ёққа тўзиб, ўзларини панага урибди. Шаррос жала қуйибди.

Лекин бундан кейинги воқеа яна ҳам мудҳишроқ тус олибди.

Ҳамма довул тинишини кутиб, осмондан кўз узмай қараб турган экан, бирдан кучли момақалди роқ бўлибди. Момақалди роқ шунчалик кучли гумбурабдики, худди осмондан тоғ қулагандай бўлибди. Шунда гавдаси осмонни бўйлаган бир улкан дев пайдо бўлибди-да, рожанинг рўпарасига келиб, туриб олибди. Унинг катта-катта чақчайган кўзлари худди оловдай қип-қизил эмиш. Унинг қаердан ва қандай келиб қолганини ҳеч ким билолмай қолибди. Дев рожага қараб, хириллаган товуш билан ўшқириб сўрабди:

— Мени танияпсанми? Мен шу шаҳарнинг деви бўламан, билмасанг, билиб қуй!

Рожа ҳам нима бўлганига ақли етмай, ҳанг-манг бўлиб қолган экан. Даҳшатли девнинг овозини эшитиб, худди уйқудан уйғонгандай, бирдан ўзига келибди ва сесканиб тушибди.

— Нима дедингиз? Ким бўласиз ўзингиз?

— Нима? Қулоғингга танбур чертяпманми, ҳой рожа, — дебди дев тишларини гижирлатиб. — Яқинда фарзанд кўриб, эл-юртга ош бердинг, тўй-томошалар қилдинг. Катта-кичик ҳаммани чақирдинг-да, мени бирров эсламадинг ҳам. Сен ҳали мендай девни беобрў қилмоқчи бўлдингми? Фарзандли бўлдим деб дарров одамни танимай қўйдингми? Бурнинг кўтарилиб кетдими? Ҳой рожа, ҳар иккала қулоғинг билан эшитиб ол: дунёга келган қизинг ўн олтидан ошмайди, ҳа!..

— Кечир мени, ҳой дев... — дебди кўрқиб кетган рожа жон талвасасида қичқириб. — Хом сут эмган бандамиз, бандасидан ўтмай иложи йўқ. Билмай қолибмиз, гафлат босибди, ҳой муҳтарам дев, шафқат қилинг!..

Бироқ дев ўз номи билан дев экан-да. Бунинг устига унинг исми ҳам жисмига монанд экан — Қорадев! Қорадежда шафқат нима қилсин: қайтанга одамларнинг кўрқиб, ҳар томонга тум-тарақай қочаётганларини кўриб, қаҳ-қаҳ уриб кулармиш. У дебди:

— Энди ўзингни урганинг билан фойдаси йўқ. Мени бир карра беиззат қилдинг, энди шунинг ажрини тортишинг керак. Менинг оғзимдан бир карра чиқдими, бўлмай қолмайди. Ун олти ёшга етар-етмас бу қизинг бор-йўғи арзимаган зирапчадан ўлиб кетади. Шугина эмас, кимки унинг жасадига қўл текизса, у ҳам ўлади. Улган одамнинг баданига қўл телизган одам ҳам тил тортмай ўлади. Билдингми, ҳой димоғдор рожа? Шу билан битта-битта бутун мамлакат қирилиб, йўқ бўлиб кетади! Ха-ха-ха!..

Шундан кейин Қорадев яна бир қаҳқаҳа солибди-да, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай кўздан ғойиб бўлибди. Қора дев кетиши билан довул тиниб, булутлар тарқаб, осмон чарақлаб, олам аввалгидай тинчиб қолибди. Лекин одамлар азбаройи қўрққанларидан дағ-дағ титраб, жойларидан қимирлашга ҳам мажоллари қолмабди. Тиллари калимага келмасмиш. Шунда рожанинг эсига бирда мунажжим айтган гаплар келибди. «Мунажжим тўғри айтган экан», кўнглидан ўтказибди рожа: «Эй худо, зўрға тилаб олган болам эди, уни ҳам умрини қисқа қилиб яратдинг, бор-йўғи ўн олти йилгина умр кўраркан. Буниси ҳам майли-я, қизим ўлиб, ўлигига қўл теккизган одам ҳам тирик қолмасмиш. Қизимга қўл теккизиб ўлган одамнинг жасадига теккан одам ҳам жон таслим қилармиш. Шу тариқа бутун мамлакат қирилиб битармиш. Э-воҳ, бу қандай кўргулик! Пешонам қурсин, пешонам!!!»

Бир неча дақиқа олдин ўйин-кулги, тўй-томоша қилиб турган жой гўристондай жим-жим бўлиб қолибди. Ҳамманинг ранг-қути ўчган, эс-ҳуши жойида эмас эмиш, овқат овқат ўрнида, дастурхон дастурхон ўрнида қолаверибди. Одамлар чуқур қайғуга ботганча уй-уйига тарқабди.

Шу воқеадан кейин анчагача бутун салтанатни ғам босибди. Бошларига тушадиган мусибатдан қандай қутулиш йўларини ўйлайвериб, аҳли фуқаронинг мияси ўйдан чиқмай қолибди. Рожа Қорадевени рози қилиш учун тоат-ибодатга зўр беришни айтибди, бироқ Қорадев рожани қарғаб, бир бадар кетгунча бошқа қорасини кўрсатмабди. Рожа ўйлайвериб-ўйлайвериб телба бўлиб қолаёзибди.

Рожанинг бу ҳолатини кўриб, вазирлар ташвишга туша бошлашибди. Бу аҳволда рожа бутунлай ич-этини еб, ўзини-ўзи адои тамом қилади-ку. Улар секин рожанинг ҳузурига киришибди-да, юрак ютиб унга шундай дейишибди:

— Маҳорож! Бу Қорадев шунча тоат-ибодатдан кейин ҳам инсофга келмади. Шунинг учун энди ортиқ у ҳақда ташвиш қилишнинг ҳожати йўқ деб ўйлаймиз. Бошимизга тушадиган мусибатдан қандай қутулишнинг бошқа чорасини қидирмоқ лозим.

Рожа бечора жуда юрак олдириб қўйган экан. У мунгли оҳангда шундай жавоб берибди:

— Нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Қандай чора кўрсаларинг, ўзларинг кўраверинглар.

— Ҳа, маҳорож, бирон чора кўрмасак бўлмайди. Лекин ҳадеб бунақа қайғуга ботиб ўтираверсангиз ўзингизни ўзингиз адои тамом қиласиз-ку. Бу аҳволда бирон тадбир ўйлаб топиш ҳам, бирон чора кўриш ҳам амримаҳол.

— Гапларингиз тўппа-тўғри, — дебди рожа вазирларига маъ-нос боқиб. — Лекин тақдирга ёзилгани бўлмай қолмайди, ундан

ҳеч ким қочиб қутулган эмас. Шунинг ўйлаб, бошим ўйдан чиқмай қолди. Ўзингиз мундоқ ўйлаб қаранг-а, қариган чоғимда худо менга яккаю ягона фарзанд ато этса. У ҳам Қорадевнинг ғазабига дучор бўлиб, ўн олти ёшида, ўн гулидан бир гули очилмасдан туриб ўлиб кетса! — Шу гапларни айтиб туриб рожа ҳўнграб йиғлаб юборибди. Кўзёшларини артиб, гапида давом этиб дебди: — Шугина бўлса ҳам майли эди. Буёғини сўрасангиз, ундан ҳам бешбаттар, ундан ҳам даҳшатли. Малика ўлгандан кейин унинг жасадига теккан одам ҳам ўларкан. Қорадевнинг айтишига қараганда салтанатда шоҳдан тортиб гадогача битта қолмай қирилиб битармиш. Ун олти йилдан кейин менинг салтанатимда тирик жонни кўриш амримаҳол бўлиб қолармиш. Оҳ! Бу қайғу-аламларга қандоқ чидайман?!

Ҳамма бирдай қайғуга ботиб турганда бир вазир ўзини қўлга олиб шундай дебди:

— Тўғри-ю, сувни кўрмай, этик ечиш қандай бўларкин, маҳорож? Бошимизга мусибат тушгунча яна оз эмас-кўп эмас, ўн олти йил бор. Унгача бирон-бир чора-тадбирини ўйлаб, бу балодан халос бўлиш йўлини топсак, ажаб эмас! Келинг, ётиб қолгунча отиб қол, дейдилар, ҳозирдан тайёргарлик кўрайлик.

— Тўғри, маҳорож, муҳтарам вазиримиз ҳақ гапни айтдилар, — деб унга қўшилибди бошқа вазирлар ҳам ўзларини бир оз қўлга олиб. — Ўзингиз ўйлаб қаранг, шоҳим, неча йиллардан бери ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, шундай катта салтанатни бошқариб келаётувдик. Шу пайтгача на раият бошига, на салтанат бошига бирон-бир мусибат бориди. Энди келадиган мусибатни даф этиш учун ҳам бирон-бир чора топилиб қолар ахир. Қўрққанга қўша кўринар дегандай, ҳали келмаган балодан бунчалик талвасага тушишимиз яхши бўлмас.

— Йўқ, — дебди рожа эътироз билдириб. — Шу ерда сизлар бир оз хом ўйлаяпсизлар, назаримда. Қорадевнинг гаплари эсингиздан чиққан кўринади. У ўн олти йил ичида малика арзимаган зирапча заҳридан ҳалок бўлади, деб айтган эди.

— Тўғри, маҳорож, — дебди биринчи вазир ва миясига келган ўйдан ўзи қувониб кетибди. — Дарвоқе, маликамизга зирапча қаердан кира қолади? У бир деҳқон-меҳқоннинг қизи эмаски, дала-тузда ўтин-чўпларга араллашиб юрса. Шоҳимнинг табаррук ва чиннидай тоза саройида зирапча нима қилсин? Шунинг учун на маликага зирапча киради ва на малика ҳалок бўлади. Раияту салтанат бошига ҳам ҳеч қандай ташвиш тушмайди!

Ҳамма вазирнинг ақлу заковатига таҳсинлар айтиб, ҳайрат билан бир-бирига қарабди.

— Вазирнинг гапи рост, — дебди улар бир овоздан. — Шоҳ саройида юрган канизакнинг зирапча билан қанчалик иши бор? Унга зирапча қаёқдан илашарди? Қаранг-а, шу нарсага ақлимиз етмабди!

Шундан кейин ҳаммаларининг юзига қизил югуриб, чиройи очилибди.

Шунга қарамай, рожа эҳтиёт чорасини кўриб қўйибди. Малика яқинига биронта зирапча тасодиф билан ҳам келиб қолмасин, деб бутун саройга қаттиқ тайинлабди. Қизи учун алоҳида бир хонани чиннидай ярқиратиб берибди. Ундаги ҳамма нарса-жиҳозларини: латта-путта, қўғирчоғу ўйинчоқларгача муҳайё қилдириб, ичкарига киритиб қўйибди. Ҳаттоки чўмилиб-ювинишию ўйин-эрмакларигача хонанинг ичида бўлиб, ташқарига бир қадам ҳам чиқарилмас экан. Овқатини ҳам ичкарига олиб кириб беришаркан. Қизча нимани хоҳласа, ўша заҳоти бажо келтириларкан. Қанчалаб чўри унинг хизматида эртаю кеч ҳозир экан. Ёш малика қайси томонга қараб юрмоқчи бўлса, аввал чўрилар унинг йўлини яхшилаб ювиб-тозалаб артаркан-да, ундан кейин малика у ерга оёқ босар экан.

Малика бир оз улғайгач, тўрт девор ичидан чиқмай ўтиравериш жонига тегибди. Ташқарига чиқиб ўйнагиси келаверибди. Ҳеч бўлмаса ҳовлидаги гулзорга чиқиб, тоза ҳаводан нафас олиб, озгина яйрашни жуда-жуда орзу қилибди.

Бироқ рожа бунга асло унамабди. Фақат вазирларига шундай маслаҳат берибди: малика турган хона деразасининг рўпарасига анвойи гуллар экиб қўйилсин. Шундай гуллар экилсинки, биронта ҳам тикони бўлмасин.

Рожанинг айтганлари кўз очиб-юмгунча бажо келтирилибди.

Энди ёш малика зериккан пайтларида дераза олдига келаркан-да, анвойи гулларни томоша қилиб, завқ олар экан. Албатта, унинг йўлини чўри-канизаклар аввал обдон ювиб-артиб қўяркан.

Ана шундай тадбир-чораларни кўриб бўлгандан кейин ҳам рожа бутун салтанатга жар солдирибди:

— Маликага зирапча кириш уёқда турсин, у истиқомат қилаётган жойда зирапчанинг ўзидан ном-нишон йўқ. Аҳли фуқаро, кўнглингизни тўқ тутинг, энди маликага на зирапча кириш хавфи бор, на у зирапчадан ҳалок бўлади! Лекин дунё тасодифлардан холи эмас. Борди-ю, бирон-бир баҳона билан малика оёғига зирапча кирса-ю, шундан ҳалок бўлса, эсингизда тутинг, муҳтарам раият, биронтангиз унинг жасадига қўл теккиза кўрманг! Борди-ю, тасодиф билан кимдир унга қўл теккизиб, жон таслим қилгудек бўлса, ҳеч ким на маликанинг, на ўлган кишининг мурдасига яқин бормасин!..

Буни эшитиб, бутун аҳли фуқаро, энди малика ўлмайдиган бўлибди, бошимизга ҳеч қандай мусибат тушмас экан, деб енгил нафас олибди. Бутун салтанат яна қадимгидай шод-хуррам, беғам, беташвиш яшай бошлабди.

Лекин бир куни бир воқеа содир бўлибди.



Еш малика чорпояда ётавериб, жуда зерикиб кетибди. У чўрисига қараб шундай дебди:

— Дераза олдига бориб, гулларни томоша қилгим келяпти.

Чўри унинг хизматида доим шай экан. Хонада зирапча тугул оддий хас-чўпдан ҳам нишона топилмас, ҳаммаёқ ёғ тушса ялагудек ярқираб турар экан. Шунга қарамай, чўри бошқатдан тоза латтани олиб, чорпоя олдига борибди. Малика чорпоядан ерга тушибди. Чўри унинг йўлини артиб бораверибди. Малика артилган жойдан қадам ташлаб келаверибди.

Ниҳоят, малика дераза олдига етиб келибди. Анвойи гулларнинг ҳиди димоғига уриб, маст бўлибди. Унинг ғамгин чеҳрасига қизил югуриб, бирдан чиройи очилиб кетибди.

Дераза яқинида ҳарсингар деган бир сергул дарахт ўсаркан. Унинг шоҳида бир миттигина қуш ўтирган экан. Қушча шунақа чиройли эканки, маликанинг унга жуда ҳаваси келибди. У аста қўлини чўзибди-да, қушчани тутиб олибди.

Лекин шу пайт нима бўлибди денг! Қушчани тутиши ҳамон малика гандираклаб йиқилиб тушибди. Қушча унинг қўлидан пирр этиб учиб кетибди. Бироқ малика ўрнидан қимирламасмиш. Буни кўриб чўри телбалардай: «Маликам!» деб қичқириб юборибди.

Чўрининг қичқириғини эшитиб, ҳамма югуриб келибди. Рожа ҳам шовқинни эшитиб, ўқдай отилиб қизининг хонасига кириб келибди-ю:

— Нима бўлди? Қизимга нима қилди?! — деб ўзини қизига ташлабди.

Рожа энди қизини ердан кўтармоқчи бўлган экан, лекин маликага тегиши билан у ҳам гурс этиб ерга йиқилибди. Юзи девордай оқариб, мурдадан фарқи қолмабди. Кўзлари юмук, худди жони йўқдай оёқ-қўллари ҳам қотиб қолибди.

— Рожа! — деб қичқириб юборибди хотини ва бу қайғуга чидолмай ўзини эрининг устига ташлабди. Шу заҳотиёқ у ҳам тилдан қолиб, оёқ-қўли шалвираб қолибди.

Вазирлар рожани дарҳол табибга кўрсатиш керак, деган қарорга келибдилар. Улар рожанинг хотинини кўтариб, эридан ажратмоқчи бўлишган экан, лекин уларга тегишлари билан ўзлари ҳам таппа-таппа ташлайверишибди. Ҳеч ким ҳеч нарса билолмасмиш — ким бориб ерда ётганларга тегса, ўзи ҳам жонсизланиб, йиқилиб тушаверибди.

Бу воқеадан хабар топган аҳли фуқаро аламига чидолмай саройга югурибди. Рожа олдиндан бирон гап бўлса, ҳеч ким йиқилган одамга тега кўрмасин деб жар солдирган экан, бироқ шу топда у гаплар биронтасининг ҳам эсига келмабди. Барибир Қорадевнинг айтгани бўлибди. Бирпасда бутун салтанатда қимирлаган тирик жон қолмабди.

Охири Қорадевнинг ўзи пайдо бўлибди. Одамларнинг

қирилиб, ер билан битта бўлиб ётганини кўриб, хурсандлигидан қаҳ-қаҳ уриб кулибди.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Роса маза қиладиган бўлдим-ку! Қорадеври хурмат қилмаганинг аҳволи шу бўлади! Ётавер ҳамманг бекорчи бўлиб! Энди мен қандимни уриб яшайман бу ерларда! Ха-ха-ха!..

Шундан кейин Қорадев ўз кучига мағрур кетиб, кўкрагига муштраб, бутун салтанатни кезиб, сайр қилиб чиқибди. Одамларнинг қирилиб ётганини кўрган сари хурсандлигидан нуқул қаҳ-қаҳ солиб кулармиш.

Бир неча кун Қорадев шундайин яйраб-яшнаб, мириқиб сайр қилибди. Бир куни у қаҳ-қаҳ солиб кулганча рожа саройи ёнидан ўтиб кетаётган экан, қаршисидан бир отлиқ йигит чиқибди. Йигит ҳайрон бўлиб кўзларини катта-катта очганча атрофга назар солиб келаётган эмиш. Бу одам қандай тирик қолди экан, деб Қорадев ҳам таажжубга тушибди. У отлиққа яқинроқ борибди-да, бошдан-оёқ разм солиб: «Кимсан?» деб сўрабди.

Йигит унинг бадбашара афти, қўрқинчли вазоҳатини кўриб, «бу ҳойнаҳой бирон дев-пев бўлса керак, бу ердаги одамларнинг бунақа қирилиб ётиши шу девнинг иши», деб ўйлабди. Бир қур хаёлидан қилич билан девнинг калласини сапчадай узиб қўя қолсамми, деган ўй ҳам кечибди. Кейин яна, балки бунда унинг гуноҳи йўқдир, борди-ю, ростдан ҳам у бутун салтанатни сеҳр билан шу аҳволга солган бўлганда ҳам уни ўлдиришимдан фойда йўқ, аксинча, қош қўяман деб кўз чиқаришим мумкин, у ўлгандан кейин одамларни тирилтиришнинг иложи бўлмай қолади, шунинг учун ақлимни пешлаб, ундан нима бўлганини сўраб билай, деб фикридан қайтибди.

Йигит гўё ҳеч нарсадан беҳабардай дадил савол берибди:

— Мен бир мамлакатнинг шаҳзодаси бўламан. Йўлдан адашиб буёқларга келиб қолдим, ўзинг ким бўласан?

— Мен шу мамлакатнинг деви — Қорадеврман, — деб жавоб қайтарибди дев.

— Қизиқ, нега бу ердаги ҳамма одамлар ўлиб ётибди? Биронта тирик зот қолмаганми? — суриштира кетибди отлиқ йигит.

— Йўқ! — деб гердайиб жавоб берибди Қорадев. — Буларнинг ҳаммасини мен ўлдирдим! Бу мамлакатнинг рожаси мени беҳурмат қилган эди, мен унинг қизини қарғаб, жувонмарг бўлсин, дедим. Ун олти ёшга тўлмай, зирапча кириб ўлиб кетсин, унинг ўлигига текканлар ҳам ўлиб кетсин деб дуойибад қилдим. Бўлган гап шу. Худди айтганимдай, ҳаммалари бир-бирига тегиб, қирилиб битди. То ўзим уларга жон ато этмагунимча, шундай чўзилиб ётаверади. Ха-ха-ха!..

Шаҳзоданинг шубҳаси тўғри чиқибди. Лекин девнинг жонини олишга ҳам шошмабди. «Аввал бир иложини қилиб,

девдан одамларга жон ато қилдириб олишим керак. У осонликча сир бермайди. Уни бир амаллаб лақиллатиб, сирнинг тагига етишим лозим», деб ўйлабди шаҳзода. Шу он миясига бир тадбир келибди-ю, у ҳам девга ўхшаб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди.

Қорадев бирдан кулгидан тўхтабди.

— Сен нега куляпсан? — деб ўшқирибди у шаҳзодага қараб.

— Сенинг алмойи-алжойи гапларинга куляпман,— дебди шаҳзода ўзини хотиржам кўрсатиб.— Сен бир оддий одамдан асло фарқ қилмайсан. Йўқ, бу ерда бошқа бир гап борга ўхшайди. Мени лақиллатаман деб ўйламай қўя қол. Мақтанишнинг ҳам жойи бўлади. Бўлмаса, ўзинг айт-чи, маликага зирапча қандай кириши мумкин? Кимсан, малика бўлса, кошонада яшаса, унга губор қўндирмай сақлашади-ю, тагин аллақандай зирапча ...э, қўй бу бемаъни гапларингни, зирапча дегани дала-даштда, ўрмон-чангалзорда бўлади-ку?

— Ҳой нодон! — дебди Қорадев яна кулиб.— Сен мени билмаганинг учун шундай деяпсан. Рожа ҳам қизини ер-кўкка ишонмай, шиша хонада сақлар эди. Шунча йил бирон марта ҳам маликага остона ҳатлаб эшикка чиққани қўймасди. Баногоҳ зирапча кириб озор чекишидан қўрққанидан шундай қилди у. Лекин менинг дуоларим олдида, унинг бу эҳтиёткорлиги бир тийин бўлди. Қиз ўн олтига тўладиган куни мен шундай ҳийла ишлатдимки, ҳайрон қоласан. Бир чиройли қушчанинг қаноти орасига зирапча жойлаб, маликанинг деразаси олдидаги ҳарсингар деган гулга қўндирдим...

— Рожанинг қизи қушчани ушлаб олди демоқчимисан? Бўлди-бўлди, қанот орасидаги зирапча қизининг қўлига кириб, у жон берган, шундайми? Кейин унга теккан одамлар ҳам ўлиб қолаверган, шундай демоқчимисан? — дебди шаҳзода, девни масхаралаб қотиб-қотиб куларкан.— Оббо биродар-ей, роса гапга тўн бичадиган хилидан экансан-ку. Лекин ёлғонни ҳам қотирар экансан, қойил, биродар, қойил! Эшитиб, сал бўлмаса чиппа-чин ишонаёзибман-а! Ҳой биродар, майли, лоф уриш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Энди айт-чи, бу одамлар қандай тирилади?

Қорадевнинг қаттиқ жаҳли чиқибди.

— То мен хоҳламагунимча биронтаси тирилмайди,— дебди у тўнғиллаб.

— Борди-ю, хоҳлаб қолсанг-чи, унда қандай тирилади?

— Мен хоҳлаб қолсамми? Унда биргина малика тирилиши мумкин.

— Малика қандай тирилади?

— Уни тирилтириш йўлини битта мен биламан, лекин мен уни тирилтирмайман.

— Чунки тирилтириш қўлингдан келмайди-да. Ахир ҳамма гапинг лоф, ёлғон деб айтмайганмидим? Ана, ўз гапингдан ўзинг

тушиб ўтирибсан, лофчи! — дебди шаҳзода ва яна девни калака қилиб, қотиб-қотиб кулибди.

Қорадев баттар ғазабланиб, кўзлари чақнаб кетибди.

— Нима? Ўзим ўлдирдим-у, нега тирилтира олмас эканман? — дебди у гердайиб.

Шаҳзода ҳам кўрқмасдан шундай дебди:

— Ҳой оғайни, бу маҳмаданалигингни бошқаларнинг олдига бориб қиласан. Мен шаҳзодаман. Менинг олдимда оғзингга қараб гапирсанг бўларди. Келиб-келиб топган гапингни қара: истасанг ўлдирар эмишсан, истасанг тирилтирар эмишсан! Мен бунга икки дунёда ҳам ишонмайман. Агар гапларингнинг ярми рост бўлганда ҳам бир дунё одам бунақа ерда тупроқ билан битта бўлиб ётмас эди.

— Ахир сен нимага ишонасан?! — дебди Қорадев тутақиб.

— Ишонадиган гапга ишонаман-да, «Нимага ишонасан» эмиш! Қани, гапинг рост бўлса, мана шу маликани тирилтириб кўрсат — мен ишонай.

Қорадев хўмрайиб дебди:

— Сенинг гапингга кириб, бу одамларнинг барини қайта тирилтирайми? Шундай демоқчимисан? Жуда аҳмоғини топибсан. Тушингни бориб сувга айт.

— Йўқ-йўқ, — дебди шаҳзода, — мен фақат тирилтириб кўрсат деяпман, холос. Тирилтириб, кейин, майли, яна ўлдир. Сен учун бу ҳеч нарса эмас-ку.

Шаҳзоданинг ҳийласи иш берибди.

Қорадев ўзича: «Маликани бир бор тирилтириб кўрсатсам нима қилибди. Барибир зирапча менинг қўлимда бўлади-ку. Жилла қурмаса мана бу шаҳзодани ишонтирганим қолади, бир йўла одамлар тирилган пайтда улардан, хўш, Қорадевни беҳурмат қилиш қанақа бўларкин, деб сўраб оламан, шундан кейин маликага яна зирапча тиқиб, ҳаммасини ўлдираман», деб ўйлабди.

Қорадев узоқ хаёлга толиб, фикри ўзгариб қолмасин деган андишада шаҳзода унинг ғашини келтириб, қаҳ-қаҳ уриб кулибди.

— Ана, айтмадимми, ҳой ёлғончи, ҳамма гапларинг қипқизил лоф демаганмидим? — дебди овозининг борица бақириб шаҳзода. — Сен ҳеч қанақа дев-пев эмассан, сен ҳам менга ўхшаган худонинг ожиз бандасисан, қўлингдан ҳеч нарса келган эмас, бундан кейин ҳам келмайди!

— Шунақами?! — дебди Қорадев унинг қутқусига лаққа тушиб, — менинг кимлигимни, куч-қудратимни кўриб қўй бўлмасан!

Шу гапларни айтибди-ю, Қорадев маликанинг жасади олдига борибди ва унинг қўлига кирган кичкинагина зирапчани суғуриб олибди.

Зирапча суғурилиши билан малика ҳам, ўша ерда ётган бошқа одамлар ҳам кўзларини очибдилар. Худди ҳозиргина қаттиқ уйқудан уйғонгандек, ҳаммалари атрофга ҳайрон қараб туришганмиш.

Қорадев тирилган рожа томонга қараб кулиб дебди:

— Хўш, рожа, мени зиёфатга таклиф қилмаганинг оқибати қалай бўларкан? Қизингни асраш учун озмунча ҳаракат қилдингми! Лекин сен менинг нималарга қодирлигимни ҳисобга олмадинг. Аҳли фуқаронгни битта қолдирмай қириб ташлаган мен бўламан! Гапир энди! Куч-қудратимни сенларга бир кўрсатиб қўйиш учун атайлаб ҳаммангни бир озга тирилтирдим. Мана, яхшилаб кўриб қўй! Ха-ха-ха!

Шаҳзодага худди шу керак экан. У ўйлабди: «Агар ҳозир вақтни бой берсам, тамом, кейин нарёғи нима бўлиши ўз-ўзидан маълум. Бу галварс дев яна ҳамманинг жонини олиши турган гап. Балки мени ҳам омон қўймас...»

У шартта қиличини суғурибди-да, бир ҳамла билан девнинг бошини чўрт узибди. Малика ҳам, бошқа одамлар ҳам ўз кушандаларидан ана шу тариқа халос бўлишган экан. Ҳамма Қорадевнинг ўлганини кўриб, шовқин-сурон, қийқириғу олқишлар билан шаҳзодага қуршаб олибди. Агар шаҳзода бўлмаганида бутун бошли бир мамлакат бекордан-бекор йўқ бўлиб кетаётган экан-да!

Рожа ўша заҳоти қизини шаҳзодага никоҳлаб бериб, тўй-томошани бошлаб юборибди. Саройда, шаҳару қишлоқларда, бутун салтанатда ўйин-кулги, базм-гурунг, тўй-томоша авжга чиқибди. Лекин бу галги хурсандчиликларда на Қорадев пайдо бўлибди, на эл бошига мусибат тушибди. Ҳамма муроду мақсадига етиб, дориломон умр кечирибди.





### УРТАНЧА УҒИЛ

ир бор экан, бир йўқ экан, бир рожа бўлган экан. Рожанинг фарзанди йўқ экан. У эртаю кеч тоат-ибодатга берилиб, ғариб-ғурабою етим-есирларга садақа улашар, иложи борича фақат савоб ишлар қилишга тиришар экан. «Бу тоат-ибодатлариму садақа-хайрларим, қилган савоб ишларим худонинг даргоҳида қабул бўлиб, зора у менга зурёд ато этса», деб ният қилар экан.

Яхши ният ва сидқидилдан қилинган ҳар бир иш бенатижа қолмабди.

Рожанинг дуолари ва қилган барча хайру эҳсонлари худонинг даргоҳида қабул бўлибди. Бу нарсани рожа ногаҳон кўрган тушидан билибди. Рожа тушида худони кўрибди. Худо унга қараб: «Сен яқинда бир ўғил кўрасан, лекин ўғил кўришинг билан дарҳол худо йўлига қурбонлик келтириб, савоб иш қил», дебди.

Эрталаб рожа тушини хотинига айтибди. Малика эрининг гапини диққат билан тинглабди-да, ҳайрат билан шундай жавоб берибди:

— Маҳорож, бугун кечаси мен ҳам худди шундай туш кўрдим.

— Ростданми? — деб юборибди рожа.

— Ҳа, маҳорож, гапим рост, — дебди малика.

Рожа дарҳол пешво мулла — пуроҳитни чақиртириб шундай дебди:

— Пуроҳит жий, биз эр-хотин иккаламиз бугун кечаси бир хил туш кўрдик. Шу тушимизнинг таъбирини айтиб берсангиз.

Пуроҳит китоб очиб, чуқур таҳайюлга берилибди ва бирдан чеҳраси ёришиб кетибди.

— Маҳорож, — дебди у суюнчини ичига сиғдиrolмай, — тушларингиз хайрли чиқди: ростдан ҳам худо сизларга фарзанд ато этмоқда, тағин ўғил бола-я! Ҳа, маҳорож, суюнинг, тахтингизга муносиб ворис дунёга келяпти! Бўлажак шаҳзода тенги йўқ гўзал, хушхулқ, қобил ва ботир йигит бўлади! Лекин...

«Лекин»ни эшитиб, рожа билан маликанинг юраги тўхтаб қолаёзибди, нафаслари ичига тушиб, ранглари қув ўчибди. Кейин кўрқа-писа сўрашибди:

— Лекин... уёғи-чи? Уёғи нима бўларкин?

— Лекин хайр-садақага келганда жуда ҳушёр бўласизлар, маҳорож, — дебди пуроҳит. — Тангрининг буйруғи шундай — фарзанд дунёга келиши билан дарҳол хайр-садақа қилиб, худонинг кўнглини олиш лозим бўлади.

— Албатта, хайр-садақа қиламиз-да, пуроҳит жий, — дебди рожа қўлларини қовуштириб, у ўзининг тангриларга ниҳоятда ихлоси баландлигини яна бир бор кўрсатиб қўймоқчидай, бошини ерга теккизиб таъзим бажо айлабди. — Худойим менга ўғил ато этар экан, бир эмас, икки сидра хайр-аҳсон адо этганим бўлсин, тақсир.

Бироқ оғизда гапириш бошқая амалда бажариш бошқа бўлар экан.

Вақти соати етиб, малика ой деса, ой, кун деса, кун дегулик бир ўғил туғиб берибди. Рожа суюнганидан телба бўлиб қолаёзибди. Саройидаги ҳамма хизматкор-югурдаклару канизак-оқсочлар, чўри-қароллару гумашта-сумашталарни чақириб, чўнтақларини пул-чақаларга тўлдирибди, тугун-тугун, бўхча-бўхча сарполар инъом қилибди, неча хил ширинлигу ичимликлар билан обдон сийлабди. Қайдаки етим-есир, ғариб-ғурабо кўринса, уларга ҳам талай нарсалар бердирибди. Бараҳману авлиёларга ҳада қилинган нарсаларни эса ҳеч ким ҳисоблаб ҳам ўтирмабди. Хуллас, бутун салтанатда катта тўй-томоша бошланибди. Аҳли фуқаро ўйлари теварагида минглаб шам ёқиб, кечаларни кундузга айлантириб юборибди.

Фарзанд суюнчи билан кўнгилларида нимаики армон бўлса, рожа билан малика ҳаммасини қилибди. Ҳаддан ортиқ суюниш ҳам баъзида одамни қарахт қилиб қўяркан. Эр-хотин ҳам шундай бўлибди, элга тўй-томоша кўрсатиш билан қаттиқ овора бўлиб, рожа ҳам, малика ҳам пуроҳит айтган гапларни бутунлай эсидан чиқариб юборибди.

Бир куни пуроҳит аста рожанинг олдига келибди-да, ваъдани бажарган-бажармаганлигини сўрабди.

— Э-ҳа, буни қаранг, пуроҳит жий, биздан катта хатолик ўтибди-ку, ҳай аттанг! — дебди рожа пешонасига шапатилаб.

Рожанинг бунчалик афсусланганини кўриб, пуроҳит тасалли берибди:

— Ҳечқиси йўқ, яхши ишнинг кечи бўлмайди, тақсир, эрталаб эсдан чиққан нарсани кечқурун ҳам адо этса бўлаверади. Мана, эсладингиз, шу ҳам катта гап. Энди бемалол ишга киришаверинг.

— Ҳозир, — дебди рожа. Кейин бир оз ўйга толиб, пуроҳитга қараб дебди: — Менимча, бу ишни ўн икки кундан кейин амалга оширганимиз маъқул. Уша куни чақалоққа исм қўйиш маросими бўлади, бу ишни ҳам шунга қўшиб ўтказсак, жуда чиройли чиқади.

— Майлингиз, — дебди пуроҳит мулоимлик билан, — лекин ўша кундан қолмасин.

— Ҳаргиз қолмагай, тақсир, — дебди рожа қаттиқ ишонтириб.

Ҳаш-паш дегунча орадан ўн икки кун ҳам ўтиб кетибди. Чақалоққа исм қўйиш маросимига тайёргарлик бошлаб юборилибди. Эрталабдан саройда ҳар ким ҳар қаёққа югурган, чопган, бақириб-чақирган... Рожа каттаю кичик, вазиру вузаро, эркагу аёл — ҳаммани баравар зиёфатга таклиф қилибди. Қозонлар биқирлаб қайнабди, лаганлар ювиб-артилибди, дастурхон устига дастурхон ёзилибди — хуллас, чор-атроф жиз-биз бўлиб кетибди. Ичкарида ҳам, ташқарида ҳам ит эгасини, мушук бекасини танимасмиш. Меҳмонлар бир ёқдан ташриф буюриб ўтириб, қоринларини тўйғазаверибди, иккинчи ёқдан оғизларини артиб кекириб, янги меҳмонга узоқ умрлар, тўкис бахт-саодат тилаб чиқиб кетаверибди.

Тўй-томоша кун бўйи давом этибди, бутун шаҳар келиб, зиёфатдан баҳраманд бўлибди. Тўй тадориғи, тўс-тўполон, меҳмон кутиш билан бутунлай боши гангиб қолган рожа билан малика бу сафар ҳам пуроҳитга берган ваъдаларини унутиб юборишибди.

Пуроҳит келиб, ваъдани эслатган экан, рожа яна «аттанг», деб пешонасига урибди.

— Маҳорож, яхши иш бўлмабди-да, — дебди пуроҳит ҳам ичичидан афсусланиб. — Тилаб-тилаб зўрға етишган фарзандингиз эди, салтанатингизга муносиб ворис дунёга келди деб ҳаммамиз суюнган эдик. Худойим ҳам шуни сизга лойиқ кўрганидан ато этган эди. Эвазига шу арзимаган хайр-садақани сўраганди, лоақал шу ҳам амалга ошмай қолибди-да.

— Шуни айтинг-а, пуроҳит жий, қанча ташвишларни қилиб, шугина нарса эсдан чиқавергани-чи. Шу, эрталабдан бир бошим гангиганича ҳай-ҳайлаб юраверибман... Энди ўзингиз айтинг, тақсир, қачон қилсам бўлади бу хайр-садақани? — дебди рожа пуроҳитга мўлтайиб қараганча.

— Яхшиликнинг кечи йўқ, деб олдин ҳам айтган эдим, маҳорож, — дебди пуроҳит вазмин товушда, — лекин худонинг жаҳли чиқиб, бир кор-ҳол бўлмасин дейман-да.



— Ҳай-ҳай, нафасни иссиқ қилинг, пуроҳит жий, — дебди рожанинг кайфи учиб. — Хом сут эмган бандамиз, баъзида шундай бўлиб туради-да. Аммо худога айтганимиз бор, йўқ эмас. Яна бир маслаҳат-да, пуроҳит жий, шунча вақт ўтди, тағин жиндай сабр қилсак девдим, ҳадемай шаҳзода йигитча бўлиб қолади, орзу-ҳавас кўрамиз. Эл-юртга катта ош тортиб, тўй қиламиз. Бу амални ҳам ўшанга қўшиб ўтказиб юбора қолсак майлими? Бўлди, гап битта, энди зинҳор шунинг пайдан бўламиз.

Пуроҳитнинг олдида ўтирган оддий одам эмас, бутун бошли бир мамлакатнинг шоҳи — рожа эди, шунинг учун у бу сафар ҳам хўп дейишдан бошқа чора тополмабди. Аста ўрнидан туриб, рожа ҳузуридан чиқиб кетибди.

Рожа ҳам ўзининг ишларига шўнғиб кетибди. Шу кунларда риёсат ишларидан ташқари у қилиши лозим бўлган яна бир иш топилган экан, у ҳам бўлса худодан тилаб-тилаб олган ўша арзанда ўғли — ёш шаҳзодани тез-тез қўлига олиб, эркалаш экан.

Кундан кун, ойдан ой ўтиб, шаҳзода ҳам кап-катта йигит бўлиб қолибди. Рожа уни ўқитибди, ҳар хил ҳунарларга ўргатибди. Шаҳзода чиндан ҳам лаёқатли, истеъдодли экан, тостлари нимани ўргатса, дарров зеҳнига жойлаб оларкан, ҳар қандай оғир сабоқларни ҳам жуда осонлик билан ёд олиб, масалаларни ҳеч қийналмай ўзи ҳал этаверар экан. Кўп ўтмаёқ у риёсат ишларида отасининг қўлтиғига кириб унинг энг яқин ёрдамчисига айланибди.

Энди рожа ўғлини уйлантириш тараддудини кўра бошлабди. Вазирини чақириб, шундай буйруқ берибди:

— Чор атрофга совчилар юбор, қайси рожанинг қизи энг чиройли бўлса, ўшани никоҳлаб, ўғлимга олиб бер.


Рожанинг ҳукми худонинг ҳукми билан баравар. Вазир бир пандит билан хизматкорни совчи тайинлаб рожанинг буйруғини уларга яхшилаб тушунтирибди. Совчилар йўлга тушибди. Бир неча кун совчилар анча-мунча рожаларнинг саройига бориб, қиз қидиришибди. Охири маликалардан бири совчиларга маъқул тушибди-ю, ўша билан гапни бир жойга қўйиб, битишиб, қайтиб келишибди.

Иккала томон рози бўлгандан кейин қолгани нима деган гап!

Мана, тўй ҳам ўтибди. Рожанинг остонаси тиллодан кошонасига қўғирчоқдай келин кириб келибди. Шаҳзода билан малика бир ёстиққа бош қўйиб, даври-даврон сура бошлабди.

Лекин бу гал ҳам худо йўлига хайру садақа қилиш на рожанинг, на хотинининг ҳаёлига келибди.

Шунгача ҳам ҳар нарсага қодир ва ҳаммадан сабр-бардошли тангри сукут сақлаб турган экан. Бу сафар унинг сабр косаси тўлиб, рожанинг бу қадар фаромушхотирлигидан қаттиқ жаҳли



чиқибди ва ёмон дуолар ўқиб, рожани қарғабди. Тангридан дуойибад олган рожа пес-мохов бўлиб қолибди.

Куни кеча ўзининг нуроний ва гул-гул чеҳраси билан тахтда қўр ва савлат тўкиб ўтирган рожа бугун аҳли аёнларига ҳам кўринишдан ор қилиб, парда ортига беркинибди — унинг юзларида ва баданида катта-катта оқ доғлар пайдо бўлиб, ҳатто ўзи ҳам қарашга жирканар эмиш. Яқинига борганлар эса ундан чиқаётган сассиқ, бадбўй ҳидга чидаёлмай, ўзини олиб қочар эмиш. Охири рожа саройга келмай қўйибди.

Мамлакатдаги мана мен деган табибу ҳақимларнинг бари рожанинг атрофида парвона бўлибди, қўймаган малҳамлари, қилмаган амаллари қолмабди. Бироқ сира нафи сезилмабди. Табиб ва ҳақимлар ҳам жуда ҳайрон қолишибди: рожани касал деса, бирон жойи оғримас эмиш, на баданининг бирон жойида жароҳат изи кўринармиш. Аслида улар рожанинг тангри қарғишига учраб, шу ҳолга тушганидан беҳабар экан. Тангри қарғишидан теккан касални дори-дармон билан тузатиб бўлар эканми!

Минг хил дори-дармон билан ҳам тузалмагандан кейин бир куни рожа яна туш кўрибди. Тушида яна ўша худони кўрибди. Худо унга қараб шундай дер эмиш:

— Фаромушхотирлигинг учун мен сенга шундай жазо бердим, ҳой бандам! Энди минг чиранганинг билан фойдаси йўқ. Тузалиб кетишинг учун биргина йўл бор: хайру садақа қилиб бўлганингдан кейин ўз ўғлинг шаҳзодани ҳам қурбон қилишинг шарт!<sup>1</sup> Шундагина бу дарди бедаводан халос бўлишинг мумкин.

Рожа чўчиб уйғониб кетибди. У дарҳол пуроҳитни чақиртирибди. Мулозимлар пуроҳитни оёғини ерга текизмай олиб келиб, рожа қошида ҳозир қилишибди.

Рожа пуроҳитга праном қилибди-да, ҳозиргина кўрган тушини айтиб берибди.

— Эй нимасини айтмай, пуроҳит жий, ўзимдан ўтди, ўзимдан! — дебди инграниб рожа. — Хўш, бу кўрган тушимнинг таъбири нима бўлди энди, пуроҳит жий?

— Ҳа, рожам, — дебди пуроҳит одоб билан босиқ оҳангда, — худонинг буюрганига қулоқ осмадингиз, унинг қаҳрини келтирдигиз, у сизни қарғади, сиз мана бу дарди бедавога гирифторм бўлдингиз.

Рожа пешонасига шап-шап уриб, хўнграб йиғлаб юборибди.

— Энди ўла-ўлағунимча тузалмай, дунёдан шундай хор-зор бўлиб ўтиб кетаманми-а, пуроҳит жий? — йиғлаб туриб сўрабди рожа.

<sup>1</sup> Қадим-қадим замонларда одамни қурбон қилиш расм бўлган. Кейинчалик буни ҳайвонга алмаштирганлар.

— Тузаласиз, рожам, — деб жавоб берибди пуруҳит овозини пастлатиб. — Худо тушингизда бунинг давосини ҳам айтган. Хайру садақа қиласиз, ўғлингизни ҳам қурбонлиққа...

— Йўқ, бу мумкин эмас, пуруҳит жий, зинҳор мумкин эмас! — пуруҳит гапини тугатар-тугатмас рожа алаmidан бақириб борибди. — Шаҳзодага эга бўлгунимча озмунча риёзат чекдимми? Озмунча хайру эҳсонлар, садақалар бердимми? Қайси тошларга бориб бош урмадим! Худога қанчалар нолаю таваллолар қилмадим! Энди шундай ўғлимни ўз қўлим билан қатл этишга қандай чидай оламан?! Ахир шунинг суюнчидан-ку фаромушхотирликка берилиб, мана шу кўйларга тушдим, яна мен уни ўз қўлим билан...

Рожа юзини бекитиб, тагин ўкраб йиғлаб юборибди. Унинг бу аҳволини кўриб, пуруҳитнинг ҳам кўнгли вайрон бўлиб кетибди. Сениқ овозда шундай дебди:

— Сабр қилинг, маҳорож, сабр таги раҳмон деган гап бор. Кўпроқ савоб ишлар қилинг, қадамжоларни бориб зиёрат қилинг, гадоларга хайр-эҳсонларни сира аяманг, худо сизга ёр бўлади.

Рожа худди пуруҳит айтгандай қилибди. Ғариб-ғураболарга садақалар берибди, анча қадамжоларни бориб, зиёрат қилиб келибди, кечаю кундуз тоат-ибодатдан бош кўтармабди. Бундан тангрининг ҳам кўнгли мойил бўлиб, рожанинг тушига кирибди ва шундай дебди:

— Сенинг бу дарди бедаводан халос бўлишинг учун биргина йўл бор — қурбонлиққа жонлик сўйишинг керак. Майли, шунча чеккан риёзатларингни инобатга олгайман, қурбонлик учун ўғлингнинг жонини бахшида қилишдан сени фориг этгайман, унинг ўрнига бир бараҳман боласини қурбон қил, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан.

Рожа уйқудан кўз очини ҳамон вазирини чақирибди ва ҳозиргина кўрган тушининг таъбирини сўрабди. Вазирнинг жавобини охиригача эшитишга ҳам тоқати чидамай, буюрибди:

— Қани, зудлик билан бир бараҳман боласини топиб келтир!

Вазир қўлларини қовуштириб, дағ-дағ қалтираб, шундай дебди:

— Қулингизга жуда мушкул вазифа топшираётибсиз, жаҳон-паноҳ! Қурбонлик қилгани ким ҳам ўз боласини берай деб турибди? Шафқат қилинг!..

— Мен ҳеч нарсани билмайман! Айтдим-ку, ердан бўлса ҳам, кўкдан бўлса ҳам бир бараҳман боласини топиб келтирасан, вассалом! — дебди рожа вазирнинг сўзини чўрт кесиб. — Шаҳарга жар солдир, ғус ноғора чалдир, айт, қайсики бараҳман ўз боласини рожага қурбонлиққа берса, рожа унинг ота-онасига ўғлининг бўйи баравар олтин инъом қилар экан, дегин.

Рожанинг ҳукмига ким бир оғиз қарши гап айта олади? Уша

заҳоти жарчилар шаҳарни бошларига кўтариб жар сола бошлабдилар:

— Ҳой одамлар, эшитмадим деманглар, қурбонлиққа рожамиз бир бараҳман боласини сўраяптилар! Қайсики бараҳман ўғлини рожага бахшида қилса, рожа унга ўғлининг бўйи баробарида олтин инъом қиладилар! Ҳой, эшитмадим деманглар!..

Шу ердан бир бараҳман ўтиб кетаётган экан. Унинг ёнида хотини ва уч ўғли ҳам бирга кетаётган экан. Улар жуда ғариб бўлиб, тиланчилик билан кун кўрар эканлар. Шунда ҳам бирон кун қоринлари тўйиб овқат эмас эканлар. Жарчиларнинг гапини эшитиб, бараҳман тўхтаб қолибди ва хотинига қараб дебди:

— Камбағаллик ҳам жонимизга тегди, умр бўйи қорнимиз ёлчиб овқат еганимизни билмайман. Бир эмас-бир кун шундай очликдан ҳаммамиз ўлиб кетсак, ажаб эмас.

— Аҳволимиз шундай кечавергандан кейин ўлмай нима бўлардик, ўламиз-да,— дебди унга жавобан хотини чуқур уҳ тортиб.

Эри унинг гапини эшитиб, дебди:

— Менга қара, хотин, қурбонлиқ учун рожага бараҳман боласи керак экан, агар боламиздан бирини унга берсак, ўғлимиз вазни баробарида олтинга эга бўлардик. Камбағалликдан қутулиб, бойиб кетардик. Ахир ўзинг ўйлаб кўр, барибир ҳам очликдан ўлиб кетар эканмиз, ҳаммамизнинг ўрнимизга бир ўғлимиз қурбон бўлгани маъқул эмасми? Қолганимиз бу тўрт кунлик дунёда озгина роҳат нималигини кўрармидик.

Бараҳманнинг хотини ҳам бир оз ўйлаб туриб, дебди:

— Рост айтасиз, бир ўғлимизни рожага инъом қилсак, жонимиз ҳузур топиб, камбағаллик балосидан халос бўлар эканмиз.

— Ундай бўлса,— дебди эри,— рожага энг кичик ўғлимизни бера қолайлик. У яқинда дунёга келди, меҳри юрагимизга боғланганича йўқ, ундан жудо бўлсак ҳам қаттиқ қайғурмаймиз.

Лекин оналар энг кичкина боласини ҳаммасидан яхши кўради. Бараҳманнинг хотини эрининг гапини эшитиши билан ўғилчасини дарров бағрига босиб, сорийсининг этаги билан яшириб олибди ва дебди:

— Керак эмас, кичкина ўғлимни икки дунёда ҳам бировга бермайман. Ана, каттаконингиз турибди, ўшани сота қолинг. Гавдаси ҳам катта, олтин ҳам кўпроқ тегади.

Буни эшитиб, бараҳман катта ўғлининг қўлидан тутиб, хотинидан ҳимоя қилмоқчидай, дарров четга тортибди ва жаҳл билан дебди:

— Ҳо, топган гапингни қара-ю! Қанча заҳматлар чекиб катта қилганимиз эсингдан чиқдимиз? Эрта-индин қўлтиғимга кирай деб турибди, ишлаб пул топади. Қариганимизда жонимизга ора

кирадиган аввал шу бўлади. Уни қандай қилиб рожага бериб юборар эканман? Кенжамиз ҳали жуда кичкина, уни катта қилиб олгунимизча ҳали қанча заҳмат чекишимиз керак. Кейин, ким билади дейсан, ундан қандай ўғил чиқади, қобил бўладими ё ноқобилми.

Бироқ бараҳманнинг хотини рози бўлмабди. Эр-хотин ўртасида жанжал кўтарилибди. Бараҳман: «Катта ўғлимиз катта бўлиб қолган, қўлтиғимга киради, уни бермаймиз», деса, хотини: «Кичик ўғлимиз ҳаммасидан ширин, уни ер-кўкка ишонмайман», дермиш.

Уларнинг ўртанча ўғиллари ҳам шу ерда турган экан. У ота-онаси ўртасидаги ҳамма можарони эшитиб, ўзича шундай хаёлларга борибди: «Отам акамни яхши кўрадилар, онам эса укамни яхши кўрадилар. Мени ҳеч ким яхши кўрмас экан. Энди улар мени рожага сотиб юборишлари аниқ. Рожа мени олиб кетиб, қурбонлиққа сўяди...»

Шуларни ўйлаб туриб, ўртанча ўғилнинг хўрлиги келибди. Лекин у дарров ўзини қўлга олибди ва яна шундай хаёлларга толибди: «Йиғлаб-сиқтаган билан иш битмайди. Бундоқ олиб қараганда ота-онамнинг ҳеч қанақа айблари йўқ. Улар очликдан қутулиш чорасини қидиришяпти. Қашшоқлик уларнинг жонидан ўтиб кетган-да. Биронтамиз қорнимиз очқади десак борми, бечоралар дарров бир бурда нон топиб келиш пайига тушиб қолишарди. Шунинг учун улар мени сотишади — бу аниқ. Рожа менинг гавдам баробарида олтин беради. Ота-онам билан ака-укаларим очлик балосидан халос бўлишади. Лекин бу менинг жоним эвазига бўлади. Рожа олтинни бериб, мени сўяди. Шунинг учун шундай бир чора ўйлаб топишим керакки, ҳам ота-онам олтинли бўлишсин, ҳам менинг жоним омон қолсин».

Охири унинг миясига шундай бир тадбир келибди.

Ўртанча ўғил югуриб ота-онасининг олдига борибди-да, шундай дебди:

— Сизлар бекорга тортишманглар, рожага мени сотинглар.

Ота катта ўғлини кўзи қиймабди, она кичик ўғлини аябди, ўртанча ўғилнинг бу таклифи иккаласига ҳам дарров маъқул тушиб, уни сотиш учун рожанинг саройига қараб йўл олишибди. Рожа уларни жуда хушнудлик билан кутиб олибди ва ўртанча ўғилни сотиб олибди. Унинг гавдаси баробарида олтин тортиб, боланинг ота-онасига инъом қилибди. Бараҳман билан хотини олтинни кўтариб, камбағалликдан қутулганларига шукрлар қилиб, уйга қайтишибди.

Уёқда рожа: «Мана, бараҳманнинг боласи ҳам топилди, энди зудлик билан қурбонлиқни бошлаб юбораверсак ҳам бўлади», деб ўйлабди ва дарров амру фармонларни эълон қилдирибди. Ҳамма оёғи олти, қўли етти бўлиб, хизматга шўнғиб кетибди. Қурбонлик учун нимаики зарур бўлса, кўз очиб-юмгунча муҳайё қилишибди.

Қурбонлиқ бир неча кунгача чўзилиб кетибди.

Қурбонлиқнинг охириги уни пуроҳит муқаддас китоблардан оятлар қироат қилиб, оловга ёғ сепибди, олов гуриллаб ёнибди.

— Маҳорож, тангрилар хурсанд, энди асосий ишга ўтсангиз ҳам бўлаверади, болани бисмил қилаверинг, — дебди у рожага қараб.

Бараҳманнинг ўғлини яхшилаб ювиб-тараб, қурбонлиқ қилинадиган жойга қўйдай боғлаб қўйишган экан. Унга қизил кийим кийдирилиб, қизил гулчамбар тақиб, билагига қизил билагузук кийдириб қўйилган экан.

Бир вақт болани қоziқдан ечиб, рожанинг олдига олиб келишибди. Рожа ҳовлиқиб бориб, қилични яланғочлабди-да, болани сўйишга тайёр бўлибди.

Пуроҳит яна дуолар ўқиб, идишдаги сувдан олиб, боланинг юзига қараб сепибди. Кейин:

— Биров келиб буни маҳкам ушлаб турсин, мен оят ўқийман, рожа уни сўйиб, бисмил қилади, — дебди тантанали оҳангда.

Бироқ боланинг қўлидан тутгани ҳеч ким бормабди. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар ўзларича ўйлабди: «Қурбонлиқни рожа қияпти, савоби ҳам, гуноҳи ҳам рожага ёзилади. Бараҳман одамнинг боласини сўйишда қатнашиб, бараҳман қотили деган гуноҳи азимга қолайликми?» Хуллас, пуроҳитнинг айтганига ҳеч ким қулоқ солмабди.

Рожа эса болани қатл қилсам, тангри гуноҳимдан ўтади-да, мохов касалимдан халос бўламан, деб ўзида йўқ суюниб турган экан. Бироқ қараса энг асосий пайтда ишнинг пачаваси чиқай деляпти. Борди-ю, ҳеч ким келиб, боланинг қўлидан тутмаса, ўлиб-тирилиб қилган шунча ҳаракати бир тийинга чиқиши турган гап. Мана бу дарди бедаводан бир умр қутулолмай, дунёдан расвойи жаҳон бўлиб ўтиб кетади.

Шунда рожа нима қилишини билмай, бирпас ўйланиб турибди-да, кейин амр қилибди:

— Боланинг отаси қани? Тезда топиб, бу ерга келтиринглар!

Бир зумда мулозимлар боланинг отасини қидириб, шаҳарнинг тўрт томонига қараб от қўйишибди.

Бараҳман ҳеч кимдан бекингани йўқ экан, бунинг устига ҳамманинг оғзида фақат шу гап экан. Мулозимлар бараҳманни отларига мингаштириб, рожанинг қошига келтирибдилар.

Рожа бараҳманга қараб дебди:

— Пандит жий, илгари қанча олтин берган бўлсам, яна шунча олтин бераман. Сиз мана бу боланинг қўлидан ушлаб туринг, мен уни қатл қилай.

Бараҳман ўзича ўйлабди: «Ўғлимни сотишга сотдим, энди у на менга ўғил бўлади, на мен унга ота. Агар унинг қўлидан ушлаб турсам, рожа менга яна шунча олтин беради».

Бараҳман шартта ўғлининг олдига борибди-да, унинг қўлидан

тутибди. Рожа шамширни қўлига олиб, ҳавога баланд кўтарибди, пуруҳит оят ўқий бошлабди.

Уртанча ўғил нима қилиш кераклигини олдиндан пухта ўйлаб қўйган экан. Қараса, ўша тадбирини амалга ошириш учун айна қулай пайт келибди. Шунда у тўсатдан овозининг борича қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди: «Вах-хах-ха, вах-хах-ха!..»

Қироат қилаётган пуруҳит чўчиб тушибди, оятлар ҳам эсидан чиқиб, болага ағрайиб қараб қолибди. Шу ерда ҳозир бўлган халойиқ ҳам бола нега кулди экан, деб ҳайратга тушибди. Ахир бошида қилич ўйнаб турган бўлса! Пуруҳит оятни тугатади-ю, рожа қилични бир сермайди — тамом, вассалом. Мана бу болачи, ўлимни писанд қилмайди! Писанд қилиш уёқда турсин, қаҳ-қаҳ уриб кулаяпти!

Рожа ҳайрон бўлиб боладан сўрабди:

— Ҳой бола, нега куласан?

Бараҳманнинг ўғли шундай жавоб қилибди:

— Ҳеч нарсага кулаётганим йўқ, рожам, сизлар ўз ишларингизни қилаверинглар, пуруҳит жий оят ўқисинлар, сиз мени қатл қилинг.

— Йўқ, — дебди рожа, — то сен кулгинг сабабини айтмагунингча мен сени қатл этмайман!

Рожа сўзида туриб олгандан кейин охири бола шундай дебди:

— Бўпти, маҳорож, айтсам, айтганим бўлсин, мен доим оталар фарзандларини ҳимоя қиладилар деб ишониб келар эдим. Рожа ҳам ўз раиятининг падари ўрнида саналиб, уни ҳимоя қилади дердим. Тангриларга келсак, улар ҳам ердаги бандаларнинг паноҳқори ҳисобланадилар. Лекин бу ерда мен буларнинг бутунлай тескарисини кўриб турибман — отам қўлимдан ушлаб турибдилар, рожа эса қатл этиш учун бошимда шамшир ўйнатаётир. Ҳатто тангри ҳам менинг қурбон бўлишимни хоҳлайди. Хўш, мени ким ҳимоясига олади — кулганимнинг боиси шунда.

Боланинг бу гапларини эшитиб, рожа шамширни қўлидан тушириб юборибди ва қўлларини қовуштириб, болага қараб дебди:

— Ҳой, бараҳманвачча, ўзинг муштдайгина бола бўлсанг ҳам бундай доно гапларни қаердан топиб гапирясан? Сен менинг кўзимни очдинг. Ҳақиқатан ҳам мен жуда катта гуноҳга қўл ураётган эканман. Пуруҳит жий, оятни йиғиштиринг, мен қурбонлиқ-пурбонлиқ қилмайман.

— Нималар деяётганингизни биласизми, маҳорож? — дебди унга жавобан пуруҳит. — Қурбонлиқ қилмасангиз, қандай тузаласиз?

— Тузалмасам тузалмасман, лекин имонимни куйдиришни истамайман, — дебди рожа. — Рожанинг вазифаси раиятини ҳимоя қилишдир. Уз манфаатимни кўзлаб, фуқаромни қатл

этолмайман. Майли, тангри норози бўлса, бўлар, лекин имонимга шак келтирмайман.

Рожа гапини тугатар-тугатмас қурбонлик қилинадиган майдончадан қуюқ тутун кўтарилибди. Тутун тарқалгач, ҳамманинг кўз ўнгида тангри Вишнунинг сиймоси намоён бўлибди. Унинг бир қўлида чиганок, бир қўлида чарх, бир қўлида нилуфар ва яна бир қўлида гурзи, ҳаммаси бўлиб тўртта қўл. Юзидан раҳмат ва товфиқ нурлари балқиб турганмиш. Халойиқ гурр этиб ўрнидан турибди.

— Кимки ҳақиқат қилиб, имонига содиқ қолса, тангри шуни қўллайди. Мен амр этаманки, сенинг дардинг шифо топгай.

Тангри шундай дейиши биланоқ рожанинг мохов касалидан ном-нишон қолмабди.

Кейин Вишну бараҳманнинг ўртанча ўғлига қараб дебди:

— Уғлим, сендан мингдан-минг розиман. Тила тилагингни.

Бараҳманнинг ўғли қўлларини қовуштириб, шундай дебди:

— Эй тангрим, ота-онам қашшоқликлари туфайли ўғилларини сотишга мажбур бўлдилар. Уларга марҳамат қил, қолган умрларига роҳат-фароғат бахш этиб, давлатларини зиёда айла.

— Тилагингга етгайсан! — дебди тангри боланинг сўзларини инobatга олиб. — Энди ўзинг учун ҳам тилак тила!

Ўртанча ўғил яна қўлларини қовуштириб, шундай ниҳо солибди:

— Мен бир ғариб фуқароман, эй тангри, фуқаронинг бисотида нимаики бўлса, у рожанинг мулки ҳисобланади. Модомики, менга ҳам у-бу нарса иноят қилмоқчи экансан, тилагим шу — рожа ва унинг жами фуқаросини ҳеч нарсадан кам айламагайсан.

— Тилагингга етгайсан! — дебди тангри ўртанча ўғилнинг бу каломларини ҳам инobatга олиб. — Энди ўзинг учун ҳам бирор нарса тила, ҳой қобил ўғлон!

— Менга хоки пойингни кўзимга суртишдан ортиқ инъоминг керак эмас! — дебди бола ва ўзини тангрининг оёғига ташлабди.

Халойиқ кўзини очиб қарасаки, ҳозиргина рўпарасида турган тангри ўртанча ўғилнинг ҳамма тилакларини мустажоб айлаб, кўздан ғойиб бўлибди.

Шундай қилиб, бараҳманнинг ўртанча ўғли ўзининг донолиги билан фақат ўз жонини сақлаб қолмабди, ота-онасию раиятни ҳам бахту иқболга абадий ёр қилган экан.







## АҚЛНИНГ КУЧИ



ир қишлоқда бир деҳқон яшаркан. Деҳқон ғоят меҳнатқаш, тиришқоқ экан. У на кечани, на кундузни биларкан, даласидан чиқмай, экинларини суғорар, ўтоқ қилар, чопар, парваришлар экан. Албатта, шунча меҳнат қилгандан кейин экин ҳам шунга яраша бўлади-да. Куз келиб, ҳамма деҳқонлар хирмон кўтарганда, бу деҳқоннинг хирмони бошқаларидан энг каттаси бўларкан. Дон-дуни ҳеч ерга сиғмай, ҳатто унча-мунчасини етим-есир, ғариб-ғураболарга шундоқ улашиб юборар экан. Тантиликда ҳам унинг олдига тушадигани йўқ экан!

Бир йили шу деҳқон даласига маккажўхори экишга қарор қилибди. Ерни ҳайдаб, мола босибди, яна бир ҳайдаб, дон сепибди-да, устидан яна мола босиб, униб чиқишини кутибди. Ҳадемай маккажўхори бир текис униб чиқибди. Деҳқон астойдил парваришга киришиб кетибди. Маккажўхори новдалари кун сайин эмас, соат сайин ўса бошлабди. Сал нарига бориб эса деҳқоннинг ўзидан ҳам баланд бўлиб кетибди. Сўта боғлаб, ҳосили кўзга ташланиб қолибди. Деҳқон ўзича хомчўт қилиб, бу йил ҳам анча ҳосил олишига кўзи етибди. Ич-ичидан суюниб, экинини яна ҳам меҳр билан парвариш қилиб, қуш-паррандалардан қўрий бошлабди.

Маккажўхори обдон етилиб, ҳосилни йиғиб олиш гади келибди. Ҳар бир новда камида тўртта-бештадан сўта боғлаб, яхши пишганидан пўстлоқлари арчилиб, тилларанг маккажўхорилар одамнинг ҳавасини келтираркан. Сўталарнинг узунлигини айтмайсизми, нақ бир қулочдан келармиш. Маккажўхори донлари узоқдан худди маржон шодасига ўхшаб кўринармиш.

Хуллас, деҳқон ҳосил йиғимига тайёргарлик кўрибди.

Лекин шу орада бир хунук воқеа рўй берибди.

Одатдагидай, деҳқон бир куни экинини қуш-чумчуқлардан кўриқлаб ўтирган экан. Нима бўлибди-ю, дала ёнидаги йўлдан қишлоқнинг энг катта бойи ўтиб қолибди. Бойнинг ёнида унинг ҳамроҳлари — муншийи, қишлоқ мулласи ва бир хизматкори ҳам бор экан. Бой жуда золим, инсофсиз одам экан. Аслида



заминдорлар ҳамқишлоқларига меҳрибон, яхши-ёмон кунларда уларнинг жонига ора кирадиган, диёнатли одамлар бўлар эди. Йўқ, бу бой унинг тескариси экан. Кўнгли қора, бировнинг бўлганини кўролмайдиган, худбин экан. Айниқса, ўздан бошқаларнинг хурсанд бўлиб, кулишларига асло чидаёлмас экан.

Бой ҳалиги деҳқоннинг даласини кўриб, донг қотиб қолибди. Кўзлари ола-кула бўлиб кетибди, ҳамроҳларига:

— Вой, мана бу маккажўхорини қаранглар, роса бўлибди-ку! — дебди.

Бойнинг ҳар бир сўзига гап қайтармай, «лаббай» деб турадиган лаганбардор мунший дарров олдинга ўтибди-да, тилёғламалик билан бойнинг гапини маъқуллаб дебди:

— Ҳа, тақсир, бўлганда қандоқ дейсиз! Оҳ-оҳ-оҳ!..

— Бизнинг даламиздаги маккажўхорилар бунчалик эмас, — дебди бой қовоғидан қор ёғиб.

— Ҳа, тақсир, сизнинг далангиздаги маккажўхорилар бунчалик эмас, — дебди мунший бошини сарак-сарак қилиб.

— Бу яхши эмас, албатта, — дебди бой баттар ичини ит тирнаб.

— Нимасини айтасиз, бой, — дебди мунший бойнинг ҳасадини кўзгаб. — Сизнинг далангиздаги маккажўхорилар ёмон, камҳосил бўлсаю, бир нобакор ялангоёқнинг даласидаги маккажўхорилар мана бунақа етилиб, бўлиб берса, яхшими? Албатта, ёмон-да. Менга қаранг, бой, фурсат ғаниматда бу ярамас деҳқонни тийиб қўйиш керак, шундай қилиш керакки, у экинидан кўзлаган ҳосилини ололмасин.

— Ҳа, уни тийиш керак, — дебди хаёлга толиб бой, — бўлмаса у ҳар йили шунақа яхши ҳосил олишга ўрганиб қолади.

— Ҳа, тақсир, дон-дуни кўпайиб, ҳеч ерга сиғмай кетади, — уларни қувватлабди мулла.

— Ғалласи кўп бўлгандан кейин бозорга олиб чиқиб сотади, — деб гап қўшибди хизматкор.

— Сотиб пул қилади, — дебди мунший бир кўзини қисганча, ўйчан ҳолда. — Пули кўпайгандан кейин бойийди, қишлоқдаги энг катта бойга айланади.

Заминдор ҳам узоқни ўйлаётган экан шу топда. Шунинг учун кўпроқ у безовта бўлаётган экан:

— Деҳқон бойиб кетгандан кейин яна ер сотиб олади. Ери қанча кўп бўлса, ҳосили ҳам шунча кўпаяди.

— У яна ҳам кўпроқ ғалла сотиб, ундан ҳам бойиб кетади, — дебди мунший кўзларига қон тўлиб.

— Мен ҳам шуни ўйлаяпман-да! — дебди бой юрагидаги ҳасад энди ғазабга айланиб. — Бир вақт қарабсанки, бу хумпар деҳқон аста-секин заминдор бўлиб олади, яъни мен билан барабар бўлади. Йўқ! Мен бунга чидолмайман! Бу ялангоёққа кўрсатиб қўяман бойиш қанақа бўлишини! Заминдор бўлармиш-а!..

— Сизга тенглашишни ким қўйибди бу пандавақи деҳқонга, бой?! Сиздай ном қозонган заминдор қаёқда-ю, усти энгилга ёлчимайдиган бир гўрсўхта ювиндихўр қаёқда,— дебди мулла бойнинг пинжига тиқилиб. Аслида мулла пандит бўлиб, еб-ичишдан бошқа унинг ҳеч қанақа ташвиши бўлмас экан. Ҳозир ҳам у фақат балойи нафсини ўйлаб, қандай қилиб бўлса ҳам етилиб турган маккажўхоридан бир-икки сўтани жигилдонига уриш пайида экан.— Агар шу ҳосил сизнинг далангизда бўлганида бизнинг ҳам оғзимиз тегиши турган гап эди, тақсир. Лекин мана бу нокас деҳқонни кўрмайсизми, зикналиги шунчаликки, лоақал биттагина сўтасидан йўқласа-чи! Бу гап унинг хаёлига ҳам келмаяпти. Шу ҳоли билан тагин заминдор бўлармиши? Бе!..

— Икки дунёда ҳам бўлолмайди! — деб пандитнинг гапини маъқуллабди хизматкор. Сўта ҳақидаги гапни эшитиб, бу шўрликнинг ҳам оғзидан сўлакайи оқибди. Иккала кафти билан қорнини силаб, гапида давом этибди: — Пандит жий гапнинг хўрозини айтдилар, агар бир-икки маккажўхори сўтаси бўлганида пишириб, еб олардик, ахир қорнимиз ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетди-ку.

— Қорнимиз пиёзнинг пўсти бўлиб кетди дейсанми? — дебди бой хизматкорига маъноли қараб. Яхши баҳона топилганидан ичида суюнибди.— Нега қараб турибсан бўлмаса? Қани, дарров бориб ўн-ўн бешта сўтани юлиб кел-чи. Пиширсанг, биз ҳам ердик, ўзинг ҳам ердинг.

— Лекин деҳқон даласини қўриқлаб юрибди-да, бой,— дебди чумчуқ пир этса, юраги шир этадиган муншийни бирдан қалтироқ босиб.

— Тагин кўриб қолиб, бошимизга...

— Жуда юракдан ҳам берган экан-ку, мунший,— дебди бой масхара қилиб,— кўрса нима қилибди? Қўлидан нима келади? У бир ўзи, бизлар эса тўрттамыз. Бор, ҳой хизматкор, далага кириб, сара-сара, катта-катта сўталардан бир этак қилиб қайириб кел.

Бойнинг буйруғини икки қилиб бўларканми — хизматкор маккажўхоризорга шўнғиб кетибди.

Деҳқон узоқдан буларни кўриб турган экан. Улардан бирининг маккажўхоризорга кириб кетганини кўриб, фиғони чиқибди. Чунки хизматкор фақат сўталарни қайириб олаётган бўлса-ку, бир нави экан, лекин у пояларни ҳам оёғи билан топтаб, экинни пайҳон қилаётган экан-да! Деҳқоннинг экинини йўқ қилишдан у қанчалик завқланаётгани шундоқ сезилиб турар экан. Унга сайин деҳқоннинг қони қайнаб кетибди. Бироқ ўзини босибди. Қанча меҳнат-машаққат билан етиштирган ҳосилини бой атайлаб хизматкори орқали ер билан битта қилаётгани ўз-ўзидан кўриниб тураркан. Шуларни дилидан ўтказиб, деҳқон

ўйлабди: «Заминдорнинг ёмон одамлигини етти иқлим билади. Бунинг устига ёнида яна уч киши бор. Агар қаршилиқ кўрсатсам, тўртталаси бир бўлиб, мени ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас. Кел, озгина ҳосил йўқ бўлса бўлар, бошим омон қолсин».

Яна бир оз мулоҳазадан кейин деҳқон ақл билан иш тутишга қарор қилибди. У шундай бир тадбир ишлатибдики, ҳам ҳосилни нобуд бўлишдан сақлаб қолибди, ҳам ана у тўрттала махлуқнинг бошлаб таъзирини берибди. Деҳқон хизматкор қайирган сўталарни ўтда пишириб, тўртталалари жиғилдонларига уриб олгунча сабр қилиб турибди. Кейин у аста бойнинг олдига борибди, бошини эгиб салом берибди ва шундай дебди:

— Ие, тақсир, жуда овора бўлибсиз-ку. Бир оғиз ўзимга айтмайсизми, сўталарнинг қулинг ўргулсинидан топиб, яхшилаб пишириб бермайманми. Ахир сиздай кишиларнинг хизматига ярамасак, нима қилиб юрибмиз?

— Биз бўлсак, сени уришади, деб ўзимиз қайириб келиб, пишириб ебмиз,— дебди бой деҳқоннинг химматидан оғзи қулоғига етиб.

— Ҳай-ҳай, бу гапни бир айтдингиз, иккинчи оғзингиздан чиқмасин,— дебди деҳқон қўлларини қовуштириб,— жаноб, сиз қачон бир нарса деганингизда биз йўқ деганмиз? Сиз бой одамсиз, қишлоғимизнинг рожасисиз. Сизнинг раъингизга қарши юришга кимнинг ҳадди сиғибди? Мана бу мунший эса қишлоқнинг ҳақини ажратиб берадиган ягона одам. Ҳақ-ноҳақ, хиёнат-диёнат нималигини фақат шу киши орқали биламиз. Бу жанобнинг бир энлик хатлари ғарибни шоҳ, шоҳни гадо қилишга қодир. Буларнинг ҳам гапларини ҳеч ким икки қилолмайди. Пандит жий... Оҳ-оҳ, пандит жий хўп етилган, худосифат одам! Бу кишига бир лўкма таом бериб, савобини олган одамнинг икки дунёси ҳам обод дейверинг. Аммо мана бу хизматкорингиз... Хизматкорингиз...

Деҳқон тутилиб қолибди. У бойга, пандитга ва муншийга бир-бир қарабди. Ҳаммалари хизматкорнинг эпчиллигидан мамнун эканлиги шундоқ аён экан. Деҳқон гапида давом этибди:

— Аммо мен бир нарсага тушунолмай қолдим — мана бу ўзи бир хизматкор бўла туриб, сиздай ашрофларнинг орасида нима қилиб юрибди? У ўзини жуда ким чоғлапти?

Шунда бойнинг бирдан авзойи тундлашиб, хизматкорига ўқрайиб қарабди-да:

— Дарвоқе, бу хизматкор нега бизга илашиб қолди? Ўз ҳаддини билмаган нодон! Исқирт!..— дебди афтини буриштириб.

— Шуни айтяпман-да, тақсир, сиз қишлоқнинг рожаси бўлсангиз, бу бир ювундихўр қарол бўлса, у сиз билан ёнма-ён ўтиришга эмас, оёғингиз тагида шолча бўлишга арзийди! Буни ўзи ҳам жуда яхши билади, тақсир, билиб туриб жўрттага шундай

қилади, таги паст-да, пинжингизга кириб, молдай маккажўхори кавшаётганини кўрмаяпсизми, падар лаънатининг!

Шундай дея деҳқон бора хизматкорнинг ёқасидан олибди-да, юзига шапалоқ тортибди.

— Хўш, қани айт-чи, яна рожанинг ёнларида ўтирасанми? А, ўтирасанми?! Мана сенга! Мана сенга!..

Деҳқон хизматкорни ўласи қилиб урибди. Бу ҳам етмагандай бой, мунший ва пандит ҳам унга қўшилиб, хизматкорни роса дўппослабди. Бечора хизматкорнинг оғзи-бурни қора қонга бўялибди. Бир амаллаб ситилиб чиқибди-ю, орқасига қарамай, жонининг борица қочиб қолибди.

Барибир бойнинг бу билан жаҳли босилмабди, муншийга қараб шундай дебди:

— Мунший жий, бугундан бошлаб бу ифлос хизматкорнинг болалари эшигим тагида қорасини кўрсатмасин!

— Хўп бўлади, тақсир! Оббо расво-ей! Одам дегани ҳам шунақа сурбет, кажфеъл бўлар эканми! Қарол бўлиб туриб, ўзини рожа билан бир жойга қўяди-я! Ҳа, ўзиям тоза таъзирини еди! Ейиши ҳам керак эди-да!

Энди уч киши қолганди — бой, мунший ва пандит.

Деҳқон қўлларини қовуштириб, шундай дебди:

— Қани, тақсирлар, буёққа юринглар. У ерда сўри бор, кўрпача-ёстиқлар сизларга мунтазир. Бемалол ёнбошлаб, бир ҳордиқларингизни чиқариб оласизлар. Узим сизларга ажойиб сўталардан пишириб бераман.

Учала ҳамроҳ деҳқоннинг орқасидан кетибди.

Даланинг қоқ ўртасида бир дўнглик бор экан. Деҳқон ўша дўнглик устида сўри қилиб, ўзига жой қилиб олган экан. Заминдор югуриб бориб сўрига чиқибди-да, талтайиб ўтириб олибди. Пандит ҳам унинг ёнидан жой олибди.

Мунший ҳам келиб, энди заминдорнинг бошқа ёнидан жой олиб ўтирмоқчи бўлган эканки, бирдан деҳқон бақириб берибди:

— Ҳой мунший, нима қилиясиз ўзи? Сиз ҳам сўрига чиқиб ўтирмоқчимисиз?

— Ҳа-да, — дебди мунший бир оз саросималаниб, — нима, мен ўтирсам бўлмайдим?

— Жуда ғалати гапларни гапирасиз-да, мунший, — дебди деҳқон киноя билан, — заминдор жаноблари сизга ойлик маош берадилар, тўғрими? Тўғри. Бас, шундай бўлгач, сиз бойга ким бўласиз? Бор-йўғи хизматкор, шундай эмасми? Хизматкорлигингизга иқромисиз?

— Бўлмасам-чи! — дебди кибр ва ғазаб билан бой. — Хизматкорим эканлиги ҳаммага маълум.

— Шуни айтяпман-да, бой, — дебди деҳқон оловга ёғ сеппиб, — сиз қишлоғимизнинг рожасисиз. Пандит жий-ку, ҳай энди бир авлиё одам, элда ҳурмати бор. У сизнинг ёнингизда ўтирса,

ҳечқиси йўқ, бўлаверади. Лекин муншийнинг сўрига чиқиб, сиз билан ўтириши жуда ҳам ножойиз-да. Сиздай бир рожа қаёқда-ю, эшигингизга ош-нон тилаб борувчи, қўлингизга қарам, сизсиз куни ўтмайдиган бир хизматкор мунший қаёқда!

Буни эшитиб, заминдорнинг чинакамига ғазоби қўзибди. Ирғиб ўрнидан турибди-да, муншийни тепиб юборибди. Арслондай бўкириб, оғзига келганини қайтармай сўка кетибди.

— Хизматкорим бўла туриб, мен билан ёнма-ён ўтиришга қандай журъат қилдинг, кўрнамак?! Ҳароми?!

Ғазабдан ўзини тамом йўқотган бой пастга тушиб, муншийни шу дўппослаб кетибдики, кўрган одам ҳозир ўлдириб қўяди, деб ўйларкан.

Пандит ҳам ўтирган жойида муншийни бўралаб сўка бошлабди. «Тўрт-беш рупия оладиган маошингга шунча катта кетасанми, пасткаш? Дарров ўзингни бой билан тенглаштириб қўя қолдингми?» — деб баттар бойнинг жаҳлини чиқарибди. Кейин у ҳам ерга тушибди-да, муншийни дўппослашда бойга ҳалол ёрдам қилибди.

Шўрлик мунший не кўйга тушганини бир ўзи билади. Хизматкор-ку, меҳнатда пишган, бунақа тепки-калтақларни кўравериб, териси қотиб кетган бир даванги экан, бир амаллаб жон сақлаб қолибди. Аммо мунший бечора қўлини совуқ сувга урмаган, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юриб келган амалдор одам экан. Кучи бир қаламгаю бир парча қоғозга етаркан, холос. Кетма-кет келиб тушган тўрт-беш муштнинг ўзиёқ масаласини ҳал қилиб қўйибди — қоғоз-қаламни бир томонга қараб улоқтирибди-ю, додлаганича тўғри келган ёққа қочиб қолибди.

Заминдор билан пандит ҳамон муншийни сўкканларича яна сўрига чиқиб ўтириб олишибди.

— Ювош одамни топиб олган булар бари, — дебди бой жойига келиб ўтиргандан кейин. — Гапирмайман-да, шунинг учун ҳаммаси бошимга чиқиб кетган. Ифлослар бари ўзини мен билан тенг тутаяди! Шошмай тур ҳали, нақ терингни шилиб, сомон тикмасам, бой отимни бошқа қўяман!

— Жуда тўғри қиласиз, тақсир, ҳаммаси ҳаддидан ошиб кетган, — дебди деҳқон бойга «ичи ачиб». — Ҳай майли, қўяверинг буларини, ўлиб кетмайдими сизга деса! Бой, жуда чарчаган бўлсангиз керак, маккажўхорининг ўзини пишириб келаверайми ёки ёнида бир оз шарбати ҳам бўлсинми?

— Шарбат дейсанми? — дебди бой шунча ғазабдан кейин қуруқшаган томоғини қириб йўталаркан. — Яхши, шарбат ҳам ола кел, маккажўхори ҳам пишириб кел.

Шарбат сўзини эшитиб, пандитнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетибди, оғзига сув тўлибди. Сўлакайини артиб, шундай дебди:

— Чанқовдан нақ ўлай деяпман, ҳой биродар, тезроқ олиб

кел. Ҳа, айтганча, ширини қанча ўткирроқ бўлса, нур устига аъло нур бўларди-я.

— Ие, пандит жий, бу гапни сиз гапиряпсизми? — дебди деҳқон пандитга қараб. — Эшитиб, қулоқларимга ишонмаяпман. Шу пайтгача мен сизни пандит деб юрган эдим, бу гапингиздан маълум бўлдики, сиз пандит эмас, ғирт авом, уччига чиққан муттаҳам экансиз.

— Нима дединг?! «Авом», «муттаҳам» дейсанми? — пандитнинг газабдан ранги бир оқариб, бир қизара бошлабди, деҳқонни урмоқчи бўлиб, енгини шимарибди. — Мени бундай ҳақорат қилишга қандай ҳаддинг сиғди, бетовфиқ?! Имонсиз?!!

— Муттаҳам бўлмай, нимасиз? Ақалли одамга ўхшаб муомала қилишни билмайсиз-ку. Қишлоқнинг рожаси чанқадим, деса уларга ўзингизга тенг тутиб, мен ҳам чанқадим, дейсиз. Шу ҳам инсофданми? Заминдор жанобларининг марҳаматлари орқасидан-ку бола-чақангизнинг ризқи бутун. Бойнинг садақаси бўлмаса, ҳолингизга вой. Яна ўзингизни уларга тенг тутиб, ёнларида ўтирганингизга куяйми! Ҳеч шарм-ҳаё деган нарса борми ўзи сизларда ё йўқми. Вой тавба!..

Бусиз ҳам ўзи зўрға ўтирган бойнинг чунон жаҳли чиқибдики, овозининг борича ўкириб, бўралаб сўкиб кетибди.

— Буларда уят-пуют қолмаган, ҳаммаси бир гўр экан. Пандит деб, мулла деб унча-мунча ҳурмат қилиб юрар эдим, бу ҳам ҳурматимни билмади, юзимга оёқ босди! Бир оғиз чанқадим десам, дарров бу ҳам чанқаб қолибди. Мен бир шарбатга кўнглим суст кетган эди, дарров бу кишининг ҳам кўнгиллари шарбат тусаб қолибди. Бу қанақаси бўлди, ҳой пандит, садақамга қараган, инъом-эҳсонимдан кунинг ўтиб тургани ёлғонми? Тагин ўзингни мен билан барабар қўймоқчи бўласанми? Мен сут ичсам, сен ҳам сут ичасанми? Мен сариёғ еганда сен ҳам сариёғ ейсанми? Қани айт, мен билан тенг келасанми? А, тенг кела оласанми?

Охири бой чидолмабди, ўзини пандитга ташлабди. Жаҳл чиққанда ақл қочар, дегандек, бойнинг кўзига ҳеч нарса кўринмасмиш шу топда. Олдидаги қишлоқ муллasi — пандит эканлиги ҳам эсидан чиқиб, бош-кўзи аралаш савалаб кетибди.

Боёқиш пандит хўппа семиз, дум-думалоқ одам экан. Текин овқатдан қоринлари кажавадай чиқиб, ўзини зўрға эплаб юрар экан. Қалтақдан ўзини олиб қочишга ҳам ярамай қолибди. Лекин жон дегани шундай бир ширин нарса бўлар эканки, ҳар қандай фалокатга ҳам чап беришга мажбур қилар экан. Пандит думалаб-сумалаб ўзини четга тарта бошлабди ва бир амаллаб бойнинг қўлидан чиқиб, тўғрига қараб қочибди. «Вой ўлдим, ёрдам беринглар, ким бор!» — деб бақириб-чақирганча экинзор ичига кириб, кўздан ғойиб бўлибди.

Бирпасгина аввал деҳқон бир ўзи, бой эса учала ҳамроҳи

билан тўрт киши эди. Деҳқон бир оғиз уларга, «маккажўхориға тегманглар», деганда борми, нақ калтак остида қолган бўларди. Бир ўзи тўрт кишига қандай бас келарди? Лекин ақл ва тадбир унинг жонига ора кирибди, куч билан уддасидан чиқолмайдиган ишни ақл билан осонгина бир ёқли қилибди.

Мана, энди бойнинг бир ўзи қолибди. У ҳамроҳларини уравериб чарчаганидан ҳаллослаб, ихраб-сихраб сўрига келиб ўтирибди ва жавраб шундай дебди:

Бетамизлар, нақ она сутимни оғзимга келтириб юборди-я! Ҳаммаси ўзини мен билан тенг тутгани-чи! Мана энди ҳам мен билан баравар бўлиб кўрсин! Эрталабдан жаҳлимни чиқариб, бошимни қотирганини айтмайсанми бу дўзахиларнинг. — Кейин деҳқонга қараб дебди: — Қани, чироғим, аввал ўша шарбатингни олиб кел, симириб бир ҳордиқдан чиқай, кейин маккажўхорининг сара-сарасидан кўп эмас иккитасини яхшилаб пишириб кела қол, худо хайрингни берсин...

— Маккажўхорини қайси отанг эккан эди? — дебди унга жавобан деҳқон овозини кўтариб. — Ёз бўйи тинимсиз меҳнат қилиб, ўлай-ўлай деб ҳосилни етилтирган мен-у, ҳузур қилиб ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўладиган, роҳатини кўрадиган сенми? — Шундай дея деҳқон қўлидаги сўйил билан бойнинг бошига чунон айлантириб солибдики, бойнинг кўзларидан ўт чиқиб кетибди. — Жазирама иссиқда сув қўйган, ўтоқ қилган, тагини юмшатиб чонган, парвариш қилган ким? Менми ё сенми, имонсиз бой? Энди текингина жигилдонга уришни хоҳлаб қолдингми? Заминдор деб қишлоқдошларига қайишган, оғирини енгил қилиб, жонига ора кирганини айтмайдими? Бунинг ўрнига сен келиб бировнинг экинини нобуд қиласан, зўравонлик билан тортиб олиб, даланинг ўзида пишириб ейсан! Энди бунинг жазосини оласан. Мана сенга! Мана сенга!

Шундай деб деҳқон сўйил билан бойни обдон савалабди. Бой бақарибди, чинқарибди, күзёшини оқизиб ёлворибди, бироқ деҳқон биронтасига ҳам парвао қилмабди, хумордан чиққунча савалабди. Охири уравериб чарчагач, ерда ўликдай чўзилиб ётган бойга қараб шундай дебди:

— Иккинчи бундай номаъқул ишни қилма, эшитдингми? Бировларга ёмонлик қилишни ўйламагин ҳам, ёмонлик қилмагин ҳам. Бор энди, уйингга кетавер.

Ўша куни заминдорнинг чинакамига ўтакаси ёрилган экан, шундан кейин у бирон кишининг нарчасига кўз олайтириш уёқда турсин, хаёлига ҳам келтирмайдиган бўлибди.

Деҳқоннинг ақл ва тадбир билан иш тутганлиги ҳар тарафлама фойдали бўлибди: ҳам ўзининг экинини сақлаб қолибди, ҳам бошқаларнинг шундай балога гирифтор бўлишининг олдини олибди.





## ҚУЁШ БИЛАН ШАМОЛ

унлардан бир кун Қуёш билан Шамол: «Иккаламиздан қайси биримиз зўр?» деган савол устида баҳслашиб қолибди. Қуёш, «мен зўрман», дер экан, Шамол эса, «бекор айтибсан, мен зўрман, агар кучимни тўплаб, бир эссам борми, дарахтларни илдиз-пилдизи билан суғуриб ташлайман», деб мақтанибди. Охири иккаласи кучларини синаб кўришга аҳд қилибди. Йўлда бир одам кўринибди. Қуёш Шамолга қараб дебди:

— Агар шу одамнинг кийимларини ечолсанг, мен сенинг кучингга тан бераман.

Буни эшитиб, Шамол қаттиқ-қаттиқ эса бошлабди. Бирпасда у довулга айланибди. Йўловчи қарасаки, иш чатоқ, довул тобора авж оляпти. У ўзини панага олиб, ўйлай бошлабди: «Ишқилиб, шамол салламини учуриб кетмасин-да, уни тутиш қийин бўлади». Шундан кейин у салласини бошидан олиб, белига маҳкам ўраб олибди. Довул қутуриб, дарахтларни ағанатибди, томларни учурибди. Йўловчини ҳам бир-икки марта суриб кетиб, дарахтга олиб бориб урибди. Бироқ йўловчи кийимни ечишни хаёлига ҳам келтирмабди. Шунда Шамол булутларни ҳам ёрдамга чақурибди. Биргалшиб йўловчига даф қила кетибди. Жаладан шалаббо бўлган йўловчи кийимларини сиқиб-сиқиб қурутган бўлибди-ю, бироқ ечинмабди. Охири Шамол енгилганини тан олиб, эсишдан тўхтабди. Шунда Қуёш дебди:

— Хўш, Шамолвой, қалай экансиз? Жуда кўрдик кучингизни. Энди сиз томоша қилинг, биз кўрсатайлик кучимизни. Йўловчини, мана, биз ечинтирамиз-да.

— Мен уни ечинтиролмадим, енгилдим. Лекин бу йўловчини ечинтириш сенинг ҳам қўлингдан келмайди. У ўлгудай маҳкам одам экан. Ҳай майли, кучингни синамоқчи экансан, синай қол, — дебди Шамол Қуёшнинг ҳам кучи етмаслигига ишониб.

Қуёш аста-секин уфқдан кўтарила бошлабди. У кўтарилган сайин ўткир нурларини йўловчига кўпроқ қадабди. Йўловчи

исиб кетиб, ўзини дарахт соясига олибди. Бироқ сояда ҳам димиқиб, нафаси бўғилибди. Охири йўловчи белига ўраб олган саллани, кейин чопонини ечибди. Қуёш эса тикка келган сайин атроф тандирдай қизиб кетаверибди. Шунинг учун йўловчи қўйлагини ҳам ечишга мажбур бўлибди. Охири қолган кийимларини ҳам ечиб ташлаб, бир лунгида қолибди, холос. Шунда Қуёш Шамолга қараб жилмайиб дебди:

— Хўш, гапир энди, ким кучли экан: менми ё сенми?

Шамол хижолат тортганча енгилганига иқроп бўлибди. Қуёш дебди:

— Эсингда бўлсин, зўрлик билан қилиб бўлмайдиган ишни тадбир билан қилса ҳам бўлади. Сен куч ишлатиш йўли билан муддаонга эришмоқчи бўлдинг, ютқаздинг. Мен эса зўр берганим ҳам йўқ, ортиқча чиранмадим ҳам. Тадбир ишлатдим, холос.





## КАМПИРНИНГ ТАНГАСИ

ир кампир боққолнинг олдига бориб, ундан шундай илтимос қилибди:

— Бисотимда арзмаган пулим бор эди, шуни савдога солиб айлантирай дейман-у, лекин қандай айлантиришни билмай, ҳайронман. Малол келмаса, икки оғиз маслаҳатингизни мендан аямасангиз, зора оз-моз наф кўриб, қариганда косам оқарса, ўла-ўлгунча дуойи жонингизни қилай...

Боққол жавобан дебди:

— Савдонинг ўзига яраша сирлари бўлади, кампир, агар мўлжалдаги фойда унмай қолса, савдога қўйилган пул ҳар олти ойда икки барабар ошиб бораверади.

— Сиз ўз савдонгизда доим шундай қиласизми? — деб сўрабди кампир.

— Менинг савдо юритиш тартибим ўзи шунақа. Савдога қўйган ҳар бир рупиям олти ойдан кейин қўлимга икки рупия бўлиб қайтади. Мана, кам бўлганим йўқ, озгина вақт ичида данғиллама иморат қуриб олдим, икки ўғлимни уйлантирдим, отам дунёдан ўтганларида улардан қолган қарзларни тийин-тийинигача уздим.

Буни эшитиб, кампир рўмолининг тугилган учини ечибди-да, ундаги биттаю битта тангани олиб, боққолнинг кафтига қўйибди.

— Бўлмаса, бисотимдаги мана шу тангани олинг-да, ўзингизнинг айлантираётган пулларингизга қўшиб юборинг, янаги келганимда ҳисоб-китоб қилиб, тушган фойдасини чиқариб берарсиз. Йўқ деманг, айланай, мендай бир кампир учун битта савоб иш қилинг.

Кампирнинг гапларини эшитиб, боққол ўйланиб қолибди, лекин кўнгли бўш одам экан, кампирнинг сазасини ўлдиргиси келмабди. Тангани олиб, савдога қўйиб юборибди.

Орадан ўн икки йил ўтибди. Кампир ҳам, кампир берган танга ҳам боққолнинг эсидан чиқиб кетибди.

Кунлардан бир куни кампир дўкон эшиги олдида пайдо бўлибди-да, боққолга қараб:

— Қани, болам, энди бир ҳисоб-китоб қилиб, орани очик қилиб олайлик, — дебди.

Аллақандай бир кампирнинг ҳе йўқ-бе йўқ, «орани очик қилиб олайлик», дейишини кўриб, боққол аввалига бир оз таажжубланибди, кейин, бу кампир ким, у билан қандай олди-бердим бор экан, деб эслашга ҳаракат қилибди. Охири кампир орада ўтган ўша гапни бир бошдан гапириб берган экан, шундагина боққол уни таниб, иқрор бўлибди:

— Э-ҳа, энди эсимга тушди. Тўғри, мен сизнинг битта тангангизни олиб, савдодаги пулларимга қўшиб қўйгандим. Олти ойдан кейин пулингиз икки баравар кўпаяди деб, ваъда ҳам қилган эдим.

Буни эшитиб, кампир суюниб кетибди ва дебди:

— Отангизга балли! Қани, бўлмаса чўтти олинг, орани очик қилиб олайлик. Қаранг-а, кўз очиб-юмгунча шунча вақт ўтиб кетибди. Худо билсин, тўрт кунлигим қолганми, йўқми, пуларим тиригимга ярайдими, ўлигимгами, ким билади дейсиз...

Боққол ёнини кавлаб, икки рупия пул чиқарибди-да, кампирга узатибди:

— Мана, кампир, олинг пулингизни, бу сизнинг тангангиз.

Бироқ кампир шовқин солиб дебди:

— Бу қанақаси, ҳой боққол, худодан қўрқинг! Мендай бир бенаво кампирнинг ҳақини еб кетмоқчи бўляпсизми? Бу қандай зўравонлик? Бу қандай бедодлик? Инсоф-диёнат деган нарса борми ўзи сизда?!

Шовқинни эшитиб, дарров яқин-атрофдаги дўкондорлар йиғилишибди ва «нима гап, нима гап», деб суриштиришибди. Кампир бор гапни айтиб берибди-да, қўшимча қилиб дебди:

— Энди бўлса, боққол қўлимга бор-йўғи икки рупияни тутқазиб, қолган пулларимни беришдан тоняпти. Йўқ, мен буни шундай қолдирмайман, гап шу: ҳалол ҳисоб-китоб қилиб, пулларимни тийин-тийинигача чиқариб берсин-да, мана фойдадан чиққан пулингиз, деб кафтимга қўйсин, вассалом.

Шунда бир боққол кампирни қувватлаб дебди:

— Кампирнинг даввоси ўринли, тўғри-да, нега унинг пулини чиқариб бермайсан? Қани, бўл: қоғоз-қаламни ол-да, чўт қоқ. Ун икки йилда олти ойдан 24 та бўлади. Шу ҳисобдан бу кампирнинг тангаси 24 марта икки ҳисадан ортиб боради.

Кампир дебди: — Илоё бола-чақангизнинг роҳатини кўринг, менга унинг ортиқча бир тийини керак эмас, фақат ўз пулимни чиқариб берса бўлгани.

Боққоллардан бири чўт қоқиб турибди, бири ёзиб борибди.

Кампирнинг тангаси 12 йилнинг ҳар олти ойи бадалига қуйидагидек икки ҳиссадан ортиб бораверибди:

Биринчи олти ойда	1 анна
иккинчи олти ойда	2 анна
учинчи олти ойда	4 анна
тўртинчи олти ойда	8 анна
бешинчи олти ойда	1 рупия
олтинчи олти ойда	2 рупия
еттинчи олти ойда	4 рупия
саккизинчи олти ойда	8 рупия
тўққизинчи олти ойда	16 рупия
ўнинчи олти ойда	32 рупия
ўн биринчи олти ойда	64 рупия
ўн иккинчи олти ойда	128 рупия
ўн учинчи олти ойда	256 рупия
ўн тўртинчи олти ойда	512 рупия
ўн бешинчи олти ойда	1024 рупия
ўн олтинчи олти ойда	2048 рупия
ўн еттинчи олти ойда	4096 рупия
ўн саккизинчи олти ойда	8192 рупия
ўн тўққизинчи олти ойда	16 384 рупия
йигирманчи олти ойда	32 768 рупия
йигирма биринчи олти ойда	65 536 рупия
йигирма иккинчи олти ойда	132 072 рупия
йигирма учинчи олти ойда	262 144 рупия
йигирма тўртинчи олти ойда	524 288 рупия

Шундай қилиб, кампирнинг биргина тангаси ўн икки йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 524 288 рупияга кўпайган экан. Боққол тахта бўлиб қолибди.





## БИРИНЧИ САБОҚ

оврав билан Пондав деган икки ака-ука бўлган экан. Улар шаҳзода авлодидан экан. Ака-ука мактаб ёшига етгач, оталари рожа Дҳритраштр болалари тарбияси хусусида бош қотира бошлабди. Уйлай-уйлай, охири замонасининг алломаси деб ном олган Друначаряни ҳузурига чорлабди-да, муддаосини унга айтибди. Друначаря рожанинг илтимосини бажонидил қабул қилиб, болаларига таълим-тарбия бериш вазифасини тўла-тўқис ўз бўйнига олибди. Аллома дастлабки дарсда болаларга «Тўғри сўзла, жаҳл қилма» деган атиги тўртта сўздан иборат ўғитни ёд олишни айтибди. Болаларга бу сабоқни ёд олиш унча қийин бўлмабди. Улар икки-уч бор жумлани такрорлаб, устозлари олдида ёддан айтиб бериб дарсдан озод бўлиб кетаверибдилар. Лекин Юдҳиштр деган бола кун бўйи жумлани такрорласа ҳам сира ёдлай олмабди. Кун ботиб, кеч тушибди, ярим кеча бўлиб, эл уйқуга кетибди ҳамки, Юдҳиштр ҳамон сабоқ ёдлайверибди. Буни кўриб, бошқаларнинг ундан ҳафсаласи пир бўлибди ва калака қилиб дебдилар:

— Юдҳиштрни қаранглар, шунчалик зеҳни пастки, тўрттагина сўзни ҳам ёдлай олмайди...

Бироқ Юдҳиштр шерикларининг таъналарига парво қилмабди ва эрта тонгда уйқудан тура солиб, яна сабоғини ёд олишга киришибди:

— «Тўғри сўзла, жаҳл қилма». «Тўғри сўзла, жаҳл қилма...»

Навбатдаги дарс бошланиб, Друначаря болаларга мурожаат қилибди:

— Кечаги сабоқни ким ёд олган бўлса, қўлини кўтарсин!

Буни эшитиб, ҳамма болалар бараварига қўлларини кўтаришибди. Фақат Юдҳиштр қўлини кўтармай, хомуш ўтираверибди. Буни кўриб Друначаря дебди:

— Бугун ҳеч кимга янги сабоқ берилмайди. Эртага келинглр.

Сўнг Юдҳиштрга юзланиб, уқдирибди:

— Менга қара, Юдҳиштр, эртага, албатта, сабоқни ёдлаб кел. — Шундай дея у болаларни дарсдан озод қилиб юборибди. Болалар қий-чув қилганча кўчага чиқиб ўйнай бошлабдилар.

Юдҳиштр эса ҳужрада ёлғиз қолиб, уёқдан-буёққа юрганча сабоқни ёдлашда давом этибди:

— «Тўғри сўзла, жаҳл қилма», «Тўғри сўзла, жаҳл қилма...»

Яна тун чўкиб эл уйқуга кетибди ҳамки, Юдҳиштр сабоғини такрорлайверибди:

— «Тўғри сўзла, жаҳл қилма», «Тўғри сўзла, жаҳл қилма...»

Учинчи куни дарс бошланиши билан устоз аввал Юдҳиштрдан сўрабди:

— Хўш, Юдҳиштр, сабоқни ёд олдингми?

Юдҳиштр жавоб берибди.

— Йўқ, устоз, ҳали ёд олганим йўқ.

Буни эшитиб, болалар кафтлари билан оғизларини бекитиб кула бошлабдилар. Бироқ устознинг чапараста жаҳли чиқибди. Учинчи куни ҳам янги дарс ўтилмай, Друначаря болаларга жавоб бериб юборибди. Тўртинчи, бешинчи, олтинчи куни ҳам шу ҳол рўй берибди. Ҳар гал устоз Юдҳиштрдан:

— Хўш, Юдҳиштр, сабоқни ёд олдингми? — деб сўрар, у бўлса доим бошини ҳам қилганча:

— Устоз, ҳали ёд олганим йўқ, — деб бир хилда жавоб қайтарар экан.

Еттинчи куни Друначаря бу ношуд шогирдидан яна шу хилда жавобни эшитиб, чидаёлмабди, азбаройи газабланганидан Юдҳиштрга тарсаки тортиб юборибди. Тарсаки еб, юзи чўғдай ёнса ҳам Юдҳиштр индамай тураверибди. Буни кўриб, устоз ҳайрон бўлибди. «Ие, — кўнглидан кечирибди Друначаря, — калтак еса ҳам миқ этмайди-я. Бунинг ўрнида мен бўлганимда, устозимни юмма талаган, яхши-ёмон сўзлар билан изза қилган бўлардим».

Саккизинчи куни ҳам Юдҳиштр: «Сабоқни ёд олмадим», деб жавоб берибди. Шундан кейин устоз бошқа болаларга янги сабоқ бериб, дарсни давом эттиришга мажбур бўлибди. Натижада, бир ой ичида болалар китобнинг деярли ярмига бориб қолишибди-ю, Юдҳиштр ҳамон ўша сабоқни такрорлагани-такрорлаган экан:

— «Тўғри сўзла, жаҳл қилма», «Тўғри сўзла, жаҳл қилма».

Кунлардан бир кун Юдҳиштрнинг отаси, ўғлимдан хабар олай-чи, ўқишлари қалай экан, дея мактабга келибди, у ҳужрага кирибди-да, бир четда туриб болаларнинг сабоқни такрор қилишларини кузатибди. Ҳамма болалар устозлари берган саволларга бурро-бурро жавоб берар, берилган сабоқларни шариллатиб ёддан айтиб берар эдилар. Буни кўриб, Юдҳиштрнинг отаси жуда мамнун бўлибди. Бироқ ўғли Юдҳиштрнинг гали келганда, устоз дабдурустан дебди:

— Уғлингиз жуда ҳам ноқобил бола чиқди. Зеҳни шунчали паст, ўқишга ҳафсаласи шунчалик совуқки, мана роса бир ойдан бери атиги тўрттагина сўзни ҳам ёд ололмайди. Эртаиндин бундан қанақа одам чиқади — ҳайронман.

Юдҳиштрнинг отаси устознинг бу аччиқ сўзларидан кўп мулзам бўлибди. Кўнгли синиб, ўғлига қараб дебди: — Хўш, ўғлим, сабоқларни нега ёд олмаяпсан? Ўғлим, илмнинг қадрига ет, ўз вақтида ўқиб, илм орттирмасанг, сендан ҳеч қанақа одам чиқмайди, умр бўйи оми бўлиб қоласан, ҳеч нарсага ақлинг етмайди. Ҳозир айнаи ўқийдиган, илм оладиган пайтинг-ку. Каттарганингдан кейин илм олишга, ўқишга вақтинг ҳам бўлмайди, ҳафсаланг ҳам қолмайди. Кейин пушаймон қилганинг билан қошки фойдаси бўлса. Донишмандлар вақтинг кетди, нақдинг кетди, деб бекорга айтмаганлар. Бу гапнинг маъзани чақ, ўғлим!

Юдҳиштр отасининг ўғитларини бошини эгганча жим туриб эшитибди. Отаси бир оз сукутдан кейин яна дебди:

— Қани, бери кел-чи, ўғлим, менга тушунтир-чи, бошқа болалар китобнинг ярмини тушириб бўлибдилар-у, сен бўлса, ҳали ҳам биринчи сабоқдан нарига ўтмабсан, бунинг сабаби нимада?

Шунда Юдҳиштр тилга кириб дебди:

— Отажон, ўша дастлабки сабоқнинг «жаҳл қилма» деган қисмини ёд олганман. Ишонмасангиз, устозимдан сўраб кўринг, ўша куни улар менга тарсаки туширганларида, асло жаҳл қилмадим. Лекин сабоқнинг «тўғри сўзла» деган иккинчи бўлагини ҳали ёд олганим йўқ. Сабабки, ҳар замон-ҳар замонда ёлғон сўзлаб қўяман. Ёлғон сўзлашни тамомила кўнглимдан чиқариб ташламагунимча қандай қилиб мен сабоқни ёд олдим дей оламан? Ахир, сабоқнинг ўзи айнаи софдиллик, тўғрилиқ тўғрисида-ку: «Тўғри сўзла, жаҳл қилма». Баъзи ҳаммақтабим ҳам бу сабоқни ёд олганлари йўқ, лекин улар «ёд олганмиз», деб кўпларни алдаб юришибди. Менинг бир айбим шуки, бировларга ёлғонлашни билмайман, ҳали тилимни, кўнглимни шу нуқсондан фориғ қила олмаганимни ҳеч кимдан яширмайман.

Боланинг жавобидан устоз Друначаря ҳам лол қолибди. Улар Юдҳиштр ноқобил, зеҳни паст эмас, аксинча, ғоят ақлли, зукко бола эканини англашибди. Шундан кейин устоз унга юмшоқ гапирадиган, унинг ақлу заковатини қадрлайдиган бўлибди. Бошқа болаларни ҳам Юдҳиштрдек бўлишга, ундан ўрнак олишга даъват этибди. У: «Шу шоғирдим билан фахрланаман, келажакда у улуғ одам бўлади», деб ҳаммага мақтаб гапирар, ўзи ҳам бунга қаттиқ ишонар экан. Дарҳақиқат шундай бўлибди ҳам. Кимки, ҳиндларнинг «Маҳабҳарата» деган қадимий китобини ўқиган бўлса, устоз Друначарянинг башорати тўғри чиққанини ўз кўзи билан кўради. Унда тўғри сўзлилиқ, жаҳл қилмаслик орқасида Юдҳиштрнинг юқори мартабаларга эришган ажойиб инсон бўлиб етишгани ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади.





## ОНА ҚАРЗИ

ир Рафиқ деган бола бўлган экан. Бир куни у дадасининг нималардир ёзаётганини кўриб, қизиқсиниб сўрабди:

— Дада, нима қияпсиз? Ҳадеб нималарни ёзипсан?

Дадаси шундай жавоб берибди:

— Нарядларни тўлдирияпман, ўғлим.

Рафиқ ҳали кичкина бўлгани учун «наряд» сўзини тушунмас экан.

— «Наряд» нима дегани, дада? — сўрабди у.

— Нарядми? — дебди дадаси ўғлига қараб, — бунинг маъноси шуки, мен давлат ишини қиламан, қилган ишим учун давлат менга пул тўлайди. Лекин мен қандай ишлар қилганимни, кимларга қандай ишлар қилдирганимни давлат қаердан билади? Шунинг учун мен фалон-фалон ишлар бажарилди, фалон-фалон кўчалар ремонт қилинди, шу ишлар учун менга фалон рупия миқдорида пул тўланиши керак, деб қоғоз тўлдираман. Ана шу қоғозни «наряд» дейилади.


Буни эшитиб, Рафиқнинг дилидан шундай ўйлар кечибди: «Дадам қилган ишлари учун давлатдан пул олар эканлар, демек мен ҳам уйда қилган ишларим учун ойимдан пул олишим керак. Ахир, баъзида ойим кечалари ҳам иш буюрган пайтлари бўлган-ку».

Шундан кейин Рафиқ бир варақ қоғоз билан ручка-сиёҳ олибди-да, ўзича шундай деб ёзибди:

## ОЙИМНИНГ РАФИҚДАН ҚАРЗИ

Ойим Рафиқдан қуйидагича пул қарз бўлиб, тез орада тўлаб қўйиши лозим:

Бир ойда укамни овқатлантирганим ҳақи 1 рупия 00 пайса.



Бир ойда пон келтириб берганим ҳақи 0 рупия 80 пайса.  
Бир ойда магазиндан нарса харид қилиб келганим ҳақи 1 рупия 00 пайса.

Ҳаммаси бўлиб: 2 рупия 80 пайса бўлади.

Рафиқ «наряд»ни ойиси қанд-шакар сақлайдиган шкаф ичига ташлаб қўйибди. Эртасига келиб, ўша жойни қараса... пул ётибди! Рафиқ шоша-пиша пулни олибди-да, санаб қўрибди: роппа-роса 2 рупия 80 пайса. У ўзида йўқ суюнибди. Суюнмай бўладими, буёқдан «наряд» ёзди, буёқдан меҳнат ҳақи олди. Лекин пул билан бирга ойиси бир қоғоз ҳам қўйиб қўйган экан. Рафиқ қоғозни олиб, ундаги ёзувни ўқий бошлабди:

### РАФИҚНИНГ ОЙИСИДАН ҚАРЗИ

Рафиқ ойисидан қуйидаги миқдорда қарздор бўлиб, қарзини тез орада тўлаши лозим:

12 йилгача уни тарбия қилиш ҳақи — 0 рупия 00 пайса.

12 йилгача уни боқиб, қорнини тўйғазиш ҳақи — 0 рупия, 00 пайса.

12 йилгача унга кийимлар, сут, қаттиқ ва бошқа майда-чуйдалар олиб бериш ҳақи — 0 рупия 00 пайса.

Ҳаммаси бўлиб: — 0 рупия 00 пайса.

Рафиқ қангу манг бўлиб қолибди. У югуриб бориб, ўзини ойисининг оёғига ташлабди.

— Ойижон! Мени кечиринг, аҳмоқлик қилибман, хато қилибман! — дебди у йиғламоқдан бери бўлиб. — Уйлаб қарасам, ҳар замонда бажарган хизматимни ҳам миннат қилибман. Лекин сиз кўзимни очдингиз. Бўйнимдаги сизнинг қарзингизни умр бўйи ҳам тўлаёлмайман. Унча-мунча қилган ишларим эса бу қарзнинг мингдан бирига ҳам арзимади!

Соддадил ўғлининг оғзидан бу гапларни эшитиб, она дилдан суюнибди ва ўғлини бағрига босиб дебди:

— Уғлим, ҳалол бўл, инсофли бўл, ҳеч кимга ёмонлик қилма. Ростгўй бўл, ичувчи-чекувчи бўлма, бировларнинг дилини оғритувчи дилозор бўлма — менинг сендан тилагим шу! Агар она қарзини узмоқчи бўлсанг, шу гапларни ёдингда тут!

Рафиқ, «айтганингиздан сира чиқмайман, сиз ўйлагандак одам бўлишга ҳаракат қиламан», деб ойисига сўз берибди.





## МЕҲНАТНИНГ МЕВАСИ

### 1

идясагр деган донишманд бўлган экан. У ғоятда шафқатли, саховат бобида тенгсиз экан. Бир куни Видясагр бозордан ўтиб кетаётиб, бир тиланчи болани кўриб қолибди. Бола ўтган-кетганга қўлини чўзиб, садақа тилар, мунг тўла кўзи билан одамларга илтижоли боқиб, шафқат қилишларини сўрар экан. Видясагр аста боланинг олдига бориб, шундай дебди:

— Ҳой, яхши бола, бу нима қилганинг? Тиланчилик қилгани уялмайсанми? Худо сенга қўл-оёқ берган бўлса, тўрт мучалинг соғ бўлса. Ахир, нега шулардан фойдаланмайсан? Наҳотки, битта қорнингни тўйғазиш учун булар етарли эмас? Менга қара, тиланчиликка ўрганган одам бир умр хору зор бўлади.

Бола жавоб берибди:

— Жаноби олийлари, нима қилай? Ночорлик экан, бирон идорада ишлай десам, на хат-саводим бор, даромад қилай десам, на ёнимда сариқ чақа бор. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Лекин қорин дегани шундай балоки, уят-пуятни ҳам бир чеккага йиғиштириб қўйиб, тиланчилик қилишга мажбурман. Шундай қилмасам, очдан ўлишим тайин.

Видясагр сўрабди:

- Хўш, менга айт-чи, тирикчилигинг учун қанча пул керак?
- Кўп эмас, жаноби олийлари, бир кунга тўрт пайса бўлса, кифоя, — жавоб берибди бола.
- Шу вақтгача қанча садақа тушди? — сўрабди донишманд.
- Ҳеч вақо тушгани йўқ.
- Борди-ю, мен сенга тўрт пайса берсам, нима қилардинг?

Севинчдан боланинг кўзлари чақнаб кетибди ва шоша-пиша жавоб борибди:

— Агар сиз тўрт пайса берсангиз, мен ҳозироқ кетаман-да, кун бўйи ҳеч нарса тиланмайман.

— Борди-ю, икки анна берсам-чи?

— Унда эртага ҳам тиланчилик қилмайман.

— Агар бир рупия берсам-чи?

Шунда бола, «бу одам мени лақиллатяпти, бир гадойваччанинг устидан куляпти шекилли», деган хаёлга бориб, донишмандга шубҳали қараб қўйибди. У ранжиган оҳангда жавоб берибди:

— Жаноби олийлари, менга ёрдам бериш ниятингиз йўқ экан нима қиласиз устимдан кулиб? Мен бир гадойвачча бўлсам, мени бекорга хафа қилишингиз яхши эмас.

Видясагр боланинг елкасидан энгил қоқиб қўйибди-да, шундай дебди:

— Мен сени калака қилаётганим йўқ. Ростини айт, мен сенга бир рупия берсам, нима қилардинг?

Бола жавоб берибди:

— Бир аннасига қорнимни тўйғазиб, қолганига дон сотиб олардим, уни экиб, ҳосилни бозорда сотардим, шу тариқа деҳқончилик қилиб, тиланчилик балосидан халос бўлардим.

— Кейин минбаъд тиланчилик қилмасликка онт ичасанми?

— Ҳа, жаноб олийлари, онт ичаман.

Видясагр киссасига қўл суқиб, бир рупия чиқарибди-да, пулни боланинг қўлига тутқазиб, дебди.

— Мана буни ол-да, тирикчилигингга ярат. — Сўнг яна тўрт пайса чиқариб бераркан, дебди:

— Мана бу эса бугунги харажатиңга.

Бола донишмандга миннатдорона боқиб, дуо қилибди:

— Умрингиз узун бўлсин, жаноби олийлари.

## 2

Орадан ўн беш йил ўтибди. Бир куни Видясагр ўша бозордан ўтиб кетаётган экан, бир дўқондор унга пешвоз чиқибди-да, қўлларини қовуштириб таъзим қилибди. Видясагр дебди:

— Хўш, тақсир, менга бирон гапингиз борми?

Дўқондор эҳтиром билан жавоб берибди:

— Қаршингиздаги дўқон камина қулингизники бўлади. Бирров дўқонимга қадам ранжида қилинг, муҳтарам зот. Худо лойиқ кўрса, бир гал хизматингизга ярай.

Видясагр итоаткорлик билан дўқондорга эргашибди ва дўқонга келиб, жойлашиб ўтириб олишгач, дўқондор дебди:

— Улуғ зот, эсингизда бўлса, бундан роса ўн беш йил аввал

бир тиланчи болага бир рупия пул инъом этган эдингиз. Тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб, оёққа туриб ол, қўр-қут орттир, деб маслаҳатлар берган эдингиз.

Буни эшитиб, Видясагрнинг кўзлари севинчдан чақнаб кетибди.

— Ҳа-ҳа,— дебди у ҳаяжонини базўр босиб,— ўша воқеа шундоқ эсимда. Хўш, сиз ўша боланинг кими бўласиз?

Дўкондор дебди:

— Менинг ўзим бўламан ўша бола.

Видясагр дил-дилдан хурсанд бўлиб, дебди:

— Кам бўлмабсиз, азизим, худо бундан кейин ҳам касби-нғизнинг ривожини берсин.

Дўкондор дебди:

— Бундай бахтга сиз берган пуллар орқали етишдимми ё олтиндан қиммат маслаҳатингиз кор қилдими, анигини ўзим ҳам айтолмайман. Ҳар нима бўлганда ҳам сизнинг шарофатингиз билан бўлди. Сиздан умрим борича миннатдорман.

— Гап мен берган пулларда ҳам эмас,— деб жавоб берибди Видясагр,— менинг фойдали маслаҳатларим ё худонинг марҳаматига келсак, ахир, маслаҳатни уққан ҳам бўлади, уқмаган ҳам, худо эса юрагида ғайрат ва ҳаракати бўлган бандасини қўллайди. Кимки дангаса ва ялқов бўлса ундан худо ҳам юзини ўгиради.

— Тақсир, ҳозир ёнимда юз минг рупияча пул бор. Мен шундан ўн минг рупияни сизга инъом қилиш ниятидаман. Уйлайманки, сиз бу арзимаган совғамни қайтармағaysиз.

Унга жавобан Видясагр дебди:

— Дўстим, баданимда қувват, юрагимда ғайрат сўнгани йўқ, баҳоли қудрат топган-тутганим билан кунимни кўриб юрибман. Ҳозирча пулга муҳтож эмасман, қолаверса, сенинг пулларингда менинг ҳеч қанақа ҳаққим йўқ. Шунинг учун олмади деб хафа бўлма.

— Бу пулни сизга бермоқчи бўлганимнинг бошқа маъноси бор, ҳазратим,— деб тушунтирибди дўкондор,— сиз бу пулни беҳуда сарф қилмайсиз, бирор савоб ишга яратасиз, шунинг учун.

— Барибир,— дебди Видясагр,— пул сенинг ўз ёнингда тургани маъқул. Бирор муҳтож одамни кўриб қолсам, уни сенинг ёнингга юбораман.

— Жуда яхши, ҳазрат. Пулни ўзингизники деб ҳисоб қилаверинг, истаган вақтингизда келиб, олиб кетаверинг.

Бир кун Видясагр бир танг ва қоронғи кўчадан ўтиб кета туриб, қайсидир уйдан йиғи овози чиқаётганини эшитибди.

Видясагр таққа тўхтаб, йиғи овози келаётган уйнинг эшиги олдига яқинлашибди ва уй эгасини чақирибди. Эшикни бир аёл очибди. Видясагр аёлдан сўрабди:

— Нега йиғлаяпсиз, она?

Она аввалига жавоб беришни хоҳламабди, бироқ кейин разм солиб қараса, олдида турган оддий одам эмас, кўринишдан олижаноб бир киши. Балки жонимга ора кирар, деган ўйни кўнглидан ўтказибди-да, унга дардини ёрибди:

— Мен бир бева хотинман, иккита ёш болам бор. Бисотимдаги бор буд-шудимни сотиб, еб тугатдим. Энди ёнимда ҳеч вақом қолмади. Эртага болаларимнинг ҳоли не кечади, билмайман. Шунга бошим қотиб, аламимдан йиғлаб ўтирган эдим.

Видясагр унга тасалли бериб дебди:

— Она, сира ташвишланманг. Эртага эрталаб қўлингизга бир мунча пул келиб тушади.

Шундан кейин Видясагр яна ҳўнграб йиғлаб турган кишига дуч келибди. Маълум бўлишича, бу одамнинг бир қизи бўлиб, бўйи етиб қолган экан. Қалинга етгулик давлати бўлмаганидан қизига муносиб йигит топилмаётган экан. Бири минг рупия сўраса, бошқаси икки минг рупия сўраётган экан. Бечора камбағал одам эмасми, нима қилишини билмай, жуда боши қотиб, қайғуга ботган экан. Ноиложликдан кафтдеккина ҳовлисини сотмоқчи бўлиб турган экан. Бироқ уйдан келадиган пулдан ҳам бир иш чиқиши қийин экан. Боз устига, уйни сотиб юборса, ўзлари кўчада қолиб кетар эканлар.

Видясагр ҳалиги одамга қараб дебди:

— Оғайни, ташвишланма, иложини топсам, қизингнинг тўйини ўзим қилиб бераман. Ҳовлингни сотма.

4

Эртасига Видясагр тўғри дўкондорнинг олдига борибди ва унга тундаги икки воқеани ҳикоя қилиб бериб дебди:

— Менинг фикримча, сенинг пулингда ҳалиги бева хотин билан камбағал одамнинг ҳақи бор. Менга бермоқчи бўлган пулингни ўшаларга берсанг, аъло иш бўлар эди, улар ўла-ўлганга сенинг дуойи жонингни қилишади.

Дўкондор ўн минг рупияли халтани олиб, алломанинг олдига қўяркан, дебди:

— Бу пуллар меники эмас, сизники деган гапим — гап, илло буни сиз истаган нарсангизга ишлатишингиз мумкин. Менинг бошқа гапим йўқ.

Видясагр минг рупияни бева хотинга, минг рупияни камбағал кишига бериб юборибди. Қолган пулни дўкондорнинг ўзига қайтариб, дебди:


— Буни олиб қўй, яна бирор муҳтож одамни учратиб қолсам, сўраб оларман.

Эртасига бева хотин билан камбағал одам Видясагрнинг олдига келиб, минг-минг раҳматлар айтиб, дуо қилишибди. Улар қайтиб кетгач, Видясагр дўкондорга қараб дебди:

— Юрагинг фахру гурурга тўлганини кўриб турибман. Шунинг ёнинда тутки, бошига мусибат тушган одамнинг лабига кулгу, кўзига севинч нури бахш этишдан зўрроқ саодат йўқ. Кун-кеча уларнинг ҳар иккови ҳам қон-қон йиғлаб турган эди. Ичларига чироқ ёқса ёримасди. Мусибат ва қайғу уларнинг ҳар икковини ҳам ўргумчақдай чирмаб, бошларини қаёққа уришни билмай туришган эди. Энди-чи, севинчдан юзлари ял-ял ёниб, дунёда улардан бахтли одам йўқдай шу топда. Булар бари сенинг ёрдамнинг туфайли.

Дўкондор камтарлик билан бошини қуйи эгиб, жавобан дебди:

— Йўқ, ҳазрат, агар сиз менга ёрдам қўлингизни чўзиб, олтиндан қимматли маслаҳатларингиз билан қўлламаганингизда, мен бундай катта мартабага, яъни муҳтожларнинг жонига ора киришдай бахтга эришармидим!..





## БОЙЎҒЛИ НЕГА ТУНДА УЧАДИ?

Бир куни бир бола чўзмасини олиб, ўрмонга борибди. Ўрмонда турли мевалар пишиб ётаркан. Бола чўзмаси билан меваларни отиб тушира бошлабди. Бир гал у отган тош бехосдан Бойўғлининг бошига тегибдию уни қаттиқ ярадор қилибди. Шўрлик Бойўғли вой-войлаганча тўғри дўсти Қарғанинг олдига борибди ва унга ярасини кўрсатиб, «дарров мени табибнинг олдига олиб бор», деб илтимос қилибди.

Уша ўрмонда бир Какку яшаркан. Какку унча-мунча яраланган қушларни даволар экан. Узи ўрмонда ҳамма қушларнинг ишонган табиби ҳам шу Какку экан-да. Шунинг учун Қарға дебди:

— Сени Каккунинг олдига олиб бораман.

Шундай қилиб, Қарға билан Бойўғли узун-қисқа бўлиб, Каккунинг олдига йўл олибди. Какку Бойўғлининг ярасини яхшилаб кўздан кечирибди-да:

— Буни даволаса бўлади, бунинг учун кўпи билан икки кун керак бўлади, — дебди.

— Унда ярани газак олдирмай, дарров муолажани бошлай-версанг бўлади, — дебди Қарға.

Шунда Какку савол ташлабди:

— Менинг даволаш ҳақим нима бўлади?

Бойўғли жавоб берибди:

— Хизмат ҳақингизни тийин-тийинигача тўлайман. Аввал яхшилаб ярамни даволаб қўйинг. Худди жоним чиқиб кетяпти.

— Қушлар ичида шу Бойўғлининг сал лафзи йўқроқ бўлади-да, — дебди Какку бир оз ўйланиб тургач. — Шунинг учун дўстинг Қарға ҳар эҳтимолга қарши ўз тилидан тилхат берсин, мабодо Бойўғли муолажа ҳақидан тонар бўлса, мен тўлайман, деб икки энлик қоғозга ёзиб берсин.

Қарға рози бўлибди ва «Бойўғли муолажа ҳақидан тонар бўлса, дўстим учун мен тўлайман», деган мазмунда тилхат ёзиб берибди. Кейин Каккуга қараб шоширибди:



— Қани энди дўстимни тезроқ давола, жуда тинкаси қуриб кетди, бечоранинг.

Шунда Какку уларга қараб дебди:

— Кўл ёқасига боринглар-да, қирғоқда ўтириб, Бойўғли ярасини сувда яхшилаб ювсин. Шунда жароҳат тозаланиб, икки кунда ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетади.

Қарға ярадор дўстини етаклаганча бир кўлнинг ёқасига олиб борибди. Бойўғли қайта-қайта бошини сувга тикиб, жароҳатини ювиб-тозалабди. Какку айтганидай, икки кун ўтар-ўтмас жароҳатдан ном-нишон қолмабди. Яра тузалиб, кўнгиллар жойига тушгач, Бойўғли билан Қарға ўз ошиёнларига равон бўлибди. Табиб Каккуга ҳеч бўлмаганда бориб раҳмат айтиш на унисининг, на бунисининг хаёлига келибди.

Какку бир кун кутибди, икки кун кутибди, Бойўғлидан дарак йўқмиш. Шу тариқа бир ҳафта ўтибди. Охири Какку Қарғага:

— Ҳалиги дўстинг Бойўғлини кўрсанг, олдимга олиб кел, — деб тайинлабди. — Мен унинг ярасини бир бор кўриб қўйишим керак.

Албатта, бу гапни у жўрттага, Бойўғлини алдаб чақириб келиш учун қилаётганини тушуниш қийин бўлмаса керак.

Эртаси куниёқ Қарға Бойўғлини бошлаб, Каккунинг қошида ҳозир бўлибди. Бойўғлининг соппа-соғайиб кетганини кўрган Какку аввалига жуда хурсанд бўлибди, кейин муддаога кўчиб, дебди:

— Яранг жуда тез тузалиб кетибди-ку. Хўш, бизнинг хизмат ҳаққимизни қачон берасан?

— Қанақа «хизмат ҳақи»? — Бойўғли ҳайрон бўлибди. — Сиз мени даволадингизми ўзи? Ёки бирон камёб дори бериб, қойиллатиб қўйдингизми? Ярани сувда чайиш ҳам даволашга киради деб ким айтди сизга?

Какку дебди:

— Сен билан ади-бади айтишиб ўтиргани вақтим йўқ. Мен сени даволадимми — даволадим. Сен тузалиб кетдингми — кетдинг, бўлди-да. Энди гапни айлантирмай, ҳақимни чўзиб қўй.

— Мен сизга ҳеч қандай даво ҳақи бермайман, — гапни чўрт кесиб жавоб берибди Бойўғли ва бир кўзини юмиб, терс қараб олибди.

— Шунақами? — дебди Какку пинагини бузмай, — берманг, берма, унда ҳақимни мен Қарғадан оламан. Чунки, у сенинг кафолатингни олиб, менга ёзма равишда тилхат берган.

Қарғанинг бирдан тарвузи қўлтиғидан тушиб, ҳолини баён қила кетибди:

— Вой, ёнимда ҳемири ҳам йўғ-у, қандай тўлайман? Ҳозир

мен биров учун ҳақ тўлаш уёқда турсин, ўз қорнимни ҳам базўр эплаб юрибман.

Какку қараса, иккала дўст бири-биридан қирриқ чиқяпти, ҳақ беришдан бўйин товлаб, унинг олдига похол тўшаб кетмоқчи бўлишяпти. У вақтни қўлдан бой бермай қозига арз қилибди. Қози бўлган воқеани бошдан-оёқ диққат билан эшитибди-да, шундай қарорга келибди:

— Модомики, Қарға Каккунинг даволаш ҳақини беришга қурби етмас экан, у бугундан бошлаб Каккунинг хизматини қила бошлайди, унинг болаларига қарайди. Бойўғлига келсак, у бугундан бошлаб кундуз кунлари ҳеч бир зотга афт-башарасини кўрсатмайди, шохлар орасида бекиниб-пусиб юради. У фақат тун чўккандан кейингина ташқарига чиқа олиши мумкин бўлади. Чунки, унинг малъун афт-ангорини кўриб, бошқалар ҳам гуноҳга ботмасин.

Шу-шу Бойўғли қош қорайиб, одам-одамни танимайдиган бўлгандан кейингина шохлар орасидан учиб чиқадиган, саҳарга яқин яна шохлар орасига кириб кўздан яширинадиган бўлибди.

Бировнинг ҳақидан тониб, риёкорлик қилган киши учун бундан ортиқ жазо бўлиши мумкинми?





## ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

ир қишлоқда учта ўсмир бўлган экан. Учласи ҳам ёлғончи бўлиб, ҳаммани алдаб, бирининг дўпписини бирига кийдириб юрар экан. Шунинг учун ҳам ҳеч ким уларнинг гапига ишонмас экан.

Иттифоқо, ўша қишлоққа бир қаландар келиб қолибди ва дхармшаъла, яъни ҳиндулар хонақосига қўнибди. Қаландар ҳам унақа-мунақа қаландар эмас экан, хушсуврат, хушқомат, доно, бунинг устига яна ғоят сипо, энгил-боши шоҳона, бошдан-оёқ қимматбаҳо зеварлару олтин-кумуш тақинчоқларига кўмилган экан. Ҳалиги учовлон ўсмир қаландарнинг бу башанг қиёфасини кўриб, оғизлари очилиб қолибди. Анчадан кейин ҳушларини жойига тўплаб, ўзаро тил бириктиришга тушибди:

Бугун шунақанги ҳийла ишлатайликки, қаландарнинг бор буд-шудини шилиб олайлик, уни қипяланғоч қилиб ташлайлик, бу нарсани у билан гаров боғлашибгина уддасидан чиқиш мумкин.

Шундан кейин учовлон фирибгар ўсмир дхармшаълага йўл олибди. У ерга боргач, қаландарга қараб шундай дебди:

— Бу ерда битта ўзингиз ўтиравериб, роса зерикиб кетган бўлсангиз керак-а? Шунини ўйлаб, биз сизнинг олдингизга келдик.

Қаландар ўсмирларнинг юзларига бир-бир қараб, очиқ чеҳра билан хушнуд дебди:

— Келинглар, келинглар, ўтиринглар, қароқларим, келганларингиз жуда яхши бўлди-да, қани марҳамат.

Ўсмирлардан бири гап қотиб дебди:

— Агар одам бир-бирига саргузаштларини гапирса, вақт қандай ўтганини билмайди.

Иккинчиси унинг гапини илиб кетибди:

— Агар айтилган ҳамма гапни қулоқ қоқмай эшитиб, ҳаммасини маъқул деб турса, нур устига аъло нур бўлади.

Қаландар ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Гапларингизга тушунолмадим, нима демоқчисизлар ўзи? Бундоқ мен тушунадиган қилиб гапирсаларинг-чи.

— Бизлар навбатма-навбат бир-биримизга чўпчак айта-миз, — деб жавоб берибди ўсмирлардан биттаси, — ҳар ким ўзи билганча ўқиганими, тўқиганими, ҳикоя қила бошлайди. Қолганлар эса унинг ҳамма гапларини маъқуллаб, ақлга сиғмайдиган гапларига ҳам ишониши лозим бўлади. Агар тинглаётганлар ичидан бирортаси «ие, бунақа бўлиши мумкин эмас-ку», деб юборса, ўша одам ўйинни бой берган бўлади.

— Хўш, ўйинни бой берганнинг жазоси нима бўлади? — сўрабди қаландар.

— Енгилган одам ўша заҳоти шир яланғоч бўлиб ечинади, — жавоб берибди ўсмирлар бараварига.

Қаландар бир зум хаёлга толиб, кейин шундай дебди:

— Менимча, ўйин ҳалол, фирромсиз бўлсин десак, бир холис одам топиб, ўртада қози қилиб қўйишимиз керак бўлади. Тўғри-да, шунда ҳеч қанақа англашилмовчилик рўй бермайди, орамизда ихтилоф ҳам чиқмайди.

Шундай қилиб, улар қишлоқ оқсоқолини чақириб, шартни тушунтиришибди-да, ўртага қози қилиб қўйишибди.

Мусобақа бошланибди. Биринчи бўлиб, ўсмирлардан бири «бошидан ўтган» бир қизиқ воқеани гапира бошлабди:

— Бу воқеа мен янгигина дунёга келган кунларимда бўлган эди. Мен анбаҳ дарахтига тармашиб чиқиб кетдим. Энг тепа шохида ўтириб олиб, кун бўйи анбаҳ едим. Кейин ўша-ўша ўтирганимча ухлаб қолибман. Бир вақт уйғониб қарасам, аллақачон кеч тушибди. «Энди уйга борай, уйдагилар мени қаёққа гум бўлди экан деб хавотир олишаётган бўлса керак», деб кўнглимдан ўтказдим ва тушмоқчи бўлиб ўрнимдан қўзғалдим. Буни қарангки, дарахтга чиқишга чиқибман-у, қандай тушиш кераклигини ўйламаган эканман. Тепадан тушишнинг биргина йўли бор эди, холос. У ҳам бўлса, бориб қишлоқдан нарвон олиб келиш. Минг қилса ҳам омади кулган бола эканман, нарвон қишлоқнинг ўзидан топила қолди. Нарвонни дарахтга қўйдим-да, бемалол пастга тушиб, уйга равона бўлдим.

Биринчи ўсмир ҳикоясини тўхтатиши билан учовлон бараварига ялт этиб қаландарга қарабди. Ҳаммаси, «қаландар ишонмайди, бундай бўлиши мумкин эмас дейди», деган хом хаёлда экан-да. Бироқ қаландар гўё ҳикоя унга жуда маъқул келгандай, мамнуният билан бош ирғаб тураверибди.

Шундан кейин иккинчи ўсмир ўз ҳикоясини бошлабди:

— Бу воқеа мен ҳали жуда кичкиналагимда содир бўлган эди. Бир куни ўрмонда ўйнаб юриб, бир қуённи қувлаб кетдим. Қуён қўрққанидан буталар орасига кириб беркинди. Мен

бутага яқин бориб қарасам, қувлаганим қуён эмас, ҳар тиши, найзанинг учидек келадиган даҳшатли қоплон экан. У мени кўриши билан ириллай бошлади ва ўзини менга отди. Мен ҳам азбаройи жаҳлимдан шартта унинг жағидан тутдим-да, бор кучим билан қоқ иккига айириб юбордим. Қоплон ўша заҳоти тил тортмай ўлди.

Бу сафар ҳам қаландар шубҳага бориб, эътироз билдириш ўрнига жуда мароқли ҳикоя тинглаётгандек хурсанд кўринар, ўсмирга кулимсираб қараб турар экан.

Навбат учинчи ўсмирга келибди:

— Бу воқеа бундан икки ёки уч йил илгари содир бўлганди. Мен балиқ овлашни ўлгудай яхши кўрардим. Қайиғимга ўтирардим у ҳайт деб тўғри денгизнинг ўртасига қараб кетардим. У ерда соатлаб балиқ овлардим. Бир куни нима бўлди-ю, битта ҳам балиқ тушмаса денг. Мен, нега бундай бўлди, бунда бир сир бор деб ўйладим-да, ўзимни денгизга отдим. Ахир, балиқ сувда бўлгандан кейин тушмаслик сабабини сувнинг тагидан қидириш керакми?

Сувнинг тубига тушиб қарасам, у ерда нақ тоғдай келадиган бир балиқ бемалол ёнбошлаб ётибди. Ётибди-ю, у ён-бу ёнидан ўтган катта-кичик балиқларни ютиб, балиқ зотига қирон келтиряпти. Менинг чапараста жиним қўзиб кетди-ку. Айлан-тириб бир солганимни биламан, бир вақт қарасам, ҳалиги тоғдай балиқ... ўлиб ётибди, ўзиям балиқ овлайман деб итдай очкаган эканман, тайёр балиқни кўриб шунақанги иштаҳам ҳақкалак отдики, дарров атрофдан хас-чўп борми, қуриган шох-шабба борми, териб келиб, олов ёқиб юбордим. Балиқни оловга тутиб, маза қилиб балиқ кабоб едим. Кўз очиб юмгунча ҳалиги тоғдай келадиган балиқдан бир ҳовуч қилтаноқ қолибди. Шу тариқа қорнимни тўйгазиб олиб, сув бетига сузиб чиқдим-да, қайиғимга ўтириб, уйга қайтиб келдим. Шундан бери денгизда яна балиқ кўпайиб, истаганча балиқ овлаб юрибман.

Учинчи ўсмир ҳикоясини тугатар-тугатмас ҳаммалари ялт этиб қаландарга қарабди: балки, бу гал у таажжубда қолар? Бироқ қаландар бу сафар ҳам олдингидай ҳеч нима демасдан ҳикояга жим қулоқ солиб ўтираверибди.

Ўсмирлар ҳикоя айтишдан тўхтаб, навбатни энди қаландарга беришибди. Қаландар узоқ ўйлаб ўтирмай, дарров ҳикоясини бошлай қолибди:

— Бу воқеа бундан бир неча ой муқаддам содир бўлган эди. Менинг катта ерим бор эди. Еримнинг ўртасида бир улкан дарахт ўсарди. Анча вақтгача бу дарахтда биронта ҳам барг асари кўринмади. Нақ уч ой деганда дарахтда бирваракайига учта новда ўсиб чиқди. Новдаларнинг ҳар бирида биттадан мева нишона берди. Ўша меваларни пишгандан кейин териб

олдим-да, ичини ёриб қарадим. Не кўз билан кўрайки, меваларнинг ичидан... учта бола чиқди! Болалар ташқарига чиқишлари ҳамон менга қўл қовуштириб, ялинишга тушдилар.

«Биз сизнинг қулингиз бўламиз, сиз бизнинг хўжамиз бўласиз», дейишди, нима иш буюрсам, «лаббай» деб туришга, еримни ҳайдаб экин-тиकिनигача қилиб беришга сўз беришди. Шундан бери ҳалиги уч қулим ўлиб-тирилиб еримни ҳайдайди, қўшимни қўшади, экин-тиकिनимни охиригача етказиб, қуллуқ қилиб туради. Лекин бир ёмон томони шундаки, қулларимнинг учаласи ҳам ўлардай дангаса, ишёқмас, танбал эдики, қўяверасизлар. Бир куни эрталаб туриб қарасам, уччала қулим мени ташлаб қочиб кетибди. Уларни қидирмаган жойим қолмади. Қидира-қидира бир қишлоққа бориб қолдим. Бугун тақдиримдан чинакамига рози бўлиб турибман. Ахир, учала қулим ҳам бараварига учраб тургандан кейин мен суюнмай ким суюнсин? Улар қани дейсизми? Улар, мана, рўпарамда ўтирибди — менинг қулларим сизлар бўласизлар. Бугундан бошлаб, учаловларингиз ҳам менинг даламда деҳқончилик қиласизлар.

Қаландарнинг ҳикоясини эшитиб, учала ўсмирнинг таъби тирриқ бўлибди. Учаласи ҳам лунжини осилтириб, хомуш бўлиб қолибди. Энди нима қилиш кераклигини билмай, гарангсиз, бир-бирига мўлтайиб қарармиш. Борди-ю, қаландарнинг гапини рост дейдиган бўлишса, уччаласи ҳам қулга ўхшаб, қаландарнинг даласида ишлаши керак бўларкан. Ёлғонга йўйишадиган бўлишса, шартга мувофиқ кийимларини ечишлари лозим экан.

Хўш, энди нима қилиш керак? Қози бўлмиш қишлоқ оқсоқоли ўсмирларга қараб:

— Қаландарнинг ҳикояси ёлғонми, ростми? — деб сўраган экан, ўсмирларнинг биронтаси ҳам ғиқ этмабди. Ниҳоят, оқсоқолнинг ўзи ҳукм чиқариб, дебди:

— Бу баҳсда қаландар ютиб чиқди, ўсмирлар эса ютқазди. Шартга кўра, ютқазган томон кийимларини ечмоғи керак.

Учала ўсмир кийимларини ечиб, қаландарнинг олдига қўйибди. Қишлоққа қипяланғоч кириб келар экан, учала ўсмир қаттиқ шарманда бўлибди ва бундан кейин ёлғончиликни ташлаб, ҳалол яшаймиз, дея бир-бирига сўз берибди.





## ЭГРИ ҚОЗИҚҚА ЭГРИ ТҶҲМОҚ

ир боққол бўлган экан. Нима бўлибди-ю, бир кун у ўзича хаёл суриб ўтириб, шундай ўйлабди: «Шу дўкон деб, тўрт пайса фойда деб, кунда юзлаб одамга ёлғон гапирман. Ёлғонларим йиғилиб-йиғилиб, худо билсин, бўйнимга қанча гуноҳни орттирганман. Энди бир охиратни ҳам ўйламасам бўлмайди, қилган гуноҳларимни ювиш учун савоб иш қилишим жоиз».

Боққол ўша куннинг ўзидаёқ тўғри бир пандитнинг олдига борибди-да, қўлларини қовуштириб шундай дебди:

— Маҳорож, мендан катта густоҳлик ўтди, савдо деб, фойда деб кўп гуноҳ орттирдим. Сиздан илтимосим шуки, гуноҳлардан фориг бўлиш йўлини ўргатсангиз, токи қиёматда яхшилар қаторида жаннатдан жой олай...

Пандит унга шундай жавоб берибди:

— Сен бир неча кун муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб кел, шундагина гуноҳларинг энгиллашгай.

Боққол пандитнинг маслаҳати билан қадамжоларни зиёрат қилишга жазм этибди. Лекин бир нарса уни ўйлатиб қўйибди. Гап шундаки, оилада у бир ўзи экан. Зиёратга йўл олгудек бўлса, унинг ҳовли-жойига қараб турадиган ҳеч кими йўқ экан. Буёқдан зиёратга йўл олса-ю, уёқдан ўғрилар унинг бор будшудини кўтариб жўнаса-чи? Бир умр қиртишлаб терганини бир кунда гумдон қилишса-чи? Унда бошини қаерга уради?

Охири боққол йўлини топибди. У бисотидаги жамики молдунёсини, дўконини, ҳаттоки уй-жойини ҳам сотиб, пул қилибди. «Шундай қилсам, ўғри ваҳмидан халос бўламан, минг қилса ҳам пул ёнимда, ўзим билан юради. Зиёратдан қайтиб келганимдан кейин янги ҳовли-жой қуриб олишим қийин эмас», деб ўйлабди.

Сотган нарсалари олам-жаҳон пул бўлибди. Буни кўриб, боққол яна ўйга толибди: «Шунча пулни кўтариб, зиёратга

боришим чакки бўлар. Йўлда қанақанги одамларга йўлиқмайман. Бири тўғри бўлса, ўнтаси ўғри чиқар. Дўстдан кўп душман. Биттаси бўлмаса биттасининг тузоғига илинишим ҳеч гап эмас. Савоб топаман деб бор топган-тутганимдан айрилиб ўтирмай. Мол аччиғи — жон аччиғи деган гап бор, ахир!»

Шундан кейин боққол бир ўртоғининг олдига борибди ва шундай дебди:

— Дўстим, мен бирмунча муддат азиз-авлиёларнинг мазорларини зиёрат қилиб келишга жўнаб кетяпман.

Ўртоғи унинг ниятидан мамнун бўлиб дебди:

— Худо ўзи ёр бўлсин, дўстим, ниятингга ет.

Боққол, айтганинг келсин, деб миннатдорчилик билдиргандан кейин аста муддаога кўчибди:

— Лекин аввалига сенинг бир ёрдаминг керак бўлиб қолди.

— Хўп-хўп, дўстим, бош устига. Қўлимдан келса, жоним билан. Хўш, қандай ёрдамим керак экан?

— Биласанми, ўғри хавфидан қўрқиб, мен ҳамма нарсамни — ҳовли-жойимни, ер-сувимни, мол-дунёмни сотиб, пул қилиб қўйгандим.

— Ҳа, бир қулоғимга чалинган эди.

— Ҳозир бисотимда ҳаммаси бўлиб беш минг рупия пул бор.

— Балли.

— Лекин ўзинг билганингдай, замон ёмон. Шунча пулни ёнимда олиб юриш қулай эмас. Чунки, сафар — сафар-да, уйдай бўлармиди. Йўлда, ким билсин, қанақанги одамларга рўпара бўлмайман.

— Гапинг рост, дўстим, — деб боққолнинг гапини қувватлабди ўртоғи. — Қаёққа қарама, «ушла-ушла, ўғри кетди», деган гапни эшитасан. Йўлда битта-яримта муттаҳам пулининг ҳидини олгудек бўлса, охири бахайр тугамайди.

— Шунинг учун, — деб ўртоғининг гапини илиб кетибди боққол, — пулларимни сенга қолдириб кетсамми деган хаёлга борган эдим. Хўп десанг, шундай қилайлик, зиёратдан қайтганимдан кейин оларман.

Ўртоғи дарров бир қарорга келолмай, ўйлаиб қолибди. Ўйланганининг сабаби шунда эканки, у ўта ҳалол, худодан қўрқадиган хокисор банда экан. Шунинг учун кўнглидан шундай гапларни кечирибди: «Орага пул тушди. Мен ҳам худонинг ожиз бир бандасиман. Бир кун келиб, шайтон йўлдан оздирса-ю, нафсим ғолиб келса-чи? Ёки бўлмаса, бошимга бирон мусибат тушиб, бунинг пулини харжлаб қўйсам-чи? Омонатга хиёнат деган гап бўлмайдами? Боз устига, эл олдида шарманда бўлганим ортиқча. Бировга бошми кўтариб қарагани юзим бўлмайди».



Ўртоғининг сукут сақлаганини кўриб, боққол сўрабди:

— Нега индамай қолдинг, оғайни?

Ўртоғи кўнглидан ўтган бор гапни боққолга рўй-рост гапириб берибди.

Боққол дебди:

— Дўстим, сен ростдан ҳам жуда ҳалол одамсан. Шугина гап устида шунча мулоҳазага бордим, ундай одамнинг дилида зиғирча ҳам фирромлик бўлмайди. Шунинг учун имоним комилки, менинг омонатимга хиёнат қилмайдиган яккаю ягона одам сен бўласан. Илтимос, дўстим, мен сафардан қайтиб келгунимча пулимни ёнингда сақлай тур.

Барибир ўртоғининг кўнгли чопмабди, фақат боққолга бир йўли бор, деб шундай маслаҳат солди:

— Дўстим, пулга ишониб бўлмайди. Уйда тургандан кейин харж бўлиб кетиши тайин. Шунинг учун иккаламиз бир иш қилсак — қишлоқ чеккасидаги бир эски зирк дарахти бор-ку, ўша ерга бирга борайлик. Қоронғи тушганда аста тагидан чуқур кавлайлик-да, пулни шу чуқурга кўмиб қўяйлик. Шунда пул на сенда туради, на менда, на уни иккаламиздан биримиз харж қила оламиз. Мен ҳам ўғри деган ном олиш хавфидан узоқ бўламан.

— Пулни бошқа бир одам кавлаб олса-чи?

— Бошқа одам уни туш кўриб ўтирибдими? Бизлар уни тунда, қоронғи чўкканда кўмиб қўямиз-ку.

Охири шундай бўлибди ҳам. Иккаласи жимгина тун қоронғилигида зирк дарахтининг тагига борибди-да, чуқур қазиб, пулни кўмиб қўйибди. Шундан кейин кўнгли жойига тушган боққол зиёратга йўл олибди ва ўртоғи ҳам хотиржам уйига қайтибди.

Барибир боққолнинг ўртоғи билдирган шубҳа ўз ишини қилмай қуймабди. Шу кундан бошлаб у ўнгида ҳам, тушида ҳам нуқул кўмиб қўйилган пулни ўйлайдиган бўлиб қолибди. Кўнглига ҳар хил ўйлар келар, безовта бўлар, мўмай пул иштаҳасини қитиқлагани-қитиқлаган экан. Бора-бора нафси иродасидан устун келиб, имони дарз кетибди. Охири юрагини хотинига ёрибди:

— Қани, сен нима дейсан, хотин? Секин бориб, беш минг рупияни олиб келиб қўймаймизми? — дебди у воқеани хотинига ҳикоя қилиб бергандан кейин.

Хотин унинг гапларини эшитиб, нақ ўйинга тушиб кетаёзиди. Эрини хаёнат йўлидан қайтариш ўрнига, аксинча, уришиб-койиб кетибди.

— Қанақа содда одамсиз ўзи, отаси?! Худонинг ўзи қўш қўллаб, шунча пул инъом қилгандан кейин ўйлаб ўтиришга бало борми? Қани, ҳозироқ ўрнингиздан туринг, чуқурни қазиб, бор пулни кўтариб келинг.

Боққолнинг ўртоғи юраги дов бермай дебди:

— Лекин бир гап бор-да.

— Тагин нима гап бор экан?

— Боққол қайтиб келгандан кейин у ерни кавлаганда ҳеч нарса чиқмаса, унда нима бўлади?

— Вой-вой-вой, бунинг нимасидан қўрқасиз? Анов юрак ўзингизникими ё чумчуқникими?

— У қозига берса, гуноҳкор мен бўлиб қоламан-ку!

— Худо сизга тариқча ақл бермаган, — дебди қув хотин эрини баттар мулзам қилиб. Кейин ясама тутақиш билан қаттиқроқ буровга олиб, зуғум қилишда давом этибди: — Шунга ҳам гап топиб беролмайсизми?! Мен қаёқдан билай, балки боққол пулни ўзи олиб, айбни менга ағдараётгандир, дейсиз-қўясиз-да. Шу йўл билан пулни икки баравар қилиб ундириб олмоқчи бўляпти, дейсиз. Бу боққолни мен яхши биламан, таги фирром, ёлғончи одам эди, энди тухмат қилишни ҳам ўрганибди, дейсиз. Бунинг битта ҳам гапига ишонманглар, дейсиз, вассалом.

Охири хотинининг қутқусига учган эр пулни олиб келишга рози бўлибди.

Хуллас, кеч тушиб, қоронғилик чўккач, боққолнинг дўсти бориб, пулни олиб келибди.

Бирданига боққол дўстининг пичоғи мой устида бўлибди-қўйибди. Эртаси куниеқ бутун оила аъзолари янги-янги кийимлар кийишибди, кунда-кунда ёр-дўст, қариндош-уруғларни меҳмонга чақириб, қуюқ-қуюқ зиёфатлар бера бошлабди. Текин пул қорин оғритардими, деб роса қандини уришибди.

Боққол эса қилган гуноҳларини ювиш мақсадида у қадамжодан бу қадамжога ўтиб, азиз-авлиёларнинг мазорларини зиёрат қилиб юраверибди. Ниҳоят, ёнидаги бор пулини сарф қилиб, қишлоғига қараб, йўл олибди. Қишлоғига етгунча ҳам анча йўл экан, роса ҳолдан тойибди, пули қолмаганидан у-бу олиб ейишга ҳам қурби етмай оч қолибди. Бечора, сира иложи қолмагач, ўйлабди: «Бу ҳолда очимдан ўлишим ҳеч гап эмас. Кел, зирк дарахти олдига бориб, кундалик харажатимга яраша бир оз пул олай».

Бироқ бир қулоч кавлабди, икки қулоч кавлабди, тўрт қулоч кавлабди, лекин пулдан ном-нишон йўқмиш. Боққолнинг миясига дафъатан шундай фикрлар келибди: «Ҳойнаҳой, пулни ўртоғим олиб кетган. Омонатга хиёнат! Бу қандай пасткашлик?! Шу марднинг ишими? Лафз қани? Субут қани?»

Аввалига боққол жуда дарғазаб бўлибди, ҳатто қўрқиб кетибди. Бироқ бир оздан кейин сал ўзини босиб, ақлини пешлаб, мулоҳаза юрита бошлабди: «Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдиришдан фойда йўқ. Бўлар иш бўлган. Энди шундай бир тадбирини тонайки, ўртоғим пулни жойига келтириб қўйсин».

Бунинг учун боққол озмунча бош қотирмабди. Нима қилсин, қозига айтсинми? Юрт эгаси рожага арз қилсинми? Лекин буларнинг ҳеч биридан жўяли бир иш чиқишга кўзи етмабди. Ахир, бу айтганларнинг ҳаммасига гувоҳ бўлиши керак-ку! Лекин ким гувоҳлик бера олади? Булар иккаласи пулни ҳеч кимга кўрсатмай, билдирмай, ўғринча кўмишган бўлса. Пулни дўстим олган деб айтгани билан қайтанга ўзи туҳматчи бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Дўсти, «қани, ким кўрган менинг олганимни?» деса, бу нима дея олади?

Бироқ бирон тадбирини топмаса боққолни ким боққол дейди? Тадбиркорлик унга сут билан кирган. Шунинг учун унинг миясига яхши бир фикр келибди.

Вақт тушга яқинлашиб қолганда шоша-пиша ўртоғининг олдига борибди-да, ҳеч нарса кўрмаган-билмагандек, у билан апоқ-чапоқ сўраша кетибди.

Ўртоғи ҳам сир бой бермабди. Ҳеч нима бўлмагандек, у ҳам боққолни жуда иззат-икром билан ёнига ўтқазибди, ҳол-аҳвол сўрай кетибди:

— Қандай, оғайни, дурустмисан? Зиёратларинг қабул бўлсин! Яхши айланиб келдингми?

— Э, нимасини айтасан, оғайин,— дебди боққол устмонлик билан,— зиёратга бордимми, тижоратга бордимми, ўзим ҳам билолмай қолдим. Асли боққол одам зиёратга бормасин экан. Савдо-сотикда суягим қотган эмасми, зиёрат буюқда қолиб, нукул тижоратга берилиб кетибман.

Ўртоғи ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Ие, уёқда сен қандай қилиб савдо-сотик билан шуғулла-нарднинг? Қизиқ. Хўш-хўш, қани, бир бошдан гапир-чи, нималар бўлди, қандай бўлди?

Боққол сўзлаб кетибди:

— Оғайни, шу десанг, мен юриб-юриб бир қишлоққа бориб қолдим. Бу қишлоқда пахта кўп бўлар экан. Ўзинг биласан, нимаки кўп бўлса, арзон бўлади. Нафсим ҳақкалак отиб кетди-ку! Савоб-павобни ҳам бир четга йиғиштириб қўйдим-да, ўша ердан талай пахта сотиб олдим. Пахтани шаҳарга олиб бориб, баланд нарҳда пуллай бошладим. Биласанми, бир боришимда пахтадан қанча фойда қилдим — нақд уч юз рупия!

— Ростданми?! — Кўзи қинидан чиқиб кетгудек бўлиб сўрабди дўсти. — Бир боришда уч юз рупия фойда қилдингми?

— Фойда кетидан тушгандан кейин шунақа бўлар экан. Минг қилса ҳам таги боққолман-да. Фойда деб қадамжоларни зиёрат қилиш ҳам ёдимдан кўтарилиб кетди. Дарров яна ўша қишлоққа қайтиб бордим. Бу сафар олдингидан ҳам кўпроқ пахта сотиб олдим-да, шаҳарга олиб бориб сотиб, илгаригидан ҳам кўпроқ фойда ундирдим.

Ўртоғи уни қувватлаб дебди:

Узи шунақа бўлади, савдода қанча пул сарфласанг, фойдаси ҳам шунга яраша бўлади.

— Худди сен айтгандай бўлди, оғайни, мен ҳар сафар кўпроқ пахта сотиб олардим-да, уни сотиб, яна кўпроқ фойда қилар эдим. Сендан яшириб нима қиламан, мана шу арзимаган ўн-ўн беш кун ичида қарийб йигирма беш минг рупия соф фойда орттирибман.

— Йигирма беш минг рупия?! — Уртоғининг кўзи косасидан чиқиб кетибди. — Хўш-хўш, биродар, энди бу пулларни нима қилмоқчисан?

— Нима қилардим, дўстим, зиёратга бораман-да. Лекин шунча пулни ёнимда олиб юришга сира юрагим дов бермаяпти. — Муғомбирлик билан гапида давом этибди боққол. — Менга қара, дўстим, кел, ҳозирча пул ёнимда тура турсин. Мен қоронғи тушиб, тун чўкканда олдинга келаман.

— Нима деясан? Гапни айлантирмай, очигини айтсанг-чи, нима демоқчисан? — боққолнинг дўсти баттар таажжубланиб, бунинг устига хиёл хавотирланиб сўрабди.

Биров эшитиб қолмасин деб боққол ўртоғининг қулоғига жуда ҳам паст овозда шивирлабди:

— Зиркнинг тагига пул кўмиб қўйган жойимиз бор эди-ку, ўша ерга бориб, мана бу пулни ҳам (у қўлидаги қандайдир ҳамёнга ўхшаган халтани кўрсатибди) кўмиб қўямиз. Шундан кейин мен кўнглимни хотиржам қилиб, зиёратга жўнаб кетаман.

Шундай деб боққол кетибди. Бироқ у кетиши билан дўстининг ичини ит таталай бошлабди. Хотинини гўрдан олиб, гўрга тиқиб сўкканча роса дашном берибди:

— Сени деб мен шунча зарарга тушиб ўтирибман. Ушанда пулни олиб кел деб тузламаганингда бугун роса йигирма беш минг рупия худди кафтимизга тушган бўларди-я.

— Қандай қилиб? — сўрабди хотини яна ҳарислиги қўзиб.

Эр баттар жиғибийрон бўлиб дебди:

— Эҳ, сочи узун, ақли қисқа хотин! Боққол бугун яна ўша жойга бориб йигирма беш минг рупия кўмиб қўймоқчи бўлиб турибди. Лекин у ерга бориб аввалги пул йўқлигини кўрса, иш пачава деявер. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади — боққол бошқа у ерга пул кўммай қўяди.

— Бундан чиқди, агар олдинги пул жойида эканини кўрса, боққол ёнидаги йигирма беш минг рупияни ҳам ўша жойга олиб бориб кўмади, демоқчисиз-да, шундайми?

— Бўлмасам-чи?! — дебди эр уҳ тортиб. — У пулини кўмиб кетиши билан мен аста ўмариб келган бўлардим. Лекин сенинг шошқалоқлигинг ҳамма ишнинг тагига сув қуйди.

— Ҳали ҳам кеч эмас, дунёда қилиб бўлмайдиган иш бор эканми? — дебди хотин аёлларга хос топқирлик билан ва ўша

заҳоти ўйлаган чорасини ҳам баён қилибди. — Утган сафар у беш минг рупия кўмганмиди? Сиз бир иш қилинг, менинг ҳамма тақинчоқларимни олинг-да, бозорга бориб пуллаб келинг. Қош қорайиши билан тезгина бориб, ўша пулни дарахт тагига кўмиб келинг. Тунда ўртоғингиз келиб, ўрани кавлаб кўрсаки пул жойида турибди — сиз ҳам куймайди, кабоб ҳам. Шундан кейин у йигирма беш минг рупияни ҳам кўмиб кетади, вассалом.

Хотинининг ақлига қойил қолган эр суюнганидан ўзини йўқотиб қўяёзибди. Киройи хотин бўлгандан кейин шунақа эрининг жонига ора кирадиган бўлсин-да. У ўша заҳоти хотинининг бор тақинчоғини кўтариб, бозорга жўнабди ва арзону қиммат сотиб, бир амаллаб беш минг рупия қилибди-да, қайтиб келибди. Кейин қош қорайиши билан далага бориб, пулни зирк тагига кўмиб қўйибди.

Боққолга худди шуниси керак экан-да! Аслида у ўртоғидан пулни ундириб олиш учун шу тадбирни ўйлаб топган экан. Йигирма беш минг рупия пулнинг дарагини эшитган очкўз ўртоғи билан хотини қандай қилиб бўлмасин, беш минг рупияни қайта жойига кўмиб қўйишига унинг кўзи етган экан. Мана, худди у ўйлагандек бўлибди ҳам! Қош қорайишига у ҳам келиб, зирк дарахтининг устига чиқиб, ўртоғининг ҳаракатларини кузатиб турган экан. Ўртоғи пулни кўмиб кетиши билан дарахтдан тушибди-да, ўрани кавлаб, пулни олибди. Ҳалол мол шунақа фақат ўз эгасига буюрар экан, бировга юк бўлмас экан.

Буёқда ўртоғи уйга келиб, хотини билан маслаҳат қилишга тушиб кетибди: эндиги катта пулга нима-нима олишади; қанчадан олишади — ҳаммасини ўзларича хомчўт қила бошлашибди.

Бироқ тун яримлаб қолибди ҳамки, боққолдан дарак йўқмиш. Аста-секин тонг ҳам бўзара бошлабди. Тун бўйи мижжа қоқмай, боққолнинг йўлига кўз тикиб чиққан ўртоғининг зардаси қайнабди. Тонг отиши билан чопа-чопа боққолнинг олдига борибди.

Ўртоғини кўриб, боққол кулиб туриб шундай дебди:

— Дўстим, зиёратни бошқа пайтга қолдиришимга тўғри келди. Шунинг учун кечаси ўзим ўша ерга бориб, кўмиб қўйилган беш минг рупиямни олиб келиб қўя қолдим. Сени овора қилиб ўтиришни эп билмадим. Энди шу ерда тижорат ишларимни гуллаштишга қарор қилдим.

Ўртоғи сувга тушган нондек бўшашиб, уйига қайтиб кетибди.

Хотини воқеадан хабар топгач, сочини юлиб дод сола бошлабди:


— Вой-дод, нима қилдим! Уйим куйди! Тақинчоқларим...

Эр уни койиб берибди:

— Энди балога йиғлайсанми? Аввалбошдан ўзинг ҳамма пулни совуриб йўқ қилдинг-ку.

— Мен совурдимми ё сенинг зиёфатхўр ёр-жўраларинг еб тамом қилдимми? — дебди хотин эрини бирданига сенсирашга ўтиб. — Сенлар эмасми, кунда-кунда гап-гаштақдан бошларинг чиқмай, айшларингни сурган? Сенларнинг чақчақинг деб тақинчоқларимни сотиб, товон тўлашимни мен қаёқдан билай? Вой-дод, уйим куйди, одамлар!!!

Бироқ энди йиғлашдан нима фойда? Аввалига оғзи ботирлик қилиб, ўзини жуда ақлли, тадбиркор кўрсатишга қанча ҳаракат қилмаганди. Боққолнинг кейинги йигирма беш минг рупиясига ҳам эгалик қилиб, бировлар ҳисобига роҳат-фароғатда яшашни ўйлаган унинг ўзи эмасмиди? Лекин боққол улардан ҳам тадбиркорроқ экан. Хулласи калом, бировнинг молига кўз олайтирганлар боққолнинг ўртоғи ва хотинига ўхшаб, охирида ўзининг ҳам бисотидан айрилиб, икки қўлини бурнига тиқиб қолаверар экан. Боққол сингари ҳалол кишиларнинг топган тадбири хусусида эса халқ «эгри қозикқа эгри тўқмоқ», дейишини ҳаммамиз биламиз.





## ҲОЗИРЖАВОБ ВАЗИР

ир рожа бўлган экан. Рожа бир ибодатхона қурдирибди. Бу ибодатхона шаҳардаги бошқа ҳамма ибодатхоналар ичида энг маҳобатлиси ва ҳашамдори экан. Ибодатхонанинг тўрттала томонида тўртта дарвоза бор экан.

Ибодатхона зиёратчиларнинг хизматига тайёр бўлганидан кейин рожа вазирни чақириб, шундай дебди:

— Вазир, тўртта донишманд, билимдон пандит топгин-да, ҳар бир дарвозага биттадан ўтқазиб қўй, улар ваъз ўқиб, муқаддас китоблар қироати билан машғул бўлишсин. Пандитларнинг хизмат ҳақига кунда бир рупиядан нақд пул, уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош тайин эт.

Юрт подшоси бир нарса дегандан кейин қулоқ қоқиб кўрчи. Айниқса, вазир ўз рожасининг оғзига маҳтал — айтганини айтган жойида адо этади. Бусиз ҳам раият ишлари билан бош қашишга қўли тегмайдиган вазир учун бу ҳукм жуда ошиб турибди. Кошки, подшо истагандек ҳар томонлама билимдон пандитни топиш осон бўлса. Бунинг устига битта ё иккита пандит бўлса ҳам майли эди, бирваракайига тўртта пандит-а!

Бироқ касал тузалгиси келса табиб ўз оёғи билан келади деган гап рост экан. Вазир бундоқ қараса, рўпарасида ажабтовур бир пандит турибди ва унга шундай деб мурожат қиляпти:

— Улуғ вазир, сизнинг номингизни эшитиб, узоқлардан йўл босиб, ҳузурингизга етиб келдим. Узим бир ғариб одамман. Бирон иш-пиш бўлса...

Раёсат ишларига шўнғиб кетган вазир бир зум қоғоздан бош кўтариб сўрабди;

— Хўш, кимсан ўзинг?

— Пандитман, тақсир...

— Пандитман дейсанми? Оҳ-оҳ-оҳ! — Вазир хурсанд бўлиб кетибди. Иши ниҳоятда кўплигидан у ортиқ савол-жавоб

қилиб ўтиришни ҳам лозим топмабди. Дарров буйруқ чиқариб, шундай дебди:

— Шаҳарда рожа бир ибодатхона қурдирди. Унинг тўртта дарвозаси бор. Дарвозалардан бирига бориб ўтир-да, ишни бошлайвер. Уч маҳал иссиқ овқат. Бир рупиядан нақд пул, бир сидра энгил-бош билан таъминланасан.

Шундай дебди-да, вазир яна ишига шўнғиб кетибди.

Кунда уч маҳал иссиқ овқат, нақд бир рупия пул ва бир сидра энгил-бош тегишини эшитиб, пандит қулоғига ишонмабди. Ахир яқин-яқингача бир бурда нонга зор бўлиб, тентиб юрган эди, бирданига мана бунақа кутилмаган эҳсон... Камбағалнинг ишини худо ўнгласин, деб шунга айтса керак-да, бирваракайига ҳам овқатлик, ҳам пуллик, ҳам яп-янги энгил бошлик бўлиб ўтирибди! Қиладиган ишини айтмайсизми, бир жойда ўтириб олиб, уч-тўртта дуони қироат қилиш. Жони койиб, тер тўкмайди, бировлар миннатини ҳам эшитмайди.

Пандит хурсанд бўлибди-ю, бироқ дуога келганда ўйланиб қолибди. Ахир бечора пандитнинг саводи йўқ экан-да. Шундай бўлгандан кейин ваъз-қироат ўқиш унга йўл бўлсин! Ваъз-қироат қилиш қўлидан келмас экан, вазир айтган ҳалиги инъомлардан ҳам қўлини ювишга мажбур бўлади.

Пандит оёғи куйган товукдай питиллаб қолибди — камбағалнинг ови юрса ҳам дови юрмас экан-да. Ахир, бир нарсага эга бўлай деганда арзимаган камчилик билан бир йўла йўққа чиқса, алам қилмайдами? Бироқ ҳалиги инъомларни ўйлабди-ю, алифни калтак деёлмаслиги ҳам ҳам кўзига кўринмай, пандит шартта бориб, ибодатхонанинг тўртта дарвозасидан биттасига қўр тўкиб ўтириб олибди. Шундан кейингина унинг қолаги чинакамига така-пука бўлиб кетибди — рожа келиб, сўраб қолса, унга нима дейди?

Пандитнинг қўрққани шунчаликки, ўтирган жойда ўзидан-ўзи жаврар эмиш:

— Рожа сўраб қолса, унга нима дейман? Рожа сўраб қолса, унга нима дейман? Рожа сўраб...

Эртасига вазир саройга отланиб турган пайтда яна кечагидай воқеа содир бўлибди. Бир нотаниш одам келиб, ундан иш сўрабди. Вазирнинг «кимсан?» деган саволига у одам «пандитман» деб жавоб берибди. Вазир азбаройи шошиб турганидан уни ҳам ортиқ саволга тутиб ўтирмабди-да, тўғри ибодатхонага жўнатиб, иккинчи дарвозага бориб ўтиришини тайинлабди.

Тасодифни қарангки, бу пандит ҳам ғирт саводсиз экан. Бироқ пул, буюм, томоқ берилишини эшитиб, унинг ҳам нафси ҳақкалак отиб кетибди ва галга солмай, ибодатхонага қараб йўл олибди. Лекин кўнгилда «қандай ваъз-дуо ўқийман энди?» деб ўйлаб, ваҳимага туша бошлабди. Вазирнинг гапига қараганда у ерда бошқа бир пандит ҳам бор экан, борди-ю, ўша пандит



етилган аллома бўлса-чи? Унда бунинг ҳоли нима кечади? Оғзидан лом-мим чиқмай ўтирганини кўриб, у дарров бориб рожага чақиши тайин.

Нима қилса экан-а?

Пандит мияси ўйдан чиқмай, ибодатхона томонга қараб кетаверибди.

Бир вақт у ибодатхонага етиб ҳам келибди. У ерда қироат қилиб ўтирган биринчи пандитнинг овозини узоқданоқ эшитибди:

— Рожа сўраб қолса, унга нима дейман? Рожа сўраб қолса, унга нима дейман?

Иккинчи пандит буни эшитиб, оғзи ланг очилиб қолибди — товба, бу қанақа дуо ўқиш бўлди? Лекин ҳаял ўтмай гап нимадалигина англаб севиниб кетибди. Қараса, биринчи пандит ҳам ғирт саводсиз экан.

Иккинчи пандит енгил нафас олиб, ўзича шундай дебди:

— У қандай бўлса, мен ҳам шундайман. Бас, бунинг нимасидан қўрқаман?

Шундай дея у гердайиб бориб, ибодатхонанинг иккинчи дарвозасига ўтириб олибди-да, биринчи пандитга қараб, такрорлай бошлабди:

- Сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундайман. Сен қандай бўлсанг мен ҳам шундайман. Сен қандай...

Учинчи куни учинчи пандит келибди. Вазир бечоранинг сира ишдан боши чиқмас, ҳатто пандитлар билан савол-жавоб қилиб олишга ҳам вақти йўқ экан. Келган одам ўзини пандитман деб айтса бўлди, шартта ибодатхонага ўтқазиб қўяверибди. Пандитлар ўз оёғи билан келиб, битта ташвишдан қутулганига хурсанд бўларкан-да. Учинчи пандитни ҳам худди аввалги икки пандит сингари дарровгина ибодатхонага жўнатиб юбораверибди. Энди буёғини хоҳ тасодиф денг, хоҳ тасодиф деманг, ўзингиз биласиз, аммо учинчи пандит ҳам аввалги иккала пандит каби ғирт саводсиз экан. Олдиниға учинчи пандит ҳам роса қўрқибди, бироқ ибодатхонага келиб, иккала пандитнинг номигина пандит эканидан хабар топгач, у ҳам бемалол келиб, учинчи дарвозадан жой олибди.

Бироқ учинчи пандит келиб дарвозага ўтириб олишга олибди-ю, бирдан ташвишланиб, ўйланиб қолибди: «Пандитлик хизмат ҳақимиз тегиб тургунча-ку, роса қандимизни урармиз. Кунда-кунда уч маҳал иссиқ овқат, бир рупиядан пул, энгил бош, бунинг савобига ким етсин? Лекин бу ғирт қаллоблик-ку! Бу токайгача давом этади?»

Шу гулгула юрагига бир кирганча қайтиб чиқмай, миясига-ча ғовлатиб юборибди-ю, шўрлик пандит нуқул ўзича: «бу қаллоблик токайгача? Бу қаллоблик токайгача? Бу қаллоблик...» деб жаврай кетибди. Учала пандит ҳам қулоғини деса бурнини

кўрсатадиган даражада саводсиз бўлгандан кейин тўрттинчиси қанақа бўларди, дейсиз. Ўзи бу гал тасодиф нуқул омийларнинг бахтига ёр бўлганга ўхшайди. Бўлмаса, тўрттинчи пандит ҳам саводсиз бўлиб чиқармиди?

Тўрттинчи пандит ибодатхонага келса, биринчи пандит:

— Рожа сўраб қолса, унга нима дейман?

Иккинчи пандит:

— Сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундайман!

Учинчи пандит:

— Бу қаллоблик токайгача? — деб, бири олиб-бири қўйиб жаврапти.

— То қиёмат-қойимгача! — тўрттинчи пандитнинг оғзидан нохос шундай сўзлар учиб чиқибди.

Кейин нима бўлибди, дейсизми? Нима бўларди, тўрттинчи пандит ҳам аста бориб, тўрттинчи дарвозани эгаллабди ва қироат билан такрорлай бошлабди:

— То қиёмат-қойимгача! То қаёмат-қойимгача! То...

Тўрттала пандит уззукун ана шундай бир-бирига қовушмаган, пойинтор-сойинтор жумлаларни бор овози билан қироат қилиб ўтираркан-да, кеч саройдан келадиган мазалик овқатларни еб, шом чоғи бир рупияни чўнтакка уриб, дориламон кун кечира бошлабди.

Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтибди. Кунларнинг бирида рожанинг хаёлига, бир ибодатхонани бориб кўрсам-чи, деган ўй келибди-ю, галга ҳам солиб ўтирмай, вазирини ёнига олибди ва ибодатхонага қараб равона бўлибди.

Рожа ўз аёнлари билан ибодатхонага яқинлашганда узоқ-даноқ уларнинг қулоғига ғалати-ғалати гаплар чалина бошлабди:

— Рожа сўраб қолса, унга нима дейман? ..

— Сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундайман...

— Бу қаллоблик токайгача? ..

— То қиёмат қойимгача...

Буни эшитиб, рожа ҳеч нарса тушунолмабди, елка қисибди. У вазирга таажжуб билан қараб, сўрабди:

— Бу қанақа дуо ўқиш бўлди, вазири аъзам?

Вазир пандитларнинг бири олиб-бири қўйиб турган алмо-йи-алжойи гапларини эшитиши ҳаманоқ ҳаммасининг ғирт саводсиз, бунинг устига уччига чиққан муттаҳам одамлар эканини дарҳол англаган экан. Узининг бепарволиги қанчалик қимматга тушганини ўйлаб, ичидан қаттиқ пушаймон бўлибди. Кўнглидан шундай ўйларни кечирибди: «Рожа менга ваъз-қироат қилиб, зиёратчиларнинг ҳожатини чиқариб туриши учун илми, донишманд пандитлардан топиб, ибодатхонага ўтқазиб қўй, деб буйруқ берган эди. Лекин мен уларни имтиҳонсиз несиз ишга олавергандим. Бу тўрттала пандитнинг

ҳам ғирт аҳмоқлигини ва саводсизлигини қаёқдан билай. Бу аҳволда рожа ғазабланиб, мени ҳар нарса қилиши мумкин. Бу расво пандитларнинг-ку боши кетиши муқаррар, аммо мени ҳам аяб ўтирмайди».

Топқир, тадбиркор ва айёр бўлмаса, вазирни ким вазир дерди? Шунинг учун ҳозир айна зукколигини намойиш қиладиган пайт келганини англаб, ҳозиржавоблиқ билан дебди:

— Эй маҳорож, мен ҳам аввал бошда уларнинг башарасига қараб, булар ҳам минглаб савдойи пандитлардан бўлса керак-да, деб ўйлаган эдим. Бироқ кейин уларнинг қироатини эшитиб, ўқиган дуоларининг маъносини қақиб, ҳайратда лол қолдим. Улар пандит эмас, бориб турган аллома, етишган авлиё экан.

Вазирнинг гаплари эшитиб, рожа баттар таажубга тушибди ва ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Нималар деяётганингизни биласизми, вазири аъзам? Ахир, мен уларнинг гапидан ҳеч нарсани англолмаяман-ку. Бўлмаса анови биринчи пандитнинг «Рожа сўраб қолса, унга нима дейман?» деб сандираётганининг маъноси не бўлди? Билсангиз, қани, менга ҳам тушунтириб қўйинг.

— Бош устига, маҳорож! Бу пандит бир оз илгари «Рамаяна» китобини мутолаа қилгани кўриниб турибди. У Ситабонунинг ўғирланиши воқеасига шунчалик маҳлиё бўлиб кетибдики, ундан нарига ўтиш ҳам хаёлидан кўтарилиб кетганга ўхшайди. Аслида дostonдаги воқеа мана бундай бўлган эди: тангри Ромчандр жий тасодифан олдидан чиқиб қолган оҳуни отиб олиш учун камонини кўтариб, жониворнинг орқасидан чопиб кетади. Камон ўқи тегиб, оҳу жон бераётиб бирдан одамга ўхшаб тилга киради ва бировдан ёрдам тилагандек илтижоли оҳангда «Лакшман жий!» деб нидо солади. Шунда Сита акаси Лакшманга қараб: «Ака, оҳунинг нидоси бежиз эмас, тангри Ромнинг бошига бирор мусибат тушган кўринади, шунинг учун у сизни ёрдамга чақиряпти», дейди. Ситабону акаси ва Ромчандрдан дарров ёрдамга етиб боришларини илтимос қилади. Ромчандр, мен кетдим, деб йўлга отланди-да, кетиш олдидан: «Сиз Ситабонуга кўз-қулоқ бўлиб турасиз-да», деб огоҳлантиради. Бироқ Сита акасига, сиз ҳам борасиз, деб тиқилинч қилади. Охири бўлмагач, Лакшман сингиси турган жойни айлантириб «Лакшман иҳотаси» чизигини тортади-да, ёрдамга шошилади. Йўлда эса «Рожа Ромчандрнинг ҳукмига итоат қилмай, Ситабонуни ёлғиз қолдириб кетаяпман, чатоқ бўлди-да, энди рожа сўраб қолса, унга нима дейман», деган хаёлга бориб, юраги ғаш тортаверади. — Вазир бир зум тин олиб, яна сўзида давом этибди: — Пандит дostonни ўқиб-ўқиб, шу ерга келганда ғоят ҳаяжонланиб, юраги тўлиб кетган. Ахир, ҳаяжонланмай бўладими! Лакшман

жийнинг илон қиёфасида намоён бўлишию яна бирданига одамлардай тилга кириб гапириши, рожа акасида хайқиши! Уҳ-ўҳ-ўҳ...

Бу гаплардан рожа жуда мутаассир бўлибди. Пандит унинг кўзига бамисоли худога етишган авлиёга ўхшаб кўриниб кетибди. Лекин иккинчи пандит...

Рожа сўрабди:

— Мана бу иккинчи пандит ҳадеб: «Сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундайман», деяпти. Бунинг маъноси нима?

— Бу ҳам ўша муқаддас китобдан бир жумла, маҳорож, — дебди вазир.— Бу пандит дostonни ўқиб-ўқиб, Кишкинджа бобига етган.— Бу бобда Ситабонунинг ўғирланганидан кейинги сир-савдолари ҳақида ҳикоя қилинади. Тангри Ром Ситабонуни қидириб-қидириб, Ришямук тоғига бориб қолади ва у ерда Сугрив, яъни маймунлар шоҳи Болининг укасига дуч келади. Ром дардини Сугривга ёриб: «Ўзинг ким бўласан? » деб сўрайди. Сугрив ҳам Ромчандр сингари мамлакатдан қувиб чиқарилган эди. Унинг ҳам хотинини Боли зўравонлик билан тортиб олган эди. Шу боисдан ҳам дардини ёриб, юрагини бўшатиб олгандан кейин Ром Сугривга қараб: «Сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундайман», дейди.— Вазир бошини чайқаб, қўшимча қилиб дебди,— Ромчандр аслида Вишнунинг ёруғ дунёдаги қиёфаси эканини Сугрив қаёқдан билсин. У Ромчандрни оддий одамлардан бири деб ўйлабди ва тангри Ром ҳам у билан «танимасни сийламас» қабилида муомала қилибди. Иккинчи пандитни худди шу нарса ҳаяжонга солиб турибди. Шу боисдан ҳам ҳозир унинг хаёли бу ерда эмас, дostonнинг ўша қисмида парвоз қилиб юрибди. «Сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундайман», деб такрорлаётганининг тагида гап кўп. Киройи пандит бўлса, шундай бўлса-да. Унинг астойдиллигини, фидойилигини кўриб, менинг ҳам руҳим енгиллашади. Умридан барака топсин.

Рожа ҳам беҳад хурсанд бўлибди. Кейин учинчи пандитни кўрсатиб, сўрабди:

— Мана бу учинчи пандитнинг гапини эшитяпсизми? У нуқул «Бу қаллоблик токайгача?» деб такрорляпти. Унга нима дейсиз?

— Бу жумла Шри Ланка воқеасига мансубдир, маҳорож! Девлар шоҳи Рованинг хотини малика Мандударий эрига қараб хитоб қилади: «Бир бўлса Ситабонуни ўғирлаб келдингиз, бу ҳам етмагандай, Ромчандр билан жанг бошлаб юбордингиз, ахир бу жаҳолатнинг чеки борми? Ўзингизни одил шоҳ қилиб кўрсатмоқчи бўласиз-да, қилган ишингиз бари адолатсизлик, жоҳилликдан иборат. Ахир бу қаллоблик токайгача давом этади?» — Вазир яна гапни кийиб кетибди.— Ўзингиз ўйлаб қаранг, маҳорож, ўзи рақшас, яъни дев авлодидан бўлиб туриб

ҳам Мандударий эрига қанақанги ақлли танбеҳлар бермаган! Пандитни ҳайратга солиб, хаёлини ўғирлаган нарса ҳам шу бўлса, ажаб эмас.

— Мана бу тўртинчи пандитга нима дейсиз? — сўрабди рожа.


— Бу ҳам учинчи пандит келган жойдан давом эттирляпти. Мандударий эрига қараб: «Бу қаллоблик токайгача?» деб сўрагандан кейин Рован ўчакишиб: «То қиёмат қойимгача!» деб қўрс жавоб қилади. Ахир, шундай дейиши турган гап эди-да. Кимсан, девларнинг шоҳи, шоҳ бўлгандан кейин нима деса ўзи билади, чунки ўзига ишонади-да. Вазир унга сайин пандитларни мақтаб кетибди. — Ана, кўрдингизми, маҳорож, тўрттала пандит бири-биридан ўтаман дейди. Киройи пандит бўлгандан кейин шунақа алломаи замона пандит бўлсин-да!

— Узингиз ҳам билимдонликда улардан ўтсангиз ўтасизки, асло қолишмайсиз, вазири аъзам, — дебди рожа чинакамига ҳайрон қолиб. У инъом тариқасида бўйнидаги қимматбаҳо дур шодасини олиб, вазирнинг бўйнига тақиб қўйибди. Кейин мамнун бўлиб дебди:

— Бу мукофот сизга, вазири аъзам. Мана бу пандитларнинг эса кунлик маошини бир рупиядан икки рупияга оширилсин!

Бироқ сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичар, деган халқ нақли бор. Вазир ҳам худди шундай бўлибди. Қилган хатоси сал бўлмаса ўзининг бошини ей деган экан-у, бахтига ҳозиржавоблиги қўл келиб қолган экан. Ҳам ўзининг жонини сақлаб қолибди, ҳам пандитларнинг обрўсини.

Лекин бу пандитларнинг ибодатхонада ортиқ қололмасликларини китобхон аллақачон сезган бўлса керак, шундай эмасми? Саройга қайтиб келиши билан вазирнинг даставвал қилган иши пандитларни ибодатхоналардан даф этиш бўлибди. Уларнинг ўрнига ростакамига билимдон, ўқимишли ва доно пандитларни топиб қўйдирибди. Дарвоқе, бу сафар пандитларнинг нечоғли билимдонлигини ўз кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитиб, обдон синовдан ўтказибди.





## ХАТО

лақайси шаҳарда бир кулол яшар экан. У ғоятда меҳнатсевар, қўли гул уста экан. Қандай идиш ясамасин, сидқидилдан бажарар экан. Ясаётган идишига ранго-ранг бўёқлар билан турли-туман гуллар чекиб, дид билан оро бераркан, бири-биридан чиройли нақшлар идишни кўркам қилиб юборар экан. Унинг буюмларининг яна бир фазилати шунда эканки, лойини сира эринмай, обдон пишитар экан, шунинг учун узоқ чидаб, рўзғорбоп бўлар экан. Бозорга олиб чиқиш билан қўлма-қўл бўлиб, олганлар дармонда, олмаган армонда қолар экан.

Нима бўлибди-ю, кулол бир куни бир ҳайкалча ясабди. Ҳайкалча жуда бежирим, чиройли чиқибди. Бундан кулолнинг ўзи ҳам завқланиб кетибди ва ҳайкалчага зеб берибди, сайқаллабди, ранглабди. Асли қўли гул уста эмасми, ишлов берган сайин ҳайкалча яна ҳам кўримли бўлиб кетибди. Кейин ҳайкалчанинг бошига от ёлидан соч қўндирибди, мушукнинг тукларидан қош билан кинрик ясабди, кўзларига қора бўёқда қорачуқ қўйибди. Бундоқ қараса, олдида қўғирчоқ эмас, бамисоли бир тирик одам тургандай бўлибди. Кулолнинг назарида ҳайкалча ҳозир тилга кириб, одамлардай гапириб юборадиганга ўхшабди.

Эртасига кулол ҳайкалчани сотгани бозорга олиб чиқибди. Одамлар унинг санъатини кўриб: «Офарин!» деб юборибди. Чунки, ҳайкалча оддий қўғирчоқ бўлмай, тангри сиймоси эканда. Устанинг шаънига мақтову олқишлар ёғилибди, сотиб олиш учун харидорлар ёнчиғини кавлай бошлабди.

Кулолнинг боши қотиб қолибди: нима қилсин энди, харидорлар кўпайгандан кўпайиб кетяпти, қўғирчоқ эса атиги биттагина, уни қайси бирига сотади? Неча пулга сотади?

Шунда кулолнинг миясига бир фикр келибди-да, халойиққа қараб шундай дебди:



— Оғайнилар, бу ҳайкалчага кўн меҳнатим сингди. Шунинг учун уни ким кўп тўласа, ўшанга сотаман.

Начора, мол кулолники, бунинг устига ҳақиқатдан ҳам чиройли ишланган, ҳар қанча мақтаса арзийди. Одамлар бир-бирига гал бермай, кулолни саволга кўмибди:

— Айтинг, неча пул дейсиз?

— Бўлишини айтинг.

— Қанча берай?

Хуллас, биров унча бераман деса, биров ундан икки баравар кўпни ваъда қилармиш. Яна бошқа бири тўрт ҳисса тўлайман деса, ёнидагиси туриб, олинг, саккиз ҳисса бераман, дермиш. Ким ошди савдоси қизигандан қизиб кетибди. Кулол бутунлай гангиб қолибди.

Ниҳоят, ҳайкалча сотилибди ҳам.

Кеқурун кулол уйига қайтганда чўнтаги пулга лик тўла эмиш. У ўзида йўқ суюнибди. «Бўлди, — дебди у ўзича, — энди фақат ҳайкалча ясаганим бўлсин, идиш-товоқнинг баҳридан ўтдим. Ахир идиш-товоқни андазага солиш, қуриштириш, ўтда куйдириш, сайқал бериш, ранглаш, гул чекиш, нақшлаш керак. Эҳ-эҳ, қанчалик майда, серташвиш иш. Яна шунча жон чекиб меҳнат қилганингга яраша бозоринг чаққон бўлса ҳам кошқийди, харидор пойлаб кечгача сарғайиб ўтирасан. Ҳайкалча-чи? Биттагинасини ясаб, бозорга олиб чиққан эдим, мана мўмайгина пул чўнтакка тушди. Меҳнати унчалик эмас...»

Эртасидан бошлаб кулол идиш-товоқ ясашни бас қилиб, нуқул ҳайкалча ясашга киришиб кетибди. Ясаган ҳайкалчалари бир-биридан чиройли чиқаверибди, бозорга олиб бориши билан қўлма-қўл бўлиб кетаверибди. Тез кунда кулолнинг маҳорати оғизга тушиб, доврўғи ҳар ёққа тарқалибди. Бозорнинг чаққонлиги шу даражага етибдики, энди одамлар сабри чидамай, тўғри унинг уйига борадиган бўлибди. Ҳар бир ҳайкалча устанинг қўлидан чиқар-чиқмас харидорлар илиб кетаркан. Шунинг учун кулол энди бозорга бориш ташвишидан ҳам қутулибди. У кун бўйи ўтириб ҳайкалча ясайверибди, харидорлар олиб кетаверибди. Бироқ харидорлар камайиш ўрнига тобора кўпаярмиш. Энди кулол кечалари ҳам ҳайкалча ясай бошлабди.

Шу тариқа кун кетидан кун, ой кетидан ой, йил кетидан йил ўтаверибди. Кулолнинг касби ривож топгандан топаверибди. Ёшига ёш қўшилиб, бир куни қариб, чол бўлиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолибди.

Нима бўлибди-ю, бир куни кечки пайт унинг эшиги олдидан бир пандит ўтиб қолибди. Одамлар умр бўйи меҳнат қилиб, қариганларида оёқларини узатиб, қилган меҳнатларининг ҳузурини кўрадилар. Лекин мана бу кулол сира жонининг қадрига етмаган банда экан-ку. Қачон қарсанг,



қўлидаги ҳайкалчага энгашиб олиб, тарашлагани-тарашлаган, деган гапларни хаёлидан ўтказиб, кулиб қўйибди-да, кулолга қараб шундай дебди:

— Ҳой биродар, ҳадеб ишлайверасанми? Кеч тушиб қолди, кириб бундоқ ором олсанг-чи.

Кулол бошини кўтариб, овоз келган томонга қарабди. Тепасида турган пандитни кўриб, шундай деб жавоб қайтарибди:

— Нима қилай, пандит жий, ҳайкалчага харидор кўпайиб кетди, шунча ҳаракат қилсам ҳам базўр етказаяпман. Баъзида етмай кечалари ҳам ишлашга мажбур бўлаяпман.

— Ганинг тўғри, биродар, — дебди пандит насиҳат оҳангида, — лекин иш дегани сира тамом бўлган эмас. Кунда бир-икки соат ўзингга дам бериб, худони ҳам эслаб тур, савоб бўлади. Ахир ҳар ишда яратганнинг ўзи ёр бўлади, ёки унутдингми?

Кулол кулиб қўйибди-да, шундай дебди:

— Яна бир нечта ҳайкалча ясайман, кейин бўлди қиламан, пандит сўнг худди сиз айтгандай тоат-ибодатга берилиб, фақат худога таъя қиламан. Насиб қилса, қазо етгунча ҳаммасига улгураман.

— Тўрт кунлигинг қолганми, беш кунлигинг қолганми, қаердан билиб ўтирибсан, оғайни? — дебди пандит яна ўша оҳангда. — Бир ойнага қараб, афт-ангорингни кўр, қариб адоий тамом бўлибсан-ку,

Кулол туриб, кўзуга қарабди-ю, ростдан ҳам лол қолибди. Сочлари чирик похолдай саргайиб, лахтак-лахтак осилиб тушганмиш, юзларини тарам-тарам ажинлар қоплаганмиш. Бадани тарашадек қотиб, эти бориб устухонига ёпишганмиш, манглай суяги ўйнаб турганмиш. Нар и борса икки ё уч кунлик умри қолгандек туюлиб кетибди ўзига. Бундан кулолнинг жуда кайфи учиб кетибди. Қўлларини қовуштириб, пандитга қараб дебди:

— Пандит, ростдан ҳам шу пайтгача сира ўйлаб кўрмаган эканман. Дунёни фақат тирикчиликдан, мол-дунё орттиришу еб-ичишдан иборат деб юрган эканман. Шундан бошқа ташвишим бўлмаган экан. Бирон марта пешонам ерга тегмабди, азиз-авлиёлару арвоҳлар ҳақиқага хайр-садақа қилиш деган гаплар сира мияга келмабди, келган бўлса ҳам кунт қилмабман. Ҳа, пандит, мендан катта хатолик ўтибди. Энди, хом сут эмган бандасидан ўтар экан. Ахир, эзгуликнинг кечи бўлмайди, деган машойихларнинг нақли бор. Пандит жий, сиздан бир илтимос, ўзингиз бир каромат қилиб, бу нотавон банданинг ёруғ дунёдаги ризқ-насибасини фол кўриб берсангиз. Умримдан ҳали анча борми ё манзилга яқин қолганми...

Пандитнинг шундан бошқа тагин қанақа иши бўларди? Шартта ерга чордона қуриб ўтириб олибди-да, кулолнинг

ўнг қўлини қўлига олиб кафтидаги чизиқларини кўздан кечира бошлабди. Ундан кейин чап қўлини шундай текширибди. Лабларини пичирлатиб, ўзича қандайдир дуоларни ўқибди, нималарнидир ҳисоблабди. Халтасидан бир кичкинагина китобча олиб, китоб кўрибди. Кўзларини юмиб, узоқ ўйга толибди. Охири кўзини очибди-да, кулолнинг кўзларига тикилиб туриб шундай дебди:

— Биродар, мендан хафа бўлмайсан. Мен бир худонинг холис бандасиман, ёлгон гапириш мен учун гуноҳи азим. Худо тақдиринга нимани ёзган бўлса, шуни баҳоли қудрат сенга маълум қилишдан ўзга мақсади ниятим йўқдир. Бас, ёзмиш худодан бўлгандан кейин бировдан ўпка-гина қилишга ҳеч қандай ҳожату зарурият қолмайди.

Пандитнинг гапни жуда чўзиб юборганидан кулолнинг юрагини баттар ваҳима чулғабди. Тоқатсизланиб:

— Бундоқ, тушунтириброк, очикроқ қилиб айтсангизчи, пандит кафтимдаги чизиқлар нима деяпти? — дебди товуши чўкиб.

— Албатта, тушунтириб бераман, биродар, — дебди пандит томоғини қириб олиб, — тўғриси айтсам, бор-йўғи олти ойлик умринг қолибди.

— Бор-йўғи-я? !

— Ҳа, биродар, бугундан ҳисоб қилсанг, роса олти ой деганда ярим кечаси ажалинг етиб, ёруғ дунё билан хайрмаъзур қиласан.

Кулол энди бутунлай доврираб, гангиб, вужуди кузги япроқдай дағ-дағ қалтирай бошлабди. Тили ҳам калимага келмай қолибди. Тутила-тутила аранг шундай дебди:

Пандит, менга раҳм қилинг, умримни яна бир озгина узайтириб беринг.

— Бир дақиқа на узайтириб ва на камайтириб бўлади, биродар, бир карра тақдирга ёзганини ҳеч йўл билан ўзгартириб бўлмайди. Олти ойдан сўнг Ямроҳнинг фариштаси келади-да, жонингни олиб, қайтиб кетади. Уқдингми? — дебди пандит ва кулиб қўйибди. — Тангри иши шунақа пишиқ-пукта бўлади, сен ясаган ҳайкалчаларга ўхшамайдики, бўёқни бир оз қуюқ ва суюқ суриб, молингнинг баҳосини истаган нарҳда ошириб ё туширсанг.

— Бунинг нима ёмон томони бор, пандит, — дебди кулол хаёлга толиб. — Худо ҳам одам яратади, мен ҳам одам шаклидаги ҳайкалчалар ясайман. Демак, мен ҳам ўз йўлимга бир худоман. Озгина хатолигим орқасида молимнинг нархи уёқ-буёқ бўлгандек, худонинг хатолиги билан одамларнинг умрида сал нари-бери бўлса, нима қилибди?

Кулолнинг соддалигидан пандит қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди. «Кулол қариб, ақли ҳам суюлиб қолибди, — деб кўнгли-

дан кечирибди у.— Гапининг ҳам тамизи кетибди, алмойи-алжойи сўзлар қилаётибди. Унга насиҳат кор қилмайди».

Шундан кейин пандит ўрнидан туриб, кетибди. Лекин кулол ҳамон хаёл суриб ўтираверибди: «Тўғри-да, нега худо янглишмас экан? Албатта, ундан ҳам хатолик ўтиши мумкин. Хўп, у сира янглишиши мумкин эмас ҳам дейлик, лекин керак бўлганда атайлаб жиндай хатога йўл қўйиш мумкин-ку. Шунда менинг умрим ҳам узайган бўларди, ажалим тўрт-беш кун кейин келади».

Кулол яна анча муддат шундай хаёлларга берилиб ўтирибди. Охири лоп этиб миясига бир фикр келибди, лекин у бу фикрини ажали еткунча сир сақлашга қарор қилибди ва ўзича дебди:

— Энди ташвиш қилмасам ҳам бўлади, болта тушгунча кунда дам олади, деган нақл бор. Туриб, ишимни қилай, тоатибодат ва хайр-садақалар ҳам вақти-соати билан бўлаверади, энг кераги — бозорим синмасин.

Шундан сўнг кулол яна ҳайкал ясашга тушиб кетибди.

Пандит кулолга нима деган бўлса, ҳамма айтганлари тўғри чиқибди. Роса олти ой деганда Ямрож дебди:

— Кекса кулолнинг ёруғ дунёдаги насибаси тугади. Қани, бир сарҳисоб қилиб кўрайлик-чи, у қанча савобу қанча гуноҳ ишлар қилди экан.

Ямрожнинг даргоҳида бандаларнинг гуноҳ-савобларини ҳисоб-китоб қилиб борувчи фариштасининг отини Читрагупт дер экан. У дарҳол дафтарни очиб қарабди ва шундай дебди:

— Маҳрож, бу кулол умрида биронта савоб иш қилмабди. Ҳозир у ҳайкалчалар ясар экан, ҳайкалчаларини қиммат-қиммат нархларда сотар экан. Ҳар хил найрангу қаллобликлар билан одамларга фириб берар экан.

— Оббо нобакор банда-ей! — дебди Ямрож бош чайқаб.— Худодан кўрқмаганини қаранглар! Бўлди, унинг жойи тайин экан — дўзахнинг энг тўридан бўлади.— Кейин фариштасини чақирибди: — Менга қара, кулолнинг умри тугабди. Бугун қоқ ярим кечада бориб, унинг жонини олиб келасан.

— Фармонингиз бош устига! — дебди бош эгиб фаришта ва ўша заҳоти ерга назил бўлибди.

Буёқда кулол ҳам ажал йўлига кўз тикиб ўтирган экан. Лекин у шунчаки кўз тикиб ўтирмабди. Ҳов бирда кўнглига сир қилиб тугиб қўйган фикрини амалга оширибди. У бири-биридан сира фарқ қилмайдиган ўн тўққизта ҳайкал ясабди. Тагин қанақа ҳайкал денг — ўзининг ҳайкалини ясабди. Қадди-басти, ранг-рўйи қуйиб қўйгандек ўзи эмиш. Кўрган одам уни кекса кулолдан сира фарқ қилолмас экан. Дафъатан унинг устахонасига кириб қолган киши у ерда бир, икки, уч, тўрт... ҳаммаси бўлиб ўн тўққизта кулол турганини кўрар экан.

Ярим тун бўлибди. Ажал фариштасининг оёқ шарпасини эшитиши билан кулол югуруб бориб ҳайкаллар қаторида туриб олибди. Упкасини тўлдириб нафас олибди-да, дамини чиқармай тураверибди. Энди ҳайкаллар ўн тўққизта эмас, йигирмата бўлибди.

Ажал фариштаси кулолнинг уйига кириб келибди-да, нима қилишини билмай, жуда боши қотибди. Шунда ўзича дебди:

— Ямрож бориб кулолнинг жонини олиб келасан деган эди, лекин қайси бириникини олиб келишни айтмади-ку. Бу ерда бир эмас, нақ йигирмата кулол турибди. Хўш, қайси бирининг жонини олай?

У ўйланиб туриб-туриб, ноилож қайтиб кетибди.

Ямрож фариштага кўзи тушиб:

— Кулолнинг жонини олиб келдингми? -- деб сўрабди.

Фаришта қўрқа-писа:

— Йўқ, маҳорож, -- дебди қалтираб.

— Нима?! -- Ямрож дарғазаб бақирибди. — Ҳой нодон, кулолнинг бугун ярим тунда умри тугайди, ҳализамон тонг отиб қолади-ку! Сен аҳмоқ туфайли у ҳали ҳам тирик юрибди. Қани, тезда бориб, кулолнинг жонини олиб кел!

— Қайси кулолнинг жонини олиб келай, маҳорож? — сал ўзини тутиб Ямрожга қараб дебди фаришта.

— Сенга нима бўлган ўзи, ҳой пандавақи?! Кулол ўзи битта-ку, тагин қайси кулол деганинг нимаси?

— Йўқ, маҳорож, — дебди фаришта қўлларини қовуштириб, — у ерда бир эмас, икки эмас, нақ йигирмата кулол турибди.

— Йигирмата?! — Ямрожнинг таажжуби баттар ортибди. — Қанақасига йигирмата кулол бўлар экан?

Шунда ноилож ажал фариштаси дебди:

— Маҳорож гапимга ишонмасалар, бориб ўз кўзлари билан кўришлари мумкин.

— Учир овозингни, маҳмадона! — уришиб берибди уни Ямрож. — Сен галварснинг орқасидан худонинг иродасига путур етяпти. Кулол бугун ярим тунда ўлиши керак эди, мана, ҳалигача тирик юрибди. Уҳ! ..

Ямрож бошқа фариштасини чақирибди-да, унга ҳукм қилибди:

— Бориб, тўхтовсиз кулолнинг жонини олиб кел!

Фармонни адо этиш учун иккинчи ажал фариштаси ерга нозил бўлибди.

Биринчи фаришта кетгандан кейин кулол бемалол ўтириб, яна ҳайкалчалар ясашга киришиб кетган экан. Иккинчи фаришта кириб келаётганини кўриб, у яна дарров ҳайкаллар қаторига бориб туриб олибди.

Фаришта ичкарига қадам қўйибди-ю, ҳайрон бўлиб туриб қолибди.

Қараса, бир эмас, икки эмас, роса йигирмата ҳайкал турганмиш.

Лекин бу фаришта олдингисидай содда-ғўл эмас экан. У шундай мулоҳаза юритибди: «худо бор-йўғи биттагина кулол ато этган бўлса, қолган ўн тўққизтаси қаёқдан бино бўлди экан? Бу ерда бир найранг бўлиши керак, Ҳойнаҳой кулол ўзига ўхшаган ўн тўққизта кулол ҳайкали ясагану ўзи йигирманчиси бўлиб бошқа ҳайкаллар қаторига туриб олган бўлиши керак».

Шундан кейин фаришта аста бориб, ҳайкалларни бир-бир синчиклаб кўздан кечира бошлабди. Лекин ҳарчанд тикилиб қарамасин, ҳайкалларни бир-биридан фарқлай олмабди. Нафасини ичига ютиб, қимир этмай тургани учун кулол ҳам бамисоли ҳайкалдай кўринар эмиш.

Фаришта яна бир сидра ҳайкалларни қараб чиқибди-ю, барибир ҳақиқий кулолни ажратолмабди. Ноилож у ҳам қайтиб кетибди.

Фариштага кўзи тушиб, Ямрож сўрабди:

— Кулолнинг жонини олиб келдингми?

— Йўқ, маҳорож.

— Нега? — азбаройи жаҳли чиққанидан Ямрож бўкириб берибди. — У ерда энди икки юзта кулол турган экан дерсан ҳойнаҳой?

— Йўқ, маҳорож, — дебди фаришта қўл қовуштириб, — кулол-ку битта-я, лекин...

— Нима «лекин»? Ганир тезроқ! — Ушқирибди Ямрож.

— Лекин уни сира таниб бўлмаяпти.

— Ҳамманг эсингни еб қўйганмисан?! — Тишларни гижирлатиб дебди Ямрож. — Кулол ўзи битта бўлса-ю, тагин нега уни таниб бўлмас экан?

— Бу кулол дегани жуда ичидан пишган, айёр одам экан, маҳорож! — ҳамон қўлларини қовуштирганча сўзлабди иккинчи фаришта.

— У ўзига ўхшаган ўн тўққизта ҳайкал ясабди. Кейин ўзи ҳам қимир этмай ҳайкаллар ичида туриб олибди, сира ҳайкалдан фарқи бўлмаяпти. Шунча ҳаракат қилиб ҳам уни бошқа ҳайкаллардан ажратолмадим, маҳорож.

— Сен ҳам гўрсўхта экансан, — дебди қаттиқ жаҳли чиққан Ямрож. — Одам билан ҳайкалнинг фарқига боролмадингми? Ҳе садқайи фаришта кет!

— Маҳорож, мени маъзур тутинг, шунча ҳаракат қилсам ҳам бўлмади-да...

— Номаъқулни айтибсан — «ҳаракат қилдим» эмиш! — Ямрож ер депсиниб қичқирибди. — Шошмай тур, мана, ўзим бориб адабини бераман ўша муттаҳам кулолнинг! Жон олиш қанақа бўлишини сенлар шунда биласан!

Шундай дебди-ю, Ямрож ирғиб ўрнидан турибди ва ўзининг кўтосига миниб, кулолникига қараб йўл олибди.

Бу сафар ҳам кулол ҳайкаллар ичига кириб олибди. Иккинчи фаришта кетгандан кейин ҳам у бемалол ўтириб, ҳайкалчалар ясашга киришиб кетган экан. Қўли ишда-ю, оғзи кулоғида, ҳадеб ўзига-ўзи жилмайиб гапирармиш:

— Бу ажал деган отинг ўчгурга шунақанги боплаб чап бердимки, кўриб, худонинг ўзи ҳам «отангга балли, кулол!» деган бўлса керак. Ҳа, баракалла, устаси фаранг кулолвачча! Қандингни ур! Сени йўқлаб келадиган ажални ажали етди!

Лекин худди шу аснода узоқдан кўтос минган Ямрож кўринибди. Кулол тилини тишлаб қолибди, лекин ўзини йўқотмабди, ирғиб ўрнидан турибди-да, этакларини қоқиб-суқиб, тезда ҳайкаллар ичига бориб турибди.

Ямрож фаришталарини калтафаҳмлиқда айблаб, роса сўккан экан, бироқ кулолнинг уйига кириб келибди-ю, аҳволни ўз кўзи билан кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолибди. У кўзларини йириб-йиртиб ҳайкалларни бир-бир назардан ўтказа бошлабди. Лекин йигирмата ҳайкалнинг биронтасидан зигирча фарқ тополмабди. Энди Ямрож чинакамига ўйланиб қолибди.

Аммо тангри иродаси билан ёруғ дунёда ризқ-насибаси тугаб турган бир бандаи бечоранинг омонатини эплаб ололма-са, Ямрож бўлиб нима қилиб юрибди? Ямрож ҳам ўзига яраша ақлли, тадбиркор экан. Ўзларини ёруғ дунёнинг устунлари деб юрган қанчадан-қанча шоҳлару султонлар, хонлару бекларнинг жонини усталик билан олиб келганда аллақандай бир кекса кулолнинг бу найранги нима деган гап эмиш? Бундан ташқари яна ер юзидаги жамики одамларнинг камчиликлардан бири билан кулолни тузоққа туширишни мўлжаллабди.

Қўйинг-чи, бир вақт туриб-туриб, Ямрож бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди. Кулаверибди, кулаверибди, ҳатто кўзларидан ёш чиқиб кетибди.

Ҳайкаллар ичидан турган кулол ҳайрон бўлибди — товба, бу Ямрож нега ўзидан-ўзи куляпти? Ўзидан сўрай деса, жони қил устида турибди. Шунини ўйлаб кулол яна нафасини ичига ютиб, қимир этмай тураверибди.

Кулавериб ҳолдан тойган Ямрож, ниҳоят, кулгидан тўхтабди-да, ҳайкаллар томонга қараб, овозига жуда самимий, дўстона бир оҳанг бериб, шундай дебди:

— Қойил, оғайни қойил! Санъатингга офарин! Аммо-лекин маҳоратингга тан бермай иложим йўқ. Бу санъатни ўргатган устозинг икки дунёда кам бўлмасин. Мендан бошқа ҳар қандай мана мен деган ақлли зот ҳам ҳайкаллар ичидан сени таниб олиш амримаҳол эди. Ҳа, оғайни, ҳечқиси йўқ, ҳар тўқисда битта айб, деган гап бор, сендан ҳам бир кичкина хатолик ўтибди...

Кулол одам боласи эмасми, боз устига у ўзини дунёда тенги йўқ санъаткор, тошга жон киргизиб юборадиган моҳир ҳайкалтарош, донғи чиққан кулол чоғлаб, жуда думоғи кўтарилиб кетган экан. Ҳатто ўзига ўхшатиб ишлаган шунча ҳайкал ичидан уни таниб олишолмаётганидан баттар мағрурликиб кетган экан. Энди санъати камолга етганда у қандай камчиликка йўл қўйди экан? Ямрожнинг гапидан кейин у ўзини тутиб тура олмабди, ақлидан ғурури устун келиб, Ямрожга қараб гапириб юборибди:


— Қандай кемчилик экан у?

— Мана шу камчилик! — дебди Ямрож ва шартта кулолни қўлидан тутибди. Аслида кулолнинг санъатида ҳеч қандай камчилик йўқ экан. Ямрожнинг нияти қандай йўл билан бўлса ҳам кулолни тилга киргазиб, гапиртириб ғурурини қўздирибди-да, осонгина қўлга туширибди.

Кейин Ямрож кулолга қараб шундай дебди:

— Сиз одамларда бир ёмон одат бор: ўзларингга етганча димоғдор бўласизлар. Тўғри, ақл-заковатда сизларга ҳеч бир зот тенг келолмайди, аммо мана шу димоғдорлик деган касалликларинг бошларингга битган бало. Агар ҳозир сен гапириб юбормаганингда мен сени таниёлмасдим. Санъатинг, маҳоратинг билан ҳамманинг ақлини лол қилиб келган эдинг. Лекин шу ерга келганда зўр хатога йўл қўйдинг. Аслида ясаган ҳайкалларингда заррача камчилик йўқ эди, бари тўқис, баркамол эди. Лекин, начора, ҳар тўқисда битта айб, дедим-ку, ўша бўлди, сен гапириб юбординг, мен таниб олдим. Димоғдорлигинг бошингни еди!

«Дарҳақиқат, димоғдорлик бошимга етди!» алам билан ўйлабди кулол ва ўз хатосига чидай олмай, хўнграб йиғлаб юборибди. Афсуски, сўнгги пушаймон ўзингга душман, деган нақл бор. Бироқ Ямрож фурсатни қўлдан бермай, худонинг ҳукмини бажо келтирибди — кулолнинг жонини олибди-да, шоша-пиша қайтиб кетибди. Шошмаса ҳам бўлмас экан-да: тун ямридан оғиб, тонг яқинлашиб қолган экан.





## АППА ЖИЙНИНГ ФИЛИ

адим замонларда Ҳиндистоннинг жанубида жойлашган Фи-Жайнагар деган шаҳарда Бирчандр исмли бир савдогар ўтган экан, унинг учти ўғли бўлган экан. Савдогар ёштини яшаб, ошини ошаб, ўлими яқинлашиб қолганини сезгач, ўғилларини ёнига чорлаб шундай дебди:

— Мен қаридим, тўрт кунлигим борми, беш кунлигим борми, буёғи худога аён. Умр бўйи тўпланган унча-мунча бисотим: қимматбаҳо буюмлар, пул, ер, уй, молу-мулкни учаловингизга мерос қолдираман. Уччалангиз муроса қилиб, уларни ўзаро тенг бўлашиб олинглар. Бундан ташқари яна ўн еттита ўта меҳнатқаш, фаҳм-фаросатли, кювош филим ҳам бор. Филларни ўртада шундай тақсим қилинглар: тўнғич ўғлим филларнинг ярмини олсин, ўртанча ўғлим эса учдан бирини олсин, кенжа ўғлим тўққиздан бирини олсин. Ҳа, худди мен айтгандай қилиб бўлишиб олсангиз, ўртада ҳеч қандай тавофут бўлмайди. Яна шуни айтиб қўяйки, филларни зинҳор-базинҳор бировга сота кўрманглар, яхшилаб парвариш қилинглар, саодатли бўласизлар.

Бир неча кундан сўнг савдогар Бирчандр оламдан ўтибди. Ўғиллари уни барча расм-русумларини жойига қўйиб дафн этибдилар, кейин аҳли мўминни чақириб, юртга ош беришибди.

Белгиланган муддатда ака-укалар оталаридан қолган катта бойликни ўртада тенг бўлишиб олишибди. Фақат филларга келганда бошлари қотибди. Чунки ўн еттита филни на тенг иккига бўлишни, на учдан бирга ажратишни, ва ниҳоят на тўққиз қисм қилиб чиқишнинг иложи бўлмабди. Ака-укалар кўпчиликка маслаҳат солиб кўрибди, бироқ ҳеч ким уларга ёрдам беролмабди. Шунда уларнинг тўнғичи туриб, аллақаерда Аппа-жий Рао деган бир донишманд киши борлигини



айтибди. У бутун жанубий Ҳиндистонда машҳур бўлиб, ҳар қандай чигални ҳамирдан қил суғиргандай осон ҳал қилар экан.

— Келинлар, Аппа-жий Раонинг ҳузурига бориб, ундан маслаҳат сўраймиз,— дебди тўнғич.— Борди-ю, у ҳам бизга ёрдам беролмаса, демак раҳматли отамиз бизга чигал бир масала қолдирган бўлади.

Эртаси куни ака-укалар ўзлари билан қимматбаҳо совғалар олиб, Аппа-жийнинг уйи томон йўл олибдилар. Улар донишмандга ўзларини қийнаётган масала тўғрисида гапириб, оталари васият қилган тартибда филларни бўлашиб олишга ёрдам беришни илтимос қилишибди.

Аппа-жий уларнинг гапини диққат билан тинглаб туриб:

Ҳозирча сизлар уйга бораверинглар. Эртага ўзим сизларникига бораман ва филларни отангиз васият қилгандек бўлашиб бераман,— деб ваъда берибди.

Эртаси куни тонг ёришиши билан Аппа-жий ўзининг улкан филига миниб, савдогар Бирчандрнинг уйига етиб келибди. Ака-укалар уни ўзларида йўқ хурсанд бўлиб, иззат-икром билан кутиб олишибди.

Аппа-жий ўн етти филнинг ҳаммасини ҳовлига олиб чиқиб, бир сафга тизишни айтибди. Унинг амри шу заҳоти бажо келтирилибди. Шунда Аппа-жий:

— Уларнинг ёнига менинг филимни ҳам қўшиб қўйинглар,— дебди.

Унинг бу илтимоси ҳам адо этилгач, Аппа-жий савдогарнинг ўғилларига мурожаат қилибди:

— Мана энди ҳар бирингиз шу қатордан отангиз нечтадан фил васият қилган бўлса, шунчадан олишингиз мумкин,— дебди.

Ака-укаларнинг қанчалик севинганини айтмайсизми?! Бўлмасам-чи! Ахир улар қўшимча яна битта филга эга бўладиган бўлишди-да! Тўнғич дарҳол филларни санабди-да, тенг ярми, яъни тўққизтасини ўзига ажратиб олибди, ўртанчаси филларнинг учдан бири-олтитасини олибди, кенжаси эса тўққиздан бир бўлагини, яъни иккита филни олибди.

Шунда Аппа-жий жониворларни бўлишиб олган ака-укаларга қараб:

— Ҳар бирингиз ўз улушингизни олдингизми? — деб сўрабди.

— Ҳа, ҳа! — деб жавоб беришибди ака-укалар, бир овоздан.

— Унда. Жуда соз! — дебди Аппа-жий.— Энди менинг филимни беринглар.

Шу сўзларни айтибди-да, Аппа-жий филини миниб, уйига жўнабди. Ҳамма Аппа-жийнинг донолиги ва тоққирлигига тасаннолар айтибди. Савдогарларнинг ўғиллари эса шундай мураккаб ва чигал масаланинг осонгина ҳал бўлганидан оғизлари қулоғига етиб суюнишибди.



## НИЯРАМ



ир бадавлат одамнинг иккита ўғли бўлган экан. У катта ўғлини ниҳоятда яхши кўрар, кичиги Ниярамни эса унчалик ёқтирмас, унга кўпинча зуғум қилиб, ҳеч бир айби бўлмаса ҳам тез-тез жазолаб тураркан экан.

Катта ўғил эрка-тантиқ, қўлидан ҳеч иш келмайдиган, дангаса бўлиб ўсибди. Отаси уни яхши кўргани учун ҳамма бойлик унга қолишига ишонар экан.

Ниярам эса бориб-бориб қўли гул уста бўлиб етишибди. Ёғочдан одамларнинг ҳайкалчаларини, қуш ва ҳайвонларнинг шаклларини ўйиб ишлаб, рангли бўёқлар билан бўяб чиқар экан. Уларни кўрган одам жони бор деб ўйларкан.

Кунлардан бир куни Ниярам онасига қараб шундай дебди:

— Отам мени яхши кўрмайди. Унга айтинг, агар хўп деса мен уйдан чиқиб кетардим.

Онаси бу гапни отасига айтибди. У эса ўзи хуш кўрмайдиган ўғлидан қутилганига хурсанд бўлиб, тўрт тарафи катта йўл, қаёққа кетса кетаверсин, деб рухсат берибди. Онаси ўғлини сафарга кузатиш олдидан йўлга нон ёпиб берибди. У ҳар бир ноннинг ичига биттадан тилла солибди.

Ниярам тезда йўл ҳозирлигини кўриб онаси билан хайрлашиб, отасининг ҳоки пойини олибди-да, туғилиб ўсган уйдан чиқиб кетибди.

Шундай қилиб Ниярам йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири бир шаҳарга етиб келибди. Кеч кириб, қоронғу тушибди. Шунда Ниярам шаҳар чеккасидаги бир эски уйга кириб бир кунга тунаш учун уй эгасидан рухсат сўрабди. Уйнинг ичи қоп-қоронғи экан, шундай бўлса ҳам эгаси бир жойда ўтирганча ҳадеб ёғочдан оёқ кийими яшаш билан овора экан.

— Киравер, ҳой йўловчи! — дебди у Ниярамга мурожаат қилиб. — Афтингдан, узоқ йўл босиб, чарчаб-ҳориб келаётганга ўхшайсан. Ҳозир хотиним сенга егулик у-бу тайёрлаб беради.

Чол хотинига меҳмоннинг қорнини тўйғазишни айтибди.

— Отаси, — дебди унга жавобан хотини паст товушда, — ёққани ўтин йўқ. Урмонга борай десам кеч бўлиб қолди. Меҳмонни нима билан зиёфат қилишга ҳам ҳайронман.

Бу сўзларни эшитиб Ниярам икки пой тайёр ёғоч шиппагини кўрсатибди.

— Мана бу шиппақларни бемалол ўтин ўрнида ёқишинг мумкин.

Уй эгаси тайёр шиппақларни ёқишга кўзи қиймаса ҳам, меҳмоннинг сазасини ўлдиргиси келмабди. Хотини шиппақларни ўчоққа қалаб, олов ёқибди-да, овқат пиширибди.

Эртасига тонг билан Ниярам ўрмонга борибди, қуриб қолган бир дарахтни кесиб келибди. Дарахтнинг ёғочидан икки жуфт ажойиб шиппақ ясаб уни уй эгасига берибди.

Чол ўзи ясаган шиппақларини сотгани бозорга йўл олибди. У Ниярам берган шиппақларни ҳам бирга ола кетибди. Бозорда Ниярам ясаган шиппақлар ҳаш-паш дегунча қўлма-қўл бўлиб кетибди. Шуниси қизиқки, чол ясаган шиппақлардан ўн баравар кўпга сотиб олишибди. Уйига келиб, чол бўлган воқеани хотинига айтибди. Кутилмаган омаддан чолу кампир ўзларида йўқ хурсанд бўлишибди.

Шундай қилиб, Ниярам чолнинг кулбасида яшаб қолибди. У тинмай шиппақ ясар ва эвазига қўйин-қўнжи пулга тўлиб қайтар экан.

Гоҳ-гоҳ Ниярам ёғочдан турли қуш ва ҳайвонларнинг шаклини ҳам ясар экан.

Кунлардан бирида Ниярам бир талай тўтиқуш ясаб, ранг-баранг бўёқларга бўябди-да, қуритиш учун офтобга териб қўйибди. Тўтилар бамисоли тирикка ўхшар эмиш.

Иттифоқо шу куни чолнинг кулбаси олдидан бир сеҳргар ўтиб қолибди. У ёғочдан ясалган тўтиларни кўриб, устанинг ишига қойил қолибди ва ўзича: «Агар буларга жон ато қилсам қалай бўларкин? Эртага тонгда тўтиларга жон кириб қолганини кўрган уста қанг-манг бўлиб қолса керак!» — деб ўйлабди.

Сеҳргар ортиқ ўйлаб ўтирмай, тилсим сўзларни айтган экан, шу заҳоти ҳамма ёғоч тўтиларга жон ато бўлиб, қанот қоқиб, учиб кетибди. Сеҳргар бўлса ўз йўлида давом этибди.

Эрта билан Ниярам уйқудан туриб қарасаки, ясаган ҳамма тўтиқушлари дарахтда ўтирибди, шохдан-шохга сакраб, ўзларича вижирлаб сайрар эмиш. Тўтилар Ниярамни кўриши билан уни ўраб олибди, ундан ҳеч ҳам ҳайиқмабди. Ниярам бўлса ҳайратдан донг қотиб қолибди: Сўнг бир оз ўзига келибди-ю, бундай ажойиботни кўрсатиш учун уй эгасини чақирибди. Чол

бўлса хурсанд бўлиш ўрнига хафа бўлиб:

— Энди бу тўтиқушларнинг ҳар бирига кунда кам деганда бир ҳовучдан дон керак бўлади, биз бўлса амаллаб кун кўрамиз. Яхшиси, булардан қутулиш йўлини топ,— дебди.

Ниярам чолнинг айтганига унамабди, улар аразлашиб қолишибди.

— Тўтиқушларингдан ажрагинг келмаётган бўлса, уларни олгин-да, бу ердан қорангни ўчир! — дебди жаҳли чиқиб чол.

Шундай қилиб Ниярам косибникидан кетишга мажбур бўлибди.

Ўрмонга яқин жойдан бир кулба тонибди да, ўша ерда тўтилар билан истиқомат қила бошлабди.

Тўтиларнинг ҳеч бир оғирлиги тушмабди. Улар эрта тонгдан ўрмонга учиб кетишар, ўша ерда қоринларини тўйғазишар ва кечки пайт уйга қайтар эканлар. Шу тариқа орадан анча йиллар ўтиб кетибди.

Кунлардан бир куни Ниярам қизиқ туш кўрибди. У етти денгиз ортидаги узоқ бир мамлакатда ажойиб саройда эмиш. Саройнинг атрофи еттита хандақ ва бир-биридан баланд, устига ўткир найзалар қадалган етти қатор девор билан ўралган эмиш. Саройнинг ичида эса гўзалликда теги йўқ бир қиз юрганмиш.

Ниярам эрта билан уйқудан турибди-ю, донишмандларга учраб, ғаройиб тушининг таъбирини айтиб беришни илтимос қилибди. Аммо улардан ҳеч бири тайинли бирон нарса айтолмабди.

Шундан сўнг Ниярам: «Кўрган тушимни тўтиқушларга айтиб берсаммикан? Тўтиқушлар ақлли бўлади, балким улар бир нарса дер», — деб ўйлабди у ва шундай қилибди ҳам.

Шундай бир мамлакат бор, — дебди тўтилар Ниярамга. — у ердаги етти чуқур хандақ ва етти қатор девор ортидаги саройда рожанинг соҳибжамол қизи яшайди. Қизнинг шартига кўра кимда-ким етти хандақ ва етти қатор девордан ўтолса, у ўшанга турмушга чиқишга рози эмиш. Кўп йигитлар бу шартни бажаришга уриниб кўряпти-ю, аммо уддасидан чиқолмай, ўзларини-ўзлари нобуд қилишяпти.

Орадан бир неча кун ўтибди, лекин Ниярам тушида кўрган гўзал қизни ҳеч унотолмабди. У етти денгиз ортидаги ўша мамлакатни тонишга ва ҳеч бўлмаганда ўша ажойиб саройни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилибди. Ниярам тўтиқушларга мурожаат қилиб, тушимда кўрган мамлакатга олиб борадиган йўлни билмайсизларми, деб сўрабди. Бунга тўтилар шундай жавоб қилишибди:

— Биз у мамлакат йўлини биламиз ва истасанг элтиб қўямиз. Аммо саройга киришни хаёлингга ҳам келтирма, ҳалок бўласан!

Ниярам узоқ сафарга ҳозирлик кўра бошлабди. У жуда ҳам нозик, аммо пишиқ бир тўр ясабди.

Эрта тонгда тўтилар Ниярамни тўрга солиб, унинг гирдидан

тишлашибди-да, бараварига қанот қоқиб ҳавога кўтарилишибди ва йўлга тушишибди.

Шу алпозда Ниярам ўрмонлар, далалар, шаҳарлар ва қишлоқлар оша узоқ парвоз қилибди. Тунлари Ниярам тўтиқушлар билан бирга дарахтда дам оларкан. Ниҳоят тўтилар етти денгиз оша бир қирғоққа бориб қўнишибди. Тўтилар шунчалик толиқишибдики, ҳаммалари шоҳларда ўтириб, дам ола бошлабдилар. Ниярам эса сабри чидмай, шу ондаёқ гўзал малика яшайдиган саройни кўришга ошиқибди.

Йўлда бир кампирни учратибди. Ундан етти хандақ ва етти қатор девор ортидаги саройга қайси йўл билан боришни сўрабди.

— Бу саройни ахтариб нима қиласан, тентаквой! — дебди унга кампир. — Шу пайтгача юзтача навқирон йигит рожанинг қайсар қизи деб бевақт хазон бўлди, сен ҳам омон қолмайсан. Етти хандақ ва етти қатор девордан ким ҳам сакраб ўта оларди дейсан!

— Бувижон, мен ўша саройга бир назар ташласам бас, — дебди Ниярам.

Кампир шаҳарга олиб борадиган йўлни кўрсатибди. Шаҳарга яқин келгач, Ниярамнинг нигоҳи саройга тушибди. Ростдан ҳам бир-бирдан баланд, тепасидаги ўткир найзалар офтобда чарақлаб турган етти қатор девор саройни ўраб турган эмиш: «Йўқ, одам боласи бу деворлардан сакраб ўтолмайди», — дебди ҳафсаласи пир бўлган Ниярам ва тўтилари ёнига қайтиб келибди.

Ниярам тўтиларга қараб шундай дебди:

— Мени яна осмонга кўтаринглар ва ўша соҳибжамол турган сарой устидан олиб ўтинглар. Баланддан ҳаммаёқни яхшилаб кўриб оламан! — дебди.

Тўтилар рози бўлишибди. Улар саройга яқинлашиб кела бошлашибди, деворларнинг олтитасидан учиб ўтиб, еттинчисига навбат келибди. Еттинчи девордан ўтишлари замоноқ Ниярам ўзини нагста отибди. Тўтилар осмони фалакка кўтарилиб кетишибди. Ниярам эса тўғри бир найза учига келиб тушибди ю, тил тортмай жон берибди.

Шу вақт рожа ўз қизини кўргани келаётган экан. Улиб ётган хушсуврат йигитга кўзи тушиб унинг раҳми келибди. Ўз қизидан хафа бўлиб, ғазаби қайнабди.

— Сен менинг уйимга бахтсизлик келтирдинг, — дебди рожа қизига қараб. — Сени деб қанча йигит побуд бўлди, мана яна бир қурбон! Энди аҳмоқона қилиқларингни бас қил. Мана шу йигитчага турмушга чиқасан — ахир у етти қатор девордан сакраб ўтди-ку. Мен сени шу жонсиз эринг билан ўрмонга ҳайдайман, ўша ерда билганингни қилгин.

Рожа қандай амр қилган бўлса, шундай бўлибди, унинг қизини жонсиз Ниярамга никоҳлаб, иккаласини замбилга

солишибди-да, узоқ-узоқлардаги чакалакзорга олиб бориб ташлашибди.

Рожанинг кеккайган, калондимоғ қизи чакалакзорда бир ўзи ёлғиз қолибди. У жонсиз эрига қараб аччиқ-аччиқ йиғлар эмиш. Йигитча шунчалик хушсуврат эканки, қиз уни севиб қолибди. Аммо қўлидан нима ҳам келарди? Йигитча уни деб ҳалок бўлган, энди у ҳам ўрмонда ўлиб кетиши муқаррар. Қиз шунчалик қайғуга ботиб йиғлабдики, унинг аҳволини кўриб ёввойи ҳайвонларнинг ҳам раҳми келибди ва қизга тегишмабди.

Қизча шу кўйи ўтирганча, узоқ йиғлабди. Шу пайт сал наридаги буталар орасидан шитирлаган товуш эшитилибди. Қиз қайрилиб қараса, икки чиябўри экан. Чиябўрилар ўз тилларида бир нарсалар тўғрисида гапиришаётганини англабди, чунки унинг ҳайвонлар тилидан унча-мунча хабари бор экан-да. Бир чиябўри иккинчисига шундай деяётганмиш:

— Агарда бу аёл йигитчани тирилтириш мумкинлигини билганида бунчалар кўзёш тўкмасди.

— Қандай қилиб тирилтирарди? — деб сўрабди иккинчи чиябўри.

— Бу жуда осон. Дарё ёқасидаги дарада баланд банан дарахти ўсади. Унинг баргидан олинган шарбат ҳар қандай жароҳатни тезда битиради, ўликка жон ато қилади. Фақат баргнинг сувини ўликка қуёш ботмасдан олдин бериш керак, бўлмаса кеч бўлади.

Бу сўзларни эшитиб, рожанинг қизи шу заҳотиёқ шамолдай учиб, шифобахш банан дарахтини излаб кетибди. Дарахтни базўр топибди, қараса, қуёш ботишига озгина қолибди. Қиз шоша-пиша барглари юлибди-да, изига қайтибди.

Қизча шовилганидан ҳеч нарсани сезмасмиш, шохлар ва тиканаклар унинг кўйлагини йиртиб юборибди, баданини тирнаб қонатибди. Қиз жонҳолатда келиб баргни эзибди ва шарбатини дарров йигитнинг оғзига қуйибди.

Шундан сўнг ҳаммаси чиябўри айтгандай бўлибди. Қуёш ботиб улгурмасдан Ниярамга жон кириб, кўзини очибди. Қараса, ўрмондаги дарахт тагида ётганмиш, ёнида эса тушида кўрган соҳибжамол қиз қайғуга ботганча юм-юм йиғлаётганмиш.

Шу вақт бирдан қушларнинг қанот қоққани эшитилибди ва Ниярамнинг боши узра тўтилар галаси пайдо бўлибди. Улар ахтариб-ахтариб ўз эгаларини ўрмон ичидан зўрға топишган экан. Жониворлар, азбаройи севинишганидан шовқин солиб чуғурлаша бошлашибди. Қиз эса Ниярамга бўлган гапларни оқизмай-томизмай сўзлаб берибди. Шундай қилиб, Ниярам муроду мақсадига етибди.

Тўтиқушлар Ниярам ва унинг севгилисини кўтариб ўрмондан олиб чиқиб кетишибди. Ҳаммалари юртларига етиб келиб, давру даврон суришибди.



## КИМНИНГ ҚУЛИ ЧИРОЙЛИ

амна дарёси ёқасида уч зодагон аёл сувни шалолатиб ўйнаб ўтиришган экан. Бир вақт улар бир-бирига қўлларини кўз-кўз қила бошлашибди.

— Менинг қўлим ҳамманикидан чиройли, — дебди биринчиси.

— Меники ҳам сизникидан қолишмайди! — дермиш иккинчиси.

— Менинг қўлим иккалангизникидан ҳам чиройлироқ! — дебди учинчиси.

— Шу пайт аёлларнинг олдига оч, кийимлари юпун, ўзи ногирон бир кампир келибди ва улардан егулик бирор нарса беришларини сўрабди. Зодагон аёллар бўлса шўрлик кампирга ҳеч нарса бермай, фақат:

— Бизга шунга айт-чи, ҳой кампир, қайси биримизнинг қўлимиз чиройли? — деб сўрашибди.

— Бирон нарса тамадди қилиб олай, кейин айтаман, — дебди тамшаниб кампир ва йўлида давом этибди.

Кампир бир оз юрибди-да, дарё бўйида ўтирган бир камбағал деҳқон аёлга дуч келибди. Аёл далада ишлайверганидан шунақанги қорайиб кетган эканки, териси худди кўмирга ўхшармиш. Кампир аста унинг олдига бориб садақа сўрабди:

— Очдан ўлай деяпман! Бирон егулик нарсанг бўлса, бер, қорнимни тўйғазай.

— Хўп бўлади, онажон! Менда озгина егулик бор, ярмини сиз ола қолинг, — дебди деҳқон аёл.

Кампир тамадди қилибди, орқасидан сув ичибди ва деҳқон аёлни астойдил дуо қилибди. Кейин унинг қўлидан тутиб, бояги зодагон аёллар олдига олиб келибди-да, уларга қараб шундай дебди:

— Мана, энди кимнинг қўли чиройли эканлигини айтаман. Очиққан, ногирон бир кампирнинг қорнини тўйғазган мана бу камбағал аёлнинг қоп-қора қўллари сизнинг оппоқ, нозик қўлларингиздан минг чандон чиройлироқдир!

Шундай дебди-ю, кампир ўз йўлига қараб кетибди. Уччала зодагон аёл бўлса уялишганидан ер ёрилмабди-ю, ерга кирмабди, шўрликлар ер чизганча қолаверишибди.



## УСТА ВА ДУРАДГОР

ир шаҳарда моҳир уста ва дурадгор яшар экан. Улар шунчалик қалин дўст эканки, кўрганлар: «Худди туғишган ака-укадай-а», деб ҳавас қиларкан.

Кунлардан бир куни иккала дўст саёҳатга чиқибди. Йўл юриб бир шаҳарга етиб келишибди. Бир оз шу ерда яшаб, бисотларидагини еб бўлиб, ўзаро шундай маслаҳат қилибди:

— Шу шаҳардаги бир ибодатхонада жуда кўп олтин бутлар бор. Икковимиз бараҳман кийимида ибодатхонага борамиз-да, сиғинган киши бўлиб, қулай пайт пойлаймиз ва бутлардан ўғирлаймиз. Уларни пуллаб қандимизни урамиз.

Иккала дўст гапни бир жойга қўйиб, бу режаларини амалга оширишга киришибди.

Улар бараҳман либосида ибодатхонага кириб олишибди-да, зўр бериб тоат-ибодат қилаверишибди. У ердаги бошқа бараҳманлар эса бу иккала художўй билан тенглашолмасликларига кўзлари етиб, уялиб қолишибди. Шундан сўнг улар биринкетин ибодатхонани тарк эта бошлашибди ва бошқа қайтиб киришмабди. Шунда одамлар улардан сўрай бошлашибди:

— Нима учун ибодатхонани тарк этдиларинг?

Бараҳманлар шундай жавоб беришибди:

— Бундан бир неча кун аввал бу ерга иккита бараҳман келганди, улар шунақанги художўй эканки, бунақасини ҳеч ким кўрмаган. Улар чунон берилиб ибодат қиладиларки, фақат худолар тўғрисида ўйлайдилар ва бирон дақиқа ҳам хаёллари фаромуш бўлиб, бегона кишига кўз қирини ҳам ташламайдилар. Охири биз у ерни тарк этишга мажбур бўлдик. Худоларга сиғиниш ва риёзат чекишда улар билан тенглашиш бизларга йўл бўлсин!

Ниҳоят ибодатхонада иккала дўстандан бўлак ҳеч ким қолмабди. Шунда кечаси улар бир неча олтин бутни кўтариб, уйга равона бўлибдилар. Шаҳарга кираверишда бутларни бир катта дарахт тагига кўмишибди-да, ҳар қайсиси ўз уйига йўл олибди.

Тун ярмидан онганида моҳир уста аста дарахт тагига бориб, бутларни кавлаб олибди ва уларнинг ҳаммасини уйига олиб кетибди. Эрта билан эса дурадгорнинг олдига келиб, қичқира бошлабди:



— Ҳой, хоин, алдоқчи, муттаҳам! Шунча йиллик дўстлигимизнинг оқибати шу бўлдимиз ҳали?! Дўстлигимизга тупуриб, ҳамма олтин бутларни ўмариб кетишга қандай қўлинг борди? Ҳу, бадкирдор, шунча олтин билан кўп йиллар тўқ, фароғатда яшайман деб ўйладингми? Ё алҳазар, ё астоғфирулло, қандай замонларга қолдик? Бу замонда дўстликка ҳам ишониб бўлмай қолди-ку!

Шеригининг оғзидан чиқаётган гапларни эшитиб дурадгор турган ерида қотиб қолибди. «Бу нималарни валдираяпти!» — деб ўйлабди охири ҳушини бир жойга тўплаб. Сўнг ҳаммасига ақли етибди, шериги устакорлик қилиб, уни лақиллатмоқчи, уёқда ишни қилиб қўйиб, буёқда айбни унга тўнкамоқчи бўляпти.

— Гапимга қулоқ сол, уста! — дебди у. — Айтадилар-ку, «ўтган ишга саланот», деб. Ёишт қолиқдан кўчибди, энди мени тинч қўй, ҳаммасини тушуниб турибман, фақат дўстингга туҳмат қилмасанг бўлгани.

Дурадгор шундай дебди-ю, барибир ўзининг тўғрилигини исботлашга аҳд қилибди. Бир неча кун ўтгандан сўнг у дарахтдан одам бўйи бир қўғирчоқ ясабди. Юз тузилишини худди қуйиб қўйгандек қилиб дўстининг юзига ўхшатибди, устига эса унинг кийимларига ўхшаш кийим кийдирибди. Кейин қаердандир иккита айиқ боласини топиб келиб, уларга овқатни қўғирчоққа кийдирилган чопоннинг гоҳ энгида, гоҳ қўйнида беришга одатлантирибди. Айиқчалар очиққан заҳоти югуриб келиб ё қўғирчоқнинг энгидан, ёки қўйнидан овқат топиб ейишар ва ўзларича: «Бу бизнинг отамиз ё онамиз бўлса керак», деб ўйлашаркан. Улар қўғирчоққа шунчалик ўрганиб қолишибдики, бир оз ўйнагач, югуриб келиб эркаланиб унга суйканишар, чопонининг этагига ётиб, хуррак отишар экан.

Айиқлар қўғирчоққа обдон кўникиб кетгандан сўнг, дурадгор устани хотини ва икки боласи билан уйига меҳмонга таклиф қилибди. Қўшни аёллар ҳам шу ерда экан. Устанинг хотини дурадгорникига иккита дўмбоқ-дўмбоқ ўғилчасини ҳам етаклаб келибди. Дурадгорга худди шуниси керак экан — режани амалга ошириш учун ҳамма нарса муҳайё бўлибди. Устанинг хотини ўғилларини ўз ҳолига ташлаб қўйганини кўрган дурадгор секин болаларни бир жойга беркитиб қўйибди-ю, айиқларни қўйиб юбориб, қичқира бошлабди:

— Вой-дод! Устанинг болалари айиқчаларга айланиб қолди! Энди нима қиламан?! Бу нима кўргилик! Вой-дод!!!

Бақирикни эшитган уста ичкаридан югуриб чиқибди ва кўзи айиқчаларга тушибди, дарров бориб дурадгорнинг ёқасидан олиб дўқ қила кетибди.

— Нималар деясан, ҳой нодон! Ҳеч жаҳонда одамзод ҳам

ҳайвонга айланарканми? Айт, менинг болаларимни қаерга яширдинг?

Тортиша-тортиша охири улар қозининг олдига боришибди ва можарони ажрим қилиб беришни сўрашибди.

— Хўш, дурадгор, — дебди қози, — гапир, қандай қилиб одам болалари айиқчаларга айланиб қолди?

— Билмайман, тақсир! — деб жавоб қилибди дурадгор. — Болалар шундоқ олдимда ўйнаб ўтиришган эди. Ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, ерга ётиб бир ағанашиди-ю, айиқчаларга айланиб қолишди.

— Ҳа-а, бу муаммони ечиш анча мушкулга ўхшайди, — дебди қози.

— Тақсир, — дебди дурадгор, — мен бир китобда ўқиган эдим, қадим замонда бир тўп оломон худонинг қаҳрига учраб, ҳайвонга айланиб қолган экан. Лекин уларнинг ақл-фаросатлари ўша-ўша қоларкан, юракларидаги меҳр-муҳаббат, садоқатга асло путур етмас экан. Айиқчаларни шу ерга келтиришни буюринг ва халқнинг кўз ўнгига устанинг ёнига қўйиб юборинг. Агар унинг болалари бўлса, улар келиб оталарига суркаланиб эркаланишади, борди-ю, акси бўлиб чиқса, менга истаган жазойингизни беринг, розиман.

Қозига бу гап маъқул кепти ва айиқчаларни келтириб, устанинг ёнига қўйиб юборишни буюрибди. Айиқчалар устани кўришлари билан югуриб унинг олдига келишибди, ҳатто тўпланганлардан ҳам ҳайқишмабди. Улар тумшуқчалари билан унинг гоҳ оёқларини, гоҳ биқинини туртиб, эркалана бошлашибди, устани ҳам ўзлари ўрганиб қолган ёғоч қўғирчоқ деб ўйлашибди-да!

Буни кўриб қози устага дебди:

— Ҳой, алдоқчи каззоб! Айиқчалар ўз болаларинг экан-ку! Ҳеч қандай ортиқча гапга ҳожат йўқ. Қани, дарров болаларингни ол-да, уйингга жўна. Иккинчи бўлмагур гапларни гапириб, бир камбағал дурадгорга маломат қила кўрма, билдингми?!

Шундан сўнг уста дурадгорнинг оёғига йиқилиб, кечирим сўрай бошлабди.

— Жон дўстим, агар сен бу майнавозчиликни ўз улушингни олиш учун қилган бўлсанг, ола қол, лекин ўғилларимни қайтариб бер!

— Ҳа, энди ақлинг кирди, дўстим, — дебди дурадгор, — ўртадаги ишончга хиёнат қилиб, менга туҳмат қилдинг. Агар иккинчи туҳмат қилсам худо урсин деб қасам ичсанг, қилмишингга тавба қилсанг, ўғилларинг ўз ҳолига қайтса ҳам ажаб эмас...

Сал ўтмай уста дурадгорга тегишли олтинларни келтириб берибди.

Дурадгор ҳам унинг болаларини ўзига қайтарибди.



## ФОТИМА БИЛАН ДАРВЕШ

адим замонда, Кашмир деган шаҳарда бир айёр дарвиш яшар экан. У ўз атрофига бир нечта шогирдлар тўнлаган бўлиб, улар доим унинг ҳовлисида тўдалашиб юришиб, дарвешнинг шаънига ҳамду санолар ўқишар экан. Уларнинг гапига қараганда, устозлари ғоят тақводор, фозил ва адолатпарвар одам экан.

Ҳамма уларнинг гапига ишонар ва маслаҳат олгани дарвешнинг олдига келар экан. Ҳожатмандлар қуруқ қўл билан келмас экан, албатта бирон нарсани совға тариқасида олиб келишлари шарт экан. Шунинг учун дарвеш кун сайин бойиб кетаверибди.

Бир куни унинг олдига бир камбағал деҳқон келибди. Таъзим қилиб, қўл қовуштирганча кўзида ёш билан арзини айта бошлабди:

— Жиндай ёрдамингни мендан дариг тутма, дарвеш! Қизимнинг бўйи етиб, камол топди, аммо бундан менга нима фойда, ўзим билмайман. Ҳеч ким унга совчи бўлиб келмайди — камбағалнинг қизи кимга ҳам керак! Қизимнинг бахти очилишида менга ёрдам бер. Нима қилай, айт?

Дарвеш кўзини юмиб, ўй ўйлаётган бўлибди-да, сўнг жиддий оҳангда шундай дебди:

— Уйингга боравер, бўтам. Ҳаммаси яхши бўлади. Сенинг қизинг учун бир пора такбир тушираман ва эрта билан уйингга бораман. Мени иззат-икром билан кутиб олиш учун ҳаракатингни қилавер.

Эрта билан деҳқон уйқудан туриб йўлга қараган экан, эшигига яқинлашиб келаётган дарвешга кўзи тушибди. Уйдагилар дарҳол тараддудга тушиб, кетишибди. Ҳаммалари мартабали меҳмонни муносиб кутиб олишга ҳаракат қила бошлабди. Ахир, кимсан фозил дарвеш ташриф буюрди-я. Бир камбағал учун бундан ортиқ иззат-ҳурмат бўлардими!

Камбағалнинг хотини эски гиламчани олиб, чангини қоқибди ва ҳовлидаги сояга тўшабди. Камбағалнинг кичкина ўғиллари эса боғдаги энг сара мевалардан узиб келибди. Гўзал Фотима эса (камбағалнинг қизининг оти шундай экан) ўзи қўли билан муздек, ширин шарбат тайёрлабди ва ичиб, чанқоғини боссин деб меҳмоннинг олдига келтириб қўйибди. Дарвеш салқинга тўшалган гиламча устида кўзини лўқ қилиб ўтириб олибди, Фотима эса оёғи олти, қўли етти бўлиб, уй билан боғ ўртасида зир қатнаб, меҳмоннинг кўнглини олишга ҳаракат қила бошлабди.

Дарвеш еганича ебди, ичганича ичибди, Фотима тайёрлаган овқатлар ва кўрсатган хизматлари шунчалик ёқиб қолибдики, уни ўзига чўри қилиб олишга аҳд қилибди. «Жуда менинг уйимга боп экан, хизматимни қилиб юради. Бир камбағалнинг қизи учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми!» — деб ўйлабди ўзича.

Аммо дарвеш бу ҳақда оғиз очиши ҳамон деҳқон қўлларини қовуштириб дебди:

— Йўқ, йўқ! Камбағал бўлсак ҳам қизимиз Фотима ҳеч қачон чўри бўлмайди. Аввало бунга мен рози эмасман, қолаверса, қизимиз икки дунёда ҳам унамас.

Буни эшитиб, дарвешнинг ғазаби қайнабди. «Хўп, майли, шошмай тур! — дебди у ўзича. — Барибир қўлимга тушасанлар ҳали!»

Шундан сўнг дарвеш дуо ўқиётгандай бўлиб анчагача кўзларини юмиб ўтирибди-да, охири деҳқонга қараб шундай дебди:

— Ҳой, бўтам, гапимга қулоқ сол! Менга кароматли бир рўё кўринди, унда қизингнинг тақдири намоён бўлди. Сен катта ва мустаҳкам бир сандиқ яшашинг лозим, унга қизинг Фотимани соласан-да, дарёга ташлайсан. Муқаддас дарё тўлқинлари уни ўз бахти сари элтиб қўяди. Кимда-ким қизинг Фотимани сувдан кўтариб олса, ўша одам унинг тақдирини ҳал қилади, унинг эгаси бўлади.

Деҳқон даврвешнинг сўзларига чиппа-чин ишонибди, унга кўп миннатдорчиликлар билдириб, ажойиб маслаҳати учун совға-саломлар берибди ва катта иззат-икром билан уйигача кузатиб қўйибди.

— Сенга катта раҳмат, авлиё дарвеш! — дебди деҳқон. — Эртага кечга довур сен буюрган барча ишларни айтганингдек қилиб бажараман.

Деҳқон кетган замон, дарвеш чапак чалиб ўз шогирдларини атрофига тўплабди.

— Болаларим, — дебди дарвеш. — Мен кароматли бир туш кўрдим. Эртага кечки пайт дарёдан катта бир сандиқ оқиб ўтади, унинг ичида ёвуз иблис ўтирган бўлади. Мана шу сандиқни ушлашиб менинг ҳузуримга келтиришингиз лозим. Мен шу ёвуз

иблис билан уйда танҳо қолиб, дам солиб, дуо ўқиб, қамчин билан савалаб, мулоийм бир хизматкор қизга айлангиришга ҳаракат қиламан, токи у ўла-ўлгунча менга хизмат қилсин ва бошқа бирон кишига зиён етказмасин. Сизлар эса бу пайтда уй атрофида туриб, бонг чалиб, ноғора қоқиб, баланд овозда ҳамду санолар ўқиб айланиб юрасиз. Ёвуз иблис қанчалар бақирмасин, ўзини урмасин, бунга парво қилмайсизлар. Дуоларни баланд овозда ўқиб, муқаддас бонгни уриб, ноғораларни қоқаверинглар.

Соддадил камбағал эса бу орада ҳеч нарсадан хабари йўқ, дарвеш айтганидек қилиб ҳамма ишни бажо келтирибди, Фотима билан видолашиб, уни катта ва мустаҳкам сандиққа солиб, қопқоғини ёпибди-да, қулфлаб дарёга ташлаб юборибди. Шундай қилиб, сандиқ тўлқинларда чайқала-чайқала оқиб кетибди.

Бу пайтда дарвеш ўз шогирдларини тўплаб, шундай кўрсатма бераётган экан:

Вақт бўлди! Тезда ўрмон ортидаги кўприк ёнига югуринглар, болаларим. У ерда кечки пайт ҳеч ким юрмайди, шунинг учун сандиқни тутишда сизга бирон кимса халақит бермайди. Фақат сандиқ қопқоғини оча кўрманглар! Акс ҳолда баттол иблис чиқиб кетиб ҳаммангизни ҳалок этади.

Дарвешнинг шогирдлари унга қуллуқ қилиб, йўлга равона бўлишибди. Шаҳардан чиқиб, ўрмонга олиб борадиган йўлга тушиб олишибди. Улар қадамларини тезлатишибди, чунки сандиқ оқиб ўтиб кетмасин деган хавотирда экан! Шу пайт рўпарадаги ўрмондан Мишер деган ёш овчи ўзининг този итлари билан чиқиб келаверибди. Мишернинг итлари жуда баҳайбат ва баджаҳл бўлиб, худди шерга ўхшармиш.

– Ҳой ярамас! — деб бақира бошлашибди дарвешнинг шогирдлари. — Итларингни ушлаб тур, бўлмаса улар ҳаммамизни ражиб ташлайди!

Овчи Мишер кулиб туриб, шундай дебди:

— Қаерга шошиб кетяписизлар? Кеч бўлиб қолган, сизлар бўлсангиз чиябўриларга ўхшаб ўрмон ичидаги йўлдан боряписиз. Мен билан гулхан атрофида бир оз дам олинглар, хушхабарлардан айтиб, овда менга омад тиланглар...

— Бизни йўлдан қолдирма! — деб шовқин солишибди дарвешнинг шогирдлари. — Аनावи дарёда сандиқ оқиб келяпти, унинг ичида ёвуз иблис ўтирибди. Биз бу сандиқни эски кўприк олдида тутиб олишимиз, уни авлиё дарвеш ҳузурига олиб боришимиз лозим. Итларингни чақириб ол, тез бўл! Бизларни йўлдан қолдирма, ҳароми!

— Майли, боринглар, қашқирлар! Менинг итларим сизларга тегмайди, — кулиб жавоб қилибди Мишер. Узи эса: «Сандиқда яна қандай иблисни ўйлаб тонибди, бу қари фирибгар? Қани бир кўрайлик-чи!» — дея фикр қилибди.

Дарвешнинг шогирдлари муюлишда кўздан ғойиб бўлишлари биланоқ, Мишер ҳам дарё томон югуриб кетибди, фақат тўғри йўл билан эмас, ўрмон ўртасидан кесиб чиқибди.

Дарё қирғоғига етиб келиб қарасаки, ҳақиқатан ҳам дарёдан бир сандиқ оқиб келаётганмиш. Аста қулоқ солибди, сандиқ ичида кимдир инграб, пиқ-пиқ йиғлаётган эмиш. Овчи ўзини сувга отиб, сандиқни тутиб олибди ва қирғоққа олиб чиқибди. Дарров гулхан ёқибди, чунки қоронғи тушиб қолган экан-да, олов ёғдусида қулфни буза бошлабди. Сандиқдан келаётган йиғи товуши тинибди. Ниҳоят Мишер қопқоқни очибди ва ҳайратдан ўзини орқага олибди. Сандиқ ичида худди янги туққан ой каби гўзал бир қиз ётган эмиш!

Мишер қизни сандиқдан чиқариб олибди ва гулханга яқинроқ ўтказиб, суриштира кетибди:

— Кимсан? Қардансан? Бу сандиққа қандай тушиб қолдинг?

— Менинг исмим Фотима, — деб жавоб қилибди қиз. — Отам эса оддий деҳқон. Авлиё дарвешнинг маслаҳати билан у мени сандиққа солиб дарёга ташлади, бундан бошқа ҳеч нарсани билмайман. Ҳа, айтмоқчи, дарвеш яна шу гапни айтибдики, мени ким тутиб олса, ўша менинг тақдиримни ҳал қилиб, менинг хўжайиним бўлар эмиш.

Ёш овчи бу гапларни эшитиб хурсанд бўлибди. Бўлмасам-чи! Бундай соҳибжамолни ер юзидан ахтариб топиб бўлмайди. Шунда олчоқ дарвеш ёдига тушиб, ғазаби қайнабди. «Қари фирибгар, мана шундай найрангни ўйлаб қўйган экан-да! Шошмай турсин ҳали!.. Ҳа, унинг гапи бўйича сандиқда ёвуз иблис ўтириши керак эди. Унинг айтганидек бўлади ҳам!»

Мишер энг баҳайбат ва қопоғон итини чақирибди-да, уни сандиққа солиб, қулфлабди ва яна дарёга ташлаб юборибди. Узи эса Фотиманинг ёнига бориб ўтирибди ва хушмуомалалик билан гап бошлабди:

— Мендан сира қўрқма, эй соҳибжамол қиз! Дарвеш сени алдаб, ўзига чўри қилиб олмоқчи эди. Фақат сени у эмас, мен топиб олдим. Лекин мен сенинг хўжайининг эмас, содиқ ва меҳрибон дўстинг бўламан.

Фотима эса унинг гапларига сирли жилмайиш билан жавоб қайтарибди.

Энди гапни дарвешнинг шогирдларидан эшитинг. Улар кўприк ёнига етиб келиб, кута бошлашибди. Бир вақт узоқдан сандиқ оқиб келаверибди. Сандиқ ичидан ваҳимали увуллаган ва ириллаган товуш эшитилибди. Шўрлик шогирдлар дағ-дағ титрай бошлашибди. Сандиқда ғазабкор иблис ўтиргани ростга ўхшайди-ку дейишибди.

Дарвешнинг шогирдлари дуо ўқишиб, титроқ товушда ноғора қоқиб, дадилроқ бўлишибди-да, арқон ташлаб сандиқни сувдан чиқариб олишибди. «Ёвуз иблис» эса сандиқ ичида ўзини ҳар

ёққа уриб, ириллар, чиқиб кетишга ҳаракат қилармиш. Шогирдлар сандиқни елкаларига олиб дарвешнинг ҳузурига шошилишибди.

Шогирдлар сандиқни дарвешнинг уйига олиб келиб, гилам устига қўйишибди ва қулоқ сола бошлашибди. Сандиқ ичидаги «ёвуз иблис» жимиб, ириламай қўйибди.

Шогирдлар йўлдаги воқеани дарвешга айтиб бермоқчи бўлишган экан, у қулоқ солгиси ҳам келмабди.

— Боринглар! — дебди у қичқариб. — Даф бўлинглар! Энди ёвуз иблис билан ўзим гаплашаман. Менга қамчинни берингларчи! Сизлар ташқарида туриб, ноғора қоқинглар, иблис қанча дод-вой солса ҳам парво қилманглар.

Шогирдлари бош эгиб уйдан чиқишибди, дарвеш айтганидек ҳамма эшик-тешикларни маҳкам беркитиб, дуо ўқишга тушишибди.

Елғиз ўзи қолган дарвеш қўлида қамчин билан югуриб сандиқнинг олдига келибди. «Хўш, — дермиш у ўзича, — мана шу қамчин билан камбағал деҳқон қизининг тақдирини ҳал қиламан, бир умр уйимда чўри бўлиб хизмат қиласан! Сен қайсарнинг ақлини киргазиб, мулла минган эшшақдай қилиб қўймасам, авлиё дарвеш эмасман!»

Шундай деб қопқоқни кўтарган ҳам эканки, сандиқ ичидан бир баҳайбат қопоғон ит сакраб чиқибди-ю, гиппа дарвешнинг хиқилдоғидан олибди. Дарвеш жонҳолатда дод-вой солиб, хонада уёқдан-буёққа югура бошлабди. Эшикка ўзини урган экан, тақатақ беркмиш. Уриб тақиллатган экан, ҳеч ким очмабди, фарёд солиб ёрдамга чақирган экан, ҳеч ким ёрдамга келмабди. Уй ичи шовқин-сурон, ирилаган товушларга тўлиб кетибди. Дарвешнинг шогирдлари эса бамайлихотир дуо ўқир, зўр бериб ноғора қоқар эмиш. Ахир, авлиё дарвешнинг ўзи шундай деб тайинлаган эди-да.

Тун бўйи шундай бўлибди. Эрта билан уйқудан туриб қарашсаки, деразанинг бир кўзи синиб ётибди, ерга қандайдир даҳшатли махлуқнинг изи тушган. Шогирдлар деразадан ичкарига қарашибди. Уйнинг ўртасида бўм-бўш сандиқ, унинг ёнида дарвешнинг жонсиз гавдаси чўзилиб ётганмиш.

Шогирдлар кайфи учиб, бир-бирига қарашибди. «Афтидан ёвуз иблис устозимиздан устун келиб, уни енгганга ўхшаяпти. Энди фойдаси йўқ, тақдирга тан бериш керак!» — дейишибди улар.

Шундан кейин ҳаммалари ҳар ёққа тарқаб кетишибди.

Еш овчи йигит Мишер эса ўша тонгда соҳибжамол Фотима билан бечора деҳқоннинг уйи томон йўл олибди. Мишернинг баҳайбат итлари эса унинг атрофида хурсанд акиллашиб, сакрашар ва эгасининг қўлларини ялар эмиш. Соҳибжамол Фотима эса дам-бадам бахтиёр жилмайиб қўярмиш.



## ЕТТИ ОПА-СИНГИЛ ВА ЕТТИ ОҒА-ИНИ

адим замонда Ҳиндистонда бир бараҳманнинг еттита қизи бўлган экан. Хотини ўлиб кетиб, уй-рўзғор юмушлари қизларига қолган экан.

Бараҳманга қўшни бўлиб баджаҳллик ва заҳарликда бир-биридан қолишмайдиган бир аёл билан қизи турар экан. Бараҳманнинг қизлари овқатга уннашлари билан қўшни хотин улардан олов сўраб чиқаркан. Бараҳманнинг хушбичим ва доно кенжа қизи Бална аёлни сира ёқтирмас, опасидан бу хотинни уйга қўймай, деб қайта-қайта сўракан. Опалари эса Балнани бу сўзлари учун уялтиришар, қўшни аёлга раҳмлари келиб, ҳар доим унга олов бераверишар экан.

Кунлардан бир куни қўшни хотин одатдагидай олов сўраб келибди. Унга хокандозга олов солиб беришаётган пайтда аёл ҳеч кимга билдирмай ердан бир сиқим тупроқ олибди-да, қозонда қайнаб турган обиёвғонга ташлаб юборибди ва оловни олиб, индамай чиқиб кетибди.

Бараҳман овқатланиб ўтириб, обиёвғонга тупроқ солинганини сезибди, лекин қизларига оғиз очиб бир нарса демабди.

Қўшни аёл бўлса ҳар куни олов сўраб чиқишини ва ҳар сафар қайнаб турган қозонга тупроқ ташлаб кетишини қанда қилмабди. Овқат шунақанги бемаза бўлиб кетарканки, оғизга олиб бўлмас экан.

Охири бараҳман чидаёлмабди, қизларининг овқатни қандай тайёрлашларини бир текшириб кўрмоқчи бўлибди, у ёндаги хонага беркиниб олибди-да, туйнукдан кузата бошлабди. Икки қизи олов ёқиш билан овора, иккитаси сабзавотларни тозалар, яна иккитаси товоқ-қошиқларни ювар, энг кенжаси бўлса ювилган сабзавотларни қозонга ташларди.

Шу пайт қўшни аёл кириб келибди ва олов сўрабди, ҳар галидек ҳеч кимга билдирмай, қозонга бир сиқим тупроқ ташлабди. Бараҳман дарҳол ошхонага кириб келибди-да, қўшни хотиннинг қилмишини юзига солиб, роса ўсал қилибди. Аёл эса изза бўлганидан кўзёши қила бошлабди.





— Бундай қилишимнинг маъноси, менга эътибор бериб, зора мен билан гаплашсанг, дердим, — дебди аёл пиқ-пиқ йиғлаб.

Кейин у тақдирдан нолиб, эри ўлганидан сўнг кун кечириши оғирлашиб қолганини айтибди ва унга ёрдам беришини сўрабди.

Бараҳман ҳам кўнгли юмшоқ одам экан, қўшнисининг кўзёшига раҳми келибди ва унга уйланиб олибди. Шундай қилиб, қўшни аёл қизи билан бараҳманникида яшай бошлабди.

Ўгай она фақат ўз қизини ардоқлар, бараҳманнинг қизларига эса кун бермас экан. Ҳатто уларга овқат ҳам бермай, кийимларига ҳам қарамай қўйибди. Қизлар озиб-тўзиб, кўйлаклари кийилаверганидан йиртилиб, чувриндиси чиқиб кетибди. Ҳар куни улар ўз оналари қабрига боришар, тақдирларидан нолиб йиғлашар, аччиқ-аччиқ кўзёши тўкар эканлар.

Кунлардан бирида қизлар қабр атрофида йиғлаб ўтиришганида тўсатдан мазордан бир дарахт ўсиб чиқибди. Дарахтнинг шохлари гарқ пишган ширин-шакар мевалар билан шигил эмиш. Қоринлари роса очиққан қизлар мевалардан узиб ея бошлашибди. Уша кундан улар доим шу дархат мевасидан еб, қоринларини тўйгазар эканлар.

— Бу ярамас исқиртлар нима еб семириб кетишяпти? — деб ҳайрон бўлипти ўгай она. — Емишлари мен берган бир бурда қора нон, уни ҳам ейишмайди-ку. Ё кимдир раҳми келиб уларни боқаётганмикан?

У ўз қизини чақирибди-да, унга шундай топшириқ берибди:

— Бу қизларнинг изидан туш. Улар қаерга борса, сен ҳам уларга сездирмай ортидан бор. Кимдир менга билдирмай уларни боқаётганга ўхшайди. Шуни билиб, менга хабар қиласан.

Шундай қилиб ўгай онанинг қизи опа-сингилларнинг ортидан кўланкадай эргшиб юрадиган бўлибди.

Кунлардан бир куни опа-сингиллар оналари қабри устидан ўсиб чиққан дарахт меваларидан узиб еяётганларини кўриб қолибди. Опа-сингиллар унга ҳам мевадан беришибди.

Шунда ҳушёр Бална опаларига қараб дебди:

— Энди бу ярамас қиз ўгай онамизга бориб ҳаммасини чақади. Унда аҳволимиз нима кечади?

— У биз билан бирга мевалардан тамадди қилди-ку, онасига бориб чақмаса керак, — дебди опалари Балнани тинчлантириш ниятида.

Афсуски Балнанинг гаплари тўғри бўлиб чиқибди. Қиз ҳамма кўрганларини онасига бориб чақибди. Ўгай онанинг жаҳли чиқиб, хонасига беркиниб олибди-да, кечгача ҳеч қаёққа чиқмабди. Кечқурун бараҳман келиб, хотинидан ҳол сўрабди. У бўлса бошим жуда қаттиқ оғрияпти, бунинг биргина давоси бор, дебди.

— Бунга нима даво экан? — деб сўрабди бараҳман.

— Сенинг биринчи хотинингни қабри устида бир дарахт

ўсади. Уша дарахтнинг илдизидан қайнатиб, бошимга суртилса, оғриқ таққа қолади.

— Эртагаёқ бу дарахтни қўпориб келтирганим бўлсин,— дебди бараҳман.

Эртасига бараҳман хотинининг қабрига бориб, ҳалиги дарахтни қўпориб келтирибди. Илдизларини кесиб, майдалабди ва қозонда қайнатибди. Ўгай она тайёр бўлган дорини бошига суртибди-да:

— Мана, отдай бўлиб кетдим,— дебди хурсанд бўлиб.

Уша куни опа-сингиллар оналари қабрига келиб қарашса, дарахтдан ном-нишон йўқ эмиш! Улар ерга ўтириб олиб, аччиқ-аччиқ йиғлашибди.

Қабрдан сал нарида бир ҳовузча бор экан. Опа-сингиллар онаҳор уйга қайтиб кетаётганларида, бирдан ҳовуздаги сув тўлқинланибди-да, сув юзига юпқа қилиб ёпилган патир нонлар қалқиб чиқибди.

Опа-сингиллар қувониб кетишиб нонлардан тўйгунларича ейишибди.

Ўгай она, энди ўгай қизларим очликдан силлалари қуриб ўлиб кетишади деб кута бошлабди. Лекин улар аввалгидан ҳам бақувват, тўқ юришганмиш. Ғазабдан ўгай она ўзини қўярга жой тополмай қолибди. Яна қизини чақириб, шундай дебди.

— Нималар бўляпти ўзи. Илгари улар мева ер эди. Дарахтни бир амаллаб йўқотдик, лекин барибир улар ҳали ҳам қаердандир овқат топиб ейишяпти. Дарҳол уларнинг ортидан туш.

Эртасига баттол қиз опа-сингилларининг изидан сездирмай борибди-да, уларнинг сувдан бир нарсаларни тутиб ейишаётганларини кўрибди. Сезгир Бална айғоқчи ўгай опасини кўриб қолибди ва опаларига айлана бўлиб туриб олайлик, токи у бизнинг нима еяётганимизни кўрмасин, дебди. Опалари Балнанинг гапига яна қулоқ солишмабди. Қайтанга ўгай опаларини ҳам чақириб, нонни у билан баҳам кўришибди.

Уйга келиб, ўгай онанинг қизи ҳамма кўрганларини оқизмай-томизмай онасига айтиб берибди. Ўгай она баттар дарғазаб бўлибди ва нима бўлса ҳам ўгай қизларидан қутулишга аҳд қилибди. Яна ёлғондан касалман деб ётиб олибди. Буни кўриб, бараҳман хотинидан сўрабди:

— Тагин нима қилди сенга? Касал бўлиб қолдингми?

Ўгай она:

— Ҳа, яна касал бўлиб қолдим, лекин бу касалимнинг давосини топиш анча мушкул,— дебди.

— Ташвиш қилма. Сенга шифо берувчи ўша давони ердан бўлса ҳам, кўчадан бўлса ҳам топиб келтираман,— деб сўз берибди бараҳман.

Шунда хотини, бараҳман ўзининг ҳамма қизларини ўлдириб уларнинг қонидан дори тайёрлашини, фақат шу нарса унинг

дардига шифо бўлишини айтибди.

Буни эшитиб, бараҳман қулоқларига ишонмабди. Ўз қизларини ўлдиришга қандай қўли боради? Лекин бошқа иложи ҳам қолмаган экан — ахир хотинига дорини қаердан бўлса ҳам топиб келаман деб сўз бериб қўйган эди-да.

Бараҳман қизларини қақрибди ва уларни олиб узоқ бир ўрмонга йўл олибди. Туш пайтига яқин бир қозон гуруч қайнатибди ва қизларининг қорнини тўйгазибди. Кун жуда иссиқ экан, шунинг учун қизлар тезда ухлаб қолишибди, қизларининг ухлаб қолганини кўриб бараҳман, уларни ўрмонда ташлаб кетишга қарор қилибди. Уйга қайтаётиб бир сурув қўй боқиб юрган чўпонга дуч келибди. Ундан бир қўйни сотиб олиб, сўйибди-да, қонини бир идишга солиб хотинига элтиб берибди.

Евуз хотин, бараҳман ўз қизларини ўлдарганига чиндан ишониб, ич-ичидан қувонибди ва касалим тузалиб қолди, дебди.

Шўрлик опа-сингиллар эса одам оёғи етмаган ўрмонда қолиб кетишибди.

Бир вақт қизлар уйқудан туришсаки, оталари йўқ эмиш. Улар оталарини қақира бошлашибди. Лекин бу вақтда бараҳман анча узоқлаб кетган бўлиб, қизларининг қичқариқларини эшитмабди. Опа-сингилларни ваҳима босиб, йиғлай бошлашибди.

Ўрмоннинг бир четида етти оға-ини ов қилиб юришаркан. Уларнинг энг кенжаси, акаларига қараб йиғи товуши эшитаётганини айтибди. Акалари тўхтаб, қулоқ сола бошлашибди. Ростдан ҳам шу яқин атрофдан йиғи товуши келаётганмиш. Улар ўша томонга қараб юра бошлашибди. Кўп ҳам юришмаёқ етти нафар опа-сингилга дуч келишибди. Шунда оға-инилардан бири қизларни уйга олиб кетамиз, деб таклиф қилибди. Қолганларига ҳам бу гап маъқул тушибди. Шу-шу опа-сингиллар ака-укаларнинг уйида яшай бошлашибди.

Орадан бир неча йил ўтибди. Қизларнинг бўйи етиб қолибди. Йигитларнинг ҳар бири уларнинг ичидан ўзига мосини танлаб тўй-томоша қилиб, уйланиб олибди.

Бир йилдан сўнг кенжа Бална ўғил кўрибди. Опаларида эса фарзанд бўлмабди, шунинг учун ҳаммалари Балнанинги ўғлини суйиб ардоқлашар, худди ўз болаларидек парваришлаб, еру кўкка ишонишмас экан.

Бир кун, ака-укалар овга кетишганда уйга қора либосли бир киши кириб келибди. Бу муттаҳам каззоб сеҳргар экан. Соҳибжамол Балнага кўзи тушибди-ю, уни ўзига хотин қилиб олмоқчи бўлибди. Бална бунга рози бўлмай, тезроқ бу ердан даф бўлишини айтибди.

Шунда сеҳргарнинг жаҳли чиқиб, Балнани кичкина қора кучук боласига айлантириб қўйибди ва қўйнига солибди-да, кўздан ғойиб бўлибди.

Балнанинги ўғли йиғлаётганини эшитиб, опалари уйдан чопиб

чиқишибди. Улар гўдакни овутишга уринишибди. Балнани шунча ахтарсалар ҳам ундан дом-дарак топишолмабди.

Орадан бир неча кун ўтибди, Балнадан дарак бўлмабди. Овчи ака-укалар ҳам қайтиб келишмабди. Уларнинг ортидан ахтариб кетганлар ҳам қорасини кўрсатмасмиш.

Балнанинг опалари қайғура-қайғура тақдирга тан беришибди-да, болани парваришлаб ёлғиз ўзлари яшай бошлашибди.

Ушандан буён қанча сувлар оқиб ўтибди. Балнанинг ўғли вояга етибди. Опа-сингиллар унга ота-онаси ва ўз эрларининг қисмати не кечганини айтиб беришибди.

— Мана, энди катта бўлдинг, уларни ахтариб топишга бел боғласанг бўлади, — дейишибди улар.

Балнанинг ўғли то ота-оналаримни топмагунча уйга қайтиб келмайман, деб сўз берибди-да, ҳайт дея йўлга тушибди.

Унинг мамлакатда бормаган ери қолмабди, аммо онасидан ҳам, оға-инилардан ҳам дарак топмабди.

Кунлардан бир куни Балнанинг ўғли тоғ оралаб ўтиб бораётиб, азбаройи чарчаганидан ҳордиқ чиқаргани бир тошга ўтирибди. Шу пайт кўзи баланд қояга ва унинг ёнида жойлашган вайрона бир кулбага тушибди. У тўғри ўша кулбага қараб йўл олибди. Бориб қараса, остонада бир кампир ўтирган эмиш. Балнанинг ўғли кампирнинг олдига бориб, шу қояда бирон кимса яшайдими, у ерга қандай чиқса бўлади, деб сўрабди.

— Мен бу қояга қандай чиқиш йўлини биламан, — деб жавоб қилибди кампир, — аммо бу жуда хатарли. У ерда ёвуз сеҳргар яшайди. У сеҳр билан одамларни тошга ёки дарахтга айлантириб қўя олади. Мана шу қоя устида ўсиб турган дарахтларни кўряпсанми? Уша дарахтлар ҳам, унинг атрофидаги тошлар ҳам бир замонлар одам боласи бўлган. Сеҳргар уларни тошга айлантириб қўйган. Бир аёлни эса кучукваччага айлантириб, бу ерга олиб келди. Уни яна асил қиёфасига келтириб, бир неча йилдирки, қоя устидаги ўз уйида беркитиб, сақлаб келади, сабаби бу аёл унга хотин бўлишдан бош тортган.

Балнанинг ўғли ўзича: «Мен ахтариб юрган кишилар шу ердасмикан?» деб ўйлабди, кампирга бошидан ўтганларини гапириб берибди ва унга ёрдам беришни ўтиниб сўрабди. Кампир шундай дебди:

— Яхши, сенга ёрдам берганим бўлсин. Аммо сеҳргар сени ҳам кўрган заҳоти тошга айлантириб қўяди-да. Сен қизимнинг кўйлагини кийиб ол, зора сеҳргар сени қиз бола деб ўйласа. Қизимни яхши танийди, Ҷунки қизим ўша аёлга ҳар куни гул олиб боради. Сен менинг қизим қиёфасида қояга кўтариласан-да, у ердаги асира сенинг онангми-йўқми, билиб олсан.

Балнанинг ўғли қизларча кийиниб олган экан, уни қиз боладан ажратиб бўлмай қолибди. У энди онамни топсам керак деб ўйлаб ич-ичидан хурсанд бўлибди. Унинг қўлида онасининг никоҳ узуги бўлиб, Бална турмушга чиққанида эри унга эсдалик

деб совға қилган экан. Бална ўғил фарзанд кўрганида узукка ўғлининг исмини ёздирган ва унинг бўйнига осиб қўйган экан.

Эртаси куни Балнанинг ўғли бир даста гул олиб, гулдаста ўртасига онасининг узугини жойлабди-да, сеҳргарнинг маскани томон йўл олибди. Уни бир гўзал аёл қарши олибди.

Бална гулдастани олаётганида ундаги узук ерга тушиб кетибди. Аёл узукни ердан олиб, ундаги ёзувни ўқибди ва қаршисида ўз ўғли турганига амин бўлибди. Кўзидан шашқатор ёш оқиб ўзини ўғлининг бағрига отибди.

Ўғли онасидан қандай қилса сеҳргар ўз сеҳрли кучидан маҳрум бўлади, деб сўрабди. Онаси бу сирни билиб беришни ваъда қилибди.

Шу куни у сеҳргар пайдо бўлганида унга қараб дебди:

— Сабр-тоқатим тугади, майли, сенга хотин бўлишга розиман. Аммо мен сендай сеҳр кучига эга бўлишни истайман. Бўлмаса қандай қилиб сенга муносиб хотин бўла оламан?

Буни эшитиб сеҳргарнинг оғзи қулоғига етибди.

— Бу ердан жуда узоқда, — дебди у, — одам оёғи етмаган чангалзордаги иккита тош орасида бир-бирининг ичига солинган олтита қутича беркитиб қўйилган. Қутичалардан энг кичкинасининг ичида бир жажжи дарахтча ўсади, унинг шохида эса дунёда энг митти тўтиқуш ўтиради. Менинг тилсимларим сири мана шу тўтичада. Ҳаёт-мамотим ҳам ана шу тўтиқушнинг ихтиёридадир. Борди-ю, ўладиган бўлса, мен ҳам шу заҳоти ҳаётдан кўз юмаман. Аммо ўзимдан бўлак ҳеч ким бу тўтини топиб ўлдиролмайти. Сенга шу тўтиқушни кўрсатаман, сен ҳам мен каби сеҳрли кучга эга бўласан.

Бална бу гапларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай ўғлига айтиб берибди.

Унга жавобан ўғли:

— Мен ўша чангалзорга бораман-да, тўтиқушни албатта топаман, дебди. — Сиз эса мен келгунча тўйни орқага суриб туринг. Мен тезда қайтиб келаман.

Балнанинг ўғли йўлга тушибди. Тоғлару боғлар ошибди, қалин чангалзорларни кесиб ўтибди. Йўл юравериб жуда ҳолдан тўйибди ва дам олгани бир дарахт остига ўтирибди. Бирпасда кўзи илиниб, пинакка кетибди. Бир вақт вишиллаган товушдан уйғониб кетибди. Бошини кўтариб қараган экан, кўзи ҳув наридаги баҳайбат дарахт устидаги бургут уясига тушибди. Бир катта илон ҳалиги инга томон ўрмалаб чиқиб келаётган эмиш. Инда эса иккита бургут боласи бор экан. Жониворлар илонни пайқаб, ваҳимага тушиб, овозлари борича чирқиллашаётган экан.

Балнанинг ўғли шартта қиличини яланғочлабди-да, югуриб бориб илонни қийма-қийма қилиб ташлабди. Бургут болалари халос бўлибди.

Шу пайт бургутлар инлари томон учиб келаётган экан, улар аллақачон воқеадан хабар топиб, болаларининг омон қолганига

шукур қилиб туришган экан. Улар учиб келиб инга қўнишибди-да, Балнанинг ўғлига қараб шундай дейишибди:

— Бир неча йилдирки, шу илон инимизга ҳужум қилиб, болаларимизни еб кетарди. Бизга қилган яхшилигинг учун сендан қарздормиз, энди тила тилагингни, ҳаммасини бажаришга тайёрмиз.

Балнанинг ўғли қаёққа йўл олганини айтиб, бургутлардан унга ёрдам беришларини сўрабди.

— Сен айтган митти тўгини топиш жуда қийин иш,— унга жавоб беришибди бургутлар.— Лекин бизга қилган яхшилигинг эвазига у ерга бориш йўлини кўрсатиб қўямиз. Биз осмонда парвоз қилиб кетаверамиз, сен эса ортимиздан қора тортиб бораверасан.

Шундан кейин бургутлар кўкка кўтарилишибди ва узоқ учишибди. Балнанинг ўғли ҳам уларнинг ортидан кетаверибди. Шу йўсинда тоғлар ошибди, дарёлардан сузиб, чангалзорлар оралабди. Ниҳоят, бургутлар учишдан тўхтаб, бир яланглик устида доира ясаб уча бошлашибди. Шунда Балнанинг ўғли ёнма-ён ётган иккита тошни кўрибди. Синчиклаб уёқ-буёгини қараб чиқа бошлаган экан, иккала тошнинг ўртасида бир чуқурча борлигини пайқабди. Қутичалар ана шу ерда экан. Балнанинг ўғли бирин-кетин бешта қутини кавлаб олибди. Охири энг кичкина олтинчисини ҳам кавлаб олибди. Дарахтча ана шу олтинчи жажжи қутичада ўсар, унинг шоҳида митти тўтиқуш ўтирар экан. Балнанинг ўғли тўтичани қўлига олмоқчи бўлган экан, у қутичадан чиқибди-да, пир этиб учиб кетибди. Аммо бургутлар ҳаммасини кузатиб туришган экан, дарров тўтичани тутишибди-да, Балнанинг ўғлига элтиб беришибди.

Йигит қўлида тўтиқуш билан онаси олдига қайтиб келибди.

Тўтиқушни кўрган сеҳргар қаттиқ қўрқиб кетибди ва йигитдан сўрабди:

— Сен кимсан ва бу тўтиқушни қаердан топдинг? Уни менга бер. Ўрнига сенга катта ва чиройли тўтиқуш бераман,— дебди.

— Мана бу дарахт ва тошларни асл қиёфасига қайтарсанг, бераман тўтиқушни,— деб жавоб қайтарибди Балнанинг ўғли.

Сеҳргар пичирлаб афсун ўқиган экан, шу ондаёқ қотиб қолган одамлар ўз ҳолига қайтибди.

Буни кўриб Балнанинг ўғли тўтининг бошини чўрт узиб ташлабди-ю, сеҳргар ҳам шу заҳоти ерга теракдай қулабди.

Бална хурсанд бўлганидан йиғлаб, ўзини ўғлининг бағрига отибди. У аслига қайтарган одамлар она-болани қуршаб олишибди. Бир вақт қарашсаки, Балнанинг эри ва унинг акалари ҳам шулар орасида экан! Улар ҳам бу ерга келишган, сеҳргар уларни ҳам тошга айлантариб қўйган экан.

Шундай қилиб етти овчи оғайни, Бална, ўғли биргаликда уйларига қайтиб келишибди ва муроду мақсадларига етишибди.



## ЧУҒУРЧУҚ ВА НҲАТ ДОНАСИ

адим замонда бир чуғурчуқ бўлган экан. У бир нўхат донасини топиб олибди-да, тегирмонга бориб, иккига бўлибди. Нўхатнинг бир палласи ўзида қолибди-ю, иккинчи палласи тегирмон тоши орасида қолиб кетибди. Чуғурчуқ ҳарчанд уринмасин нўхатнинг иккинчи палласини ололмабди.

Шунда дурадгорнинг олдига борибди.

— Дурадгор, дурадгор! Тегирмонни бузиб, нўхатимнинг ярмини олиб бер. Мен нима билан тирикчилик қиламан? Қандай яшайман? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

Дурадгор бўлса унга жавобан:

— Шуям гап бўлди-ю! Шу арзимас нўхат деб тегирмонни бузаманми! Йўқол кўзимдан! — дебди.

Чуғурчуқ тўғри рожанинг саройига учиб борибди-да, шикоят қила бошлабди:

— Рожа, рожа! Дурадгорни жазола, чунки у тегирмонни бузиб, нўхатимни олиб беришдан бош товляпти. Нима билан тирикчилик қиламан? Қандай яшайман? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

— Оббо тентагей! — дебди рожа. — Йўқол кўзимдан! Арзимаган нўхат деб дурадгорни жазолайманми!

Чуғурчуқ тўғри маликанинг олдига учиб борибди-да, унга шундай дебди:

— Малика, малика! Рожадан дурадгорни жазолашни илтимос қил, чунки у тегирмонни бузиб, нўхатимни олиб беришдан бош тортди. Нўхатсиз қандай тирикчилик қиламан? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

Малика унга дебди:

— Ҳм, нўхат ҳам гап бўлди-ю! Шугина деб рожани овора қилайми!

Чуғурчуқ тўғри илоннинг олдига учиб борибди-да, ундан илтимос қила бошлабди:



— Илон, илон! Маликани чақиб ол, малика рожадан илтимос қилгиси йўқ, рожа дурадгорни жазолагиси йўқ, дурадгор тегирмонни бузиб нўхатимни олиб беришдан бош тортяпти. Тирикчилик нима бўлади? Қандай яшайман? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

Илон чуғурчуққа жавоб қилибди:

— Нималар деясан, акаси! Мендан илтимос қилаётган нарсангни қара-я? Нўхат эмиш! Битта нўхат деб маликани чақайми?!

Чуғурчуқ тўғри тўқмоқнинг олдига учиб борибди.

— Тўқмоқ, тўқмоқ! Илоннинг бошига бир сол, илон маликани чаққиси йўқ, малика рожадан илтимос қилгиси йўқ, рожа дурадгорни жазолагиси йўқ, дурадгор тегирмонни бузиб нўхатимни олиб беришдан бош тортяпти. Нима билан тирикчилик қиламан? Қандай яшайман? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

Тўқмоқ унга жавоб қилибди:

— Ана холос! Нўхат эмиш! Мана шу арзимаган нўхат деб илонни калтаклайми?!

Чуғурчуқ тўғри оловнинг олдига учиб борибди:

— Олов, олов! Тўқмоқни куйдир, тўқмоқ илонни калтаклагиси йўқ, илон маликани чаққиси йўқ, малика рожадан илтимос қилгиси йўқ, рожа дурадгорни жазолагиси йўқ, дурадгор тегирмонни бузиб нўхатимни олиб беришдан бўйин товляпти. Нима билан тирикчилик қиламан? Қандай яшайман? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

— Йўқ, арзимаган бир нўхат деб тўқмоқни куйдирмайман?! — дебди олов.

Чуғурчуқ тўғри денгизга учиб борибди:

— Денгиз, денгиз! Оловни ўчир, олов тўқмоқчи куйдиргиси йўқ, тўқмоқ илонни калтаклагиси йўқ, илон маликани чаққиси йўқ, малика рожадан илтимос қилгиси йўқ, рожа дурадгорни жазолагиси йўқ, дурадгор тегирмонни бузиб нўхатимни олиб беришдан бўйин товляпти. Нима билан тирикчилик қиламан? Қандай яшайман? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

Денгиз чуғурчуққа шундай дебди:

— Эҳ, чуғурчуқ, чуғурчуқ! Шу ҳам иш бўлдими? Арзимаган нўхат деб оловни ўчирайми!

Чуғурчуқ тўғри филнинг олдига учиб борибди.

— Фил, фил! Денгиздаги сувни ичиб қурит, денгиз оловни ўчиргиси йўқ, олов тўқмоқни куйдиргиси йўқ, тўқмоқ илонни калтаклагиси йўқ, илон маликани чаққиси йўқ, малика рожадан илтимос қилгиси йўқ, рожа дурадгорни жазолагиси йўқ, дурадгор тегирмонни бузиб нўхатимни олиб беришдан бўйин товляпти. Нима билан тирикчилик қиламан? Қандай яшайман? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

Бунга жавобан фил ўкириб юборибди:

— Йўқол кўзимдан! Арзимаган нўхат деб денгиздаги сувни ичиб қуритайми!

Чуғурчуқ тўғри чирмовуқнинг олдига учиб бориб, ёлвора бошлабди:

— Чирмовуқ, чирмовуқ! Сен шундай қудратлисанки, истансанг энг бақувват дарахтни ҳам бўғиб қўйишинг мумкин. Филнинг оёқлари ва хартумига чирмашиб, бўғиб ташла, фил денгизни симиргиси йўқ, денгиз оловни ўчиргиси йўқ, олов тўқмоқни куйдиргиси йўқ, тўқмоқ илонни калтаклагиси йўқ, илон маликани чаққиси йўқ, малика рожадан илтимос қилгиси йўқ, рожа дурадгорни жазолагиси йўқ, дурадгор тегирмонни бузиб нўхатимни олиб беришдан бош тортяпти. Нима билан тирикчилик қиламан? Қандай яшайман? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

Чирмовуқ жавоб қилибди:

— Ҳурматли чуғурчуқ, сенинг илтимосингни бажаролмайман. Бундан ташқари яна арзимаган бир нўхат бўлса!

Чуғурчуқ тўғри сичқоннинг олдига учиб борибди:

— Сичқон, сичқон! Чирмовуқни кемириб ташла, чирмовиқ филни бўғгиси йўқ, фил денгизни симиргиси йўқ, денгиз оловни ўчиргиси йўқ, олов тўқмоқни куйдиргиси йўқ, тўқмоқ илонни калтаклагиси йўқ, илон маликани чаққиси йўқ, малика рожадан илтимос қилгиси йўқ, рожа дурадгорни жазолагиси йўқ, дурадгор тегирмонни бузиб нўхатимни олиб беришдан бош тортяпти. Нима билан тирикчилик қиламан? Қандай яшайман? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

Сичқон жавоб қилибди.

— Чуғурчуқ, сенга нима бўлган ўзи?! Арзимаган бир нўхат деб чирмовуқни кемирайми?

— Жуда яхши! Сен ҳали бу ишинг учун пушаймон қиласан! — дебди чуғурчуқ ва тўғри мушукнинг олдига учиб борибди:

— Мушук, мушук, сичқонни еб қўй, сичқон чирмовуқни кемиргиси йўқ, чирмовиқ филни бўғгиси йўқ, фил денгизни симиргиси йўқ, денгиз оловни ўчиргиси йўқ, олов тўқмоқни куйдиргиси йўқ, тўқмоқ илонни калтаклагиси йўқ, илон маликани чаққиси йўқ, малика рожадан илтимос қилгиси йўқ, рожа дурадгорни жазолагиси йўқ, дурадгор тегирмонни бузиб нўхатимни олиб беришдан бўйин товляпти. Нима билан тирикчилик қиламан? Қандай яшайман? Узоқ юртларга қандай учиб бораман?

Мушукнинг эса қорни оч экан. Сичқоннинг дарагини эшитиб кўзлари ёнибди.

— Юр тезроқ! — дебди у чуғурчуққа. Иккови биргалашиб сичқоннинг олдига йўл олибди.

Чуғурчуқ ва мушукнинг бирга келаётганини кўриб қўрққанидан сичқон дағ-дағ титраб, шундай дебди:

— Мушук, мушук, мени емагин! Мен чирмовуқни кемириб ташлашга розиман.

Чуғурчуқ билан сичқонни кўриб чирмовуқ ҳам тўлғаниб ёлвора бошлабди.

— Сичқон, сичқон, мени кемирагин! Мен филга чирмашиб, уни бўғиб ташлайман.

Фил ҳам чуғурчуқ билан чирмовуқни кўриб, қичқира бошлабди:

— Чирмовуқ, чирмовуқ, мени бўғиб ўлдирма, денгизни симириб, қуритаман, — дебди.

Чуғурчуқнинг ортидан келаётган филни кўриб, денгиз тўлқинлана бошлабди:

— Фил, фил, менинг сувимни қуритма! Майли, оловни ўчира қолай.

Чуғурчуқ билан денгизни кўрган олов гуриллаб дебди:

— Денгиз, денгиз, мени ўчирма! Майли, тўқмоқни куйдириб юбораман.

Тўқмоқ чуғурчуқ билан олов келаётганини кўриб, фарёд қила бошлабди.

— Олов, олов, мени куйдирма! Илонни калтаклашга розиман.

Тўқмоқни кўриб илон вишиллабди.

— Тўқмоқ, тўқмоқ, мени калтаклама! Маликани чақишга тайёрман.

Малика бўлса даҳшатли илонни кўриб, ёлворибди:

— Илон, илон, мени чақма. Рожадан илтимос қиламан.

Малика рожадан дурадгорни жазолашни илтимос қилибди.

Рожа дурадгорни чақирибди ва тегирмонни бузиб, нўхатни олиб беришни буюрибди.

Дурадгор шу заҳоти тегирмонни бузиб, нўхатнинг иккинчи палласини олиб берибди.

Чуғурчуқ нўхатнинг ярмини сиқимлабди-да, ўзида йўқ суюниб, ҳавога кўтарилибди ва денгиз оша узоқ юртларга учиб кетибди.





## АЙЕР ВАЗИР

у воқеа қадим замонларда бўлган экан. У вақтда Кашмир мамлакатада Баҳодирхон подшолик қиларкан.

Бир куни кечки пайт Баҳодирхон сарой олдидаги боғда ўзига яқин вазирларидан бири билан сайр қилиб юрган экан. Бу гўзал ва оромгоҳ боққа Баҳодирхон ва унинг мана шу вазиридан бўлак ҳеч кимнинг киришга ҳаққи йўқ экан. Аммо шу оқшом боғ эшигини беркитиб қўйиш эсларидан чиқибди-ю, боққа бир кекса қаландар адашиб кириб қолибди.

Қаландарни кўрган вазирнинг фиғони фалакка чиқибди.

— Ҳой хизматкорлар, қаёқдасанлар?! — деб бақирибди у. — Мана бу тиланчини ушлаб, жазосини беринглар! Баҳодирхоннинг табаррук боғини оёқ ости қилди бу нобакор чол!

Аммо Баҳодирхон хизматкорларни тўхтатибди ва қаландарга қараб дебди:

— Отахон, сен кекса ва доно одамсан, кўп нарсаларни кўргансан, кўп нарсаларни биласан. Бизга озгина бўлса ҳам донишмандлигингдан ўргатгин-да, майли, сўнг ўз йўлингга кетавер!

— Бош устига! — рози бўлибди қаландар. — Мен сизга бир афсун сирларини ўргатаман. Фақат ёдингизда бўлсин, дили пок одамларга у нуқул эзгулик келтиради, ярамас одамларнинг эса бошига етади...

— Олампаноҳ, унинг гапларига қулоқ солманг! — дебди шунда вазир.

— Йўқ, нега бундай дейсан? — эътироз билдирибди Баҳодирхон, — майли, гапираверсин! Менинг дилимда ҳеч қандай ёмонлик йўқ.

Шунда қаландар тева­рак атрофга кўз югуртириб, боғ йўлкасида ўлиб ётган бир тўтига кўзи тушиб, унга яқинлашибди. Қушнинг устига энгашиб, пичирлаб афсун ўқиган экан, қаландар шу ернинг ўзида жонсиз қулабди, тўтига эса жон кирибди ва пир этиб учи­б дарахтга бориб қўнибди.

Баҳодирхон ва вазир ҳайратдан ҳанг-манг бўлиб қолишибди.

Бу орада тўти боғни бир айланиб учи­б, қайтиб келибди-да, йўлкага қулаб тушиб, яна жонсиз бўлиб қолибди. Шу пайт қаландарнинг танаси бир силкинган­дек бўлибди. У юмуқ кўзини очибди-да, ўрнидан туриб гўё ҳеч нарса бўлмаган­дек, Баҳодир­хон билан вазирнинг олдига келибди.

Вазир билан Баҳодирхоннинг тилари калимага келмас эмиш. Эс-ҳушларини йиғиб олгандан сўнг Баҳодирхон қаландарга, ажойиб санъатинг сирларини ўргат, деб илтимос қилибди. Вазир ҳам уни қувватлаб, қаландардан ўтина бошлабди. Шунда донишманд қаландар уларга сеҳрли афсун сўзларини ўргатиб қўйибди.

— Фақат бир нарсани ёддан чиқарманглар, — деб қўшимча қилибди у, — бу афсун яхши одамларга зинҳор ёмонлик келтирмайди, аммо ёмон одамларнинг бошини омон қўймайди.

Шу сўзларни айтиб қаландар таъзим қилибди-да, боғдан чиқиб кетибди.

Орадан бир неча кун ўтибди. Кунларнинг бирида Баҳодирхон ўз яқинлари билан шикорга отланибди. Ўрмонда Баҳодирхон вазири билан бошқалардан ажралишибди-да, овлоқ сўқмоқ бўйлаб кетишибди. Йўлда тўсатдан Баҳодирхоннинг оти тўхтаб қолибди. Нима бўлди экан деб Баҳодирхон энгашиб қараган экан, кўзи сўқмоқда ўлиб ётган чиройли бир тўтига тушибди. Қордай оппоқ тўтининг қип-қизил тожи ёқутдай ярқираб эмиш, тумшуғи ва панжалари олтиндай товланармиш. Шунда Баҳодир­хон сеҳрли афсуннинг кучини бир синаб кўрмоқчи бўлибди.

— Қара, ғоят чиройли тўти эканми! Қаландарнинг сеҳрли афсунини синаб, тирилтириб кўр-чи, — дебди у вазирига.

Лекин вазир эътироз билдирибди:

— Бу менинг қўлимдан келмайди, афсун сўзлари ёдимдан кўтарилиб кетган.

Шунда Баҳодирхон дебди:

— Ундай бўлса, сен отимга қараб тур. Қаландарнинг афсунларини мен синаб кўраман.

У отдан сакраб тушибди-да, ўлиб ётган тўтининг устига энгашиб, шошиб-пишиб афсун ўқий бошлабди.

Шу аснода Баҳодирхон ерга шилқ этиб қулабди, тўтига эса жон кирибди-ю, пир этиб дарахтга учи­б чиқибди.

Вазир худди шуни кутиб турган экан, у дарҳол отдан сакраб тушибди-да, Баҳодирхоннинг жасади устига энгашибди ва афсун ўқий бошлабди. Шунда вазир ерга қулабди-да, Баҳодирхоннинг

вужудига жон ато бўлиб, тирилиб кетибди. Фақат бу Баҳодирхон эмас, Баҳодирхон кўринишидаги вазир қиёфасида тирилибди.

Сохта Баҳодирхон жонсиз ётган асл Баҳодирхоннинг жасадини қилич билан қийма-қийма қилиб ташлабди-да, ёнидан камонини олиб, тўтини мўлжалга ола бошлабди. Аммо тўти нола қилгандай чиқиллаб, ўрмоннинг ичкарисига учиб кетибди.

Аччиғи чиққан сохта Баҳодирхон отига сакраб миниб, овчиларнинг олдига учибди, ҳаммасини бир ерга йиғиб, шундай дебди:

— Вазиримиз отдан йиқилиб ўлди. Ўлганнинг сабаби шундаки, қизил тожли оқ тўти унинг отини ҳуркитиб юборди. Сизларга фармон шулки, қаерда қизил тожли оқ тўти кўрсангиз, аямасдан ўлдилинг! Битта ҳам қолмасин!

Овчилар ҳайрон бўлишибди. Бу қанақа фармон бўлди? Ақлга сиғмайдиган иш! Лекин улардан биронтаси ҳам фармон бераётган Баҳодирхон қиёфасидаги вазир эканини хаёлларига ҳам келтирмабди. Ҳақиқий Баҳодирхон оқ тўти эканини улар қаёқдан биларди дейсиз. Улар ўрмон ичига тарқаб кетишибди ва қаерда қизил тожли оқ тўти кўрсалар, камондан ўқ узаверишибдилар.

Овчилар ҳамма қизил тожли оқ тўтини ўлдириб бўлганларидан сўнг Вазирхон уларни мақтабди ва мамнун ҳолда саройга қайтибди.

Лекин сохта Баҳодирхон дарахт қавагига беркиниб, овчиларнинг ўқидан жон сақлаб қолган, беҳад бир чиройли оқ тўти қушининг улар ортидан ғазаб билан қараб турганини хаёлига ҳам келтирмабди.

У саройга келибди-да, мамлакатни ўзи идора қила бошлабди. Фуқаро ва сарой аҳли ҳайрон, тўсатдан Баҳодирхон нега телба тўнини тескари кийиб олди? Нима учун у бирданига шунчалик бераҳм ва баттол бўлиб қолди? Ҳеч ким ҳеч нарсага тушунмасмиш.

Кунлар шундай ўтаверибди. Кунларнинг бирида сохта Баҳодирхон овга жўнабди. Ов бароридан келибди — у ўз қўли билан иккита тўнғиз, битта ёшгина буғу ва кийик отибди. Аммо бир ажойиб қари буғунинг қўлдан чиқиб кетганига ачинибди. Буғу ўрмон ичкарисига қараб қочиб кетибди. Овга қизиқиб кетган сохта подшо буғунинг ортидан от қўйибди.

У узоқ қувибди. Буғу чарчаб қолибди, сохта подшонинг оти ҳам чопишга ярамай қолибди. Буғуни қувиб етолмаслигига кўзи етган подшо ич-ичидан афсусланибди. Шу пайт ўзидан сал наридаги чакалакзор ортида ўлиб ётган бир қоплонга кўзи тушибди.

— Шошмай тур, — дебди Вазирхон. — Энди мендан қутулиб бўлсан! Қора қоплондан қочиб қутуладиган махлуқ борми дунёда!

Сохта Баҳодирхон отдан сакраб тушибди-да, қоплоннинг жасади устига энгашиб, афсун ўқибди. Шу заҳотиёқ ўзи қоплонга айланиб қолибди-да, буғу ортидан ўқдай учибди. Асл Баҳодирхоннинг жонсиз танаси эса буталар орасида қолаверибди.

Шу пайт дарахт тепасидан қизил тожли оқ тўти тезда тушиб келибди. У ерга тушган замоноқ қанотларини йиғиштириб, ўзини ўлганга солибди. Шу он Баҳодирхонга жон кирибди-ю, сакраб отига миниб мулозимлари томон от чоптириб кетибди.

Баҳодирхонни бундай шодон кайфиятда кўриб, овчиларнинг ҳайратдан оғизлари очилиб қолибди. Шу вақтгача ўзлари билан сохта Баҳодирхон бўлганини, энди олдиларига ҳақиқий Баҳодирхон келганини улар қаердан билишсин! Баҳодирхон ширин сўзлар билан ҳамманинг кўнглини кўтариб шундай дебди:

— Ўрмонда бир қора қоплонни кўриб қолдим. У буғуни қувиб кетаётибди. Уни ё ўлдиришлар, ёки тириклайин тутиб келтиришлар. Қоплонни тутиб келганга истаганча мукофот бераман!

Овчилар шовқин-сурон, қийқириқлар билан ўрмон ичига от қўйиб кетибдилар.

Шу тариқа Баҳодирхон узоқ кутибди, ниҳоят олисдан қийқириқ товушлари эшитилиб, бир оздан кейин овчиларнинг ўзи ҳам кўринибди. Ҳаммалари Баҳодирхонни ўраб олибди.

— Қани ўлжангиз? — деб сўрабди Баҳодирхон.

— Марҳамат, олампаноҳ! — жавоб қилибди овчилар.

Шундай деб улар икки ёққа сурилиб, ўртани очишибди. Баҳодирхон овчилар найзаси санчилган, жонсиз қора қоплонни кўриб, ўзига шундай дебди: «Маккор вазир, юрагинг ваҳшийликда ҳайвондан қолишмасди — мана, ҳайвондай ўлим топдинг! Донишманд қаландар бу сеҳрли афсун сўзлари ёмон одамларга ўлим келтиради деб ҳақ гапни айтган экан-да».

Кейин овозини чиқариб:

— Бу қоплонни чиябўриларга қолдиришлар. Энди у хавфли эмас.

Овчилар шундай қилишибди.

Баҳодирхон эса ўша кундан бошлаб, донишманд қаландар ўргатган афсун сўзларини бошқа оғзига олмабди. Яна қандай фалокат содир бўлишини ким билади дейсиз?





## КҶР ТИЛАНЧИ

адим замонда бир шаҳар бўлган экан. Шаҳарнинг ўртасида катта бозор майдони бўлар экан. Шу майдонда ҳар куни бир кўр тиланчи пайдо бўларкан-да, юракни эзадиган мунгли товушда шундай нола қилар экан:

— Ҳой худонинг севган бандалари, бу кўрнинг ҳолига раҳм қилинг, бола-чақангизнинг бош-кўзидан деб садақа хайр қилинг-да, юзимга бир шапалоқ ҳам туширинг! Ҳой худонинг суйган бандалари, садақа хайр қилинг-да, юзимга шапалоқ туширинг! Бойликка хирс қўйиб, кўзларимни қандай кўр қилганимни, ёруғ дунё мен учун қандай қоронғу бўлганини билмоқчи бўлсангиз хайр қилинг, юзимга шапалоқ тортинг...

Энди кўрнинг ҳикоясини тингланг:

— Менинг исмим Абдулла, Бағдодда туғилганман. Отам ўлиб, талай бойлик мерос қолганди, лекин мен ҳафтафаҳм, ландовур бўлганим учун бор бойликни совуриб йўқ қилдим. Шунда хотиним қолган-қутган пулга иккита туя сотиб олишга мени кўндирди. Мен ҳар кимнинг юкларини ташиб, киракашлик билан тирикчилик қила бошладим. Оз-оздан пул йиғиб, бойиб бордим ва бир неча йилдан сўнг менинг карвонимда саксон бош туя бўлди. Мен Бағдоддан Басрага ва бошқа катта-катта шаҳарларга карвон билан бориб ҳар хил моллар сотиб, савдогарлик қила бошладим.

Бир куни карвон билан Бағдоддан уйга қайтиб келаётиб, йўлда дам олгани тўхтадим. Туяларни юклардан озод қилиб, ўтлаш учун қўйиб юбордим-да, кечки овқат қилиш учун бир дарахт остига ўтирдим. Шу пайт қаердандир бир кекса дарвеш пайдо бўлди. Яқин келгандан кейин мен ўрнимдан туриб саломлашдим. У менинг ёнимга ўтирди-да, қаерданлигимни, қаерга кетаётганлигимни суриштира бошлади. Мен унинг саволарига жавоб бериб, кечки овқатни у билан баҳам кўрдим. Бир вақт чол шундай деб қолди:



— Мен тоғда жуда катта хазина яшириб қўйилган жойни биламан. Агар у ердаги олтин ва жавоҳирларни ҳамма туяларингга юклаган тақдирда ҳам камайгани сезилмайди.

Дарвешнинг сўзларини эшитиб, ўша бойликка тезроқ эга бўлиш хаёли ақлимни банд қилди. Мен дарвешни қистай бошладим.

— Тез менга ўша ерни кўрсат, эвазига сенга бир туямни бераман. Жавоҳирлардан унга ортасан-да, хоҳлаган ёгингга кетаверасан.

— Шунча бойликка сен осонлик билан эга бўлаётибсан, — жавоб қилибди дарвеш. — Лекин менинг шартим шуки, туяларингнинг ярмини берсанггина сени у ерга бошлаб боришим ва жавоҳирларни кўрсатишим мумкин.

«Агар унга қирқ туямни берсам, қирқи менда қолади, шуларга ҳам кўтарганча олтин ортсам, кўнгилдагидай иш бўлади, — ўйладим мен. — Ҳеч бир меҳнатсиз шунча катта бойликка эга бўлиш ҳазилакам ишми!» — Хуллас дарвешга қирқ туямни беришга ваъда қилдим.

Биз саксон туяни бир қаторга тизиб, йўлга тушдик. Тез орада бир тоққа етиб келдик ва зим-зиё, чўнқир дара бўйлаб кета бошладик. Бу дара шунчалик тор эдики, туялар фақат турнақатор бўлиб, бир сафга тизилиб ўтишлари мумкин эди. Дарвеш олдинда борарди. Тўсатдан у юришдан тўхтаб, шундай деди:

— Мана, етиб келдик. Туяларингни чўктиргин-да, юкларни ортишга ҳозирла.

Мен дарвешнинг ҳамма айтганларини тўкис бажариб турдим. У сал нарига борди-да, баланд қоя олдида тўхтади. Сўнгра хас-хашакларни тўплаб, олов ёқиб юборди. Гулхан гувилаб ёна бошлагач, қария унга қандайдир кукун ташлади-да, аста алланамалар деб пичирлади. Шунда оёғимиз остидаги ер худди зилзила бўлаётгандек титрай бошлади, даҳшатли қасир-қусур овозлари чиқиб, гулхан ёниб турган жойнинг рўпарасидаги қоя қоқ иккига бўлиниб кетди.

— Ортимдан юр, — деди дарвеш.

Биз чуқурдан юриб бориб, катта бир ғорга дуч келдик. У ерда нималарни кўрдим денг! Олтин тангалар, қимматбаҳо жавоҳирлар билан тўла сандиқлар қалашиб ётарди... Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, у ердаги бойлик чинакам ҳад-ҳисобсиз эди!

Мен эс-ҳушимни йўқотиб қўйиб, қимматбаҳо олтину жавоҳирларга ташланиб, очкўзлик билан қўйин ва чўнтақларимга тиқа бошладим. Аммо дарвеш тезроқ сандиқ ва қопларни олиб чиқиб, туяларга юклашни буюрди.

Юкларни туяларга ортиб бўлганимиздан сўнг, дарвеш сандиқларнинг биридан кичкина кумуш қутича олиб, уёқ-буёқини кўрди-да, авайлабгина чўнтагига солиб қўйди. Сўнг қўлимдан ушлаб, ғордан етаклаб чиқди. Ташқарига чиққанимиз-

дан сўнг яна пичирлаб афсун ўқиди, ер титраб иккига бўлинган қоя бирлашди. Ҳамма нарса илгари қандай бўлса, ўз ҳолига қайтди.

Туялар базўр ўринларидан турдилар, хазинадан олган юкларимиз жуда оғир эди. Кўп ўтмай дарадан чиқдик-да, катта йўлга тушиб олдик.

— Хайр бўлмасам, сенга омад ёр бўлсин. Энди сен дунёда энг бой кишисан,— деди дарвеш.

У қирқ туяни санаб ажратиб олди-да, Басра томон етаклаб кетди. Мен эса қолган қирқ туяни она шаҳрим Бағдод томон бурдим.

Олдинга қараб икки қадам қўяр-қўймас таққа тўхтадим. Очкўзлик ўзининг ўткир тирноқлари билан юрагимни тирнарди. «Мен аҳмоқ дарвешга бекорга қирқ туямни устидаги бойликлар билан бериб юборавераманми? Нима учун бундоқ қилдим? Ўзингни-ўзинг хонавайрон қилдинг-ку, эй хомкалла, шунча кўп бойликнинг дарвешга нима кераги бор? Балким бу ғорни бир вақт ўзим топган бўлармидим, хазинадаги бор бойлик фақат ўзимга насиб этармиди?!»

Қўлдан кетган қирқ туям ва уларга ортилган бойликларни ўйлаган сари юрагимни ит тирнаб, охири чидаб туролмадим, дарвешнинг ортидан чопдим.

— Эй муҳтарам дарвеш! — дедим мен унга етиб олгандан кейин. — Сен жаҳонгашта бир одамсан, сенга шунча туя ва бойликнинг нима кераги бор? Уларни эплаб, урдасидан чиқишинг ҳам амримаҳол. Яхшиси менга туялардан ҳеч бўлмаганда ўнтасини қайтариб бер, сенга ўттизтаси ҳам етибортади. Сенинг бу яхшилигингни бир умр унутмайман!

Дарвеш миқ этмай ўнта туяни ажратиб берди-да, қолганини етаклаб йўлига қараб кетди.

Энди менинг элликта туям бўлиб, ҳаммасига олтину жавоҳирлар ортилган эди, шунинг учун мен жуда бахтиёр эдим. Аммо ўн беш қадам босмай, очкўзлик яна ғолиб келиб, мени қийнай бошлади: «Нимага энди мен ундан биратўла йигирмата ёки ўттизта туя сўраб қўя қолмадим! Балким у менинг илтимосимни ерда қолдирмасмиди. Сўққабош одамга бойликнинг нима кераги бор, асти?»

Яна дарвешнинг ортидан югурдим ва унга етиб олиб, шундай дедим:

— Бу туялар меники эканлигини ёдингдан чиқармаган бўлсанг керак? Мен уларнинг ҳар бирининг феълини яхши биламан, бошқаришда қийналмайман. Сенга эса уларни эплаш анча мушкул бўлади. Яхшиси, менга яна йигирматасини қайтариб бер. Сенга эса ўнтаси ҳам етади.

Дарвеш яна ҳеч нарса демади ва менга туялардан йигирматасини санаб ажратиб берди-да, қолган ўнтасини олиб, йўлида давом этди.



Лекин очкўзлик менга сира тинчлик бермасди. Мен яна дарвешнинг орқасидан бордим-да, қолган туяларни ҳам қайтариб беришни ўтиниб сўрай бошладим. Дарвеш бир оғиз ҳам сўз айтмай, қолган туяларни ҳам менга қайтариб берди.

Энди мен ҳамма туяларимга қайта эга бўлдим-да, шоду хурсанд Бағдод қайдасан деб йўлга бошладим. Шу пайт дарвеш чўнтагига солиб олган кичкина кумуш қутича ёдимга тушди-ю, юрагим алланечук бўлиб кета бошлади: «Дарвеш ҳеч бир сўзсиз менга қирқ туяни устидаги бойликлари билан қайтариб берди, ана шу қутичани ҳам ундан сўраб олсам-чи? Бунинг унга нима кераги бор? Бирон нарсага яраб қолиши мумкин — турса ҳам бирон сўм турар».

Томоша шундан кейин бошланди! Қария қутичани беришга рози бўлмади. Қанча ялиниб-ёлвормай, фойда чиқмади. Мен эсам унга сайин қутичага эга бўлиш иштиёқи билан ёнар, қария эса рад қилгани-қилган эди. Охири у шартта орқасига ўгирилди-да, «бор-э», дегандай йўлга қараб кета бошлади.

Шунда мен ўйланиб қолдим. «Эй тентак! Дарвеш қирқта туяни менга бекорга бергани йўқ, у ўзига энг қимматбаҳо нарсани, яъни шу қутичани олган. Демак, дунёдаги ҳамма бойлик шу қутичанинг ихтиёрида».

Очкўзликдан эс-ҳушимдан айрилаёзим. Дарвешнинг ортидан югуриб бориб, ғиппа ёқасидан олдим-да, дўқ ура бошладим:

— Ҳой дарвеш, яхшиликча қутичани бер, бўлмаса уриб бўлса ҳам тортиб оламан!

Дарвеш қарасаки, авзойим бузуқ, уни ўлдириб қўйишим ҳам ҳеч гап эмас, қутичани қўйнидан чиқариб менга берди-да, кетмоқчи бўлди. Аммо мен уни қўйиб юбормай, сўрадим:

— Аввал айт, бу қутичада қандай сир бор? Унинг қиммати нимада?

— Бу қутичада сеҳрли бир модда бор. Агар ундан фойдаланиш йўлини билиб олсанг, дунёдаги ҳамма бойлик оёғинг остида бўлади, — деб жавоб қилди дарвеш.

Шундан сўнг мен дарвешдан бу моддадан қандай фойдаланиш йўлини ўргатишни илтимос қила бошладим. Чол миқ этмасди, мен эса дўқ уриб, талаб қилишимни қўймасдим. Ниҳоят у қутичани очди-да, унга иккита бармоғини тиқиб, тез тортиб олди ва бир нарсалар деб пичирлаб, бармоқлари билан менинг ўнг қовоғимни силаб қўйди.

Тўсатдан атрофдаги тоғлар ўз қучоғини очгандай бўлиб, қаерда олтин, қаерда кумуш, қаерда олмос ва бошқа қимматбаҳо тошлар кони борлиги кўз олдимда тургандай кўрина бошлади. Энди мен дунёдаги жами бойликларга эга бўлишим мумкин эди. Лекин бу ҳам камлик қилаётгандай туюла бошлади.

— Моддадан чап қовоғимга ҳам суртиб қўй, — деб буюрдим дарвешга.

— Бу мумкин эмас, — деди дарвеш, — агар яна шу моддани кўзга сурадиган бўлсанг, бир умрга кўр бўлиб қоласан?

Аммо мен дарвешнинг сўзига ишонмадим, ўзимча у алдаётган бўлса керак, мендан энг зарур бир сирни яшириб қолмоқчи бўляпти деб ўйладим.

— Агар менинг айтганимни қилмасанг, сени ўлдираман! — деб қаҳр-ғазаб билан бақирдим мен.

— Яхши, мен сенинг бу илтимосингни ҳам бажараман. Энди ўзингдан кўр, — жавоб қилди дарвеш ва сеҳрли моддани менинг чап қовоғимга аста теккизиб қўйди.

Чол қўлини қовоғимдан олар-олмас, бирдан теварак-атрофни зим-зиё қоронғулик чулғаб, ҳеч нарса кўринмай қолди. Мен кўр бўлиб қолган эдим.

Эҳ, нимасини айтай, мен қариянинг оёқлари остига ўзимни ташлаб, зор-зор йиғладим, ялиниб-ёлвордим, афсуски, энди фойдаси йўқ эди.

— Ҳамма туяларимни бойликлари билан ол, қутича ҳам ўзингга буюрсин, фақат мен ношуд ва нокасни кечир, кўзларимнинг нурини қайтар, одамга ўхшаб яшай, — дедим дарвешнинг этагига осилиб.

— Ҳой мусофир, — деб жавоб қилди қария. — Аввалда айтганимга қулоқ солмадинг: ўзингдан кўр, энди сенга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Афсус-надомат ёшларини тўкиб, очкўзлик сени ёруғ оламни кўришдан маҳрум этган кунни бир умр эслаб юрасан.

Шундай деди-да, дарвеш саксон туяни бойликлари билан олиб, жўнаб кетди.

Мен бақирдим, чақирдим, ерга бошимни урдим, дарвешнинг этагига ёпишдим, афсуски, у лоақал мени катта йўлгача олиб чиқиб биронта карвонга қўшиб юборишга ҳам рози бўлмади.

Тоғларда оч-яланғоч, узоқ тентираб юрганымдан сўнг, ниҳоят бир амаллаб катта йўлга чиқиб олдим. Шу ёққа келаётган бир карвонга қўшилиб яхши кишиларнинг кўмагида манзилимга етиб олдим. Мана, ўшандан бери ёруғ оламни кўришдан бенасиб, хору зор, муҳтож, ғарибликда хайр-садақа билан бир кунимни ўтказиб юрибман. Хатомни англаган дастлабки ондаёқ менга хайр-садақа қилган кишидан очкўзлигимга мукофот ўрнида юзимга бир шапалоқ тушириб қўйишни илтимос қиламан, деб ўз-ўзимга сўз бериб қўйгандим. Бошимдан ўтганлари ана шулар, ҳеч ким мендай хору зор бўлмасин, шайтон йўлдан оздириб, гавҳари шамчироқдай чароғон кўзидан айрилмасин.





## УЧТА ОЛТИН ҚЎҒИРЧОҚ

ивоят қилишларича, бир подшо бўлган экан. У қўшни салтанат фуқароларининг зеҳнини билмоқчи бўлибди ва совға тариқасида мамлакат султониغا учта олтин қўғирчоқ юборибди. Қўғирчоқларнинг ҳаммаси ташқи кўриниши, бўйбастии ва оғирлиги бир-биридан ҳеч фарқ қилмас экан. Лекин подшо, бу қўғирчоқ бир хил бўлса ҳам, уларнинг нархи ҳар хил, бири арзон, иккинчиси қиммат, учинчиси ундан ҳам қиммат, шунини ҳал қилиб беришса, деб тайинлаб юборибди.

Совғадан қўшни мамлакат султонининг боши осмонга етибди ва сарой аҳлини йиғиб, қўғирчоқларнинг бири иккинчисидан нимаси билан фарқ қилишини аниқлаб беринглар, деб буюрибди. Сарой аҳли учала қўғирчоқни бир-бир қўлга олиб кўриб чиқибди-ю, уларда ҳеч қандай фарқ йўқ, деган қарорга келибди.

Ғалати совға тўғрисидаги хабар яшин тезлигида бутун шаҳарга тарқалибди. Аммо ҳеч ким уларнинг нега бири арзону бири қиммат деган муаммони ечолмабди.

Арзимаган айби учун зиндонга ташланган бир ёш камбағал йигит бу хабарни эшитиб, қўғирчоқларни кўрмоқчи эканлигини султонга етказишни илтимос қилибди. «Агарда ҳақ бўлиб чиқсам, мени зиндондан озод қилсалар бўлгани», — дебди у.

Султон йигитни саройга олиб келишни буюрибди. Қўғирчоқларни ҳам олиб келиб, унинг олдига қўйишибди.

Йигитча қўғирчоқларни диққат билан кўздан кечирибди ва уччаласининг ҳам қулоғи ичида тешикчалар борлигини пайқабди.

Шунда у бир буғдой поясини олибди-да, қўғирчоқлардан бирининг қулоғига тиқибди, поянинг учи унинг оғзидан чиқибди. Сўнг пояни иккинчи қўғирчоқнинг қулоғига тиққан экан, поянинг учи унинг нариги қулоғидан чиқибди. Пояни учинчи қўғирчоқнинг қулоғига тиққан экан, пая унинг қорнига тушиб кетибди.

Шунда йигит подшога қараб, одоб билан дебди:

— Ҳазрати олийлари, бу қўғирчоқларда инсонларга хос одатлар мавжуддир. Мана бу биринчи қўғирчоқ, эшитганларини дарров ҳаммага гапириб берадиган одамларнинг тимсолидир. Бундай одамга ишониб бўлмайди. Шунинг учун бу қўғирчоқнинг баҳоси қиммат эмас. Иккинчи қўғирчоқ эса, ҳамма гапни бир қулоғи билан эшитиб, иккинчисидан чиқариб юборадиган одамлар рамзидир. Бундай одам беғам бўлиб, у бировнинг гапига қулоқ ҳам солмайди, маслаҳатига ҳам кирмайди. Учинчи қўғирчоқ эса худди «туя кўрдингми, йўқ» қабилида юрадиган, эшитган гапини ичига ютиб кетадиган одам мисолидир. Бундай одамлар вазмин мулоҳазали бўлиб, уларга ишонса бўлади. Шунинг учун ҳам унинг баҳоси ҳаммасидан юқори туради.

Йигитнинг гапларини эшитган Султон ўзида йўқ хурсанд бўлибди. Сарой аҳли уни олқишлаб, иззат-икромга сазовор қилибди. Шундан сўнг Султон ҳар бир қўғирчоққа ўз баҳосини ёздирибди-да, унга совға қилиб юборган подшога қайтариб юборибди. Йигитчани эса зиндондан озод қилиб, саройига хизматга олибди.



## АЙЕР ШОҚОЛ

Йтишларича, қадим замонда тулки билан товуқ бир умрли дўст бўлишга аҳдлашиб, ўша кундан бошлаб ўзларини қариндош деб эълон қилишибди. Бу воқеани нишонлаш учун улар бир кунни мўлжаллаб, иккови ҳам уйида мусаллас солишибди, мусаллас тайёр бўлгач эса бир-бирларини меҳмонга чақирибди. Аввал шоқолникида мусаллас ичишибди, кейин эса товуқникига боришибди.

Товуқ мусалласдан кўпроқ ичиб қўйибди шекилли, бирпасда боши қийшайиб, мудраб кетибди. Атрофида болалари қанча чирқилласа ҳам у сезмабди. Шунда шоқолнинг миясига: «Шу товуқни еб қўя қолсам қандай бўларкин?» — деган шум ўй келибди. У шундай қилибди ҳам. Маст-аласт товуқни тишлаб бир четга олиб ўтибди-да, шартта бўйнини узиб, паққос туширибди. Бечора жўжалар етим қолишибди.

Эртасига жўжалар чирқиллайвериб оламни бузишибди, уларнинг овозини эшитган сари шақолнинг сўлаги оқиб, иштаҳаси очилибди. Чунки бир кун олдин еган товуғининг мазаси ҳали оғзидан кетмаган экан-да, шунинг учун қандай қилиб бўлмасин уларни қўлга тушириш режасини қилибди. У жўжаларнинг олдига борибди-да, уларни сўроққа тута бошлабди:

— Қани, жиянчалар, берироқ келинлар-чи, хўш, намунча чирқиллаб қолдиларинг, а?

— Амакижон, онамиз ўлиб, ёлғиз ўзимиз қолдик, шунинг учун хафа бўляпмиз, — деб жавоб беришибди жўжалар.

— Сизлар қаерда ухлайсизлар ўзи? — деб сўрабди шоқол.

— Токчаларда ухлаймиз, — деб жавоб беришибди жўжалар.

Шундай қилиб, шоқол ўзига керакли жавобни олибди-ю, нари кетибди. Жўжалар эса ўзаро гаплашишибди: «Худди мана шу шоқол онамизни еган. Энди эса бизларни емоқчига ўхшайди. Шу қилганига бугун ҳеч қайсимиз у ерда ётмаймиз». Улар шундай



қарорга келиб, девордаги тоқчаларга пичоқнинг тиғини тикка қилиб қўйишибди. Кеч кириши билан шоқол келиб, секин панжасини тиқиб, тоқчалардан жўжаларни олмоқчи бўлган экан панжалари қоғ-қора қонга беланиб чиқибди. Оғриқнинг зўридан ихраб-сихраб қуруқ қайтиб кетибди.

Эртасига шоқол жўжаларни яна саволга тутибди:

— Хўш, жиянчалар, қани айтинглар-чи, мунчаям ҳовлини бошларинга кўтариб чирқиллайсизлар, а?

— Э, амакижон, онамиз ўлиб, етим бўлиб қолдик, — деб жавоб қилишибди жўжалар.

— Энди қаерда ухлайсизлар? — сўрабди шоқол.

— Учоқ ичида, — деб жавоб беришибди жўжалар.

Шоқол кетибди. Кеч тушиши билан у қайтиб келиб қараса, жўжалар ҳали ухлашмаган экан, яна изига қайтишига тўғри келибди. Жўжалар эса ўчоққа олов ёқишибди-да, устига кул тортиб қўйишибди. Орадан сал ўтмай шоқол келибди ва ўчоқнинг рўпарасига яхшилаб жойлашиб олибди. Панжасини шундоқ ўчоқ ичига тиққан экан, қўлини куйдириб олибди. Шу ҳолатда қўлини тортиб олаётиб, бир катта чўғни жўжа хаёл қилибди ва ола оғзига тиқибди, шўрлик, оғзи ҳам куйиб, овозининг борича додлаб юборибди.

Унинг дод-войини эшитиб, жўжалар мириқиб кулишибди. Улар бу гал қовоқ хурма ичига беркиниб олишган экан. Шоқол эса уларнинг чиқиш йўлини тўсиб, бундай дебди:

— Менинг шундай аҳволга тушишимга сизлар айбдорсизлар. Шунинг учун ҳаммангизни битта қўймай ейман.

Жўжалар шундай дейишибди:

— Амакижон, майли, бизларни ей қол, фақат илтимос, ўз уйимизда ема. Ахир онамизни ҳам уйда емагансан-ку, тўғримми? Полизимизнинг ёнида каттакон ясси тош бор, бизларни ўша ерга оборгин-да, ундан кейин еявер.

— Бўпти, жиянчаларим, сизлар айтгандай бўла қолсин. Буни яхши ўйлабсизлар. У ер ўзимга ҳам ёқади, хотиржам ўтириб оламан-да, ҳаммангизни ейман.

Шу сўзларни айтиб, у ҳақиқатан ҳам қовоқ хурмани ичидаги жўжалари билан бирга кўтариб кетибди. У энди ўша тошга етай деганда алланарсага сирпаниб, қўлидаги хурма майда-майда бўлибди. Фурсатдан фойдаланиб жўжалар ҳар томонга тумтарақай бўлиб тарқаб кетишибди. Шоқол эса ҳангу манг бўлиб қолаверибди. Бир жўжа энг пастда экан, бошқа жўжалар уни ахлатлари билан булғаб, югуролмай қолибди.

Шоқол унга қараб дебди:

— Жуда соз. Ҳарҳолда овқатсиз қолмабман. У жўжалар гуноҳга ботган жўжалар бўлса керак, шунинг учун қочиб кетишди. Мана, энди бир маза қиламан.

Жўжа эса унга бундай дебди:

— Тўғри, сен мени ейишга ейсан. Лекин ҳарҳолда шу туришимда емассан? Аввал мени тозалаб ювинтиргин-да, ана ундан кейин егин.

— Гапинг тўғри, — дебди шоқол. — Аввал ювиб, сўнгра ейман.

Ҳақиқатан ҳам у жўжани яхшилаб ювибди. Жўжа эса унга яна:

— Менга қара, амакижон, барибир мени ейсан. Кел, емасингдан олдин озроқ қуриб олай, — дебди.

— Э, йўқ, — дебди шоқол. — Агар қуришингни кутадиган бўлсам, яна қочиб қоласан.

— Начора, сен менга ишонмас экансан, унда майли, мени тумшуғингда қурита қол. Мен эса, қуриган заҳотим оғзингни оч, деб айтаман, — дебди жўжа.

Шоқол худди жўжа айтганидек қилибди-да, уни тумшуғига ўтқазиб олибди. Жўжа обдон қуригач, шоқолга:

— Амакижон, оғзингни катта очиб тур, мен қуридим, — дебди.

Шоқол оғзини катта очган экан, жўжа тўппа-тўғри унинг тилига ичини бўшатибдию учиб кетибди. Учгандаям шунақанги баланд учибдики, қараса, асти қўяверасиз. Учиб-учиб охири ерга қўнибди, қараса, у ерда чумоли уяси бор экан. Шоқол ҳам уни кўздан қочирмай қувиб келибди. Шу қувиб келишида йўл-йўлакай туфлаб-туфлаб тилини жўжанинг ифлосидан аранг тозалабди. У ҳам чумоли уясига югуриб келиб, уянинг атрофини тимирскилаб чиқибди. Қараса, уянинг қўл бемалол сиғадиган тешиги бор экан. У хурсанд бўлиб, ўз-ўзига дебди: «Ҳойнаҳой, у мана шу тешикка кириб беркинган бўлса керак». У кучаниб-тирмашиб қўлини тешикка тиқибди-ю, лекин қўли уянинг охирига етмабди. У тирноқлари билан ерни ўйибди тишлари билан тупроқни ғажибди, лекин бундан ҳеч бир иш чиқмабди. Аммо шундай ташлаб кетишга ҳам кўзи қиймабди. Жўжа эса бу пайтда бошқа ёққа жуфтакни ростлаб қолган экан. Охири шоқол шундай дебди:

— Нима бўлса бўлди. Менинг оғзимга ичингни бўшатиб, қочиб қолдинг. Шунинг учун, сени то емагунимча қўймайман. Ярамас тирранча, нима, ҳали бу ерда қишлаб қолмоқчимисан? Майли, хоҳлаганингда ўтираверишинг мумкин. Мен сени тутмагунимча шу ерда пойлаб ўтиравераман. Қилган номаъқулчиликларингга бошинг билан жавоб берасан ҳали.

У айтгандай қилибди. Тешикнинг рўпарасига ўтириб, пойлай бошлабди. У пойлаб ўтираверибди, бир вақт қирчумолилар унинг орқасини кемириб ташлашибди. Охири пойлаш жонига тегибди, бир ёқдан эса очлик қийнаб юборибди. У турибди-да, ўзига-ўзи: «Тайёр луқма қўлдан кетди. Энди бу ерда бекорга пойлашдан фойда йўқ. Бу жинқарча яна лақиллатиб кетди. Қўлимга тушган

пайтида еб қўяқолганимда-ку, шунча оворагарчилик бўлмасди. Қандай қилиб қўлдан чиқариб юбордим асти?» — дебди.

Шу тариқа у ўзича минғирлаб, судралганича балиқми, қисқичбақами тутгани пастга қараб кетибди. У ерда эса битта кампир балиқ овлаб ўтирган экан. Шоқол уни кўриб:

— Ҳой кампир, менам шу ердан балиқ тутсам майлими? — дебди.

— Йўқ, сувни чиқараман деб адои тамом бўлдим. Ундан кўра қолган сувни чиқариб юборсанг-чи, — дебди кампир.

— Ҳали шунақа бахилмисан, кампир? Энди ўзингдан кўр: шу бахиллигинг учун ҳозир бир тишлаб олайки...

Шоқолнинг бу гапидан кампирнинг эси чиқиб кетибди.

— Қўйсанг-чи, майли, хоҳлаганингда балиқ тутақол, кел иккаламиз шерикчиликка тутамиз-да, кейин ўлжаларни иккига бўламиз, — дебди.

Шоқол сувга тушибди ва улар балиқ овлашга киришибди. Кампир унга:

— Сен олдинда сувни лойқалатиб бор, шунда ҳамма балиқлар юзага сузиб чиқади, — дебди.

Шоқол худди кампир айтганидек қилибди: сувда шатир-шутур кечиб, сакрабди, шўнғибди, хуллаас сувни обдон лойқалатибди. Бир кичикроқ балиқни тутибди-да, ҳовлиққанидан бутунлайин ютиб юборибди. Кампир қуруқликка чиқиб турибди, шоқол эса тинмай сакраб, сувни лойқалатаверибди. Шунда бирдан у ютиб юборган балиқ орқасидан лип этиб чиқиб кетибди. У эса уни сезмай, яна тутиб оғзига солибди.

— Ҳой кампир, нега энди балиқ тутмай, четга чиқиб олдинг? Мана мени қара, ҳам еяпман, ҳам тутяпман, — дебди шоқол.

Кампир эса унга бундай дебди:

— Нималар деяпсан? Қараб турсам еяётган балиғинг ҳам, тутаятган балиғинг ҳам битта-ку. Шу балиқни нечанчи марта тутяпсан ўзи?

— Э, нималар деб валдираяпсан? Мен ҳар хил балиқларни тутяпман, — дебди шоқол.

— Йўқ, — деб ўзининг гапини маъқуллабди кампир, — икковиям битта балиқ. Ютаётган балиғинг орқангдан чиқиб кетяпти. Агар гапимга ишонмаётган бўлсанг, битта балиққа белги қилиб е. Ана шунда биласан уми ёки бошқалигини.

Шоқол худди кампир айтганидек қилибди. Битта балиқни тутиб белги қўйибди-да, ютиб юборибди. Сўнг яна сувни лойқалатиш учун сакраб, ирғиётган экан, орқасидан балиқ лип этиб чиқибди. Шоқол уни тутиб қараса, ўша ўзи белги қўйган балиғи. Қўрқиб кетиб орқасини ушласа ҳақиқатан ҳам тешилиб ётибди.

— Бувижон, маслаҳат бер, энди нима қилай? — деб кампирга ёлворибди у.

— Этикдўзга борсанг, ўша ерингга ямоқ солиб тикиб қўяди, — деб маслаҳат берибди кампир.

— Бўпти, ҳозироқ ўша ёққа бораман, — дебди шоқол ва югурганича кетибди. У этикдўзникига борибди-да, унга:

— Ҳой этикдўз, менинг орқамни ямаб қўйсанг. Қилган хизматинг эвазига мен сенга хўроз бераман, — дебди.

Этикдўз ҳақиқатан ҳам унинг орқасига ямоқ солибди ва унга шокилаям тақиб қўйибди. Бу унга жудаям ёқибди, шунинг учун этикдўзнинг хизмат ҳақига битта хўроз тутиб олиб бориб берибди.

Орадан қанча вақтлар ўтиб, шоқол товуқ ўғрилагани бир қишлоққа бориб қолибди. У ҳар қадам ташлаганида орқасидаги шокилалари ҳилпираб-шаддираркан. Бу эса шоқолнинг ўзига жудаям ёқаркан, бундан димоғи чоғ бўлиб, ўзича қўшиқ куйлай кетибди:

*Елиб келаётир золим қароқчи  
Елиб келаётир рожа Кознда  
Икковидан эҳтиёт бўлиб, қоч!  
Йўқса маҳв этар у, бир зумда.*

Унинг бу қўшиғини эшитган қишлоқ аҳли қўрқиб тум-тарақай бўлиб ҳар ёққа қочиб кетишибди. Шоқол эса қишлоққа бемалол кириб келиб хоҳлаганча товуқларни тутибди. Қорни тўйгач, орқасига қайтибди, қишлоқ аҳли ҳам кейин аста уйларига қайтишиб келишибди.

Эртасига шоқол яна ўз қўшиғини куйлаб ўша қишлоққа кириб борибди. Унинг қўшиғини эшитиб одамлар яна қишлоқдан қочиб кетишибди. Фақатгина битта кампир ҳеч қаёққа кетмабди. «Қочиб қаергаям борардим. Майли, мени ўлдирса ўлдирақолсин ўша қароқчилар. Уйимни таласа, талай қолсин, нимаям бор эди уйда», — дебди у ўзига-ўзи ва чўчқахонага кириб беркинибди.

Шоқол эса қишлоққа кириб, зир югурганча товуқларни қувибди. Ҳамма қишлоқни айланиб фақат семизларини ахтарибди. Битта семиз хўрознинг кетидан қувиб бориб кампир беркинган жойга кириб қолибди. Шунда шоқол кампирни кўриб қолиб тўхтабди ва унга:

— Ҳой кампир, ёнингдаги хўрозни тутиб олиб менга бер, бўлмаса битта қўймай тишингни қоқиб оламан, — дебди.

— Керак бўлса ўзинг тут, ўзим зўрға ўтирибман, — деб жавоб қилибди кампир.

Кампир унга ёрдамлашмагандан кейин шоқол хўрозни ўзи тутибди-да, ўша ердаёқ саранжомлаб қўя қолибди. Кейин эса кампирнинг ёнига келиб шундай дебди:

— Хўш, менга хўрозни тутишга ёрдамлашгинг келмади, мана энди ўзим олдингга келдим. Қани, кампир: «Шоқол», дегин-чи.

Кампир:

— Соқол, — дебди.

— Йўқ, «Шоқол» дегин, — дебди.

Кампир «шоқол» дейишга шунча ҳаракат қилса ҳам, «соқол» деяверибди. Бундан шоқол хурсанд бўлиб, роса мириқиб кулибди.

Шоқол кула-кула орқасига қайтиб кетибди.

Кеч тушгач, ҳамма одамлар яна қишлоққа қайтиб келишибди.

Кампир уларни масхаралаб:

— Қароқчи деганга ўтакаларинг ёрилиб кетди, ҳа ландовурлар! Бу ҳаммаси ярамас шоқолнинг найранги экан. У товуқ ўғирлаш учун шундай қилган экан. У мениям товуқ тутишга ундаётувди, кўнмадим.

Шунда халойиқ: «Эртага ҳеч қаёққа қочмаймиз. Ҳамма уй-уйида беркиниб ўтирсин, у кимнинг уйига кирса таёқ билан савалаб ўлдирамиз», деган қарорга келишибди. Уларнинг орасидан бир киши чиқиб:

— Йўқ, бўлмайди. Бу аҳволда барибир тутолмаймиз. Менимча, бундай қилган маъқулроқ: шу кампирга ўхшатиб мумдан ҳайкал ясаймиз. Уни кўчанинг охирига олиб бориб, кўлини қовуштирган ҳолда қўямиз. Шоқол гапириб-гапириб ўзини тутолмайди-да, унинг кўлига урилиб ёпишиб қолади.

Шунда ҳамма суюниб кетибди:

— Тўппа-тўғри, жуда яхши ўйлабсан. Худди айтганингдек қиламиз.

Ҳаммалари мум йиғишга киришибди-да, кечаси билан ундан кўриқчи ясашибди. Тонг отиши билан уни кўчанинг охирига олиб бориб қўйишибди, ўзлари эса кимда қандай қуроли бўлса олиб, шоқолни кутиб ўтиришибди.

Урганган кўнгил ўрганса қўймас, деганларидек, мазахўрак бўлиб қолган шоқол яна қишлоқ кўчаларида пайдо бўлибди. У қишлоққа кира туриб ўз қўшиғини бошлабди. Шоқол кўчанинг охиригача келибди: бундай қараса бир хотин кўлини қовуштириб, кўчанинг ўртасида ўтирганмиш. У дарҳол дўқ уришни бошлабди:

— Ҳой кампир, йўлимни тўсма? Агар йўлимдан қочмасанг, бир уриб тинчитиб қўя қоламан.

Хотиннинг жойидан қимирламаганини кўриб, шоқол ҳақиқатан ҳам уни бир тепган экан, орқа оёғи мумга ёпишиб қолибди.

— Ҳой кампир, жаҳлимни чиқарма, қўйиб юбор, — деб қичқирибди у.— Войдод, ойижон, манави кампир мени тутиб олди! Вой ярамас-ей, агар ҳозироқ қўйиб юбормасанг, кунингни кўрасан.

Шоқол қарасаки, бутун ҳаракатлари бефойда, кампир унинг дўқ-пўписасини писанд қилмаяпти, шунда олдинги оёқлари билан тепган экан, улар ҳам чиппа ёпишиб қолибди.

— Войдод! Манави кампир қўлларимни ушлаб олди, ёрдам беринглар, — деб додлайверибди шоқол.

У бошқа оёғи билан тепган экан, у ҳам ёпишиб қолибди. Шундай қилиб, ҳамма оёғи мумга ёпишибди.

— Вой ярамас кампир, оёқ-қўлларимни қўйиб юбор яхшиликча. Бўлмаса тишлаб оламан, — дея яна қичқирришга тушибди.

Ҳақиқатан ҳам, қочишнинг иложи бўлмагандан кейин қўлидан нимаям келарди? Шартта тишлаган экан, тишлари ҳам мумга ёпишиб, бутунлай оғзиниям очолмай қолибди. Шундай қилиб у ҳолдан кетибди.

Қишлоқ аҳли эса кутиб-кутиб, охири: «Қани, бир бориб кўрайлик-чи, нима бўлдийкин, қўшиқ айтиб келаётганини эшитувдик, негадир энди овози ўчиб қолди», — деб уйларидан чиқибдилар. Қарашса, шоқол мумга ёпишганча ётганмиш. Ҳаммалари қўлларидаги болтаю таёқ билан уриб, уни ўлдиришибди.

Шундай қилиб шоқол ҳақидаги эртагимиз ҳам ниҳоясига етди.





## ШОҚОЛ БИЛАН АНУА

ир қишлоқда она ва бола яшашаркан. Боланинг оти Ануа экан. У саҳарлаб ер ҳайдагани чиқиб кетар, нонуштасини эса онаси ўша ерга оборақан. Бир куни онаси нонушта олиб кетаётган йўлда унга шоқол дуч келиб қолибди.

— Бувижон, нима олиб кетяпсан? Қани, ерга қўй-чи. Агар қўймасанг, сени ғажиб ташлайман, — деб пўписа қилибди у.

Қўрқиб кетган кампир қўлидаги саватни ерга қўйибди. Шоқол Ануа учун тайёрланган, устига ёсмиқ қайласи солиб пиширилган гуручнинг салкам ҳаммасини еб қўйибди, кампир идишнинг тагида қолган сарқитларини ўғлига оборибди. Ануа эса еяётган овқати шоқолнинг сарқитлари эканлигидан беҳабар, пок-покиза туширибди. Ушандан бери шоқол кампирнинг йўлини пойлаб, уни қўрқитиб, ўғлига аталган овқатни ейишни одат қилибди.

Бир куни ўғли онасидан:

— Ойижон, нимага кейинги вақтларда менга жуда оз овқат олиб келяпсиз, бунинг устига унчалик тоза эмасга ўхшайди. Ёки овқат тайёрлашни ҳам унутиб қўйяпсизми? — деб сўрабди.

Шунда кампир ўғлига бўлган воқеани қўрқа-писа айтиб берибди.

Эртасига тонгда ўғил ҳўкизларни омочга қўшиб берибди-ю, кампир уларни далага ҳайдаб кетибди. Ануа бели ва кўкракларини латгалар билан ўраб, худди хотинлардек кийиниб, қўлидаги саватга егуликларни солибди. Ҳар кунги вақт бўлгач, саватни бошига қўйиб, йўлга тушибди. Йўл-йўлакай у худди кампирдек қўлидаги ҳассасига таяниб кетаверибди.

Бир пайт тўсатдан олдидан шоқол чиқиб қолибди.

— Қани, кампиршо, қўлингдаги овқатни ерга қўй-чи, бўлмаса ҳозир ўзингни еб қўяман, — дебди у.

Йигит бошидаги саватни олиб, ерга қўйибди. Шоқол овқатни ейиш учун энгашибди. Шунда Ануа қўлидаги таёғи билан шоқолни бир урган экан, анча нарига учиб кетибди ва жон талвасасида ўрнидан тура солиб қоча бошлабди.

— Вой-вой-вой! Бу ахир Ануа-ку! — дебди у ва пўписа қилибди: — Шошмай тур ҳали, Ануа. Сен ярамас мендан кўрадиганингни кўрасан. Шу қилганинга бир боламасам, отимни бошқа қўяман.

Шоқол унга шундай пўписа қилиб, жўнаб қолибди.

Йигит далага келибди-да, бўлган воқеани онасига айтиб берибди. Кейин она-бола ўтирволиб қотиб-қотиб кулишибди. Кеч тушгач, ҳўкизларни уйга ҳайдаб кетишибди. Эртасига Ануа омоч дастасига пичоқ боғлаб қўйибди.

Кечаси шоқол ҳеч ким йўғини пойлаб келибди-да, омочга чиққани ҳамон оёқларини пичоқ қирқиб кетибди.

— Вой-дод! — деб қичқирибди у. — Ануанинг дастидан дод. Мени қонга белади. Шошмай тур ҳали эккан ловияларингни битта қолдирмай еб қўймасам...

Ануа ловиязорга гир айлантириб тиканакли қозиқ қоқиб чиқибди. Шоқол кечаси келиб, энди ловияларга энгашган экан тумшуғи тўғри тиканларга урилибди.

— Вой-во-ей, Ануанинг ловиялариям тишлайди-я, — деб дод солиб юборибди у.

Шундай қилиб у ловиязордан ҳам қуруқ қайтибди.

— Ярамас Ануа, шу қилганинга товуқларингни битта қолдирмай еб қўяман. Додингни кимга айтсанг айтавер, — дебди у ўзича.

Эртасига Ануа ўроқни олиб, уйдаги товуқлар учун ажратилган бурчакка беркиниб олибди, кечаси шоқол келиб, уйга пусиб кирибдида, товуқхонага яқинлашибди. Энди тумшуғини товуққа чўзган экан, Ануа қўлидаги ўткир ўроғи билан товуқ чўқиётгандек уни туртиб юборибди. Шоқол орқага учиб кетибди. Яна яқинлашган экан, у яна ўшандай қилибди. Шундай қилиб шоқол у ердан ҳам қуруқ қайтибди. Ҳовлига чиқиб:

— Ҳей-а, сенларам худди эгаларингдан бир тук бошқа эмас экансанлар. Шошма, Ануа, энди қўлимдан тирик чиқиб бўйсан.

У Ануани сўка-сўка изига қайтиб кетибди. Эртасига қишлоқда Ануа ўлибди деган овоза тарқалибди. Кампир, ўзини худди ўғлига қуяётгандек кўрсатиб, йиғлаб-йиғлаб ўрмонга йўл олибди. Унинг рўпарасидан шоқол чиқиб қолибди.

— Ие, нима бўлди, нега бунча куюниб йиғлаяпсан? — сўрабди шоқол.

— Сен қарғанингни учун ўғлим Ануа ўлиб қолди, шунинг учун йиғлаяпман-да, — жавоб берибди кампир.

Шунда шоқол:

— Қилмишига яраша жазо олибди-да. У мени жуда ёмон урувди. Яхшики ўлибди, бўлмаса мендан кўрадиганини кўрарди. Хўш, қани айт-чи, унинг маъракасини қачон ўтказмоқчисан? — деб сўрабди.

— Бугун, шу бугун кечқурун ўтказмоқчиман. Сени маъракасига айтиш учун келаётувдим буёққа. Ўзимга-ўзим: «Ахир унияма»





худди ўғлимдек боқувдим, шунинг учун маъракага қатнашин», дедим-да, буёққа йўл олдим. Албатта боргин, гуруч пишираман, устига аччиққина қайла қиламан, нон ёпаман. Уғлим ўлмасидан аввал нима пиширсам олдини унга бериб, кейин ўзим ердим. Энди қандай қилай, мен бечорага шу алам ҳам бормиди-я, — деб куюниб йиғлабди кампир.

— Бўлди, бувижон, кўп йиғлайверма, мен энди унинг ўрнини босаман. Нима пиширсанг олдидан менга берасан.

— Майли, юра қол бўлмаса.

— Балки кечроқ борганим яхшимикин-а? — деб сўрабди шоқол.

— Майли, албатта боргин-да! Тагин алдаб юрмагин, — дебди кампир.

— Хотиржам бўл. Алдамайман.

Шундай қилиб кампир уйига, шоқол эса ўрмонга — шерикларини йиғиб келишга кетибди. Улар бир тўда бўлиб йиғилишибди-да, кеч тушгач, Ануаникига йўл олишибди.

Уларни кампир кутиб олибди:

— Келақолинглар, болаларим, кираверинглар.

Улар жойлашиб ўтиришгач, кампир қўллари билан тиззаларига уриб:

— Вой, болам, вой, болам! Бевақт ўлган Ануам, мени ташлаб кетган болам, — деб йиғи бошлабди. Шунда шоқол:

— Бувижон, бўлди, кўп йиғлайверма. Энди нимаям келарди қўлингдан. Ўлган одам тирилмайди. Йиғини бас қилиб, бизга овқат тайёрла, — дебди.

Кампир хумчаларни чайибди-да, кулбасига олиб кириб, олов ёқибди. Бир пайт шоқол кампирдан илтимос қилибди:

— Бувижон, бизларни боғлаб қўйсанг, бўлмаса бир-биримиз билан уришиб кетишимиз мумкин.

— Жуда тўғри айтдинг, ўғлим. Ҳозир ҳаммаларингни боғлаб қўяман.

Кампир шундай деб, чилвир билан ҳаммасини боғлаб қўйибди, сурбет шоқолни эса бошқаларидан кўра маҳкамроқ чандиқлаб боғлабди.

— Болаларим, мен ҳозир нон ёпаман, иссиққина еб оласизлар. Гуручни эса ундан кейин қайнатаман, чунки у кеч пишади, — дебди кампир.

— Майли, майли, — деб чуввос солишибди шоқоллар, — фақат имиллама, тезроқ ёпа қол нонингни.

Кампир оловга товани қўйибди, това обдон қизигач, унга сув сачратибди. Сувнинг вишиллаганини эшитиб шоқоллар суюниб кетишибди:

— Оҳ-оҳ, ҳидини қара-я. Ҳозир хўп меҳмондорчилик бўлади-да.

Сурбет шоқол эса тоқатсизланиб ўрнида сакрамоқчи ҳам бўлибди.

Ануа бўлса беркиниб ётган экан. У таёқни қўлига олиб, секин ўрнидан турибди-да, шоқолларни бирин-кетин савалай бошлабди, шоқоллар ҳатто ён-атрофларига ҳам қарашга улгуришолмабди. Улар арқонни тишлари билан ғажиб-ғажиб узиб, ура қочишибди.

Фақат ўша сурбет шоқолгина арқонга чандиб боғлангани учун ҳеч қаёққа қочолмабди, уни Ануа ўласи қилиб калтаклаб, ҳовлига олиб чиқиб ташлабди, у эрталабгача ўша ерда беҳуш бўлиб ётибди.

Азонда Ануа шоқолни дарё бўйига судраб олиб борибди-да, катта ёғочга боғлаб, ёнига таёқ ташлаб қўйибди. Кимда-ким сувга келса олдин қўлига таёқни олиб, шоқолни роса калтакларкан. Калтак зарбидан шоқол роса шишиб кетибди.

Кечаси бошқа шоқоллар сув ичгани у ерга боришибди. Қарашсаки, оғайнилари семизгина бўлиб ётганмиш.

— Ҳой, оғайни, нима еяпсанки, бунча семирибсан? Бизларни қара, жуда озиб кетяпмиз. Бунинг сирини бизларга ҳам ўргат.

— Мен фақат гуруч ейман. Кимки сувга келса, албатта менга гуруч олиб келади. Овқатинг тайин бўлгандан кейин семирасанди.

— Агар бизларни ҳам ёғочга боғлаб қўйишса гуруч беришадими? — деб сўрабди битта шоқол.

— Бўлмаса-чи, нега беришмас экан, албатта беришади. Ҳаммаларингга бўлмаса ҳам битта-иккитангга албатта беришади. Агар гапимга ишонмаётган бўлсанг, кел, сени ўзимнинг ўрнимга боғлаб қўяман. Хотиринг жам бўлсин, эртага тонг отиши билан насибали бўласан.

Унинг бу марҳаматидан нариги шоқол хурсанд бўлиб кетибди.

— Бўпти, кел, қани, бир сениям айтганингни қилиб кўрай-чи, зора мен ҳам бир оз семирсам.

Шундай деб у сурбет шоқолни арқондан ечибди-да, ўрнига ўзини боғлатибди. Эрталаб, қуёш чиқиши билан узоқдан келаётган бешта хотинга кўзи тушиб ўзида йўқ суюнибди: «Ана, бештаси келаяпти, ҳар бири бир қисимдан берса, беш қисим гуруч ейман. Бир тўядиган бўлдим-да». У шуларни ўйлаб турганда, бешала хотин келиб бошларидаги кўзани ерга қўйибдилар. Биттаси қўлига таёқни олиб, шоқолнинг елкасига бошлаб туширибди. Кегидан эса қолганлар навбатма-навбат уришибди. Шоқолнинг аъзойи бадани қақшаб кетибди. У ўзини арқондан бўшатиш учун ҳарчанд уринса ҳам иложи бўлмабди. Шу орада яна бир нечта аёл етиб келибди. Қарашсаки, шоқол арқондан бўшашга уриняпти, шунда улар қўлларидаги таёқ билан то шоқолнинг жони чиққунча савалашибди.

Сурбет шоқол эса вақт ғаниматида қочиб қолибди.

Шундай қилиб эртагимиз ҳам тугади.



## ЙЎЛБАРСНИНГ ҚАСАМИ

авар ва Гонд деган бола жуда иноқ дўст бўлишган экан. Улар далага ишлагани бормай, доимо шўхлик, безорилик қилиб ўйнаб юришаркан. Қўлларига ўзлари ясаган ўқ-ёйларини олиб, дарё бўйига боришаркан-да, бекиниб, сувга келадиган қизларнинг хумларини уриб синдиришаркан. Улардан қўни-қўшнилар жуда безор бўлишибди. Чунки болаларнинг дастидан товуғу эчкиларга қун йўқ экан. Сабр-тоқати тугаган халқ бир куни уларникига келиб, ота-оналарига шикоят қилишибди. Ота-оналари болаларини яхшилаб калтаклашибди, улар эса парво қилмай, яна безорилик қилаверишибди. Иш шу билан тугабдики, натижада қишлоқ аҳли уларни қишлоқдан ўрмонга бадарга қилиб тинчибди.

Улар ўрмонда кетатуриб, икки томони жарлик бўлган жуда тор жойдан чиқиб қолишибди. Гонд олдинда кетаётган экан, бундай қараса рўпарасида йўлга кўндаланг бўлиб йўлбарс турганмиш. У секин-аста юриб, йўлбарснинг устига сакрабди-да, қўли билан иккала қулоғидан ушлаб, тумшугини ерга теккизбди. Кавар эса орқасидан келиб, унинг думидан ушлаб олибди. «Энди нима қилсак экан-а, — деб ўйлашибди болалар. — Агар уни қўйворадиган бўлсак, ўша заҳотиёқ бизларни еб қўяди. Уларнинг ўйини уққан йўлбарс:

— Кимсизлар? — деб сўрабди.

— Йўлбарс овловчилармиз, — деб жавоб қилишибди улар.

Уларнинг жавобидан йўлбарс қўрқиб кетибди-да:

— Йўлбарсларни нима қиласизлар? — деб сўрабди.

— Уларни омочга қўшамиз, — дейишибди болалар.

— Эсларинг жойидами ўзи, йўлбарсниям ҳеч замонда омочга қўшадами?

— Агар биз омочга ҳўкизларни қўшсак ҳосилимиз фақат гуруч бўлади, агар йўлбарсни қўшсак — тилла ва кумуш.

Бу гапдан йўлбарс баттар қўрқиб кетибди ва ўз-ўзига: «Агар

шуларнинг қўлидан омон чиқсам ўн иккита йўлбарсга зиёфат қилиб берардим», — деб қасам ичибди. Кейин яна:

— Омогча қўшиш учун сизларга яна нечта йўлбарс керак бўлади? — деб сўрабди.

— Бизда битта йўлбарс бор эди, мана энди сен билан иккита бўлди, — дейишибди улар.

Болалар ўзлари билан ойна оллолишган экан, уни йўлбарснинг рўпарасига қўйишибди. Йўлбарс у ерда ўз аксини кўрибди-да: «Болаларнинг гапи ростга ўхшайди», деб ўйлабди.

— Нима, олтин ва кумушларни фақат ер ҳайдаб топса бўлади, деб ўйлайсизларми? Мен озмунча рожаларни, уларнинг болаларини едимми? Уларни еб, ҳамма бойликларини горга олиб бориб яшириб қўйганман. Агар мени қўйворсаларнинг уларни сенларга берардим.

Улар йўлбарсни турғизиб думидан ушлашибди-да, бирга горга йўл олишибди. Гор ҳақиқатан ҳам олтину кумушга тўла экан. Йўлбарс улар қўтаргунча олтин-кумушлардан берибди.

Кейин эса ўзи қасамини бажаришга кетибди. Бир кийикни ўлдириб, ўн иккита йўлбарсни зиёфатга чақирибди. Болалар уйларига кетишгаётган экан, қарасалар рўпараларидан ўн учта йўлбарс келаётганмиш. Гонд бирпасда дарахтга чиқиб, энг учидаги шохга ўтирволибди, дўсти эса биринчи булоққа ўтириб олишгаям улгуролмай, дарахтнинг танасини қучоқлаб осилиб тураверибди. Йўлбарслар эса шу дарахт тагига келишгач, ораларидан бир қарироғи:

— Жуда чарчадим. Келинглар, бирпас шу ерда нафас ростлаб олайлик, — дебди.

Бошқалари эса:

— Ундан кўра ҳали мазаси кетмасидан туриб кийикни мана шу ерда еб қўяқолайлик, — дейишибди-да, гўштни ўн уч бўлакка бўлишибди. Ҳар бирлари ўзига тегишлисини олгандан кейин қарироқ йўлбарс биринчисидан сўрабди:

— Зиёфатни бошлашимиздан олдин айт-чи, қани, нима учун бундай қасам ичган эдинг?

Биринчи йўлбарс аввалига гап бошлашга ботинолмай турибди, кейин эса бошидан кечирган воқеани айта бошлабди. Шу пайт осилиб туравериб чарчаган Кавар шалоп этиб уларнинг қоқ ўртасига тушибди. Гонд эса унга тепадан:

— Каттароғини тут, ҳой, каттароғини. У менинг кечки овқатимга етади, — деб қичқирибди.

Унинг гапини эшитиб, ваҳимага тушган йўлбарслар тумтарақай бўлиб қочиб қолишибди. Гонд дарахтдан тушибди-да, биргалашиб кийикни ўтда пишириб, кечки овқатга ўтиришибди.

Эртасига улар ўз қишлоқларига қайтишибди, уларнинг бойиб келганларини кўриб, қўшнилари ҳам хурсанд бўлиб кутиб олишибди.



## НОМОЗГАР

ир қишлоқда бой савдогар яшаркан. Унинг биттау битта ўғли бор экан. Бир куни кечки пайт уларнинг уйига учта ўғри беркиниб олибди. Худди ўша куни шу уйга йўлбарс ҳам келибди — у бойнинг ўғлини ўғирлаб кетмоқчи бўлган экан.

Кечки овқатдан кейин ўғли отасига шундай дебди:

— Ота, рухсат берсангиз, қайнатамникига бориб келсам.

— Қўй, ўғлим, бугун бормай қўяқол, — дебди ота. — Тун яқин. Ҳадемай номозгар киради.

Уларнинг гапини эшитиб турган йўлбарс ўзига-ўзи дебди: «Тун нималигини жуда яхши биламан. Кириб келаётган Номозгари кимийкин, а?» Йўлбарс қўрқувга тушиб, дағ-дағ титрабди. У номозгар дегани бирор-бир ўзидан ҳам кучлироқ, қудратлироқ мавжудотмикин, деб ўйлабди.

Уй эгалари уйқуга кетгач, учала ўғри қопларни олтин-кумуш тангалар билан тўлдиришибди. Қоп жуда оғир бўлгани учун жойидан қўзғата олишмабди. Молхонага кириб қопни кўтартириш учун битта ҳўкизни олиб чиқмоқчи бўлишибди. У ерда эса йўлбарс бекиниб ўтирган экан, ўғрилар уни ҳўкиз деб ўйлаб олиб чиқишибди-да, бўйнига арқон ташлаб, устига қопни ортишибди. Битта ўғри олдинда, иккитаси эса йўлбарсни судраб унинг кетидан кетишибди. Уларнинг ўртасида бош эгиб кетаётган йўлбарс: «Келаётган Номозгар дегани шу бўлса керак», деб ўйлабди.

Тонг отгач, йўлбарсни кўрган ўғрилар оёқларини қўлларига ола қочиб қолишибди. Йўл ингичка жарликка томон кетган бўлиб, у ерда йўлбарс тиқилиб қолибди. Шу яқин атрофда бир чўпон молларни боқиб юрган экан. Йўлбарс бақириб, уни ёрдамга чақирибди. Чўпон аввал ёрдамга боришга қўрқибди, лекин йўлбарс унга тегмасликка қасам ичгач, у ёрдамга келибди. Чўпон йўлбарснинг устидаги қопни туширган экан, у озод бўлибди. Кейин чўпонга:

— Манави пулларни саватингга сол-да, уйингга жўна. Агар йўлда бирор кимса учраб, бу нима, деб сўраса, кечки овқатимга гўшт олиб кетяпман, дегин. Фақат битта нарсани сенга эслатиб қўяй, ҳеч қачон оғзингдан Номозгар деган сўз чиқмасин. Мабодо шу сўзни эшитиб қолгудек бўлсам, ўша заҳотиёқ сени еб қўяман, — дебди.

Шу гапларни айтиб, йўлбарс ўрмонга кириб кетибди, чўпон эса тилла тўла саватни олиб уйига равона бўлибди.

Уша кунданоқ у бойиб, ўзига хизматкорлар ёллабди. Орадан бир қанча вақт ўтибди.

Бир куни хотини чўпон йигитга:

— Рухсат этсанг, ота-онамни кўриб келмоқчийдим, — дебди.

У эса:

— Қўйсанг-чи, бемаҳалда нима қиласан бориб. Тун яқин, Номозгар тушиб қолди, — дебди.

Худди шу пайтда йўлбарс уйнинг орқасида уларнинг гапларини эшитиб турган экан. У «Номозгар» деган сўзни эшитиб, қаттиқ ғазабланибди. Ҳамманинг уйқуга кетишини кутиб турибди-да, уйга кириб чўпонни олиб чиқиб кетибди. Тонг отгач унга:

— Мана энди мен сени ейман, — дебди.

Чўпон эса:

— Мени қулай вақтда есанг бўларди. Ҳозир ҳаво анча совуқ, гўштарим ҳам ёғочдай қотиб қолган. Бир оз тоқат қилсанг, кун исигач анча юмшайди, кейин есанг бўлади, — дебди.

Йўлбарсга унинг маслаҳати ёқибди, у кутишга рози бўлгач, чўпон уйқуга кетибди.

Кечаси чўпоннинг хотини уйғониб кетибди, қараса эри ўрнида йўқ эмиш. Бундан у анча безоталанибди. Қўлига хумни олиб, етти жойидан тешибди-да, ўртасига мойчиरोқ ўрнатибди. Оёқ-қўлига анча-мунча билагузуклар тақибдию, ноғора ва мойчироқни олиб йўлга тушибди. Ҳар қадам босганида тамтамни чалиб, билагузукларини жиринглатиб кетибди.

Мана, ниҳоят у эри билан йўлбарс ўтирган жойга етиб келибди. Уни кўриб қолган йўлбарс чўпондан: «Бу ким?» деб сўрабди. У эса:

— Номозгар деганим мана шу бўлади, — дебди.

Қўриқиб кетган йўлбарс чўпонга ялинибди:

— Жон дўстим. Мени тезроқ яшир. Агар яширсанг сени емайман.

— Ҳой чўпон, шу атрофда Номозгарнинг нонуштасига ярарли бирорта йўлбарс кўринмадими? — деб сўрабди.

Чўпон унга шундй жавоб қилибди:

— Йўқ, бу ерда йўлбарс нима қилади?

— Унда ҳув анави ёнингдаги нима? — деб сўрабди хотини.

— Буми? Э, бу бир бўғча латта-ку.

— Қани, агар гапинг рост бўлса, ўша латтани тош билан урчи, — дебди у.

Шунда йўлбарс чўпонга:

— Майли, уравер. Фақат авайлаб ур, — дебди.

Чўпон йўлбарснинг бошига авайлаб ура бошлаган экан, хотини:


— Қаттиқроқ ур! Қаттиқроқ! — дея бақирибди.

Йўлбарс ҳам:

— Майли, майли, сал қаттиқроқ уравер, — дебди.

Шунда чўпон бор кучи билан урган экан, йўлбарс ўлиб қолибди.

Хавф-хатардан қутулган эр-хотин хурсанд бўлиб уйларига қайтишибди.







## ҚУЁН БИЛАН САНТАЛ

Йтишларича, жуда қадим замонда қуён сантал билан бахслашиб қолибди. Қуён сантални енголмагач, сантал унга шундай дебди:

— Мана энди мен сени ўзинг билан бирга қийингача қолдирмай ейман.

Ҳақиқатан ҳам ўшандан буён санталлар қуённи қийи билан ерканлар. Бир куни ғалати воқеа юз берибди. Сантал меҳмондорчиликка кетибди. Бир жойда йўл ўрмонзоргача чўзилиб кетган бўлиб, у ерда қуён ўтирган экан. Қўлларини силкитиб келаётган сантални кўрган қуён ўзича ўйлабди. «Шу кетиши бўлса ҳозир қўллари албатта узилиб тушади». Шу ўй хаёлидан кечиб, у санталнинг кетидан кетаверибди. қанчалик тез югурмасин, унинг қўллари узилиб тушмабди. Сантал шу вақт тўсатдан орқасига қараб қолиб, қуённи кўрибди. У қуён билан гаплашмоқ ниятида тўхтаган экан, қари қуён сакраб-сакраб унга яқинлашибди. Сантал унга савол бера бошлабди:

— Хўш, қуёнвой, қани менга айт-чи, нима учун орқамдан сакраб келаётувдинг?

Қуён олдин унга ўзи тўғрисида гапириб берибди-да, кейин:

— Мен сени изингни пойлаб юрувдим, — дебди.

— Хўш, нима учун?

— Юришингни кўриб, мана ҳозир қўлинг узилиб тушса керак деб ўйловдим. Агар узилиб ерга тушса уни емоқчийдим. Шунинг учун орқангдан пойлаб келаётувдим. Изма-из юриб жудаям чарчадим, қўлинг эса узилай демаяпти.

Шунда сантал қуёнга:

— Вой қуён-ей, мунча аҳмоқ бўлмасанг-а, ҳув анави хурмо дарахтини кўряпсанми? Тагига боргин-да, то унинг бирорта барги тўкилмагунча қимирламай кутиб ўтиравер. Қачонки барги тўкилса, менга олиб кел, ана ўшандагина менинг ҳам қўлим узилади, олиб бемалол ейсан, — дебди.

Қуён хурмо дарахтининг тагига югуриб кетибди. Дарахтдан бирорта барг тўкилишини қанча вақт пойлаганини ким билади дейсиз, лекин барг тушиш уёқда турсин, ҳатто қимир этмабди. Тоқати тоқ бўлган қуён яна сантал қошига чопиб келибди-да:

— Ахир биттаям барг тўкилмаяпти-ку, — дебди.

— Ана кўрдингми, шуни доимо эсингда тутки, ҳамонки хурмо дарахтининг барги тўкилмас экан, менинг ҳам қўлларим узилиб тушмайди. Вақти келиб ўлсам, ўшанда қўлим ириб-чириб йўқ бўлиб кетади. Мен бугундан бошлаб шундай қарорга келдим. Кимда-ким сени ўлдиргудек бўлса, ичак-чавоғингу қийинггача қолдирмай есин. У ҳамма учун қонун бўлиб қолсин.

Ушандан буён ўлган қуённи ҳамма ҳеч нимасини чиқитга чиқармай ейдиган бўлган экан.





## ИККИ ИЛОН

— адим замонда мури табақасида бир рожа бўлган экан. Уни Жаҳатпал Сингх деб чақиришаркан. У ишлашни, меҳнат қилишни ёқтирмагани сабабли куни уйда бекорчиликда ўтаркан. Бир куни хотини шундай дебди.

— Қанақа деҳқонсанки, иш айна қизиган пайтда далада бўлиш ўрнига уйда ўтирганинг ўтирган-а.

Хотинининг таънаю дашномлари таъсир қилиб, рожа ахийри ҳосилни қушу ҳайвонлардан қўриқлаш учун далага чиқибди. Ўтириб, бундоқ қараса ўрмон томондан тутун кўтарилаётганмиш. Ҳаммаёғи оловда куйган бир илон, ўрмондан ўрмалаб чиқиб келибди-да:

— Ердам бер, бўлмаса иссиқдан ўлиб қоламан! — дея қичқирибди.

Рожа эса:

— Сенга сепай десам, сувим ҳам йўқ. Келақол, оғзимни очиб тураман, қорнимга тушиб бир оз совийсан-да, ана ундан кейин хоҳлаган ерингга кетаверасан, — дебди.

Шундай деб у оғзини очган экан, илон қорнига тушибди. Бир оз ўтгач, рожа, ичимда анча совигандир, энди буёққа чиқсаям бўларди, деб ўйлабди-да:

— Бўлди, оғайни. Чиқақол энди, — дебди.

Илон бўлса:

— Вой, бу ер шундай маза жой эканки, овқат ҳам, ичишга сув ҳам мўл экан. Ҳеч қаёққа кетмайман. Шу ерда қоламан, — дебди.

Шундай қилиб илон рожанинг қорнида қолибди. У ерда илон борган сари семириб, рожа эса озиб кетаверибди. Озганидан мамлакатни идора қилишга ҳам ҳоли етмай қолибди. У ҳокимиятни ўғлига топширибди-да, тарки дунё қилиб ўрмонга кетибди.

Бечора рожа юриб-юриб бир мамлакатга бориб қолибди. У ерда битта боғбонни кўриб:

— Менга иш топиб берсанг, — дебди.

— Аҳволингга бир қара, чўп-устихон ҳолингга қандай ишни қойиллатардинг? — дебди боғбон.

— Ҳеч бўлмаса қоровуллик қиларман, — деб ялинибди рожа. — Майли, иш ҳақи ҳам бермай қўяқол, фақат қорним тўйса бас.

Улар шунга келишишибди. Бу мамлакат рожасининг олти ўғли ва бир қизи бўлиб, бир куни у фарзандларидан сўрабди:

— Хўш, болаларим, қани менга айтинглар-чи, устингиздаги кийим-кечагу сарф-харажатлар қаердан келади? Улар кимнинг пешона тери билан топилади?

Ҳамма ўғиллар бараварига:

— Албатта, сизнинг меҳру садоқатингиз туфайли, — деб жавоб қилишибди.

Қиз эса:

— Мен ўзимни ўзим боқаман, — деб жавоб берибди.

Қизнинг жавобини эшитган рожа жуда қаттиқ ғазабланибди, у маслаҳатчисини чақирибди-да:

— Буюраман, қизимга эр топ, у шундай бўлсинки, хотини уч кун ичида тул қолсин!

Маслаҳатчи рожанинг қизига қалтираб-шалвираган куёв қидириб кетибди. Унинг не юмуш билан юрганини эшитган соқчилар бошлиғи:

— Кеча боғбоннинг олдига қоровулнамо бир одам келувди, балки ўша яраб қолар куёвликка, а? — дебди.

Маслаҳатчи бориб, қоровулни кўриб келибди ва рожанинг қизини унга беришибди. Тўйдан кейин ҳам ғазабдан тушмаган қизнинг отаси:

— Уларни ўрмонга ҳайдаб юборинглар. Менга деса ўлиб кетишсин, — дебди.

Соқчилар келин-куёвни ўрмонга олиб бориб, ейишга ҳатто бир бурда нон ҳам қолдирмай ташлаб келишибди. Бечора рожа ёшгина хотини билан йўл юра-юра бошқа бир шаҳарга бориб қолибди.

Шаҳарга етиб қолгач, рожа хотинига:

— Мен сендан анча каттаман. Тўримдан гўрим яқинроқ. Шунинг учун ёш умрингни хазон қилма, ўзингга бошқа эр топ. У билан бахтли бўласан, — дебди.

— Мен энди сенинг хотинингман. Бошингга қандай иш тушса, бирга тортамыз. Бахтни ҳам, қайғуни ҳам сен билан баҳам кўраман, — деб жавоб қилибди.

Улар шаҳар чеккасидан ўзларига уй қурибдилар. Хотини уйма-уй юриб иш қидирибди, бировнинг гуручини тозалабди, яна бировнинг эса буғдойини янчибди. Хуллас, очдан ўлмаслик учун тўғри келган ишни қилаверибди. Эрини ҳам оч қолдирмай, ўлимдан асраб қолибди.

Бир куни рожа ухлаб ётар экан, хотини унинг ёнида ўтириб,

«нима қилсам эрим оёққа туриб кетади», дея хаёлга чўмибди. Бир пайт бундай қараса, уй бурчагидаги чумоли инидан бир илон чиқиб келяпти. У судралиб келибди-да, эрининг қорнига жойлашиб олган илон билан гаплаша бошлабди:

— Ҳой нобакор, рожа олижаноблик қилиб ҳаётингни сақлаб қолди, сен бўлсанг унинг ҳаловатини ўғирлайсан. Биронта одам рожанинг лабларига мураббо суртиб қўйса борми, ўша заҳоти унинг ичидан чиқардинг.

— Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ,— деб жавоб қайтарибди рожанинг ичига жойлашиб олган илон.— Чумоли инида озмунча пул йиғиб қўйганмисан? Бирорта одам агар ўша инни кавласа борми, сени ўлдириб, ҳамма бойлигингга эга бўларди.

Улар ўзаро нима гаплашишган бўлса, хотин ҳаммасини эшитиб ўтирибди. Эртасига у яна қўшнилариинг ишларини қилибди-да, хизмат ҳақига мураббо сўрабди. Кечқурун рожа уйқуга кетиши билан хотини унинг лабларига мураббо суртиб қўйибди. Мураббодан таралаётган хушбўй ҳидни олган рожанинг қорнидаги илон секин жойидан чиқиб келибди. Хотин ўша заҳоти уни болта билан чопиб ташлабди. Кейин чумолининг ини олдига борибди-да, инни ковлаб иккинчи илонни топибди ва уни ҳам ўлдирибди. У ерда бир хум тўла тилла бор экан.

Рожа уйқудан турибди, қараса соппа-соғ, ҳеч қаери оғримаётган эмиш. Тез орада соғайиб, аввалги ҳолига қайтибди. Бунинг устига бир хум тиллага ҳам эга бўлибди. У хотинини олиб ўз мамлакатига қайтиб келибди, умрининг охиригача даври даврон сурибди.





## ЯХШИЛИКНИ БИЛАДИГАН ҲАЙВОНЛАР

ир эр-хотин ўз ўғлилари билан яшарканлар. Орадан бирмунча вақт ўтиб, аввал хотини, кейин ўғли ўлиб қолибди. Уларнинг бевақт ўлимига чидолмаган ота бошини олиб уйдан чиқиб кетибди. Йўлда уни худолар кўриб қолишибди-да, сўрашибди:

— Нимага бизларнинг олдимизга келяпсан? Кет бу ердан.

— Ўғлим ўлиб қолди, — дебди у.

Худолар эса худди унинг гапини эшитмагандек:

— Бориб қудуқдан сув олиб кел, — дейишибди.

У қудуққа бориб сув торта бошлабди. Бир пайт ёнига маймун келибди-да:

— Ичишга сувингдан бер. Балки бир кун сен ҳам менинг уйимга келарсан ва биз ўла-ўлгунча дўст тутинармиз, — дебди.

У маймунга сувдан берибди. Кейин эса йўлбарс келибди-да, шундай дебди:

— Ичишга сувингдан бер. Балки бирор кун келиб сен ҳам менинг уйимга келарсан ва биз ўла-ўлгунча дўст тутинармиз.

У йўлбарсга ҳам сув берибди. Ундан кейин эса илон судралиб келибди. У ҳам:

— Ичишга сув бер. Балки бирор кун келиб сен ҳам менинг уйимга келарсан ва биз то ўлгунча дўст тутинармиз, — дебди.

У илонга ҳам сув берибди.

То у сув олиб боргунча худолар кетиб қолишибди. Қўлида кўза тўла сув, энди нима қилсамикин, деб ўйлабди ўзича.

Кейин эса маймунниқига йўл олибди. Маймун уни хурсанд бўлиб кутиб олибди-да, ўтқизиб оёқларини ювиб қўйибди. Борини қўйиб овқатлантирибди, кетар олдида унга олиб кетиш учун озроқ оби ҳаёт берибди.

Кейин у йўлбарсниқига борибди. Йўлбарс меҳмон кўрқиб кетмасин деб модасини уйдан чиқариб юборибди. У ҳам меҳмонининг оёқларини ювиб қўйибди-да, тўрга ўтқазиб, уйда

бор нарсалар билан меҳмон қилибди. Кетар чоғида эса унга тилла маржон берибди.

У йўлида давом этиб, нотаниш мамлакатга бориб қолибди ва дарё ёқасида ўтириб, ўзига нонушта тайёрлашга киришибди. Тилла маржонни эса шундоқ ёнгинасига қўйибди. Шу вақтда айланиб юрган соқчи йўловчининг ёнидаги тилла маржонни кўриб қолибди.

— Хаҳ ўғри, бу маржон рожанинг хотининики-ку, уни сен ўғирлабсан-да, Қани, олдимга туш-чи, — деб уни саройга олиб кетибди. У эса ёрдамга дўсти илонни чақирибди. Кечаси илон саройга ўрмалаб кириб, рожани чаққан экан, у ўлиб қолибди.

Қишлоқ аҳли ваҳимага тушибди. Ҳамма дори қидириб уёқдан-буёққа югуриб юрибди, ана шунда йўловчи уларга:

— Рожани фақат мен ҳаётга қайтара оламан, — дебди.

Қишлоқ аҳли унинг оёқларига йиқилиб, тезроқ ёрдам беришини сўрашибди. У дўсти илонга чаққан жойидаги заҳарни сўриб олишини илтимос қилибди. Илон дарҳол сўрган экан, рожа тирилибди. Шунда рожа ўзига-ўзи дебди: «Ким мени ҳаётга қайтарган бўлса ўшанга албатта қизимни бераман».

Қишлоқда тўй тайёргарлиги бошланиб кетибди. Ҳар хил ширинликлар пиширибди, гуруч тозалаб, буғдой янчишибди. Иккита хизматкор аёл тўйда кийиш учун қўйлақларни ювишибди. Куёвнинг тугунига оби ҳаёт тугиб қўйилган экан. Улар тугунни ечиб, ҳалиги сувни топишибди, олиб ичишган экан, ўша заҳоти ёш ва чиройли бўлиб қолишибди. Ювган кийимларини олиб, қайтиб келишган экан, рожанинг хотини уларни танимабди. «Кимсизлар?» — деб сўраган экан:

— Куёвингнинг тугунидаги сувдан ичган эдик, кўриб турганингдек, яшариб қолдик, — дейишибди.

Буни эшитиб рожанинг хотини ҳам ёшаришни хоҳлаб қолибди. Шунда куёви яна дўсти маймуннинг олдига бориб, ундан оби ҳаёт олиб келибди ва ўғлига ичирган экан, у тирилибди. Рожа уларга битта қишлоқни совға қилибди ва улар шундан кейин бахтли ҳаёт кечира бошлашибди.





## ҚИСҚИЧБАҚАНИНГ ДУСТЛИГИ

Йтишларича, жуда қадим замонларда икки ака-ука яшаган экан. Каттаси уйланган бўлиб, кичиги эса ҳали бўйдоқ экан. Ота-оналари болалар кичиклигидаёқ ўлиб кетган бўлиб, улар опаларининг қўлида қолган эканлар. Опалари одамларнинг уйидаги юмушларини бажарар, далада эса бугдой бошоқларини теришга қарашиб, ейишга арзигули бирон нима топиб келаркан.

Опалари ҳам вояга етиб, турмушга чиқиб кетибди, ака-ука бир бурда нонга зор бўлиб, бутунлай ёлғиз қолишибди. Уларнинг аҳволи оғирлигини тоғалари эшитиб, олиб кетгани келишибди.

— Хўш, жиянларим, эшитишимча, уй-жойсиз қолган эмиш-сизлар, ёнларингга кирадиган бирор-бир жигаргўшанг ҳам қолмабди бу ерда. Бизларникига бора қолинглар, бўпгими?

Шу қишлоқда болаларнинг амакиси — оталарининг укаси ҳам яшаркан. Уни ҳам чақириб келишибди. Тоғанинг бу гапларига у қўшилмабди.

— Майли, болалардан бирини сиз олинг, — дебди амакиси. Биттаси эса бизникида қолсин. Эшитганлар нима дейди.

Тортиша-тортиша ниҳоят болаларнинг кичигини она уруғига, каттасини эса ота уруғига беришга келишишибди. Энди тарқалай деб туришганда, ораларидан кимдир:

— Менга қаранглар. Болаларнинг тақдирини биз ўзимизча ҳал қилаётимиз, уларнинг ўзлари бунга нима дейишаркин? — дебди.

— Буни қаранг-а, шу нарса ҳеч биримизнинг хаёлимизга келмабди. Майли. Ҳалиям кеч эмас. Болаларни чақиринглар, ўзларидан сўраймиз.

Болалар келишгач, улардан сўрашибди:

— Хўш, жиянларим, гап сизларнинг тақдирларингиз устида кетяпти. Сизлар нима дейсизлар? Бизнинг таклифимизга розимисизлар?

Болалардан кичиги ҳали жуда ёш бўлгани учун каттаси гапирибди:



— Гапларингиз жуда тўғри. Узим ҳам шуни ўйлаб турувдим. Агар иккаламизни барабар олиб кетмоқчи бўлганингизда мен ҳам рози бўлмасдим. Негаки, бу ерда бизнинг еримиз бор, ана шунинг учун тоғажон, майли, сиз укамни олиб кета қолинг, мен эса шу ерда қоламан.

Улар шунга келишишибди. Шундай қилиб болаларнинг кичигини тоғалари олиб кетишибди, каттаси эса амакилари билан шу ерда қолибди.

Бола улғайиб, то амакиси ва кеннойиси уйлантиришгунча уларнинг уйида яшабди. Улар йигитни ҳамма ишга ўргатишибди. У уй ишларида ҳам, далада ҳам берилиб, жон-жаҳди билан ишларкан. Қўлидан келмайдиган иш йўқ экану фақат бечоранинг хотинидан толеи бўлмабди. Хотини дангаса бўлиб, бирор иш буюришса аразлаб, ҳадеб уйига кетиб қолаверар, эри эса кетидан бориб ялиниб-ёлвориб қайтариб келаверар экан, оқибатда ишлар ўлда-жўлда қолиб кетар экан.

Шундай қилиб кунлар ўтаверибди. Орадан бир йил ўтиб, у амакиси билан кеннойисини қолдириб, қайнатасиникига кўчиб кетибди. Лекин у ерда ҳам узоқ яшай олмабди. Яна хотинини олиб ўз қишлоғига қайтиб келибди. У ерда ўзига ҳовли-жой қуриб хотини билан бирга яшай бошлабди.

Укаси эса тоғасиникида эрка-тантиқ бўлиб ўсибди. Қўлини совуқ сувга урмаганидан ношуд бола бўлибди. Ака эса бундан беҳабар экан. Уйи битгач, хотинига:

— Мана, уйлик ҳам бўлди, молларимиз ҳам бор. Энди кимдир бу молларга қарашни керак бўлади. Укамни олиб кела қолсаммикин, нима дейсан? — дебди.

Хотинига бу гап маъқул бўлибди. Шундан кейин бориб болани олиб келишибди. Олиб келишга-ку олиб келишибди-я, лекин у ҳеч бир ишга ярамабди. Молларни хоҳласа боқар, хоҳламаса боқмас экан. Акаси билан кеннойиси жаврайвериб чарчашибди. Уришиб ҳам кўришибди, яхши гапириб ҳам кўришибди, лекин фойдаси бўлмабди. Гап эшитавериш жонига теккан ука яна тоғасиникига кетиб қолибди. Лекин у ерда ҳам текинтомоққа ҳеч ким эътибор бермабди. Ука яна бўйин эгиб аканикига борибди. Унинг дангасалиги бутун қишлоққа маълум бўлибди, шунинг учун у билан ҳеч ким ошначилик қилмабди. Акаси эса у ишлайдими, йўқми, барибир очликдан ўлиб қолмасин деб боқиб юраверибди.

Шундай қилиб, ука йигит ёшига етибди. Лекин уни уйлантириш на акасининг ва на кеннойисининг хаёлига келибди. Охири бир куни уканинг ўзи шундай деб ўйлай бошлабди: «Қарасам, мени уйлантириш буларнинг хаёлида ҳам йўққа ўхшайди. Ке, шуларга муте бўлиб ўтиргунча бошимни олиб чиқиб кета қолай, бир куним ўтар ахир, очимдан ўлиб кетмасман». Шундай деб у ўзига ҳамроҳ излашга тушибди. Дуч келганга:

— Оғайни, мен билан юр, бошқа ўлкаларга бориб иш қидириб келамиз,— деб таклиф қилибди.

Ялқовлиги билан отнинг қашқасидек маълум эмасми, ҳеч ким унга ҳамроҳ бўлай демабди.

Бир кун акаси билан кеннойиси жуда дилини оғритибди. Уканинг улардан бутунлай кўнгли қолиб, уйдан чиқиб кетибди. Кетатуриб йўлда мол боқиб юрган чўпонларни учратибди ва:

— Ҳой болалар, мен билан кетмайсизларми, биргалашиб айланиб келамиз,— дебди.

— Қаёққа? — деб сўрашибди чўпонлар.

— Бошимиз оққан томонга,— деб жавоб қилибди ука.

— Э, йўқ, сен билан бир жойга бориб бўларканми, худо урган танбалсан-ку, борган жойингда одамни шарманда қиласан,— дейишибди.

Шундай қилиб у бир ўзи қишлоқдан чиқиб кетибди. Кетатуриб: «Бутун бир қишлоқда менинг ёнимга кирадиган биронта ҳам одам топилмади-я. Наҳотки бир ўзим, ҳамроҳсиз кетсам? Ҳа, бу аҳволда жуда қийин бўладиган бўлди-да», деб ўйлабди.

Шундай оғир фикрлардан чуқур қайғуга ботиб, бошини эгиб кетатуриб, кўзи бир қисқичбақанинг инига тушибди. «Бутун бир қишлоқдан битта ҳамроҳ топилмовди, шу қисқичбақани кавлаб оламан-да, ўзим билан олиб кетаман», деб ўйлабди ука ва ер кавлашга тушиб кетибди. То қисқичбақага етмагунча ерни кавлайверибди. Охири қисқичбақани кўлига олиб, шундай дебди:

— Сени кўлга киритганим жуда яхши бўлди-да. Энди сен менга ҳам дўст, ҳам ҳамроҳ бўласан. Қаёққа борсам сени ҳам бирга олиб юраман, доим бирга бўламиз.

Шундан кейин ука йўлида давом этибди. Қорни очган пайтларда, бирор қишлоққа кираркан-да, егули нарса сўраркан. Иккита мамлакат еридан ўтиб, ниҳоят учинчисига етиб келибди. Бу мамлакатнинг чегараси рақшаслар юрти билан туташ экан.

Йигит бу мамлакатга кечқурун етиб келибди. У ернинг рожаси халққа шундай фармон берган экан: «Рақшас бутун ҳокимиятни қириб битирмоқда. Кимда-ким рақшасни ўлдирса, мукофотга унга подшоҳликнинг ярмини ва қизимни бераман». Қишлоққа кираверишда бир анбаҳ дарахти бор экан. У ўша дарахт тагига ётиб, тунамоқчи бўлибди. Яқин атрофдаги бир уйга кириб олов сўрабди-да, гулхан ёқиб, ухлашга тараддуд кўрибди. Буни кўриб одамлар:

— Ҳой йигит, бир ўзинг бу ерда ётма. Бизларникига юра қол, бир кунга битта-яримтаникида жой топилар. Ҳозир бу атрофда яшаш анча хавfli бўлиб қолган — бу ерда одамхўр рақшас пайдо бўлган, у анча одамларимизни еб қўйди,— дейишибди.

— Йўқ, — дебди йигит. — Мен бир ўзиммасман. Ҳамроҳим ҳам бор.

— Ростданми? Қаерда у? — сўрашибди ундан. — Кўринмаяпти-ку. Ё ҳали етиб келмадимми?

— Йўқ, азизлар, — дебди йигит, — айтдим-ку, биз иккитамиз, деб. Ҳеч ким бу ерда ёлғиз тунамоқчи эмас. Хавотир бўлманглар, ҳаммаси яхши бўлади.

— Агар рақшас еб қўйса-чи, унда нима бўлади?

— Нима бўларди? Пешонамга ёзилгани бўлади-да.

— Менга қара, — дебди улардан бири, — ростингни айт, бир ўзингмисан ё ҳамроҳинг борми?

— Гапимга ишонинглар, ёлғизмасман, ростдан ҳам иккитамиз, фақат уни сизлар кўролмайсизлар.

Одамлар қарашсаки, у фақат ўз гапини маъқулланти, шундан кейин сўроқни ҳам бас қила қолишибди. «Балки илоҳий Чандани назарда тутаетгандир», деб ўйлашибди улар.

— Ҳа, майли, ҳамонки бизларникига боришни хоҳламаётган экансан, қўлимиздан нимаям келарди, — деб гапни тугатиб, уй-уйларига тарқалишибди. Йигит эса гулхан ёқибди-да, дарахт тагига ётибди, қисқичбақани эса ўз ҳолига қўйиб юборибди. У доим шундай қилар экан, қаерда тунаса қисқичбақани ўз ҳолига қўйиб юборар экан.

Ярим кечаси одамхўр рақшас биронтасини ейиш учун қишлоққа келибди. У қишлоқ четидаги дарахт тагида ётган йигитни кўриб қолибди-да:

— Ҳой, бу ерда ким ётибди? — деб сўрабди.

Йигит унинг гапини эшитибдию, лекин миқ этмай ётаверибди. Рақшас унга яқинроқ келибди. Энгашиб энди оғзини очган экан қисқичбақа лип этиб сакраб, рақшаснинг ҳиқилдоғини қисқичлари билан қисиб олибди. Рақшас тил тортмай ўлибди. То тонг отгунча қисқичбақа унинг бўғзида осилиб тураверибди. Йигит уйғониб қарасаки, қисқичбақа рақшасни бўғиб ўлдириб қўйибди. У ёнидан қисқичини олибди-да, рақшаснинг қулоғи, тирноғи ва тил учидан юлиб-юлиб олибди. Кейин қисқичбақани беркитиб, яна уйқуга кетибди.

Ўша қишлоқда дом табақали бир соқчи яшаркан. У азонда уйга қайтиб кетаётган экан, қараса, рақшас ўлиб ётган эмиш. Югуриб уйига борибди, болтани олиб келиб рақшаснинг оёғини чопиб олибди. «Мен рожанинг сингласига уйланиб, ярим бойлигига эга бўламан. Буларни энди бошимга ураманми?» — деб хотини, бола-чақасини уйидан ҳайдаб юборибди.

Шовқин-суронга оломон тўпланибди. Келиб қарашса, ҳақиқатдан ҳам кимдир рақшасни ўлдирибди. Лекин негадир улар бу ишни дом қилганига унчалик ишонишмабди. «Балки анави ажнабий ўлдиргандир уни», дейишибди улар бир-бирига, йигит эса индамай тураверибди. Шунда кимдир ундан сўрабди:

— Рақшасни ким ўлдирди? Сенми ёки анави домми?

— Ким ўлдирса ҳам ўзига биронта белги олиб қолгандир, — жавоб берибди у.

— Биз-ку домнинг битта оёқни кўтариб кетаётганини кўрдик. Сенда-чи? Сенда ҳам биронта белги борми?

— Бор-йўқлигини мен фақат рожагагина айтаман. Бориб унга айтинглар: қайси биримиз биронта белгини кўрсатсак, ваъда қилган нарсаларини ўшанга берсин.

— Тўғри, буни рожанинг ўзи ҳал қилсин, — дейишибди улар.

Шундай қилиб, улар рожанинг саройига элчи юборишибди. Рожа:

— Бўпти. Мен ҳозир у ерга аскарларимни юбораман, бориб ҳақиқатни билиб келишсин. Кейин эса рақшаснинг ўлигини ҳам, оёғини олган домни ҳам, ўша ажнабийни ҳам бу ерга олиб келишсин, — деб буюрибди.

Элчилар аскарлар билан рақшас ўлдирилган ерга етиб келибди. Шунда йигитга:

— Далилинг борми? Қани, бизга кўрсат-чи, — дейишибди.

— Мен бу ерда сизларга ҳеч нима кўрсатмайман. Юринглар, рожанинг олдига борамиз. Ўша ерда далилимни кўрсатаман.

— Қизиқ, — ҳайрон бўлишибди улар. — У қаердан олдийкин белгиларни? — деб рақшаснинг ҳаммаёғини кўздан кечиришибди, лекин ундан қандай белги олинганини ҳеч ким пайқамабди. Йигит эса индамай тураверибди.

— Бўпти, юр рожанинг олдига, — деб рақшасни елкаларига ортиб, кўтариб кетишибди.

Саройга келишгач, рожа унинг ҳаммаёғини ағдариб кўрибди. Шу пайт дом кириб келибди-да:

— Мен ўлдирдим рақшасни, — дебди.

— Тўхтаб тур, — дебди унга рожа. — Мен аввал одамлардан сўраб кўрай-чи, балки уни сен ўлдирмагандирсан.

У ҳақиқатан ҳам олдин аскарларидан, кейин халқдан сўрабди:

— Ҳой одамлар, рақшасни ким ўлдирганини биласизларми? Манави дом рақшаснинг оёғини олиб келиб, мен ўлдирдим, деяпти. Шу ростми?

Улар:

— Олампадох, ким билади, дейсиз. Бизлар ҳам аниғини билмаймиз. Рақшас манави ажнабий ухлаб ётган жойда ўлиб ётган экан, лекин уни бу иккаласидан қайси бири ўлдирганини билмаймиз. Ажнабий йигит: «Менда унинг белгилари бор», деди. «Кўрсат!» десақ, у: «Мен уларни фақат рожанинг олдида кўрсатаман», дейди. Қани, иккови ҳам кўрсатсин-чи, белгиларини, — дейишибди.

Рожа ҳам:

— Қани, икковинг ҳам ўз далилларингни кўрсатинглар. Мен уларни кўрмагунимча ҳеч нимани ҳал қилолмайман, — дебди.

Шунда дом рожанинг рўпарасига рақшаснинг оёғини дўқ этиб қўйибди:

— Мана, менинг далилим, — дебди у.

— Бу оёқни сен ўзинг кўтариб келдингми ё бировга кўтартирибми? — сўрабди рожа.

— Мен ўзим кўтариб олиб келдим. Ҳеч ким қўлини теккизгани йўқ, — деб жавоб берибди дом.

— Жуда соз, — дебди рожа, кейин эса йигитга мурожаат қилибди:

— Хўш, йигитча, белгиларни кўрсат-чи бизга.

Шунда йигит кийимидаги тугунчани ечиб, рақшаснинг қулоқ, тирноқ ва тил бўлақларини олибди-да, ҳаммага кўрсатиб, кейин рожанинг рўпарасига қўйибди:

— Мана, олампаноҳ, менинг белгиларим, — дебди.

Ҳақиқатан ҳам улар келиб рақшаснинг қулоқ ва тилини кўришибди, ҳеч қаерида юмшоқ жойи йўқмиш, дом олиб кетган оёғини ҳам қарашса тирноғи йўқ эмиш. Шунда рожа ҳам, халқ ҳам бир овоздан:

— Рақшасни ажнабий йигит ўлдирибди. Агар дом ўлдирганда, унда йигит тирноқни қаердан олган бўларди? — деб бақиршибди.

Дом йигитга ҳар хил бўҳтонлар билан ёпиша кетибди, лекин ҳеч ким унинг гапига ишонмабди, қайтага боплаб таъзирини беришибди. У шарманда бўлиб уйига қайтибди. Хотин ва болаларига ялиниб-ёлвориб, уйга қайтишларини сўрабди, лекин улар домнинг устидан роса кулишибди:

— Энди биз бу уйга ҳеч қачон қайтиб келмаймиз. Чунки сен рожанинг сингласига уйландинг, энди сен улуғ зотсан, биз эса паст табақа одамларимиз. Сен билан яшагандан кўра, битта-яримтанинг хизматини қилиб, беминнат ҳаёт кечирганимиз яхшироқ, — дея пичинг қилишибди.

Ҳақиқатан ҳам улар икки кунгача уйга боришмабди. Ниҳоят, учинчи кунни дом уларни уйга қайтишга зўрға кўндирибди.

Рожа йигитга сингласини хотинликка беришини эълон қилибди. Яна бунинг устига ярим шоҳлигини ва ёрлиқ ҳам тақдим қилибди. Йигитга бош-оёқ сарполар кийдириб, саройга олиб кетишибди, халққа эса катта тўй-томоша беришибди.

Рожа жуда айёр экан: у ўша куниёқ йигит оламдан ўтиб, бутун бойлиги яна ўзига қолишини жуда яхши биларкан. Нимага дейсизми? Чунки у сингласини аввал ҳам бир неча маротаба эрга берган, лекин улар ҳам бирин-кетин тўй куниёқ ўлиб қолишган экан. Шунинг учун рожанинг кўнгли тўқ экан. У ўзига-ўзи: «У шу бугуноқ ўлади, бойлигим эса ўзимга қолади», дебди. Шунинг учун ҳам сингласини йигитга беришга дарров рози бўла қолган экан. Шундай қилиб, йигит рожанинг саройида қолибди.

Кечқурун келин-куёвларнинг ётиши учун жой ҳозирлашибди.

Шам ёқиб, ҳамма уйларни ёритишибди. Йигит ўринга ётиши билан қисқичбақани олиб, кўкраги устига қўйиб юборибди-да, кейин уйқуга кетибди, келин эса ундан олдинроқ ухлаб қолган экан.

Йигит уйқуга кетиши билан маликанинг бурун тешикларидан иккита илон чиқиб, уни чақмоқчи бўлибди. Лекин қисқичбақани кўриб қолиб, дарҳол орқага чекинишибди. Бир оздан кейин улар яна ўрмалаб чиқишибди, келин-куёв эса дунёдан беҳабар, қотиб ухлайверишибди. «Вой-вой, бу илонлар дўстимни ўлдирмоқчи шекилли. Шошмай туринглар, ҳозир бир адабларингни бериб қўяман», дебди қисқичбақа.

У бир зум ўйлаб туриб маликанинг бўйнига сакрабди, ўша жойда ётиб, қисқичларини унинг оғзига тўғрилабди. Илонлар эса секин-аста чиқиб, яна бекинишибди. Бир неча марта шундай қилгандан кейин хавф йўқлигига ишонибди-да, ётган жойларидан бамайлихотир чиқишибди. Шунда қисқичбақа иккала қисқичи билан шартта уларнинг бошидан қисиб олибди. Иложсиз қолган илонлар ташқарига судралиб чиқиб, қисқичдан қутулмоқчи бўлиб тўлғона бошлабдилар, қисқичбақа эса уларни борган сари қаттиқроқ қисиб, охири ўлдирибди. Илонлар ўлиб, қимирламай қолгандан кейин қисқичбақа ҳам бирга тўшақдан ерга тушибди.

Саҳарда биринчи бўлиб йигит уйқудан уйғонибди. Пайпаслаб қидириб кўкрагидан қисқичбақани тополмагач, сакраб ўрнидан туриб кетибди. Қараса, қисқичбақа иккита каравот оралиғидаги полда илонларга ўралиб чирмашиб ётибди. Йигит кўрқиб додлаб юборибди. Кейин қараса, қисқичбақа тирик, илонлар эса ўлиб ётганмиш. Суюниб кетиб, қисқичбақани олибди-да, ундан:

— Дўстим, бу илонлар қаердан пайдо бўлиб қолди? — деб сўрабди.

— Э, оғайни, сени худо бир асради. Булар анави маликанинг бурнидан чиқди, — деб жавоб қилибди қисқичбақа.

Ундан бу гапларни эшитиб, йигит қаттиқ қайғурибди ва:

— Менга қара, дўстим, сен мени жуда кўп хавфлардан омон олиб қолдинг. Сенсиз ҳолим не кечарди. Аллақачон ўлиб кетган бўлармидим, — дебди.

Шу вақт малика ҳам уйғониб қолибди. Тонг отиб, аллақачон куёш чиққан бўлса-да, улар ётоқларидан чиқишмабди. Рожа эса ахлат тозаловчиларни чақириб, эшик олдига ўтқазиб қўйибди. У, худди аввалги куёвлардек, бу ҳам ўлади, деб ўйлаб уларни тутиб турибди.

Бир пайт малика билан йигит олдинма-кейин чиқиб келишибди. Уларни бирга кўрган рожа қичқириб юборибди:

— Вой-дод! Уйим куйди! У ўлмабди, тирик.

Рожа ҳамманинг олдида уятга қолибди. Ахлат тозаловчилар



эса вақтлари бекор кетгани учун қилинмаган ишга ҳам пул талаб қилибдилар. Шундай қилиб, ҳамма нарса ўз ҳолича қолибди.

Авваллари малика ичидаги илонларданми ёки бошқа сабабми, ишқилиб жуда озгин бўлган экан.

Илонлар ўлган кундан семириб, чиройига чирой қўшилиб бораверибди.

Орадан ўн-ўн икки кунча ўтиб, йигит, кўкрагидаги қисқичбақага қараб ўзича ўйлабди: «Ҳамма хавф-хатар орқада қолди. Энди ҳеч нарсадан қўрқмасам ҳам бўлар. Қисқичбақа менга жуда катта яхшиликлар қилди: мени уйлантирди, рожа бўлдим. Мен ҳам унинг хизматларини тақдирлаб бирор бежавотир жой топиб олиб бориб қўйишим керак».

Шуларни хаёлидан ўтказиб қисқичбақага:

— Менга қара, дўстим, сен қачондан бери менга ёрдам қиласан. Бир неча бор ўлимдан қутқардинг, хизматинг эвазига мендан нима истайсан? Қандай хоҳишинг бўлса айт. Албатта бажараман, — дебди.

— Яхши, — деб жавоб берибди қисқичбақа. — Сендан биргина илтимосим бор. Мени рожанинг ҳовузига олиб бориб қўйгин, у ҳеч қачон қуриб қолмасин ва йилнинг ҳамма фаслида сувга тўлиб турсин. Мабодо битта-яримта мени тутиб оладиган бўлса, сен озод қилиб юбор.

Йигит қисқичбақани худди айтгандек қилиб, суви ҳеч қуримайдиган ҳовузга олиб бориб қўйибди-да, хайрлашар чоғида:

— Яхши қол, чўмилишга келиб қолсам сувдан чиқиб сўрашиб тургин, — дея жўнаб кетибди.

Орадан ярим йил ўтгач, катта акаси ва қариндош-уруғлари унинг рожа бўлиб, ҳокимиятни бошқараётганлигини эшитиб қолишибди. Бир куни ёш рожа фил ва отларга миниб, акасини кўргани келибди. Келиб, акаси билан кеннойисига:

— Мана, кўрдингларми мени, доим дангаса деб кун бермасдиларинг. Бир нарсага ақлим етмаяпти: мен фил ва отларда юрибману сизлар эса шунча қора терга ботиб меҳнат қилсаларинг ҳам на фил, на от минибсизлар. Нега шундай? — дебди.

Улар уканинг бу саволига жавоб топа олмабдилар. Яхшилаб меҳмон қилишгач, ука акасига:

— Яна қачонгача шу аҳволда яшамоқчисизлар? Мен ҳозир мамлакат ҳокимиман. Ундан кўра юринглар, ўзим билан бирга олиб кетай, — дебди. Шундай қилиб у акаси билан кеннойисини кўчириб олиб кетибди.

Ака-укалар ўзларига янги сарой қуриб олишибди ва умрларининг охиригача даври даврон суришибди.





## ДУРАДГОРНИНГ УҒЛИ

ивоят қилишларича, қадим замонда бир қишлоқда бир одам яшаркану касби дурадгорлик экан. Унинг хотини ва якка-ёлғиз ўғли бор экан. Фарзанди биттагина бўлгани учун уни жуда севиб, эркалатишар экан. Бозорга боришса ҳам, меҳмонга боришса ҳам унга атаб бирон нима олиб келишаркан. Кўзларининг оқу қораси ҳам, ишонган тоғи ҳам шу ўғиллари экан.

Орадан йиллар ўтиб, бола ўсиб-улғайибди, суяги қотиб, ота-онасининг оғирини енгил қиладиган вақт ҳам келибди. Отаси ҳар замонда уни ёрдамга чақириб: «Келақол, ўғлим, менга ҳув анавини узатиб юбор», ёки: «Манавини ушлаб тур», ё бўлмаса: «Бугун бир одам мени бир юмушга чақирган эди, бирга бориб келайлик», деб қолса, дарров орага онаси тушиб, уни йўлдан қайтараркан:

— Нима қиласиз уни шу пайтдан ишлатиб, қўйинг, яна озроқ ўссин. Катта бўлсин, ўзи ишлашга мажбур бўлади, — дер экан.

Ота бўлса хотинига тушунтириб:

— Агар биз уни ҳозирдан меҳнатга ўргатсак, улғайганида суянчигимиз бўлади, бўлмаса дангаса бўлиб қолади.

Уёқда ота-она бир-бири билан гап тортишар экан-у, буёқда бола ўз билганидан қолмас экан, охири у ҳеч кимнинг гапини қулоққа илмайдиган, ўзбошимча бўлиб ўсибди. Ота-онаси роса ялиниб-ёлворишгандан кейин, айтганларини малолик билан қиладиган бўлибди.

Шундай қилиб кунлар ўтаверибди, бола вояга етибди. У қишлоқ йигитлари билан кунини бекорчиликда ўтказиб юрибди. Уларнинг кунлари қизлар билан рақс тушишу ўйин-кулги экан, иш қилиш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмас экан. Ундан у-бу нарса илтимос қилишса, ҳатто парво қилмай, қулоқ солмас экан. Агар отаси ўзи билан бирга бирон ёққа боришни айтса у ҳатто эшитишни ҳам истамас экан.

Ҳадеб боласини тергайвериш отанинг ҳам жонига тегибди.

У жуда қаттиқ қайғуриб, бир куни хотинига шундай дебди:

— Мана, кўрдингми? Сенга неча марта айтган эдим-а, болани мунча эркаламагин, деб. Ушанда гапимни эшитгинг ҳам келмовди.

Хотини бечора лом-мим деёлмай қолибди. Шунда эр бундай дебди:

— Мен сенга бир гап айтмоқчиман. Агар гапимга кўнсанг, ҳали ҳам кеч эмас, уни қўлга оламиз, агар кўнмасанг — унда яна ўзинг биласан.

— Майли, — дебди хотини, — қани, нима дейсиз?

— Мана бундай қиламиз: агар у мен билан бирга ишлагани борса, унга овқат берасан, бормаса ҳеч нима бермайсан. Розимисан шу шартимга?

— Бўпти, розиман. Фақат мен унга яна бир марта насиҳат қилиб кўрай. Агар насиҳатимни олмаса, ўздан кўрсин.

Онаизор ўғлига кўп гапирибди. Орадан талай кун ўтибди, барибир бола ўзгармабди. Шундан кейин у ўғлига овқат бермай кўйибди. Аввалига ўғли бир неча кун ўртоқлариникида овқатланиб юрибди, она эмасми, ўғлига раҳми келиб, ота ишга кетган вақтда яширинча яна овқат бера бошлабди.

Бир куни она-бола овқат еб ўтирганларида бирдан отаси пайдо бўлибди.

— Ҳа, дангаса, ишёқмас! — деб бақира кетибди у. — Кимнинг пешона тери билан топилган нонни еяпсан? Иш деса қочасан, овқат деса оғзингни катта очасан.

Ўғли бўлса ҳеч нима эшитмаётгандай, бемалол овқатни ураверибди. Буни кўриб ота энди онага ёпиша кетибди:

— Сен нега мен йўғимдан фойдаланиб ўғлингга овқат берасан?

У роса бақирибди, чақирибди, охири чарчаб қолибди.

Эртасига ўғил онасига:

— Ойижон, отамнинг уришишлари жонимга тегиб кетди, қайтанга сиз ҳам гап эшитяпсиз. Шунинг учун бу даргоҳдан бош олиб чиқиб кетмоқчиман, — дебди.

— Ўғлим, қаёққа ҳам борардинг? — дебди шўрлик она йиғламсираб.

— Бошим оққан томонга кетаман, — дебди ўғил. У нарсаларини йиғиштириб йўл халтасига солибди ва теша билан исканасини ҳам олибди. Кечқурун она ўғли билан бўлган гапларни эрига айтибди. Буни эшитиб, отанинг жон-пони чиқиб кетибди. Қайтанга:

— Кетса ундан нарига! — деб бақириб берибди.

Ўғил шу кетганча кетаверибди. Юраги ғамга тўла бўлганидан на борар жойию на ейдиган овқати йўқлиги хаёлига келмабди. Фақат пешиндан кейингина сувга келаётган хотинларни кўриб, қорни очлигини сезибди. Бунинг устига тунни қаерда ўт-

казишни билмай, боши қотибди. У бирпас дам олиш учун бир дарахтнинг тагига ўтирибди. Сал нарида қишлоқ бор экан. Бу қишлоқнинг одамлари ана шу дарахт тагида мол сўйиб, шу ернинг ўзида ейишни одат қилиб олишган экан. Шунинг учун йигит ўтирган ерда суяклар тоғдай уюлиб ётган экан. У хаёл паришонлик билан суякларни битта-биттадан олиб тешаси билан майдалаб ўтирибди. Бир пайт ўзига келиб, қилиб ўтирган ишидан ҳайрон бўлибди. Ён-атрофига қараса, худди гуруч сочиб ташлангандек, ҳаммаёқ оппоқ бўлиб ётибди. «Афсус, ўзим билан гуруч олмаган эканман, майли, ҳечқиси йўқ, ҳозир манавиларни майдалаб гуручдек қиламан-да, ана ундан кейин овқат тайёрлаб берадиган биронта одам топиб келаман», деб ўйлабди у. Кейин майдаланган суякларни этагига солиб, уни пишириб берадиган одам қидириб, қишлоққа кирибди. Қуёш ботаётганини кўриб, йигит ўзига-ўзи шундай дебди: «Бугун энди кеч бўлиб қолди, шу қишлоқда тунаб қолай, эртага туриб яна йўлга тушай». Қишлоққа кираверишда олди гир айлана айвон билан ўралган бир уй бор экан. Уйни кўриб: «Шу уйга кириб тунаш учун жой сўрасам, йўқ дейишмас», деб ўйлабди-да, тўппа-тўғри ҳовлига кириб бориб:

— Ҳой, қариндошлар, ким бор? — деб чақирибди.

Унинг товушини эшитиб уйдан бир қиз чиқибди. Қариндош деб чақиргани учун у биратўла стул ҳам кўтариб чиқибди. Йигит ўтиргач, қиз:

— Қаерликсан? Негадир сени таниёлмай турибман, — дебди.

— Синглим, ростини айтсам, сизларга ҳеч қанақа қариндошчилик жойим йўқ. Мен оддий йўловчиман. Кеч бўлиб қолгани учун тунашга жой сўрамоқчийдим. Уй-айвонларингни кўриб, мен учун бир кунга жой топилиб қолар деб ўйловдим.

— Майли, қола қол. Ҳақиқатан ҳам айвонимиз жуда кенг. Биз уни атайлаб меҳмонлар учун қурганмиз.

— Раҳмат. Мендек мусофирга айвон ҳам бўлаверади.

— Бизнинг оила дурадгорлар оиласи. Менинг отам ёғоч-тахта билан ишлайдилар, шунинг учун кун-уззукун уйимиздан одам аримайди. Уларнинг ўтириши учун эса мана шу айвонни қурганмиз. Аксига олиб шу бугун онам билан отам меҳмонга кетишган эди, шунинг учун уйимизда ҳеч ким йўқ.

— Улар қаёққа кетишган? — сўрабди йигит.

— Ҳув нариги қишлоққа, бугун қайтиб келишмоқчи эди, негадир шу вақтгача дараклари бўлмапти. Энди келишадими, йўқми — буюм номаълум.

— Синглим, сендан бир илтимосим бор эди. Қорним жуда очиб кетди. Манави гуручни олиб пишириб беролмайсанми? — дебди йигит.

— Шуям иш бўптими, жоним билан пишириб бераман, — деб

қиз ғалвир олиб келибди. Йигит этагидаги боғични ечиб, бор нарчасини унга бўшатибди. Қиз ғалвирни олиб қараса, ундаги нарса негадир гуручга ўхшамасмиш: «Оқлиги худди гуручга ўхшайди. Лекин нега бунча қаттиқ экан-а. Буни қўйиб, ўзимизнинг гуручимиздан пишира қолай», дебди-да, бориб ўз гуручларидан пиширибди. Ҳали йигитга овқатини олиб келишга улгурмасданоқ ота-оналари келиб қолишибди. Қиз уларга йигит пиширгин деб берган нарчасини кўрсатибди.

— Манавини кўриб боқинг-чи, гуручга ўхшайдими? — деб сўрабди.

Улар қўлларига бир ҳовуч донни олиб, унга қайта-қайта тикилиб қизларидан сўрашибди.

— Қизим, буни қаердан олдинг? Бизда бунақа гуруч ештирилмайди-ку. Қаердан кеп қолди буёққа?

— Яхшилаб қаранглар-чи. Бу балки гуручмасдир, — дебди қиз.

Улар чироққа солиб бир бор кўздан кечиришибди.

— Гапинг тўғри, қизим, ҳақиқатан ҳам бу гуруч эмас, суякка ўхшайди. Қаердан олдинг?

— Бугун бизнинг уйимиздан жой сўраб кирган йигит пишириб бер, деб берувди. Негадир бу гуруч менга ёқмай, ўзимизникидан пиширувдим.

— Унинг қаердан келаётганини сўраб кўрмадингми?

— Йўқ, сўрамадим. У фақат жой сўраб, овқат тайёрлаб беришимни илтимос қилган эди, мен йўқ демадим.

— Ҳа, майли, яхши қипсан. Ўзимиз сўрай қоламиз. Сен эса овқатини олиб бориб бер.

Улар ўзаро шундай дейишибди.

— Бу жуда қўли гул дурадгорга ўхшайди. Буни қара, ким суякдан шунақа гуруч доналарини кеса олади? Бунақа иш унча-бунча одамнинг қўлидан келмайди, — дебди-да, кейин қизидан сўрабди:

— Менга қара, қизим, унинг кўриниши қанақа ўзи? Қарими, ёшми?

— Отажон, у ёш, келишгангина йигит, — дебди қизи.

— Қизим, агар мабодо сени унга берсак, рози бўлармидинг? Икковинг ҳам бағримизда бўлардиларинг. Ахир бизнинг сендан бўлак фарзандимиз йўқ-ку, — дебди.

— Буни мендан кўра сизлар яхши биласизлар. Сиз кимни менга муносиб кўрсангиз, ўшанга турмушга чиқаман. Агар ихтиёрни ўзимга берсанглар, мен розиман, чунки эртами-кечми барибир турмуш қуришим керак. Аввал уни ўзларинг кўринглар-чи, ёқадими ҳали, йўқми.

Қиз овқатни сузиб, ёнига бир идишда сув қўйибди-да, йигитни таклиф қилибди. Унга шундай кўп овқат сузибдики, йигит ўзини худди зиёфатда ўтиргандай ҳис қилибди. Йигит

овқатланаётганда чол-кампир ундан кўз узмай ўтиришибди. Қарашса туппа-тузук, келишган йигит. Шундан кейин уни саволга тутишибди:

— Қани айт-чи, қаердан келиб, қаёққа кетяпсан?

Йигит шундай жавоб қилибди:

— Мен фалон қишлоқнинг фалон жойиданман. Отамнинг исми фалончи. Дунё кезиб юрибман. Агар бирор-бир яхшироқ одамни учратиб қолсам, ўша ерда қолиш ниятим ҳам йўқ эмас.

— Менга қара, ўғлим, агар биз сени уйимизда олиб қолсак, рози бўлармидинг? — деб сўрабди чол.

— Эрталабгача сабр қилайлик. Тонг отсин, ўйлаб бир қарорга келармиз, — дебди йигит.

Шундай қарорга келиб улар ухлагани тарқалишибди. Йигит айвонга чиқиб, тагига ҳеч нима солмасдан ётибди. Чол-кампир эса дастурхонни йиғиштириб, гапга тушиб кетишибди.

— Ҳа, кўринишидан туппа-тузук, гаплари маъноликкина йигит экан. Қизимизга жуда мос.

— Менга ҳам ёқди, — дебди хотини. — Биз санталлар ҳаммамиз шунақамиз. Айтмоқчи, қайси уруғданикин, ана шуни сўрамабмиз-ку.

— Гапинг тўғри, — маъқуллабди эри. Кел, уни буёққа чақирайлик-да, сўраб-суриштирайлик. Ахир сўраганнинг айби йўқ дейдилар-ку.

— Ҳой йигит, ухлаяпсанми? — деб сўрабди кампир.

— Йўқ. Шунчаки ётибман, нима ишингиз бор эди? — сўрабди йигит.

— Буёққа кира қол. Битта ўзинг у ерда ётма. Ичкарида ҳам жой етарли. Ҳамонки бизникига бошпана излаб келибсанми, уйимизда ётгин-да.

Кампир йигитни уйга олиб кирибди. Бурчакдаги бўш ерга жой қилиб берибди-да, кейин йигитнинг қайси уруғданлигини сўраб-суриштиришибди. Йигит уларга бор гапни айтиб берибди, унинг гапидан маълум бўлибдики, буларнинг уруғидан эмас экан. Чол-кампирнинг кўнгли жойига тушиб, анча хотиржам бўлишибди.

Энди чол-кампир ухлаб, хуррак ота бошлаши билан қиз секин жойидан туриб, йигитнинг ёнига ётибди. Йигит ҳам унга эътироз билдирмабди.

У қизнинг истагини бажарибди, чунки у йигитни дастлаб кўргандаёқ ёқтириб қолган экан. Ушандан бери хаёлидан: «Қанийди шу йигитга мени беришса, жон дердим», деган фикр кетмаган экан.

Мана, муроди ҳосил бўлибди-ю, ўз жойига келиб ётибди.

Эрталаб, ҳамма уйқудан турганда чол-кампир яна бошқатдан йигитни кўздан кечиришибди. Йигит ёшида эркакларнинг хунуги бўладими? Чол-кампир мамнун бўлиб бир-бирларига қараб қўйишибди.

— Қизимизни шу йигитга берамиз, — деб келишишибди ўзаро.

Шундай қарорга келиб, йигитни ёнларига чақиришибди.

— Сен бизга жуда ёқиб қолдинг. Шу ерда қолақол. Агар кетадиган бўлсанг яна ихтиёр ўзингда. Фақат овқатланмасдан кетма.

— Менинг қолишимни жуда хоҳлаётган бўлсаларинг, майли, мен розиман. Фақат айтинглар-чи, мен бу ерда нима иш қиламан ва хизмат ҳақимга нима берасизлар? — дебди йигит.

— Гапингни қара-ю, — дебди чол. — Биз ахир сени хизматкор эмас, куёв бўл деяпмиз. Яккаю ягона қизимизга уйланиб шу ерда қол деймиз-да.

— Ундай бўлса жуда соз, — хурсанд бўлиб кетибди йигит. — Энди қўни-қўшнилardan бирортасини чақирсангиз, уларнинг гувоҳлигида ҳаммасини гаплашиб оламиз. Мабодо кейинчалик бирор гап бўлиб қолса, улар бу иш қандай юз берганини тасдиқлашади.

Унинг жавобидан чолнинг кўнгли тоғдай кўтарилибди.

— Ҳали овқатланмай кетмагин, деб бекорга айтмовдим-да. Овқатланиб бўлгунингча мен қўшниларни чақириб чиқаман.

— Нима демоқчи бўлганингизни энди тушундим. Майли, кетмайман. Бемалол чақириб келаверинг.

Кўнгли жойига тушгач, чол кетибди, қиз эса йигитнинг теша ва исканасини уйга олиб кириб қўйибди. Чол ҳамқишлоқларига то воқеани тушунтиргунча кун ҳам пешин бўлибди. Уйда тушки овқатни тайёрлаб, йигитни дастурхонга таклиф қилишибди. У овқатланиб бўлиб, энди дам олиш учун чўзилган экан, шу пайт чол бешта қўшнисини билан кириб келибди. Ҳаммалари маслаҳатга ўтиришибди.

Бир пайт кампир йигитга:

— Бориб ҳаммалари билан сўраш, — дебди.

У бориб кўришибди. Шунда йиғилганлар:

— Қани, йигитча, агар сенга малол келмаса, бизларга бир чимдим-бир чимдим солиб, тамаки тайёрлаб берсанг, — дейишибди.

— Илтимосларингизни бажонидил бажарардим-а, лекин менда тамаки йўқ-да, — дея жавоб берибди у.

Шунда ўтирганлардан биттаси:

— Ма, менинг тамакимдан ола қол, ҳаммага тайёрла, — дебди.

Йигит ундан тамаки баргларини олиб, яхшилаб майдалабди-да, ҳаммага улашиб чиқибди. У то бу ишларни бажаргунича, ўтирганлар уни яхшилаб кузатишибди. Кейин биттаси бундай дебди:

— Йигитча қизингга жуда мос экан. Уларни бирга кўрган киши худди узукка кўз қўйгандек дейди.

— Менга қара, ўғлим, отинг нима? Кимнинг ўғлисан? — сўрабди иккинчиси.

Йигит уларнинг ҳамма саволларга бурро-бурро жавоб қайтарибди.

— Сен аввал ҳам уйланганмисан ё йўқми? Уйдан бош олиб чиқиб кетишингга сени нима мажбур қилди? — дея яна сўрашибди ундан.

— Йўқ, аввал уйланмаганман. Ҳали бўйдоқман. Уйда эса ўзаро келишмовчилик бўлиб, юрагим дард билан тўлиб чиқиб кетганман, — жавоб берибди у.

— Қани, айт-чи, агар аламинг босилса яна уйингга қайтиб кетасанми?

— Агар мени ўз қаноти остига оладиган одам топилса қайтиб кетмайман. Мабодо бундай одам топиломаса балки яна орқага қайтиб кетарман. Яна ким билади дейсиз. Олдиндан бирон нарса дейиш қийин.

— Агар биз сенга шу ердан ўзингга муносиб одам топиб берсак қолармидинг?

— Узига тўқ, тинч оила бўлса, албатта, жон деб қолардим.

Савол-жавоб шу ерга келганда ҳамма уй эгасига қарабди.

— Хўш, муҳтарам жаноб, сен нима дейсан бу гапларга? — дейишибди улар.

— Мен нима ҳам дердим, — дебди чол. — Бу йигит токайгача дарбадар бўлиб юради. Кўзимнинг оқу қораси ёлғиз қизим бор, у ҳам бўй етган. Эртами-кечми турмушга чиқиши керак. Бу йигит эса кўнглимга ўтириб қолди. Ниятим уни ўзимга куёв қилиш.

Оқсоқоллар энди йигитга юзланишибди:

— Хўш, йигитча, сен буларга куёв бўлишга розимисан?

— Розиман, — дебди йигит. — Оилали бўлгандан кейин бирдамас-бирда уйда гап чиқиб қолиши мумкин. Шунда сизлар мени ёнимга кирасизларми? Ота-онам узоқда бўлса. Ҳали айтганимдай, уларнинг олдига боролмайман. Шунинг учун менинг бу ерда сизлардан бошқа суянадиган кишим йўқ.

— Буёғидан кўнглинг тўқ бўлсин. Бизларни худди отанонгдек бил, — дейишибди.

— Энди қизимнинг ўзидан сўраб кўрайлик, бу йигит ёқадими, унга турмушга чиқишга розими, йўқми? Ҳамманинг олдида айтсин, — дебди кампир.

— Ҳа, албатта, албатта. Чақир қизингни, — дейишибди оқсоқоллар.

Қизни уйдан чақириб чиқиб, унга:

— Қани, қизим, манови йигитга турмушга чиқишга розимисан? Тўғриси айтивер, йигит ёқса ҳа де, ёқмаса ўзинг биласан, зўрламаймиз.

— Сизлар менга ёмонликни раво кўрармидиларинг? Унинг сизларга ёққани, менга ҳам ёққани. Фақат битта илтимосим бор эди.

— Тортинмасдан айтивер, қизим, — дейишибди улар.

— Илтимосим шуки, уй-рўзгор бўлгандан кейин одам орада арзимаган нарсадан уришиб-тортишиб қолади. Шунда у аразлаб уйига кетиб қолиши мумкин. Тўғрими? Агар шундай бўлиб қолса мен уни қаердан қидираман? Уйини билмасам. Мана шулар мени ташвишга солади. Қиз болани турмушга бериб, узатгач, куёвдан хафа бўлса, отасиникига аразлаб келади, эр эса унинг кетидан бориб, олиб келади, бу ҳаммага маълум. Мабодо бу иш менинг бошимга тушса-чи, мен қаёққа бораман? Унинг уйини сизлар кўрсатиб қўясизларми менга?

— Гапинг жуда тўғри, — дейишибди оқсоқоллар, қизнинг ҳушёрлигига ҳайрон қолиб, — мабодо аразлайдиган бўлса, дарҳол бизнинг олдимизга кел. Бизлар сени ҳам, йигитни ҳам ёлғизлатиб қўймаймиз.

— Унда майли, эътирозим йўқ, — деб жавоб қилибди қиз.

— Хўш, мана, деярли ҳамма масала ҳал бўлди, — дейишибди оқсоқоллар, — марҳамат қилиб келин-куёвга аталган сигирни кўрсатинглар.<sup>1</sup> Бошқа гапларинг йўқ бўлса, унда юринглар, сигирни кўрамыз.

Эрталаб куёвга аталган сигирни кўрсатишибди. Шу билан тўй тугаб, ҳамма уй-уйига тарқалибди.

Тўйдан сўнг орадан анча вақт ўтса ҳам куёв ҳеч бир иш қилиш ҳақида ўйламай, уёқдан буёққа бориб-келиб юраверибди. Бекорчиликдан роса зерикибди. Овқат маҳали эса ҳаммадан олдин келиб ўтириб олибди.

Шу тариқа бир ой ўтибди. Уни кўришга қайнатасининг тоқати қолмабди.

— Келиб-келиб шу худо урган дангасани куёв қиламанми-я. Оғиримни енгил қилар деб уйимдан жой берувдим. Эсиз-эсиз, — деб ҳар замон-ҳар замонда зорланиб қўяркан.

Хотинининг қариндошлари қачон йигитни учратиб қолишса:

— Бекор юриб зерикмадингми? Қачон мундоқ бир иш қиласан? — деб танбеҳ беришаркан.

— Нима қилишим керак? Ҳозир шунақа бекор юрадиган пайт. Ҳадемай ёмғир фасли бошланади, ана ўшанда далага чиқиб, ер чопаман. Ҳозирдан қайси аҳмоқ ер чопади, — деб жавоб қилибди у.

— Ол-а, сен қўлингга бел ушлаб, ер чопасанми? — масхара-лаб кулишибди улар.

— Ҳали бирон марта ерларингни кўрмаган бўлсам, ахир қаерни чопай? — жиғибийрони чиқибди йигитнинг.

— Ҳа, ростанам ўтакетган дангаса экан-ку, бу, а? — дейишибди ўзаро.

Улар бир куни яна йигитни чақириб келишибди ва:

<sup>1</sup> Одатга кўра сигир куёвга маҳр сифатида берилади.



— Эртага биз билан ўрмонга бормайсанми? — дейишибди.  
 — Ўрмонда нима бор менга? — сўрабди у.  
 — Буни қаранглар, шуниям билмайсанми? Ахир ер ҳайдашга ҳозирдан тайёргарлик кўриш керак-ку. Уй-рўзғор анжомлари, омоч ва яна каравотнинг оёқларига ишлатиш учун ёғочларни ҳозирдан ғамлаб олиш керак. Иш бошланадиган вақтда ҳамма нарса тахт туриши керак. Яна ўтин йиғишнинг ҳам айнаи вақти.

— Майли, борсам бора қолай. Фақат қаерга боришни мен ҳали билмайман, шунинг учун кетаётганларингда мениям чақиринглар.

— Албатта чақирамиз, — дейишибди улар.

Эртасига эрталаб йигитни уйғотишибди. У енгилроқ болтани танлаб олиб, йигитлар билан ўрмонга йўл олибди. У ерда бирови текис дарахтларни, бошқаси эса шох-шаббаларни йиғишга киришибди. Бу эса шу ерда ҳам ишга қовушмай, кўнглига ёқадиган дарахтни қидириб, уёқдан буёққа юраверибди. Юриб-юриб бир тепаликка чиқибди. Шу пайт қулоғига бир овоз эшитилибди, унга назарида худди дарахт гапираётгандек туюлибди:

— Кимки мени бу ердан олиб, каравотининг оёғига ишлатса, у албатта рожа бўлади.

У бу гапни эшитиб, яқинроқ борибди. Дарахт шу гапни яна аниқроқ қилиб такрорлабди. Шунда йигит ўзича шундай ўйлабди: «Бу дарахтни кесиб, албатта каравотнинг оёғига ишлатаман». Лекин дарахт бошқа дарахтларга ўхшаб тикка эмас, балки буралиб, тарвақайлаб кетган экан. Шундай бўлса-да, йигит аҳдидан қайтмабди: «Унинг гапи тўғри-нотўғрилигини аниқлашим керак». Шундай деб, у дарахтни чопибди.

Бошқа йигитларнинг ҳаммаси ўзига кераклигича ўтин-чўп йиғиб, дам олиш учун ўтиришибди. Уларнинг ўтирган жойига бу ҳам дарахтини орқалаб келибди. Йигитлар унинг устидан кулавериб, қотиб қолишибди.

— Вой аҳмоғ-ей! Шундай катта ўрмондан топган дарахтини қаранглар. Ҳамма ўзига яхшироқ, текис-равон дарахт қидирса, буни топган дарахтини-чи? Ҳа, аҳмоқ.

Йигит эса уларнинг гапига парво қилмай, жим ўтираверибди. Кейин ҳаммалари уйга йўл олишибди, у ҳам дарахтни елкасига ортиб жўнабди. Уйга келиб ерга гурс этиб отган экан, дарахт дарз кетиб синибди. Йигитлар уйидагиларга унинг топган дарахтини гапириб беришган экан, ҳаммалари хахолаб кулишибди. Атайлабдан кўриш учун йигитнинг уйига келишибди, қараша — ҳақиқатан ҳам қийшиқ эмиш.

— Вой, шунақаям эсипаст куёв бўладими ҳеч замонда, — дейишибди.

Уларнинг бу таъна-дашномларига чол ҳам қўшилибди.

— Ҳа, бу аҳмоқни уйимга қўйганим жуда ножўя иш бўлди-

да. Ҳеч балони билмайди. Қандай иш бўлмасин, фақат бошқаларга қараб қилади. Энди нима ҳам дердик, ўзимиз пиширган ош, айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичамиз, — дебди у.

— Йигит эртасига дарахтни чопиб, бўлак-бўлак қилибди-да, каравотга оёқлар ясабди. У бу ишларни шундай чаққонлик билан қилибдики, натижада ҳеч ким улардан кўзини узоқмай қолибди. Мана шундан кейин у ҳақда бошқача гапирга бошлашибди.

Ҳамма:  
— Қойил! Мана буни уста деса бўлади. У аҳмоқ эмас экан. Боплади, — дейишибди.

Йигит оёқларни битириб, ромни йиғибди, натижада шундай бир чиройли каравот чиқибдики, ҳамма қойил қолибди.

— Кимда-ким бир рупий берса мен каравотни ўшанга сотаман, — дебди у.

Турганлар ҳайрон қолишибди:

— Битта каравот учун бир рупий? Ҳеч ким олмайди уни.

— Олмаса, ўзимга қолаверади, — дебди йигит.

Орадан бир ой вақт ўтибди. Шу орада рожа, қўл остидаги қишлоқларидан бирида ҳали шу вақтгача ҳеч ким кўрмаган, антиқа каравот сотилишини эшитиб қолибди ва соқчиларига:

— Ўша каравотни қаердан бўлса ҳам топиб, менга олиб келинглар. Устаси меҳнати учун неча пул сўраса бериб, рози қилинглар, — дебди.

Шундай деб, рожа уларга пул берибди. Соқчилар каравотни кўриб, оғизлари ланг очилиб қолибди. Ҳатто неча пул туришини ҳам сўрамай, йигитнинг қўлига икки рупия тутқазибди. Энди ҳайрон бўлиш навбати ҳамқишлоқларига келибди.

— Ё олло! — дейишибди улар. — Буни қаранглари-а, биз бўлсак бир рупийга ким ҳам каравот сотиб оларди, деб ўтирувдик. Ҳатто бозорга ҳам олиб бормади-я.

Чол куёвининг қўлига пул тушганидан жуда қувонибди. Йигит эса олган пулини ўша заҳоти қайнотасига берибди.

Каравотни эса соқчилар рожага олиб кетишибди. Унинг оёқ ва ромлари шундай чиройли, дид билан ясалган бўлиб, ўртасидаги тўрини йигит пишиқ арқондан тўқиган экан. Рожага каравот бир кўришданоқ ёқиб қолибди. У мамнун бўлиб, каравотни ётоқхонасига олиб кириб қўйишни буюрибди. Кейин эса соқчиларидан:

— Каравот устасига неча пул тўладинглари? — деб сўрабди.

Улар:

— Муҳтарам соҳиб! Нима десамикин сизга? Балки бизларнинг қилган ишимиздан хафа бўларсиз, лекин шуни айтмоқчиманки, каравотни кўриб, ақлимиз лол қолди. Унга неча пул сўраётганини ҳам билмай, эгасининг қўлига икки рупия тутқаздик, — дейишибди.

— Жуда тўғри қилибсизлар. Унинг устига яна тўрт анна

қўшиб берганларингда янаям соз бўларди. Асл буюм учун неча пул тўласанг ҳам арзийди. Шунча пул берганинглам яхши бўлибди, — дебди рожа.

Шу куниёқ у янги каравотда ухлабди. Айтишларича, эндигина уйқуга кетганида каравотнинг тўрттала оёғи ромидан ажралиб чиқибди. Улардан бири шарққа, иккинчиси ғарбга, бошқаси эса жанубга, тўртинчиси шимол томонга тарқалиб кетишибди. Шарқ томонга кетгани рожага қарши ҳужум келаётган қўшинни кўриб, улар билан жангга киришибди. Ғарб томонга кетгани рожанинг устига ағанай деб турган деворни кўриб, уни тираб қолибди. Шимол томонга ажралган оёқ, рожани чақиб ўлдириш учун унинг туфлиси ичига беркиниб олган илонни пойлаб турибди. Жануб томонга ажралган оёқ қани дейсизми? Одамхўр, рақшасни кўриб қолибди. У оғзини катта очганича рожани ейиш учун келаётган экан. Оёқ бир сакраб, унинг оғзига кўндаланг бўлиб, рожага яқинлашишига йўл қўймабди. Булар ҳаммаси рожанинг тушига кирибди.

Уйқудан турган рожа қараса, ҳақиқатан ҳам каравотнинг биттаям оёғи йўқ, ўзи эса полда ётганмиш.

— Ёлло! — деб кўрқиб кетибди у. — Тушимми ё ўнгимми? Қани нима гаплигини билай-чи, — деб ўйлаб, энди оёғига туфлисини киймоқчи бўлган экан, бирданига каравотнинг оёғи бақириб юборибди.

— Тўхта! Туфлингни кийма, у ерда сенинг душманинг беркиниб ётибди. Агар мен бўлмаганимда у сени аллақачон ўлдирган бўларди.

Рожа ўша заҳоти хизматкорларини чақирибди. Улар ёғоч билан уриб, илонни ўлдиришибди. Рожа ўрнидан туриб ғарб томондаги эшик томонга юрган экан, бирдан у ердаги каравот оёқ кичқирибди:

— Тўхта, эҳтиёт бўл! Буёққа ўтма, кўряпсанми, мен тепада сенинг душманингни тутиб турибман.

Рожа тепага қараса, ҳақиқатан ҳам сарой девори оғиб кетай деб турганмиш. У ўша заҳоти хизматкорларини чақирибди. Улар дарҳол керакли жойга тирговуч қўйиб, деворни тўғрилаб қўйишибди.

Рожа энди ташқарига чиққан экан, унга қараб оғзини катта очганича бақрайиб турган рақшасга кўзи тушибди. Шунда унинг оғзидаги оёқ:

— Нимага қараб турибсан? Бор, қуролингни олиб чиқ-да, рақшасни от. Мен уни тутиб қолдим. Бўлмаса у сени аллақачон еб қўйган бўларди, — дебди.

Рожа югуриб бориб милтигини олиб чиқибди-да, рақшасни отиб ўлдирибди. Оёқ эса ўз жойига бориб турибди. Рақшасни тинчитгач, рожа ётоқхонасига кириб, каравотини кўрмоқчи бўлибди. Қараса, учта оёқ келиб, ўз жойига маҳкам ўрнашгану

тўртинчиси йўқмиш. «Модомики бу уччаласи менинг ҳаётимни сақлаб қолиш учун ҳаракат қилишган экан, демак, тўртинчиси ҳам қаердадир душманларим билан олишаётган бўлиши керак», деб ўйлабди.

Кейин ҳамма лашкарларини йиғиб, кунчиқар томонга йўл олибди. Қараса, тўртинчи оёқ бутун бошли қўшин билан олишиб ётганмиш. Рожа у ерга бориб лашкари билан душманни битта қолдирмай ўлдирибди. Оёқ эса бориб, ўз ўрнига мустаҳкам ёпишибди. Душманлари устидан ғалаба қилган рожа уйига келиб, каравот бус-бутунлигини кўрибди. У бундан жуда хурсанд бўлибди-да:

— Бу каравот менинг ҳаётимни сақлаб қолди. Агар у бўлмаганида ҳозир мендан ном-нишон қолмасди. Шунинг учун ҳозироқ бунинг устасини қаердан бўлса ҳам топиб, ҳузуримга келтиринг! — деб буюрибди.

Шундай деб у ўз одамларини қишлоққа жўнатибди. Улар йигит билан хотинини олиб келишибди. Рожа саройдаги бутун амалдорларини чақириб:

— Бу йигит мени ўлимдан халос этди. Шунинг учун мен бугун унга подшолигимнинг ярмини инъом этаман. Сизларни чақиришдан мақсадим шуки, бугундан эътиборан менга қандай муносабатда бўлсаларинг, унга ҳам худди шундай муносабатда бўлинглар, — деб эълон қилибди.

Шунда амалдорлар:

— Демак, сен уни рожа деб эълон қилдинг. Тўғрими? Агар шундай бўлса, энди унинг шарафига зиёфат берасан, — дейишибди.

Рожа уларнинг айтганини қилиб, катта зиёфат қилибди. Зиёфатдан мамнун бўлган халқ кейин уй-уйига тарқалибди, йигит эса рожа бўлибди.

Орадан бир-икки йил ўтгач, у ота-онасини, яна бир йилдан кейин эса қайнана-қайнатасини ҳам олиб келибди. Улар ҳаммаси биргаликда тинч-тотув яшай бошлашибди.





## ЛАНГУР



ивоят қилишларича, қадим замонда бой-бадавлат бир одам яшаган бўлиб, унинг икки қизи ва олти ўғли бўлган экан. Ота тўсатдан безгак касалига дучор бўлибди-ю, дунёдан ўтибди. Ўғиллари эса оталарини ювиб-кафанлаб, тупроққа топширишибди.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин бева она ой-куни етиб туғибди. Туққани бола эмас, лангур маймун экан. Бунинг устига кар экан. Онасининг қанақа бола туққанини бошқа болалари эшитиб, уни кўргани келишибди. Улар билан бирга бошқа қариндошлари ҳам келибди. Улар маймунни кўриб, бебахт хотиннинг устидан роса кулишибди.

— Уни ўлдир ёки ташлаб юбор. Бу ерда олиб қолма. Кўрган-эшитган одам борки, устимиздан куляпти.

— Йўқ, ҳеч қачон уни ташламайман. Ким билади, балки Чанданинг ўзи бирор сабаб билан болани шундай қилиб яратгандир. Бу фақат унинг ўзигагина аён. Менинг маймунлар билан ҳеч қандай алоқам бўлмаган. Отасини-ку, гапирмасам ҳам биласизлар, у ўлмасидан аввал менинг бўйимда бўлган эди. Барчамизнинг отамиз ҳисобланмиш Чанданинг ўзи шундоқ яратгандан кейин мен нимаям қила олардим уни. Йўқ, мен ўлдирмайман ҳам, ташламайман ҳам. Узим эмизиб, ўзим катта қиламан. Сизларга оғирлиги тушмай қўя қолсин. Ана ундан кейин Чанда нимани хоҳласа, ўшани қилаверади, — дебди у.

Унинг бу қароридан сўнг барча қариндошлари:

— Агар сен ундан воз кечмайдиган бўлсанг, биз сени остонамизга ҳам яқин йўлатмаймиз. Сени бу ердан кўчириб, кирди-чиқдини ҳам йиғиштирамиз, — дейишибди.

— Билганларингни қилинглар, — дебди у.

Унинг бу гапидан кейин ўғиллари оналарига ўзи яшаб турган уйларининг орқасига кичкинагина кулба қуриб бериб овқатидан хабар олиб туришибди. Барибир кўчага ташлаб қўйишмабди.

Бечора хотин тиним билмай ишлаб, боласини боқибди. Вақт ўтиб, бола ҳам ўсибди ва худди одамдек гапиришни, меҳнат қилишни ўрганибди.

Орадан анча вақт ўтиб, акалари ўрмонга ўтин кесишга борадиган бўлишибди. Улар оғизда шундай десалар ҳам, ниятлари шоли ва тариқ экиладиган ерни тозалаш экан. Шунда лангурнинг ҳам улар билан бирга боргиси келибди.

— Ойижон, менинг ҳам акаларим билан ўрмонга боргим келяпти. Узимизга тегишли жойни тозалайман,— дебди у.

Онаси:

— Майли, борақол, болажоним,— деб унинг қўлига болта тутқазибди.

Шундай қилиб у акалари билан ўрмонга ҳам етиб келибди.

Акалари унинг устидан кулиш учун жўрттага чангалзорни кўрсатиб:

— Ҳув анави ерни кўрдингми, бориб ўша ерни тозала,— дейишибди. Лангур улар кўрсатган ерга борибди-да, атрофга қараб, битта дарахтга болтани уриб ўзи орқага, акалари ўтирган ерга қайтиб келибди.

Акалари ишларини тугатиб, унга:

— Бўпти, энди уйга кетақолайлик, бугунча етар,— дейишибди.

У орқасига қайтиб, болтасини олибди ва ҳамма билан биргаликда уйга қайтибди. Ҳар куни шу ҳол такрорланаверибди: лангур ўрмонга бориб дарахтга болтасини уриб қўяркан-да, бошқалар иш қилаётган жойга қайтиб келаркан, кейин эса биргаликда уйга қайтаркан.

Бир куни улар шундай дейишибди:

— Ҳар куни биз билан келиб, атрофимизда ўралашиб юрасан. Ахир қачон дарахтларни кесишга ёрдамлашасан? Бирор кун йўқки, биздан нарироқ кетсанг.

— Нима деяпсиз, акажон,— дебди у.— Мен ишимни қилиб бўлгандан кейингина сизларнинг ёнингизга келаман.

— Буни қара-я,— деб ишонишмабди улар,— ким шунчалик оз фурсатда ҳамма ишини битказаркан? Бизларни лақиллатмай қўяқол.

— Сираям лақиллатаётганим йўқ-да. Ишонмаётган бўлсанглар мен билан юринглар, қилган ишларимни ўз кўзларинг билан кўриб келасизлар.

— Қани, йигитлар, юринглар, борсак борақолайлик. Кўрайлик-чи, нима ишни қойиллатганикин,— дейишибди улар.

Дарахтларни арралаб бўлиб:

— Юрақолинглар. Бориб кўрамиз-да, ўшанақаси уйга кетақоламиз,— дейишибди бир-бирларига.

Улар бориб кўришсаки, ҳақиқатан ҳам ҳаммаёқ тозаланган.

— Буни қаранглар-а. Шунча жойни қачон тозалаб улгурдий-

кин-а, бу? Кунни бўйи ёнимизда ғимирлаб юрган бўлса. Қисқа фурсатда шунча жойни тозалаш ҳеч қачон бизнинг қўлимиздан келмаган бўларди, — дейишибди улар.

Шу хил гап-сўзлар билан уйларига ҳам етиб олишибди.

Қирқиб ташланган дарахтлар қуригач, ҳаммасини бир ерга тўплашибди-да, ёқворишибди. Дала топ-тоза бўлибди. Шунда лангур:

— Ойижон, акаларим шох-шаббаларни ёқиб, ерни ҳайдашга тахт қилиб қўйдилар. Мен қанақа қилиб ер ҳайдайман? Менгаям ҳўкиз топиб беринг, — дебди.

— Қизиқ гапларни гапирасан-а, болам. Мен сенга ҳўкизни қаердан топиб бераман? Ким ҳам бериб турарди бизга шу пайтда. Бунинг устига уруғлик ҳам йўқ. Нимани экасан? — дебди онаси.

— Акаларим шоли экишмоқчи. Биз нима экасак экан-а?

— Акаларингда ҳамма нарса бор, шунинг учун улар хоҳлаган нарсаларини экишади. Бизда эса ҳеч қанақа уруғ йўқ, нимаям экардик.

— Ойижон, ҳечам уруғ йўқми?

— Йўқ, ўғлим.

— Наҳотки ҳеч қанақа уруғ бўлмаса? — ишонмай яна сўрабди у.

— Ҳа, эсимга тушди. Қаердадир ошқовоқ уруғи бор эди-я, — дебди ойиси.

— Майли, бошқа уруғ йўқ экан, ўшайм бўлаверади. Қани, олиб беринг, менам бирор нарса экай.

Онаси унга ошқовоқ уруғларини берибди. Уруғни олиб бориб даласига экиб қўйибди. Уни кўрган акаларидан бири:

— Менга қара, ҳой, қачон ерингни ҳайдайсан? Ахир унга ҳали бирон марта қўл теккизмадинг-ку, — дебди.

— Э, акажон, мен ерни ағдармай шундай экиб қўйдим, — дебди у.

— Хомкалла, нима эка қолдинг бирпасда? — сўрашибди ундан.

У жавоб бериш ўрнига акасидан сўрабди:

— Ўзинглар нима экдинглар?

— Биз шоли экдик.

— Мен ҳам шоли экдим. Тўғрироғи, ўтқаздим.

Унинг жавобидан ҳайрон қолган акалари:

— Шолиниям ўтқазарканми? Сендан энди эшитиб турибмиз бу гапни. Қандай қилиб ўтқаздинг? — деб сўрашибди.

Улар лангурни мазага қилиб роса кулишибди. Лангур эса уларнинг гап-сўзларини хотиржам эшитиб тураверибди, ҳатто жавоб ҳам бермабди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб эккан нарсалари бўй берибди, улар хурсанд бўлиб кунора даладан хабар олиб туришибди. Лангур ҳам бориб, ўз ерини кўздан кечириб келибди. Бир марта

ҳаммалари баравар тўпланиб қолишибди. Уз экинларини кўриб бўлиб:

— Юринглар, бориб лангурнинг даласини ҳам кўриб келамиз. Бирор нарса унгандир,— дейишибди ва лангур билан биргаликда унинг даласига йўл олишибди. Бориб, ҳеч нарса кўрмагач, ундан сўрашибди:

— Э, овсар, шолени қаерга экувдинг? Битта ҳам майса кўринмаяпти-ку?

Шунда у уруғ эккан жойини кўрсатибди. Улар бирпас қараб туриб:

— Бу ахир қовоқ-ку. Шолинг қаерда? Узинг айтувдинг-ку шоли экдим, деб. Қани у? — дейишибди.

— Тўғри айтяпсиз, акажон. Мен ўшанда сизларни алдаган эдим. Мениям жуда шоли экким келувди. Онамдан уруғлик сўрасам: «Бизда уруғлик шоли йўқ»,— деб жавоб бердилар. Шунда яна мен: «Наҳотки ҳеч қанақа уруғлик йўқ», десам, улар: «Озроқ ошқовоқ уруғи бор эди», деб қўлимга ўшани тутқаздилар. Бошқа уруғлик бўлмагандан кейин нимаям қилардим. Олиб келиб экиб қўйдим,— деб иқроп бўлибди лангур.

— Унда нега бизлардан сўрамадинг? Нима, бизларни шунчалик зиқна деб ўйладингми ё? — деб сўрашибди акалар.

— Майли, бўлар иш бўлди. Менинг ҳосилим ҳам бирор корҳолимга яраб қолар. Сизлардан гуруч бўлса, мендан қайласида. Ошқовоқлар пишганда балки гуручга айирбош қилармиз, а? Ё йўқ дейсизларми?

— Яхши, бу гапинг ҳам тўғри. Ҳарқалай қилган ишинг бемаъни иш бўлибди.

Ҳақиқатан ҳам вақти келиб, шоли пишиб етилибди. Лангурнинг қовоқлари ҳам роса бўлиб берибди. Ҳосил шундай мўл бўлибдики, ҳатто ҳисобига ҳам етиб бўлмасмиш. Лангур ҳар куни даласига бориб ҳосилни кўриб, кўзи қувнаб қайтиб келармиш.

Вақти келиб, шоли пишибди, шунда улар:

— Шоли ҳам, мана, пишди. Келинглар, худоларга тегишлигини ажратиб, сўнгра ўриб оламиз,— дейишибди.

Лангур ҳам:

— Мен ҳам худди акаларим каби худоларнинг насибасини берай-да, кейин ҳосилни йиғай,— деб акаларининг қилаётган ишларини кузатибди.

Улар ҳовлиларининг бир томонини яхшилаб текислаб, у ерни янги сигир гўнги<sup>1</sup> билан сувашибди. Кейин озроқ шоли ўриб келиб ўша ерга ташлашибди, мана шундай қилиб ҳосилнинг биринчисини ҳады қилишибди. Оналари билан лангурни ҳам

<sup>1</sup> Ҳиндларда сигир гўнги ҳамма нарсани покиза қилади деган ақида бор.



чақириб, байрамни нишонлашибди. Зиёфатга она-бола икковлари келишибди. У ерда қайлали гуруч еб, сўнг уй-уйларига тарқалишибди.

Орадан икки-уч кун ўтгач, лангур онасига:

— Ойижон, бизларнинг ҳам ҳосилимиз мўл бўлди. Шунинг учун ҳосилни йиғишимиздан олдин биз ҳам биринчи ҳосилни ҳадя қилишимиз лозим. Сиз эртага манави ерни текислаб, сигир гўнглари билан суваб чиқинг, кейин акаларимни бутун оила аъзолари билан бизникига таклиф қилинг. Мен чўмиламан-да, кейин қовоқ олиб келаман, — дебди.

— Жуда тўғри ўйлабсан, болам, — деб унинг гапини маъқуллабди онаси. — Демак, эртага байрам қилар эканмиз-да, а?

Эртасига акаларини оила аъзолари билан уйларига таклиф қилишибди. Улар эса ўзаро:

— Буни қаранглар, тавба. Уйларида ҳеч нималари йўғу яна тагин меҳмонга таклиф қилишяпти, шунча одамни нима билан меҳмон қилишаркин, — дейишибди.

Лангур аъзойи баданини ювиб, қовоқ олиб келиш учун даласига кетибди. Дуч келган каттагина қовоқни танлабди-да: «Мана шуниси ҳаммага етса керак», деб узиб, ўз кулбасига олиб келибди. Уни албатта, акалари кўришибди.

Худди қурбонликда сўйиладиган хўрознинг бошини танидан жудо қилгандек, лангур ҳам ўшандай қилиб пичоқни то дастасигача тақаб, қовоқни шарт иккига бўлибди. У бу ишларни бажараётган вақтда онаси ҳам ўша ерда экан. Қовоқни бўлиб қарашса, ичи тўла гуруч эмиш. Ғалвирни олиб келиб, гуруч билан тўлдиришибди. Гуруч ундан ошиб қолибди, саватга ҳам солишган экан, уям лиммо-лим тўлибди. Она-бола шундай қувонишибдики, асти қўяверинг, лекин бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очишмабди.

— Битта-яримтага айтсак, бутун ҳосилимизни ўғирлаб кетиши мумкин, шунинг учун ҳеч кимга гапирмаймиз, — деб ўзаро келишиб олишибди.

Кейин эса, бирорта одам кузатиб турган бўлмасин тагин, деб қовоқдаги гуручни битта қолдирмай олишибди ва қовоқ пўстини шилиб, қайла пиширишибди. Унга яна тозаланган нўхатдан ҳам кўшишибди.

— Ойижон, — дебди лангур, — ана энди гуручдан кўпроқ пишираверинг, барчага — акалариму уларнинг оила аъзоларига ҳам етсин. Акаларим бизни уйларига чақиришганда иккаламизга бир ҳовучгина гуруч беришган эди. Бизлар уларнинг шу қилганига гуручни кўп-кўп солиб берамиз. Агар бу қовоқдагиси етмаса, бориб яна бошқасини олиб келаман.

— Йўқ, ўғлим. Бошқа олиб келма. Бугунга шунинг ўзи ҳам етади, — дебди онаси.

Ҳамма нарса тайёр бўлибдию, лекин ҳамон акаларидан дарак йўқмиш. Лангур онасидан сўрабди:

— Ойи, акаларимга айтиш эсингиздан чиқмаганмиди мабодо? Негадир шу пайтгача киришмаяпти.

— Ҳаммаларини тайинловдим.

— Унда нега келишмаяпти? Бориб хабар олиб келай-чи, — дебди у ва акалариникига бориб:

— Ҳа, акажонлар, нега чиқмаяпсизлар? Қани юрақолинглар, — дебди.

Акалари эса ўзаро:

— Қизиқ, у бизни нима билан меҳмон қилмоқчи ўзи? Бизлардан ташқари яна қанча одамни таклиф қилган. Хотиржам, дадил таклиф қилишига қараганда унча-мунча тайёргарлиги борга ўхшайди. Қани, юринглар-чи, борсак борайлик. Кўрамиз нима билан меҳмон қилишини, — деб у билан бирга кетишибди.

Лангур ҳаммаларини очиқ чеҳра билан кутиб, жой-жойларига ўтқазибди.

Катта акаси: «Қани, бир кўрай-чи, нималар тайёрладикин у», деб ўз кўзи билан кўрмоқ учун онаси овқат пишираётган кулбага кирибди. Қараса, ҳақиқатан ҳам бир сават тўла пишган гуруч турганмиш. У ҳайрон бўлиб:

— Катта зиёфат беришга қаердан шунча гуруч олдинглар? — деб сўрабди.

Лангур эса сир бой бермай, индамай тураверибди.

Онаси ишини тугатиб, меҳмонларга сув олиб чиқибди. Ҳаммалари қўлларини ювиб, ўзларини овқатга уришибди. Оналари овқат тарқатиб бўлгач:

— Бу ўзимизнинг ҳосилимиздан. Олинглар, ош бўлсин. Укаларинг: «Акаларим биринчи ҳосилни йиғишганда бизларни меҳмон қилишувди, келинг, биз ҳам уларни чақирайлик», деб туриб олди. Бу шунинг шарафига берилаётган зиёфат, — деб тушунтирибди.

Овқатдан сўнг меҳмонлар уй-уйларига тарқалишибди.

Қовоқ ичидан гуруч чиққанига она-боланинг қувончи чексиз бўлибди. Худонинг берган куни далага бориб, ҳосилларига қараб ўтириб, кўзлари тўймай қайтиб келишармиш. Урим-йиғим пайти келгач, ҳамма шолисини ўрибди, булар эса қовоқларни йиғиб, уйга ташишибди. Еру кўкни қовоқ босиб кетибди. Кулбанинг ҳатто бирорта бурчагيام бўш қолмабди. Улар бир йилга етарли гуруч ғамлаб қўйишибди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, акалар от сотиб олиш учун бозорга бормоқчи бўлишибди. Бу гап лангурнинг ҳам қулоғига етибди:

— Ойижон, акаларим от сотиб олиш учун бозорга кетишяпти. Менинг ҳам от олгим келяпти. Майлими, улар билан бирга борсам?

Онаси: '!

— Ҳа-а, болам-а, уларнинг-ку от олишга пуллари бор. Сенингчи, сенинг нимаг бор? Отни нимага сотиб оласан? — дебди.

— Ойижон, наҳотки ҳеч нимамиз бўлмаса-а? — сўрабди лангур.

— Битта ўрам арқону гуручдан бўлак ҳеч нима йўқ бизларда, ўғлим, — деб жавоб қилибди онаси.

— Унда ўша айтганингиз, бир ўрам арқонни олиб берақолинг менга, — дебди ўғли.

Онаси берган арқонни олиб лангур акалари билан йўлга тушибди. Акалари ундан:

— Ҳа, йўл бўлсин? Қаёққа кетяпсан? — деб сўрашибди.

— Менам сизлар билан от сотиб олишга бораман, — дебди.

Улар эса лангурни ёнларида олиб юришга номус қилишибди ва:

— Йўқ, бизларнинг кетимиздан юрма, — дейишибди.

Ҳар хил ҳақоратли сўзлар айтиб, уни йўлда ташлаб кетишибди.

Юра-юра бир пайт фарқ пишган манго дарахтини кўриб қолибди. Шунда улардан биттаси:

— Эҳ, қанийди ҳозир ёнимизда лангур бўлганда, манави мевалардан бизга узиб берарди, — дебди.

Лангур эса бу пайт ўша дарахтнинг тепасида ўтирган экан. У:

— Мен шу ердан! Манго егиларинг келаётган бўлса ҳозир ташлайман, — деб қичқирибди ўтирган еридан.

Акалари лангур ташлаган манголари еб, яна йўлга тушишибди. Ярим йўлга етгач, яна уни ҳақоратлаб, ёнларидан ҳайдашибди. Лангур яна ортда қолибди. Қаердандир каравот тўрини тўқийдиган мўгуз топиб олиб, акалари узоқлашгунча кутиб турибди. Кейин эса айланма йўллар орқали улардан ўтиб кетибди. Шундай қилиб ахири от бозорига етиб келишибди. Бу пайтда кеч бўлиб қолган экан. Улар ўзаро: «Кеч бўлди. Бугун энди от сотиб ололмаймиз. Яхшиси, эрта билан сотиб оламиз-да, бира тўла миниб, уйга кетамиз», дейишибди. Шундай қарорга келиб, ухлашга жой ҳозирлашибди.

Лангур эса отхонага кириб, том остига жойлашиб олибди. Кечаси отлар бир-бирлари билан гапга тушиб кетишибди. «Бугун анча харидорлар келишди. Қайси биримизни сотиб олишаркин», дейишибди улар. Лангур эса отларнинг гапини жимгина эшитиб ўтирибди. Улар яна гапларини давом эттиришибди: «Балки эртага бизларни сотиб олишар, а? Қизиқ, қай биримиз қанча чақирим чопа оларкинмиз?» Шунда улардан бири, мен фалон чақирим, иккинчиси эса мен пистон чақирим, деб кучлари етадиганча масофани айтишибди. Уларнинг орасида бир бия ҳам бўлиб, у: «Мен ерда ўн икки чақирим чопа оламан,

осмонда эса ўн икки чақирим масофага уча оламан», дебди.

Унинг бу гапини эшитган лангур, лип этиб пастга тушибди-да, кўлидаги мўгузни ўша — ҳам ерда юрадиган, ҳам осмонда учадиган биянинг туёғига тиқиб қўйибди. У ўша заҳоти чўлоқланиб қолибди.

Эртасига ака-укалар от бозорига боришибди. Қарашса, лангур ҳам ўша ерда экан.

— Ие, сен қачон кеп қолдинг буёққа? — деб сўрашибди ундан.

— Ҳозир келиб турибман, — дея жавоб қилибди лангур.

Кейин ҳаммалари бирга от танлаша бошлашибди. Улар ўзларига энг силлиқ отлардан танлаб, савдолаша бошлашибди. Токи, улар ишларини битиргунча лангур индамай, савдолашишгаётганини кузатиб тураверибди. Акалари отларнинг пулини тўлаб бўлиб, минишибди-да уйларига йўл олишибди.

Улар жўнаб кетишлари ҳамоно лангур тилга кирибди:

— Хўжайин, нега манави от оқсоқланияпти? Қачондан бери оқсоқланади?

— Ҳайронман нима бўлганига. Кеча туппа-тузук эди. Кечаси бир нима бўлганга ўхшайди.

— Балки синчига кўрсатарсан? Шу туришида мана ҳозир ҳолдан кетиб йиқиладиганга ўхшайди. Қара, бечора жудаям судралиб қолибди.

— Агарда от касалланса, қанча даволама, барибир ўнганмайди деб эшитгандим. Менинг бутун умрим шулар орасида ўтяпти. Шунинг учун жуда яхши биламанки, даволасам-да, ҳаракатим зое кетади.

— Ундай бўлса сотиб юбора қол, — дебди лангур. — Барибир ҳадемай ўлади-ку. Сенга энди унинг керагиям йўқ.

— Чўлоқ отнинг кимгаям кераги бор. Оқсоқланаётганини кўрган одам ўша заҳотиёқ воз кечади. Агар хоҳласанг сен олақол. Сенга бераман.

Бечора хўжайин бу от бошқалардан кўра анча чопқиру лангур унинг оёғини атайлабдан чўлоқ қилиб қўйганини қаердан ҳам билсин.

— Менга қара, — дебди лангур. — Шу отинг учун қанча сўрамоқчисан?

— Қачон оладиган бўлсанг, ўшанда айтаман нархини.

— Агар бепул берсанг олардим-да, уни яхшилаб парвариш қилардим. Тузалса — миниб юардим, тузалмаса — йўқ.

— Мен унга ахир озмунча пул сарфладимми? Наҳотки арзимас бир ҳақ ҳам бермайсан?

— Агар беришга бирор нима б бўлганда албатта берардим-а. Узинг кўриб турибсанки, ҳеч вақоим йўқ. Битта-яримтадан қарз олиб, сенга берсам ёмон бўлмасди. Фақат бу ерда ҳеч ким от гўшти емасакан-да, териси ҳақида-ку, гап ҳам бўлиши

мумкин эмас. Унинг гўшту терисини сотиб пул қилиш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Узинг айтганингдек, касал отнинг тузалишига умид йўқ. Шунинг учун ҳам унга пул тўламоқчи эмасман. Бор бисотим манави арқон. Агар хоҳласанг шунини олақол, — дебди лангур.

— Ҳеч бўлмаса бир рупий қўшгин, — ялинибди унга хўжайин.

— Йўқ, пулим йўқ. Хоҳласанг шу: арқонни ол-да, отни бер, хоҳламасанг — йўқ.

Хўжайин ўйлаб-ўйлаб охири рози бўлибди.

Лангур отни олиб кетибди. Хўжайиндан анча узоқлашгач, отнинг туёғидан мўғузни олиб ташлабди. От бирдан енгиллашиб, чўлоқланмай қолибди. Лангур хурсанд бўлиб, бир сакраб отнинг устига чиқибди-да, чоптириб кетибди. От шундай елиб кетибдики, буни ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмас экан. Акаларига етишига озгина қолгач, осмону фалакка чиқиб учиб кетибди-да, уйга улардан анча олдин етиб келибди. Келиб отни эшик олдига боғлаб қўйибди, сув, ем берибди, ўзи эса ювиниб чиқиб, овқатланибди ва акаларининг етиб келишини кутиб ўтирибди.

Орадан унча кўп вақт ўтмасдан улар ҳам етиб келишибди. Эшик ёнига боғланган отни кўриб ҳайрон қолишибди ва:

— Кимнинг оти бўлдийкин бу? — деб сўрашибди.

Бу от лангурнинг оти, дейишибди уларга. Улар яқинроқ келиб отни томоша қилишибди. Кўришаки уларнинг оти айғир бўлиб, лангурники бия экан. Кейин уй-уйларига тарқалишибди.

Орадан икки кун ўтиб, улар:

— Келинлар, пойга ўйнаймиз. Кимнинг оти чопағоникин? — дейишибди. Бу гап барчага маъқул тушибди:

— Бўпти, пойга бўлса пойга-да, — дейишибди.

Улар пойгани бошлашлари биланоқ лангурнинг оти ҳаммадан ўзиб кетибди: у ерда ҳам, осмонда ҳам ўн икки чақирим масофани кўз очиб юмгунча босиб ўтибди. Бундан ҳайрон қолган акалари лангурдан:

— Ҳой лангур, кел алмашамиз. Сен отингни берасан-да, бизларнинг отлардан хоҳлаганингни танлаб олсан, — деб сўрашибди.

У эса бунга жавобан:

— Йўқ, акажонлар. Мен таклифларингга рози бўлмайман. Ахир ўзинглар бозорда биринчи бўлиб шуларни танлаб олдиларинг-ку. Мен ҳам ўзимга мана шу отни танладим. Мен уни ҳеч кимга бермайман, — дебди.

Унинг бу гапидан сўнг бошқа гапга ўрин қолмабди.

Лангур мана шундай қилиб аста-секин уйига у-бу нарсалар олиб рўзгорини анча бутлабди. Орадан икки йил ўтгач, уларнинг оиласи ўзига тўқ оилалардан бўлиб олибди. Бир куни у онасига:

— Ойижон, бундай ўйлаб қарасам, уйланадиган вақтим ҳам

бўлиб қолибди. Энди менга муносиб бир қиз топсангиз, — дебди.

Онаси ўғлининг бу гапидан эсанкираб қолибди. «Бунга энди қаердан топаман хотинни? Инсон зотидан бунга тегишга ҳеч ким ўлақолса ҳам рози бўлмайди, маймунлар<sup>10</sup> эса гапиришни билмайди. Роса бошим қотди-ку», — дебди ўзича. Чуқур ўйлаб ўғлига у шундай дебди:

— Яхши ўйлабсан, ўғлим. Фақат бир оз шошмай тур. Мен аввал совчилар билан гаплашай-чи, улар нима дейишаркин.

— Жуда соз. Уларни уйимизга таклиф қилинг. Кейин эса нима дейишгани менга айтиб берарсиз, — дебди.

— Майли, — дебди онаси.

Икки кун ўтгач, у ҳар томонини ўйлаб, бир қарорга келибди-да, ўғлига шундай дебди:

— Мен келишувга мувофиқ совчиларни уйга таклиф қилувдим, улар менга: «Ўғлинг ўзига-ўзи топади хотинни. Сен фақат келин учун қалин пули топсанг бас», дейишди. Хўш, нима қилмоқчисан энди?

— Майли, ойи. Уларнинг гапида жон борга ўхшайди. Демак, мен ўзим қидириб топиб келаман келинни. Лекин бир нарсани айтсангиз менга: қанча пул керак бўларкан?

— Бу сенинг қандай хотин олишингга боғлиқ: қизми, жувонми ёки бевами? Агар бева ёки жувон оладиган бўлсанг озроқ пул тўлайсан, агар қиз олмоқчи бўлсанг ўн беш-ўн олти рупий берасан.

— Мен қиз олмоқчиман.

— Жуда тўғри. Агар қизга уйлансанг менинг кўнглимдаги иш бўларди.

— Жуда соз, ундай бўлса мен эрта ё индин йўлга тушаман, — дебди у.

Ҳақиқатан ҳам у эртасига онасига қарорини айтибди. Онаси «Ҳа, болам-а, кимнинг кўзи учиб турганикин сенга? Ишқилиб бирор ерда итлар таламаса яхшийди-я», дебди ўзича.

Шундай қилиб, лангур кўнглига ёқадиган қиз қидириб ёт ўлкаларга кетибди. Бир жойга бориб қараса, ҳовузда бирталай қизлар чўмилишаётганмиш. У ўша ёққа югуриб борибди-да, кимнингдир кўйлагини олиб, дарахт тепасига чиқиб кетибди. Қизлар қўрқиб бақаришибди, кўйлакнинг эгаси бўлса аччиқ-аччиқ йиғлабди.

Лангур ўзи тепада бўлса ҳам, сарининг бир учини пастга осилтириб қўйибди. Буни кўрган қизлар:

— Вой, дугонажон, қара, у кўйлагингни дарахтга олиб чиқиб кетибди.

Қиз кимларнингдир кийимига ўралибди-да, бошқа дугоналари билан бирга ўша дарахт тагига келибди. Қарашсаки, лангур ўтирибди. Унга ялинишибди:

— Пастга тушақол, лангуржон. Дугонамизнинг кўйлагини бер.

— Агар у менга турмушга чиқса кўйлагини олади, бўлмаса — йўқ, — дебди у. Қизлар унинг гапирганига ҳайрон бўлиб, қотиб қолишибди.

— Вой, уям бизга, ўхшаб гапиряпти-ку, — дейишибди.

Лангурнинг гапирганидан қизлар қўрқмай қолишибди, кейин у билан узоқ тортишибди. Қизлар ҳадеб:

— Лангур, кўй қийнама, кўйлагини бер, — дейишса, у ҳам ўз сўзида туриб олиб, фақат бир гапни такрорлайверибди:

— Менга турмушга чиқса — бераман.

Охири унинг гапи жонларига теккач:

— Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ, шу ҳолингга уйланишга бало борми сенга? — дейишибди.

Лангур уларнинг гапини эшитибди-да:

— Бўпти, сизлар кўйлақларингни олинглар-да кетаверинглар, бу эса кийимини тепадан ўзи тортиб олсин, — дебди.

Шундай деб у кўйлақнинг бир учини секин-секин пастга туширибди-да, кейин яна тортиб олибди. Қиз эса унинг бу қилиғидан аччиқланиб, бир сакраган экан, сарисининг этагини тутиб олибди. Сакраганда устидаги бировнинг кийими тушиб кетиб, ўзиникига осилиб қолибди, лангур уни тепага тортиб олибди, кейин маҳкам қучоқлаб кўйлагини қайтариб берибди. Ўзи инсофга келибми ё бу Чанданинг юборган марҳаматими, ишқилиб қиз тақдирга тан бериб дугоналарига:

— Мен бу билан қоламан. Сизлар уйга кетаверинглар, — дебди. Улар эса:

— Юринглар, қизлар. Бориб уйдагиларга хабар берайлик, — деб қайтиб кетишибди.

Улар кетган заҳоти лангур қизни елкасига ўнгарибди-да, бор кучи билан чопиб, уйига етиб келибди.

Қизнинг ўртоқлари унинг уйига бориб, бўлган воқеани ота-онасию, ака-укаларига айтиб беришибди. Улар дарров қўлларига нимаики тушса, олиб, кучуклари билан лангурни излаб кетишибди. Бутун атрофни қидириб, топишолмай, аччиқ-аччиқ кўзёши тўкишибди. Икки-уч кунгача қидириб, топишолмагач, уйларига қайтиб кетишибди. Ва ниҳоят, вақт ўтгач, улар ҳам тақдирга тан беришибди.

Лангур эса қаллиқ топиб келганидан ўзида йўқ хурсанд эмиш. Қўшнилари ҳам қизнинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлишибди. Улар тўй кунини белгилаб, тайёргарликни бошлаб юборишибди. Тўй белгиланган кунни ҳамма меҳмонлар келиб, маза қилиб еб-ичишибди, тўй ҳам худди одамларнинг тўйидек ўтибди. Улар энди бирга яшай бошладилар.

Шундай қилиб лангур ҳам уйли-жойли бўлибди. Ёш бекага эса уй-рўзғорга нимаики керак бўлса ҳаммасини беришибди. Лангур ҳақидаги ҳикоямиз ҳам шу билан ниҳоясига етди.



## БАЧКОМ УТИ ҚАЕРДАН ПАЙДО БУЛГАН?

ивоят қилишларича, қайсидир мамлакатда етти оға-ини яшашган экан. Уларнинг биттаю битта сингласи бўлган экан. Бир куни қиз акаларига овқат тайёрлаш учун аллақачон ёқлардан ҳар хил сабзавотлар йиғиб келибди. Уларни тўғраётганда пичоқ жимжилогини кесиб кетибди. Ундан оққан қон сабзавотларга тушибди. Қиз овқатни пишириб, акаларига сузиб берибди. Улар овқат еятуриб, бир-бирларидан:

— Бугунги овқат жудаям ширин бўлибди, сездингларми? — деб сўрашибди.

Улар бунинг сабабини аниқлаш учун сингилларидан суриштиришибди, маълум бўлишича, сингиллари қўлини кесиб олганда қон овқатга ҳам тушган экан. Ана шунинг учун овқат мазали бўлибди.

Ака-укалар ўзаро бу ҳақда узоқ суҳбатлашиб ўтиришибди. Улардан биттаси:

— Менга қаранглар, — дебди. — Синглимизнинг қони шунчалик ширин бўлса, гўшти ундан ҳам мазалидир балки, а?

Шунда катта ака:

— Ундай бўлса биз унинг гўштини ҳам еймиз, — дебди.

Улар бу режаларини қандай амалга ошириш ҳақида узоқ бош қотиришибди ва ниҳоят йўлини топишибди.

Уларнинг жўхоризорлари бўлиб, шу кунларда айни пишган пайти экан. Ана шуни ўйлаб, сингилларига:

— Сингилжон, биз йўқ пайтларда жўхоризорни қўриқлаб турсанг, — деб илтимос қилишибди.

Шундай деб сингилларига кичкинагина чайла тикиб беришибди. Қиз далада қаргаю чуғурчуқларни ва шоқолу итларни ҳайдаб қўриқчилик қилибди. Еттига акаси эса ҳеч ким кўрмайдиган ерга беркиниб олиб, ўқ-ёйдан унга қараб отишибди. Токи чарчамагунларича отаверишибди. Кичик акаси эса уни



ўлдиришни истамай ўқини теварак атрофга отибди. Ниҳоят, катта ака отган ўқдан сингил йиқилиб ўлибди.

Ҳаммалари бир бўлиб уни кўтариб, дарё бўйига олиб боришибди — ўша ерда емоқчи бўлишибди. Улардан бири сочини куйдирибди, бошқаси гўштани ажратибди, кичиги эса сув олиб келиш баҳонасида нари кетибди, чунки сингисига жуда жони ачибди. «Ахир у синглим, жигаргўшам бўлса, қандай қилиб уни ейман?» — дебди ўзига-ўзи ва дарёга бориб қисқичбақа тутиб, пиширибди.

У дарё бўйида юрганда акалари гўшт пишириб, етти бўлакка бўлишибди ва ҳар бирлари ўзига тегишли бўлакларни еб қўйишибди. Фақатгина кенжаси унинг гўштани емай чумоли уясига секингина тиқиб қўйибди-да, қисқичбақаларини ебди ва:

— Мен еб бўлдим, — дебди.

Гўштарни еб бўлган ака-укалар уйларига қайтиб кетишибди.

Улар олдин жуда бадавлат яшашган экан, сингилларини ўлдиригандан кейин эса камбағаллашиб кетишибди.

Кичик ака гўшт тиқиб қўйган жойда тез орада жуда ажойиб бамбук ўсиб чиқибди. Бир куни ўша ердан ўтиб кетаётган нотаниш киши бу новдани кўриб қолибди ва: «Бундан мен ғижжак ясайман», дебди ўзига-ўзи.

Эрталаб қўлида болта билан яна ўша ерга келибди. «Қаёқ томонидан чопсамикин?» деб уёқ-буёғига ўтиб айланибди-да, кейин:

— Нима бўлса бўлар, тепароғидан чопақолай, — деб болта билан бир урган экан, ўша жойдан овоз чиқиб, унга:

— Ҳой, тўхта, тўхта! Пастроқдан чоп! — дебди.

У болта билан энди илдишни чопа бошлагани экан, яна йиғламсираган овоз эшитилибди:

— Тўхта, тўхта! Жуда пастдан чопма, юқорироқдан чоп.

Яна тепароқдан чопган экан, тагин ўша овоз эшитилибди:

— Тўхта, тўхта! Юқоридан чопма, пастроқни чоп!

Шунда у бор кучи билан болтасини дарахтга урган экан, унинг битта пояси учиб тушибди. У пояни олибди-да ундан ғижжак ясабди. Яхшилаб ишлов бергач, ундан шундай куйлар чиқибдики, эшитиб тўймасакан киши. Чиқаётган товуш худди ёш қизларнинг овозига ўхшаркан — ҳақиқатан ҳам унинг ичида қиз ўтирган экан-да. Мусиқачининг бўлса унинг ичида одам борлиги хаёлига ҳам келмабди.

Шундай қилиб у бир неча кун ғижжагини чалиб юрибди. Бир куни қиз у ердан чиқибди-да, унга миннатдор нигоҳ билан қарабди, қизни севиб қолган мусиқачи унга уйланибди. Уша кундан бошлаб улар бой-бадавлат бўлиб, бахтиёр ҳаёт кечира бошлашибди.

Бутун бойликларидан жудо бўлган акалари эса бегона элларга бош олиб кетишибди ва бир куни дайдиб юриб,

сингилларининг уйига келиб қолишибди. Улар сингилларини танишмабди, қиз эса акаларини дарров танибди-да, эрига:

— Булар менинг акаларим бўлишади. Кел, уларни яхшилаб меҳмон қилайлик. Улар ахир садақа сўраб юрувчи гадоймас-ку, — дебди ва:

— Бизникида бир оз дам олинглар. Кейин яна кетаверасизлар, — деб уларни ичкарига таклиф қилибди.

Улар қизнинг таклифидан жуда қувониб кетишибди.

— Бахтимиз қайтиб келганга ўхшайди. Мана бугун бир тўйиб овқатланадиган бўлдик, — дейишибди бир-бирларига.

Ака-укалар баданни ёғ билан қандай артиш кераклигини аллақачон эсларидан чиқариб юборган эканлар, бунинг устига эгниларига кийимларининг ҳам жулдури чиқиб кетган экан. «Уларга ўзим ёғ берақолай», — деб куёвлари идишга нақ бир рушийлик ёғ солиб берибди. Улар эса оч-наҳор юрганларидан ёғни олиб, ичиб қўя қолишибди. «Воҳ, ахир ёғни ичиб қўйишибди-ку», — деб ҳайрон бўлибди куёв. Кейин яна бошқа бир идишга ёғдан солиб, уларни ўзи ҳовузга олиб борибди. Чўмилиб чиқшандан кейингина баданларига суркаш учун ёғни берибди, узлариям худди эшакдек яғир бўлиб кетишган экан.

Улар уйга келиб бир оз дам олгунларига қадар овқат ҳам тайёр бўлибди. Сингиллари қўлларини ювиш учун сув тутибди. Қўл ювиб, уйга киришибди. Биринчи овқатни еб бўлганларидан сўнг қиз иккинчисини берибди. Кейин эса қиз уларни сўраб-суриштирибди ва:

— Мени танияпсизларми? — деб сўрабди.

— Йўқ, — дейишибди улар. — Ўзинг айтақол кимлигингни.

Шунда қиз бошидан ўтганларни гапириб берибди:

— Бизлар саккизта бола эдик: етти ака ва мени, сизларнинг сингилларингиз. Кейин, агар эсларингда бўлса мени жўхоризорда ўқ отиб ўлдирдинглар, тўғрими? Кичик акамгина мени ўлимдан сақлаб қолмоқчи бўлиб, роса ҳаракат қилдию, аммо сизлар ўз ниятларингизга етдинглар. Лекин барибир мени мана шу кичик акам қутқариб қолди.

Унинг гапини охиригача эшитиб бўлиб, катта ака ўрнидан туриб, ерни бир тепган экан, у битта одам сиғадиган даражада ёрилибди. Ҳамма ака-укалар бирин-кетин ер ичига кириб ғойиб бўлишибди, чунки улар уят ва қўрқувдан сингилларининг кўзига қарай олмабдилар.

Энг охири кичик акаси тушиб кетаётганда, қиз уни тутиб қолиш учун сочларини чангаллабди. Лекин ушлаб қололмабди — қўлида бир тутамгина соч қолибди. Айтишларича, мана шу сочдан бачком ўти вужудга келган экан.





## ТАДБИРКОР БОЛА

ир деҳқон судхўрдан йигирма рупия пул қарз олибди. Қарзни узиш муддати етгач, судхўр пулларини ундириш мақсадида унинг уйига келибди. Қараса, ҳаммалари далага кетган бўлиб, ёлғиз кичкина ўғиллари уйда қолган экан. Судхўр ундан уйдагилар қаёққа кетишганини сўраган экан, бола:

— Отам тиканни тикан билан беркитишга кетган, онам эса кичикни катта қилишга, опам бўлса биттадан иккита олишга кетган, — дебди.

Судхўрнинг фаросати жуда паст экан, у фақат одамлардан нима қилиб бўлса ҳам пул ундиришни билар экан, боладан гапининг маъносини тушунтириб беришини сўрабди. Бола эса ўжарлик билан унамай туриб олибди. Шунда судхўр унга агар айтса ҳамма қарзлардан кечишини, яна совға ҳам беришни ваъда қилибди. Бола рози бўлибди:

— Отам тиканли бақлажонларни тиканли бутоқлар билан тўсгани кетди, онам эса пахта титгани, опам бўлса нўхотни пўстлоғидан ажратгани кетди.

Судхўр унга йигирма рупия бериб, қайтиб кетибди. Кечқурун деҳқон хотини ва қизи билан уйга қайтиб келгандан кейин бола кеккайиб уларга судхўрни қандай лақиллатганини гапириб берибди. Улар эса суюниш ўрнига боланинг қўлидан пулни қандай қилиб олишни ўйлай бошлабдилар. Аввалига роса ялинишибди, бола пулни беравермагандан кейин ўлдирамиз деб қўрқитишибди.

Эртасига балиқ овига болани ҳам бирга олиб кетишибди. Сувга заҳарли емиш ташлашибди, балиқ сув юзига чиқиши билан болага уни тутишни буюришибди. Бола энди энгашган экан, сувга итариб юборишибди, катта бир наҳанг уни лиқ этиб ютиб юборибди. Денгиз заҳарланган балиқни четга чиқариб ташлабди.

Худди шу пайтда йўлбарс сув ичгани кўлга келибди. Сув ичаётса бир пайт балиқнинг тар-тир деган овози эшитилибди.

Сув ичишимга халақит бераётган ким экан деб йўлбарс жуда дарғазаб бўлибди ва усти-устига ўкириб, наъра тортибди. Балиқнинг қорнига жойлашиб олган бола унга шундай деб жавоб қилибди:

— Бу мен бўламан. Менинг емишим йўлбарснинг думию тиш кавлагичим хурмо дарахтининг барги.

Йўлбарс қўрқувдан дағ-дағ қалтираб, менга тегма, деб болага ёлворибди.

Бола унга бундай дебди:

— Яхши, сенга тегмайман. Фақат бир шартим бор, ана шуни бажаришинг шарт. Бўлмаса ўзингдан кўр. Шарт шуки, ҳозир чап томонингдаги балиқнинг қорнини жуда эҳтиёткорлик билан ёрасан. Сўнг ҳув анави қирғоққа бориб, кийик тутиб келасан. Уни ўлдириб, хоҳлаганингда гўшт ейсан-да, орқа оёғини олиб, фалон жойга қўйиб қўясан ва орқанга қарамасдан кетасан. Ана шуларни бажарсанг, сенга тегмайман.

Йўлбарс, бола айтганидек, балиқни ёрибди-да, ўзи нариги қирғоққа кетибди, бола эса ташқарига чиқиб, шох-бутоқлар орасига беркинибди. Тез орада йўлбарс кийикнинг кейинги оёғини кўтариб келибди ва уни бола айтган жойга қўйиб, ўзи орқасига қарамай қочибди. Бола гўштни олибди, қирғоқ ёқалаб келаверибди, йўлда унга бир кулда яшайдиган кампир учрабди. Кампирни кўриб:

— Бувижон, бувам қанилар? Мен гўшт олиб келдим, — дебди.

У шундай деб, гўштнинг суякни сал-пал бекитадиган бўлагини қолдириб катта қисмини кесиб олибди. Суякни кампирга бериб:

— Бу жуда мазали гўшт-да. Қайнатиб, бувамга олиб қўйинг, — дебди. Кейин лаҳм бўлагини бериб:

— Манави қоқсуякни эса ўзимизга пишириб келинг. Келиб қолмасларидан ея қолайлик, — дебди.

Чол уйга қайтиб келганда, кампир унинг олдига қоқсуякни қўйиб, мазали, юшоққина гўшт экан, ея қолинг, дебди. Суяк унинг бўғзига тиқилиб, ҳаво етишмай қолибди. Кампир суяк билан гўштнинг фарқига етмагани учун томоғига қўлини тиқиб, нарироқ итарган экан, чол нафас ололмай, ўлиб қолибди. Шунда бола:

— Бувамни сиз ўлдирдингиз. Мен ҳозир бориб полицияга хабар қиламан, — дебди.

Кампир қўрқиб кетганидан ўзини йўқотиб қўйибди. У болага ҳовласанга кўмиб қўйган пул тўла хумчани кўрсатиб, ҳеч кимга айтмасанг, шу пул сеники, деб ялинибди.

— Ҳа, майли, — деб рози бўлибди бола.

— Мен олдин марҳумни бир ёқли қилай, кейин пулни оламан, — дебди.

У ўликни елкасига ортганча ўрмонни кесиб ўтиб бировнинг

даласига етиб борибди. Даланинг қоқ ўртасида қудуқ бор экан. У ўликни қудуқ ёнига ўтқазиб, елкасига обкаш илиб қўйибди.

Кўп ҳам вақт ўтмай, ер эгаси келиб қолибди. У ерда ўтирган одамни ўғри гумон қилиб, оғир калтак билан бир урган экан, у қудуқ ичига тушиб кетибди.

Шунда нарироқда беркиниб ўтирган бола югуриб келиб:

— Войдод, менинг бувамни ўлдириб қўйдинг. Ҳозир бориб полицияга хабар қиламан, — деб додлайверибди.

Бечора қўрқиб кетиб, болага ҳеч кимга айтма, деб бир хумча кумуш пул берибди. Бола уни олиб, кампирникига борибди ва у ердаги пулни ҳам олиб, мамнун бўлганича бахтини излаб йўлида давом этибди.

Юра-юра, бир жойда судралиб келаётган айиқни кўриб қолибди. Секин бекиниб бориб, орқа оёғидан ушлаб олибди ва кетига бир рупий тиқиб қўйиб, ерга, оёғи остига ҳам бир-иккита кумуш танга сочибди. Сал ўтмай у ердан бир савдогар ўтибди. Бундай ғаройиб воқеани кўриб, боладан айиқни қаердан олганини сўрабди.

— Сенинг нима ишинг бор, мен бу ердан ўз бахтимни териб оляпман. Кўрмайпсанми ахир, айиқ ҳаммаёқни пулга тўлдириб ташляпти. Мен хоҳлаганимча йиғиб олай.

Ҳалиги одам яқинроқ келиб кўрса, ҳақиқатан ҳам ерда пуллар сочилиб ётганмиш, айиқнинг орқасида эса танга кўринаётган эмиш, у болага ёпишиб олиб, бахтини у билан баҳам кўришини илтимос қилибди. Бола аввалига кўнмагандай бўлибди, кейин эса:

— Ҳа, майли, ердаги пулларни териб, қопингга солиб олгинда, отнинг эгарига боғлаб қўй. Мен эса югуриб бориб бу пулларни уйга ташлаб, яна қайтиб келаман, ахир ортиқча бойлик кимга халақит беради? Мен йўғимда айиқ қанча танга ташласа, ҳаммасини сен олақол.

У одам айтганларини бажарибди, кейин бола айиқнинг орқа оёқларини маҳкам ушлаб туришини тайинлаб, унинг танга ташлайдиган вақти бўлиб қолди, дебди. Шундан кейин ўзи отга ўтириб, жўнаб қолибди. Ҳалиги одам эса анча вақтгача қачон танга тушаркин деб кутиб ўтираверибди. Ниҳоят, айиқ ичини бўшатган экан, бир уюм ахлат ичидан бир рупий чиқибди. У бола ўзини лақиллатганини тушунибди ва хўрлиги келиб уйига қайтиб кетибди.

Бола эса отда югуриб кетаётиб рожанинг кийимларини юваётган қизни кўриб қолиб унга:

— Намунча имирсиламасанг ахир! Рожа қўйлагини сўраяпти, кирми, тозами — барибир, олиб келавер, деб мени жўнатди, — деб қичқирибди.

Қиз қўрқиб кетиб, рожанинг қўйлагини қўлига тутқазибди. Бола у ердан узоқлашгач, қўйлакни эгнига кийиб олибди.

Яна озгина юриб, дарёга чўмилтириш учун неварасини олиб кетаётган бир кампирни учратиб қолибди ва унга:

— Мунча имиллаб юрасанлар-а? Чолинг набирамни қайтариб олиб кел, деб мени ўз отига миндириб юборди, — дебди.

У шундай деб қизни шарт ердан олиб, эгарга мингаштирибди ва отини йўрттириб кетибди. Шу кетишда у бошқа бир қишлоқдаги винофурушнинг қизининг тўйи устидан чиқиб қолибди. Тўйхонага келиб отдан тушибди-да, атрофдагиларни ўзи билан мусобақалашигга чақирибди.

— Қани, ораларингда бир ўтиришда бус-бутун эчкини ва бир қозон гуручни еб ташлайдиган мард топиладими?

Унинг гапини эшитиб ҳамма хахолаб кулиб юборибди ва:

— Бизларнинг орамизда бунақа мечкай йўқ. Узинг-чи, шунча нарсани еёласанми? — дейишибди.

— Албатта еяоломан, — дебди у. — Фақат бир шартим бор, бу шарт шундан иборат: агар мен айтганларимни бир ўтиришда есам, менга винофурушнинг қизини берасизлар, агар еёлмасам ўзимнинг қаллиғимни сизларга бераман.

У шундай деб ёнидаги қизни кўрсатибди.

Улар бекорчиликда буям бир эрмак-да, деб рози бўлишибди. Бола эса бекитиқча ерни кавлабди-да, ўша жойда ўтириб олибди. Тезда эчкини сўйиб, пиширишибди ва бир қозон пишган гуруч билан унинг олдига қўйишибди. У ўзини худди овқатни катта-катта ямлаётгандек кўрсатиб, аслида ҳаммасини ўша ўрага ташлайверибди. Унинг бу қилаётган иши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмабди. Еб бўлиб яна овқат сўрабди, хизматкорларни эса дангасаликда айблабди, кейин яна катта қозонда гуруч билан яримта эчки гўшти беришибди.

Шундай қилиб улар қизни болага беришга мажбур бўлишибди. У иккала қизни от устига ўтқазиб, ўрмонга қараб кетибди. Ўрмонда эгалари ташлаб кетган уйга жойлашибди.


Отини бериб юборган киши, кир юувчи қиз, неварасини йўқотган кампир, винофуруш эр-хотин — ҳаммалари болани қидириб юришган экан, улар овқат билан тўла ўрани топишибди-ю, ўрмонда иккала хотини билан беркиниб ётган уйга етиб келишибди ва ундан тунаш учун бир кунга уйдан жой беришини сўрашибди. Бола эса уларнинг келаётганини узоқданок кўриб, эшикни ичидан беркитиб олибди. Улар ҳадеб ялинавергач, аввалига кўнмабди, кейин эса:

— Хўп, майли, фақат бир шарт билан сизларни уйга қўяман: шарт шуки, ҳеч ким ҳожат билан кечаси эшикка чиқмайди. Кимки агар шартни бузса, уни ўлдираман.

Улар болани овозидан танимабдилар, тунни эса барибир қаердадир ўтказиш керак. Уни руҳ деб ўйлаб, ҳожатга чиқмасликка рози бўлишибди ва кечаси айбдор бўлиб қолмаслик учун ухламай, ўтириб чиқмоқчи бўлишибди. Бироқ жуда қаттиқ

чарчашгани учун бир оз ўтмай қаттиқ хуррак отиб, уйқуга кетишибди. Бола хуррак овозини эшитиб, эшикка чиқиб ичини бўшатибди-да, ахлатини ухлаётганларнинг кийимига суртиб қўйибди. Улар уйғониб, бадбўй ҳидни сезишибди. Пайпаслаб кўришса, кийимлари булғаниб ётганмиш. Уят ва қўрқувдан ҳали тонг отмаёқ бари қочиб кетишибди.

Бошқа халал берадиган одам қолмагач, йигит катта сарой қурдириб, ўзини шу ернинг рожаси деб эълон қилибди. Ён-атрофдаги қишлоқларнинг одамларини чақириб, ўзи билан ёнма-ён яшашни буюрибди.



## АҚЛЛИ УҒИЛ

**Х**икоя қилишларича, бир қишлоқда бева кампир ўғли билан яшаган экан. Уғил шунчалар ношуд, ландавур эканки, онаси бечора иккови учун ишлаб, зўрға кун ўтказар экан. Бир куни ўғлига:

— Болам, қўлингдан ҳеч нима келмайди. Бундан кейин қандай кун кўрамиз ахир? Ҳеч бўлмаганда миянгни ишлатишни ўргансанг бўларди.

Эртасига йигит қишлоққа кетибди. У ерда бир тўда қизлар хурсандчилик қилиб ўйнашаётган экан, улар қўлларини қарсиллатиб, шундай деб куйлашибди: «Хари-болари, хари-болари!» Йигит қизларнинг ёнига келиб, уларга тақлид қилибди. Уйга қайтиб келиб, онасига:

— Ойижон, овқат беринг, — дебди.

Онаси:

— Уғлим, овқатни ўзинг олиб еявер, — дебди.

Йигит бўлса қўлларини қарсиллатиб:

— Унда буни қаерга қўяй! — дебди.

— Том остидаги тўсинга қўй, — дебди онаси.

Йигит ростдан ҳам қўлини тўсинга тиқибди. Кейин яна:

— Ойи, овқат беринг, — деб қичқирибди.

Онаси келиб, ўғлининг қўлини у ердан тортиб олибди-да, олдига овқат қўйибди. Йигит бир қўли билан овқат еб, иккинчисини қарсиллатиб ўтирибди. Овқатланиб бўлгач:

— Ойижон, мен дарёда чўмилиб келаман, — дебди.

Дарёга борса, у ерда рожанинг қизи бир ўзи чўмилаётган экан. Йигит қизни кўргач, қирғоққа келиб ўтирибди. Унга тош отган экан, қиз қарамабди ҳам. Яна тош отган экан, қиз бақирибди, учинчи гал отганида эса ўлиб қолибди. Йигит унинг олдига югуриб борибди-да, ҳамма тақинчоқларини ечиб олибди ва онасига олиб бориб берибди. Онаси бўлган воқеани ўғлидан сўраб-суриштиргач, қўрқиб кетибди, қандай қилиб бўлмасин



ўғлини қутқаришнинг йўлини қидирибди. «У кўринганга бўлган воқеани айтиб бераверади», деб ўйлабди. Кейин эса бир қарорга келиб:

— Энди ётиб ухлайқол, болам, — дебди.

У ухлабди, онаси эса тезда битта эчкини сўйиб, қизнинг ўлиги ётган жойга олиб борибди, ўликни қудуқ ичига ташлаб, эчкини унинг ўрнига қўйибди. Сўнгра уйга келиб нўхат унидан анчагина кулча пиширибди-да, иккита қўшни болани чақирибди. У болаларга кулча бериб, томга чиқишларини буюрибди.

— Ўғлим ҳовлига чиққан заҳоти тўхтовсиз кулча отинглар, — дебди у.

Кейин уйга кириб, ўғлини уйғотибди.

— Турақол, ўғлим, ҳовлига чиқ. Осмондан кулча ёғиляпти.

Йигит югуриб ҳовлига чиқибди, қараса, ҳақиқатан ҳам кулча худди ёмғирдек ёғилаётганмиш. У хурсанд бўлиб, уларни тера бошлабди. Бирпасдан кейин онаси уни тўхтатиб, уйига олиб кирибди, болаларга эса томдан тушишни буюрибди.

Рожа қизининг йўқолгани ҳақидаги хабарни эшитиб, қидириш учун ҳаммаёққа одамларини жўнатибди. У қўл остидаги одамларни чақириб, қизини кўрган-кўрмаганларини суриштирибди. Ҳеч ким кўрдим демабди. Шунда рожа соқчиларидан ҳамма келдими, йўқми, деб сўраган экан, улар:

— Бир бева аёлнинг ўғлигина қолди, — деб жавоб қилишибди.

Тезда бориб йигитни саройга олиб келишибди. У:

— Ҳа, мен уни кўрувдим. Унга бир марта тош отувдим — қарамади, иккинчи марта отувдим — бақирди, учинчи марта отганимда эса ўлиб қолди, — дебди.

— Қачон кўрувдинг уни? — деб сўрабди рожа.

— Осмондан кулча ёғилган куни, — дебди йигит.

Рожа хахолаб кулиб юборибди.

— Қачон осмондан кулча ёғилди? Шу пайтгача бунақа ёмғир ҳақида ким эшитган? Менимча, бу йигит ақдан озганга ўхшайди.

Шундай қилиб, йигитни уйига қўйиб юборишибди. Йигит келиб онасидан тақинчоқларни олибди-да, уларни сотиш учун бошқа ўлкаларга кетибди. Бир шаҳарга борибди, кўчанинг ўртасида туриб, бақира бошлабди:

— Тақинчоқ сотаман! Тақинчоқ!

Аёллар келиб, нархини сўрашган экан, йигит:

— Ҳеч қанча, — дебди. — Буларни агар ким мен билан бир ҳафта яшаса ва бутун ҳафта давомида яхшилаб боқса ўшанга текинга ташлаб кетаман. Мабодо овқатимдан биттагина пашша топиб олсам, ўша заҳоти тақинчоқларни қайтариб оламан.

Аёллар унинг устидан роса кулишибди ва:

— Сен жуда қиммат сўраясан. Бундай баҳога бизларнинг кучимиз етмайди, — дейишибди.

Шундан кейин иккинчи шаҳарга кириб борибди. Бу ерда бадавлат савдогар яшар экан. У савдо ишлари билан бошқа шаҳарга кетган бўлиб, хотини уйда ёлғиз қолган экан. Улар яқинда уйланишган бўлиб, хотини ёшгина экан. Ёнидан ўтиб кетаётган йигитнинг: «Тақинчоқ сотаман!» деганини эшитиб қолиб, янги тақинчоқлар тақишни хохлабди. У йигитни чақириб, тақинчоқларни кўрмоқчи бўлибди. Баҳосини эшитиб, бундай дебди:

— Мен нима есам, сен ҳам шуни ейсан, бошқа масалага келсак, кўнглингни тўқ қилавер — эрим бир ойга кетган.

Бутун бир ҳафта йигит у билан яшабди, қиз эса яхши таомлар билан боқибди. Охирги куни йигит унга:

— Сут олиб кел, — дебди.

У сутга кетган экан, йигит битта пашшани тутиб, гуручнинг ичига тиқиб қўйибди. Қиз келиб гуручни сут билан аралаштирган экан, лоп этиб пашша чиқибди. Буни кўриб йигит бақира кетибди:

— Бу нимаси? Қара, овқатда пашша сузиб юрибди. Бўлди, тақинчоқ йўқ сенга.

Шундай деб, тақинчоқларини олиб, кетиб қолибди. Йўлда кетаётиб, хотинининг олдига қайтиб келаётган савдогарни учратиб қолибди. Савдогар у билан сўрашибди, кейин эса:

— Қаердан келяпсан, оғайни? — деб сўрабди.

— Менда ҳар хил тақинчоқлар бор. Ушаларни сотиш учун кетяпман, — дебди йигит. — Узинг қаердан келяпсан?

Шунда савдогар қаёққа кетаётганини айтган экан, йигит унинг кимлигини дарров тушунибди.

— Мен яқинда уйланганман, — дебди савдогар. — Уйда хотиним тақинчоқ кутиб ўтирибди, мен эса ҳеч нима ололмадим. Қани, сенинг тақинчоқларингни бир кўрай, уларнинг баҳоси қанча?

— Улар ҳеч қанча турмайди, — деб жавоб берибди йигит. — Агар мўйловингдан бир-иккитасини юлиб олганимда кўзингдан ёш чиқмаса, сенга буларни текинга бераман.

Унинг бу гапини эшитиб, савдогар ўзига-ўзи: «Бало-ку бунинг ақли», — дебди, кейин эса:

— Майли, розиман. Нима қилсанг қилу фақат тақинчоқларни бер, — дебди.

Йигит уни ерга ётқизиб, оёғини кўкрагига қўйибди. Кейин эса мўйловидан бир тортган экан, унинг кўзлари ёшга тўлибди.

— Йўқ, — дебди йигит, — кўзларинг тўла ёш. Тақинчоқларимни бермайман сенга.

У шундай деб яна йўлда давом этибди. Қараса, йўлда катта бир кийик ўлиб ётганмиш. У гўшдан анча-мунчасини кесиб олиб пиширибди-да, тўйгунича ебди, қолганини эса бўлак-бўлак қилиб қуритиб олибди. Елкасига гўшт тўла қопини ортиб, бошқа

шаҳарга йўл олибди. Бу ерда ҳам катта бир савдогар бор экан. Унинг битта ҳам фарзанди бўлмай, ёлғиз хотини билан яшаркан. У оғир касалликдан яқиндагина турган бўлиб, ҳозир эса очнаҳор, оловда исиниб ўтирган экан. Йигит уларнинг уйига кириб, у билан ёнма-ён ўтирибди. Сўнгра қуритган гўштидан олиб, оловда бир оз тутиб турибди-да, ея бошлабди. Савдогар гўшт ҳидини сезиб егиси келибди.

— Нима еяпсан? Менга ҳам бер, — дебди.

— Кийик гўшти, — дебди йигит.

Шундай деб, у савдогарга озгина гўшт берибди. Гўшт қуриб, жуда қаттиқ бўлиб кетган экан, савдогарнинг хотини шошиб пиширгани учун яхши пишмабди. Савдогар еган экан, томоғида тикилиб қолибди. Қўрқиб кетган хотин йигитга қичқарибди:

— Ердам бер. Бўлмаса ўлиб қолади!

— Уқлоғи олиб келиб икки марта ур, ҳаммаси жойида бўлади, — дебди йигит.

Хотин худди у айтгандек қилибди. Иккинчи марта урганида эри ўлиб қолибди.

Йигит:

— Ана, эрингни ўлдириб қўйдинг. Энди нима қиласан? — дебди.

— Нима қилай? Ургат, — деб ялинибди хотин.

— Агар битта от билан пул берсанг ўргатаман, яна бу ҳақда ҳеч кимга айтмайман, — дебди у.

Хотин битта от олиб келиб, устига анча-мунча пул қўйибди. Шунда йигит:

— Бўлди, қўрқма. Уйнинг эшигини беркит-да, кечаси ҳамма эшитадиган қилиб бақариб йиғла. Шунда қўшнилари ҳам у ўз ажали билан ўлибди, деб ўйлашади ва сенга тегишмайди, — деб ўргатибди.

У шундай деб жўнаб кетибди, қўшнилари эса савдогарни иззат-икром билан кўмишибди. Хотинини эса бу ишда ҳеч ким айбололмабди.

Йигит ўз уйига, онасининг ёнига қайтиб келибди. У яхшигина уй қурибди ва гўзал бир қизга уйланибди, то умрининг охиригача бахтли ҳаёт кечиришибди.





## МУТИЛАЪЛА

ир рожанинг тўртта ўгли бор экан. Улар бир куни йўлакда ўйнаб ўтиришса, ёнларидан маслаҳатчи ўтиб қолибди. У болалардан кимнинг қарамоғида эканликларини сўрабди. Учта каттаси, ўзимизни ўзимиз боқамиз, деб жавоб беришибди, кичиги эса отасининг қарамоғида эканлигини айтибди. Маслаҳатчи рожанинг олдига бориб, ўғилларининг жавобини айтибди. Рожа ўғилларини чақириб, энди гап очган экан, кичик ўғил дебди:

— Ота, сизни алдашибди. Уччала акам ҳам сизнинг марҳаматингиз остида яшашларини айтишди, мен эса ўз кунимни ўзим кўраман, дедим.

Ундан шу тариқа жавоб эшитган рожа жуда қаҳрланибди ва кичик ўғлини уйдан бадарға қилишни буюрибди. Маслаҳатчи:

— Олампаноҳ, аввал уйлантириб, кейин бадарға қилинг, — дебди.

Рожа аҳмоқ ва хунук бир қиз топиб келиш учун хизматкорларини ҳар ёққа жўнатибди.

Уша атрофда чаморлар тоифасига мансуб бир қиз бўлиб, у қачон қараса кўчага чиқиб лой ўйнаб ўтираркан. Нима кўрса, қўлига беришмагунча додлаб дунёни бузаркан, ўша нарсани қўлига оларкану отиб юбораркан. Хизматкорлар йигитга шу қизни муносиб топиб, унинг отасига эллик рупия бериб, қизни саройга олиб кетишибди. Рожа бева-бечораларни чақириб, ўғлини шу жиннига уйлантириб қўйибди. Кейин эса уни қора отга, келинни оқ отга ўтқазиб саройдан чиқариб юборибди.

Шундай қилиб, улар юра-юра катта бир шаҳарга кириб боришибди. Шаҳар деворининг тагига ўт-ўланлардан ўзларига кулба қуришибди. Йигит кулолникига бориб, ундан кўза сўрабди, кулол эса:

— Менда ҳозир бутун кўза йўқ. Ҳув анави ерда иккита синиқ кўза ётибди. Агар хоҳласанг олиб кетавер, — дебди.

Йигит уларни олиб келиб хотинига берибди.

— Манавинисида сув ташийсан, бунисида эса овқат қиласан. Фақат уйдан ташқарига чиқмайсан, — деб тайинлабди.

— Овқатга нарсани қаердан оламан? — сўрабди у.

— Мен топиб бераман, — дебди йигит.

Шу шаҳар рожаси ўзининг ўн иккита аскари билан отда кетаётган экан. Бир пайт кийик кўриб қолиб, кетидан от қўйибди. Йигит ҳам уни кўриб, сакраб отига минибди-да, уларнинг ортидан кетибди. Рожа билан йигит шундай тезлик билан отларини чоптиришибдики, натижада аскарлар улардан анча нарида қолиб кетиб, кўздан йўқолишибди. Рожа билан йигит бор кучлари билан югуришиб, Кажлибан тоғига етиб қолишибди. Шу ерга етганда рожа кийикни ўлдириб, орқасига қарабди — кўрсаки буни кўтарадиган аскарларнинг номи нишониям йўқ. Ёнида фақат бояги йигит турганмиш. Шунда рожа:

— Сув ичгим келяпти, — дебди.

Йигит ёнида икки бўлак сеҳрли қанд олиб юрган экан, бири — ташналикни, иккинчиси эса очликни қондираркан. У ташналикни қондирадиган бўлакни рожага узатибди.

— Агар ҳозир буни есам, ташналигим баттар кучаяди-ку, — дебди рожа.

Шундай бўлса ҳам олиб оғзига солган экан, бирпасда ташналиги босилибди. Кейин эса:

— Энди овқат егим келяпти, — дебди.

Шунда йигит иккинчи бўлакни ҳам унга узатибди, рожа энди очликни сезмай қолибди.

— Бу кийикни энди уйга ким олиб боради? — деб сўрабди рожа.

— Ғам чекманг, ўзим, — дебди у ва кийикни шарт кўтариб от устига ўнгарибди-да, рожанинг кетидан йўлга тушибди. Унинг ҳаракатини кўриб рожа: «Ун иккита аскарим қиладиган ишни бу бир ўзи бажаради-я», деб ўйлабди ва ундан менга хизмат қилмайсанми, деб сўрабди. Йигит рози бўлибди. Рожа хизмат ҳақини сўраган экан, йигит:

— Менинг исмим Мўтилаъл. Ҳар кунги хизмат ҳақим учун биттадан дур берасиз, — дебди.

Шундай қилиб Мўтилаъл саройда яшай бошлабди. Хизмат ҳақига берилган дурлардан маржон ясаб, судхўрникига олиб борибди. Маржон эвазига у хотинига ҳар куни озиқ-овқат юборишни буюрибди. Судхўрга бу жуда маъқул тушибди ва ҳар куни унинг хотинига озиқ-овқат юбориб турибди. Бир куни рожанинг хизматкори янглишиб дурни йигитга эмас, хотинига берибди. У эса:

— Мен буни емайман, — дебди-да, дурни ахлатга ташлаб юборибди.

Уни бир ўғри топиб олиб, шерикларига бу уйда анча-мунча

бойлик борга ўхшайди, дебди. Кечаси тўртта ўғри уларникига тушиб, иккита синиқ кўзадан бошқа ҳеч нима топишолмабди. Кейин судхўрникига боришибди. Судхўр бу пайтда гадоёга берган бир пайса пулини ёзишни унутиб, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилаётган экан. Хотинини то ҳушидан кетгунча савалабди. Буни кўрган ўғрилар бир-бирларига:

— Хотинини бир пайса учун шунчалик қилди, биздаги дурни билса аҳволимиз нима кечаркин, — дейишибди.

Улар кечаси судхўрнинг хотинини олиб, Мўтилаънинг кулбасига, унинг хотинини эса судхўрникига обориб қўйибди. Жиннини кўрган судхўр айюҳаннос солиб, ўзини-ўзи ура кетибди.

— Вой бечора хотиним, сени шу аҳволга солган мен аҳмоқ. Сени жинни қилган ҳам мен.

Кейин уни ювинтирибди, атрофида гирдикапалак бўлиб, бошқа ҳеч қачон уни хафа қилмасликка сўз берибди.

Бу вақтда унинг хотини бошқа кулда аччиқ-аччиқ йиғлаб ўтирган экан. Кейин Мўтилаъл номидан: «Менга дуримни юбор», деб эрига хат ёзибди. Судхўр дарров дурни юборибди, хотини уни сотиб, пулига катта, чиройли уй қурдирибди. Рожанинг хизматкорлари уйига келишган экан, хотин:

— Маликаларингизнинг эри нечта? — деб сўрабди.

Улар:

— Нечта бўларди, битта-да, — деб жавоб беришибди.

Хотин эса:

— Йўқ, иккита, — дебди.

Хизматкорлар унинг гапини дарҳол маликага етказишибди. Маликанинг аччиғи чиқиб, Мўтилаълни саройдан ҳайдаб юборибди. У қайтиб келиб кўрсаки, кичкина кулбасининг ўрнида ҳашаматли уй турганмиш. Бундан ҳайрон бўлиб турса, уйдан судхўрнинг хотини югуриб чиқиб, уни қўлидан тортқилаб уйга судрабди. Мўтилаъл баттар қўрқиб кетибди.

Шунда хотин:

— Кел, зиёфат қилиб, ҳаммани меҳмонга чақирамиз, — дебди. У рози бўлибди.

Зиёфат бошланиши билан судхўр ўрnidан сапчиб туриб:

— Ахир бу менинг хотиним-ку! — деб бақарибди.

— Агар у сенинг хотининг бўлса, нима учун уйингда эмас? — сўрашибди йиғилганлар.

— Мен унинг эмас, Мўтилаълнинг хотиниман, — дебди аёл.

Улар рожанинг олдига арз билан боришибди.

— Сен ўзинг айбдорсан, — дебди у судхўрга. — Ўзинг хотинингни ҳайдаб, ўрнига шу жиннини топдинг. Тақдир экан, нимаям қилардим, энди уни ўзгартиришга менинг кучим етмайди.



## ЭЧКИНИ КИМ ЕБ ҚУЙДИ?

у воқеа жуда қадим замонда бўлиб ўтган экан. Бир куни кимнингдир эчкиси дайдиб бировнинг ҳовлисига кириб қолибди. Уй эгаси уни кўрган заҳоти бировнинг моли эканлигини била туриб ўлдирибди. Сўйиб, уйига олиб кириб кетибди.

Қуёш ботиши билан оқшом тушибди, эчкининг эгалари бу ҳовлига кириб, уй эгаларидан сўрашибди:

— Мабодо сизларникига адашиб эчки киргани йўқми?

— Билмаймиз,— дейишибди улар.— Ҳув ана молхонамиз, қараб кўринглар-чи, балки ўша ердадир.

Мойчироқ олиб, молхонанинг ичини кўришибди, лекин у ердан эчкиларини тополмай, орқаларига қайтибди.

Ярим кечаси эчкини тозалаб, майдалашибди, гўштини тўйгунларича еб, ортганини беркитиб қўйишибди. Кейин болаларнинг отаси уларга яхшилаб тайинлабди:

— Ўзинглар яхши биласизларки, биз эчки гўштини едик. Эрталаб мол боқаетганингларда болалардан нарироқ юринглар. Хўпми? Эчки гўштининг таъми жуда ўткир бўлади. Тагин битта-яримга ўртоқларинг ҳидидан сезиб қолишмасин.

Болалар эшитиб ҳеч нима дейишмабди.

Эрталаб болаларнинг каттаси уйдаги бор молларни ташқарига чиқариб, қўшни болалар молларини боқаетган томонга ҳайдабди. Унга болалар яқинлашиши билан ўзини олиб қочибди, улар эса яна унинг кетидан боришибди. Шунда бола ўртоқларини бақариб ёнидан ҳайдабди. У:

— Болалар, менга яқинлашманглар, қочинглар, бўлмаса сезиб қоласизлар,— деб қичқирибди.


Улар ҳайрон бўлиб:

— Нимани сезамиз? — деб сўрашибди.

— Нимани бўларди? Эчкининг гўштини-да,— дебди у.—

Кеча кечқурун мен роса маза қилиб эчки гўшти егандим. Ҳатто бугунга ҳам оз-моз ортиб қолди.

Унинг бу гапини болалар уйдагиларга ҳам айтишибди. Бу гап ҳаммага маълум бўлгандан кейин қўшнилари уларнинг уйига келиб тинтув ўтказишибди ва қолган эчки гўштини топишибди. Кейин эса еб қўйган эчкининг ўрнига ўзлариникини беришибди, бунинг устига катта жарима ҳам тўлашибди.







## ҲОЖАТБАРОР

ир шаҳарда катта савдогар яшаган экан. У жуда бой-бадавлат экану, лекин битта ҳам фарзанди йўқ экан. Шунга яраша ҳатто биронта дўсти ҳам йўқ экан. Бир куни жуда хафа бўлиб, ўзича шундай ўйлабди: «Агар мен ўзимга ўхшаган бой билан дўстлашсам бу билан барибир иззат-ҳурматли бўлмайман, шунинг учун яхшиси камбағал бечора билан дўстлаша қолай».

Худди шу шаҳарда бир тўқувчи ҳам яшаркан. Унинг еттита фарзанди бўлиб, жуда камбағал экан. Савдогар бир куни унинг уйига келиб, бундай дебди:

— Мен сен билан дўстлашмоқчиман. Кел, то ўлгунча бир-биримиз билан иноқ бўламиз.

Унинг бу гапига тўқувчи:

— О, соҳиб! Мен қандай қилиб сенга дўст бўлай? Кўриб турибсан-ку, камбағаллигимни. Ҳаттоки сенинг олдинга дастур-хон ҳам ёзолмаяпман,— дебди.

Савдогар эса:

— Бунинг ғамини ема. Буёғини менга қўйиб бер,— дебди.

Эртаси куни савдогар ҳамма қўшнилари, шулар қаторида янги дўстини оиласи билан уйига чақирибди.

У ўртага совғалар билан тўла иккита лаган қўйиб, тўқувчи билан дўстлашганини маълум қилибди. Меҳмонларни тўйгунларича вино билан сийлабди. Узининг янги дўстига ва унинг болаларига янги саруполар кийдириб, яхшилаб меҳмон қилибди. Кейин тўқувчи:

— Дўстим, энди уйга кетақолайлик, бизга рухсат бер,— дебди.

Савдогар уларга оқ йўл тилабди, хизматкорларига дўстининг уйига беш қадоқ гуруч олиб беришни буюрибди. Шунча гуручни тўқувчи ўз оиласи билан ўн кун овқат қилиб ебди. Гуруч тамом бўлгач, яна ўзининг бой дўстиникига келибди ва:

— Оҳ, дўстим, сен берган гуруч бизга фақат ўн кунга етди, холос. Энди эса болаларим очдан ўлай дейишяпти,— дебди йиғламсираб.

Шунда савдогар дўстининг уйига яна ўн қадоқ гуруч юборибди. Тўқувчи бу гуручни бутун оиласи билан йигирма кунга етказибди-да, кейин яна бой дўстининг ҳузурига борибди.

— Сен бизларни икки марта ўлимдан асраб қолдинг, мана, энди дўстингнинг болалари очликдан ўлай дейишяпти.

Савдогар бу гал унинг уйига йигирма қадоқ гуруч юборибди. Тўқувчининг оиласи бу гуручни қирқ кунга етказибди. Бу гал энди савдогарнинг ўзи кутиб ўтирибди дўстининг келишини. У қовоқнинг ичини тозалаб, уни кумуш танга билан тўлдирибди-да, устини яхшилаб, билинтирмасдан елимлабди. Тўқувчи келгач, дўстига бундай дебди:

— Сен бизни шу пайтгача боқиб, ўлимдан асраб келдинг. Уйимизда яна ейишга ҳеч вақо қолмади, болаларим очликдан ўлай дейишяпти.

Савдогар:

— Бу гал мен сенга қовоқ бераман, — дебди-да, хизматкорларига қовоқни дўстининг уйига олиб бориб беришни буюрибди. Хизматкорлар қовоқни тўқувчиниқига олиб бориб берибдилар. Тўқувчи:

— Озроқ гуруч топиб пишираман-да, устига қовоқдан қайла соламан, — дебди.

Қовоқнинг ичи пул билан тўлалиги унинг хаёлига ҳам келмабди.

Шу куни Дивали байрами нишонланаётган бўлиб, ҳамма рақс тушиб, томоша кўрсатишаётган экан. Тўқувчи уларга:

— Оғайнилар, бу ерда ўйнаманглар! Сизларга бериш учун менда ҳеч вақо йўқ, — деб бақирибди.

Улар эса:

— Бугун байрам. Шунинг учун истаган жойимизда ўйнай-верамиз, — дейишибди.

Мурилар рақсларини тугатгач, тўқувчи уларга уйдан қовоқни олиб чиқиб берибди. Битта йигитча уни кўтармоқчи бўлган экан, лекин кучи етмабди. Кейин иккита бўлиб кўтаришмоқчи бўлибди, бироқ яна кўтаришолмабди ва ниҳоят қовоқни тагидан тахта қўйиб, судраб олиб кетишибди.

Эртаси куни тўқувчи яна дўстининг уйига борибди.

— Оҳ, оғайнижон. Нима берган бўлсанг, ҳаммасини еб тугатдик. Қовоқни эса Дивали байрамида ўйинга тушган раққосларга беришга тўғри келди.

— Датанинг берганини Видата олибди-да!<sup>1</sup> — хитоб қилибди савдогар.

— Ундай бўлса мен ўша Видатани албатта топаман-да, биронта соғ жойини қолдирмай, савалайман, — дебди тўқувчи аччиқланиб.

У шундай деб каттакон ёғочни олибди-да, ғазаб билан чиқиб кетибди.

<sup>1</sup> *Дата-берувчи, Видата — яратувчи — муриларда худолар номи. Саводсиз тўқувчи буни ном магносида тушунади.*

Анча йўл юриб, у Конари ўрмонларига етиб келибди ва ер ҳайдаётган ота-болани кўрибди. Улар тўқувчидан сўрашибди:

— Йўл бўлсин, оғайни?

— Видатани қидириб юрибман, — деб жавоб берибди у.

— Агар топсанг, биз учун ундан сўраб кўр: чумолилар нима учун инларига тиқиб қўйган аёлларимизни емайдилар ва нима учун йўлбарс буёққа келиб бизни еб қўймайди.

Тўқувчи уларнинг арзини эшитиб, яна йўлида давом этибди ва йўлда ўликни кўриб қолибди. Бу ўлик ўн икки йилдан бери шу ерда ётган экан. Тўқувчи уни йўлдан олиб, кўмибди, шу пайт бирдан ўликнинг оёқ-қўли ва танаси ириб тушибди, боши эса гўрдан чиқиб, гапириб юборибди. У тўқувчидан:

— Оғайни, йўл бўлсин? — деб сўрабди.

— Видатани қидириб юрибман, — дебди у.

— Агар топсанг, сендан илтимос, мен учун ундан бир нарсани сўрасанг: ўлганимга ўн икки йил бўлди, мени энди кўмишди. Нима учун танам иригану бошим соппа-соғ? Нега шундай бўлганини сўрасанг, — дебди калла.

Тўқувчи йўлида давом этиб, яна битта ўликни кўрибди. Бу ўлик ҳам ўн икки йилдан бери шу ерда ётган бўлиб, унинг боши, кўкраги ва ўнг қўлидан бошқа ҳамма аъзолари ириган экан. У ҳам:

— Оғайни, қаёққа кетяпсан? — деб сўрабди.

Тўқувчи:

— Видатани қидириб юрибман, — деб жавоб берибди.

Ўлик ундан:

— Агар уни учратиб қолсанг менинг номимдан сўра-чи: нима учун менинг ҳаммаёғим барабар ириб кетмади? — деб илтимос қилибди.

Тўқувчи яна йўлида давом этиб, ниҳоят бегона бир шаҳарга етиб келибди. Бу шаҳар рожаси бутун аҳолисини денгизга қарши турадиган девор урдиришга юборган экан. У девор оз кун турибди, кейин эса уни денгиз тўлқинлари ағдариб ташлабди ва сув яна бутун далани ювиб кетибди. Бундан жуда қаттиқ қайғурган рожа билан унинг хотини кўр бўлиб қолишибди. Тўқувчи шаҳарга кириб бориши билан рожанинг маслаҳатчиси ундан сўрабди:

— Оғайни, йўл бўлсин?

— Видатани қидириб юрибман, — деб жавоб берибди у. Шунда маслаҳатчи:

— Агар уни учратиб қолсанг менинг номимдан бир нарсани сўра: вақти келиб рожа билан хотинининг кўзи очиладими? Кейин биз қураётган деворимиз денгизга бардош бера оладими? — дебди.

Унга, хўп, сўрайман, деб тўқувчи яна йўлда давом этибди.

Энди уни йўлда қўйиб, гапни Махапурубдан эшитинг. У: «Бу

тентак тўқувчи мени излайвериб, бутунлай ҳолдан тойди. Уни шунча сарсон қилганим етар», — дебди-да, унга пешвоз чиқибди. Тўқувчини кўриб:

— Йўл бўлсин, оғайни? — деб сўрабди.

— Видатани қидириб юрибман, — деб жавоб берибди у.

— Видатада нима ишинг бор эди? — сўрабди Махапуруб.

— Менга Дата берганини Видата олиб қўйди, — дебди у. —

Шунинг учун агар уни топсам мана шу таёқ билан беш марта урмоқчиман.

— Ҳа-а, ундай бўлса кетавер, — дебди Махапуруб ва у ўтиб кетгач, тезгина бошқа йўл билан бориб, яна унинг рўпарасидан чиқибди-да, ундан яна ўша гапани сўрабди. Учинчи марта ҳам яна шундай қилибди. Охири Махапуруб:

— Мен Видатаман! — дебди.

— Шундай демайсанми боядан бери гапни айлантирмай! — деб бақира кетибди тўқувчи. — Нега Датанинг берганини меңдан олиб қўйдинг? Жавоб бер. Бўлмаса ҳозир шу таёқ билан беш марта калтак ейсан.

Шунда Махапуруб унга бундай дебди:

— Сенга дўстинг очингдан ўлиб қолмагин деб аввал беш, кейин ўн, сўнгра эса йигирма қадоқ гуруч берди, тўғрими? Сен аҳмоқ эса ҳаммасини еб қўйдинг. Сўнгра у сенга ичи пулга тўла қовоқ берди, сен тентак уни бервординг. Буларнинг барини сенга дўстинг эмас, мен берган эдим. Сенда эса салгина бўлсаям ақл-фаросат топилмади — ҳаммасини сочдинг-қўйдинг.

Тўқувчининг жаҳли чиқиб, қўлидаги таёғи билан Махапуруб-ни кетма-кет беш марта урибди-да:

— Тўхтаб тур! Менинг сенга яна айтадиган гапларим бор, — деб қичқирибди.

Кейин унга бутун йўл давомида кўрганларини айтиб берибди. Уни эшитиб бўлиб, Махапуруб:

— Конари ўрмонидаги ота-болани йўлбарс аллақачон еб қўйган, чумолилар эса уларнинг аёлини тешиб ташлашган, — дебди. — Йўлда кўрганинг биринчи ўликка келсак, у ҳаёт пайтида жуда бадавлат яшаган. У бутун йиққан-терганларини яккаю ягона ўғлига ҳам билдирмай, ерга кўмган. Ун икки йилдан бери ўғли камбағалликда кун кечиради. Шунинг учун ҳали унинг бошида ҳаёт нишонаси бор. Қачонки у бойлигини қаерга кўмганини ўғлига айтса, ўшандагина осойишта ўлим топади, — дебди. — Иккинчи ўлик эса, у ҳаётлигида тенги йўқ сеҳргар бўлиб, ўз билимини ҳеч кимга айтмаган. Ана шунинг учун ҳам ўлим уни ўз бағрига олмаяпти. Қачонки у ўз сирини биронта одамга айтса, ўшандагина осойишта ўлим топади, — дебди.

Яна у:

— Рожа билан унинг хотини эса ўз қизларини эрга бермай, олиб ўтирганлари учун кўр бўлиб қолишган. Қачонки уни эрга

беришса, ўшанда денгиз суви ҳам чекинади, — дебди.

Унинг бу гапларидан кейин тўқувчи Махапурубни таниб қолиб, оёғига йиқилибди. Кейин:

— Майли, кетақолай энди, — дебди.

У аввал кўр рожанинг саройига бориб, унинг маслаҳатчисига Махапуруб нима деган бўлса, ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб берибди. Маслаҳатчи уни рожанинг ҳузурига олиб борибди, рожа ҳамма гапни эшитгач: «Бу одам ҳамонки Видатанинг ўзи билан гаплашган экан, демак у жуда катта одам экан-да. Қизимни шунинг ўзига берганим маъқул шекилли», дебди. У қизини тўқувчига берган экан, ўша заҳоти ўзининг ҳам, хотинининг ҳам кўзлари ярқ этиб очилибди, денгиз суви ҳам бирдан орқага чекинибди. Рожа тўқувчига бир қанча совға-саломлар, пул бериб, уларни от ва филларга ортибди, қизи билан куёвини бир қанча мулозимлар билан йўлга кузатиб қўйибди.

Иккинчи ўлик ётган жойга етишганда тўқувчи ҳаммага тўхташни буюрибди-да, ўзи унинг ёнига борибди. Улик ундан Видатани кўрган-кўрмаганини сўрабди. Тўқувчи унга Махапурубнинг айтганларини гапириб берибди.

— Ахир ҳеч ким йўқ-ку, кимга айтишим керак сирни? — дебди у ва тўқувчининг ўзига айтибди. Охирги сирни айтиши биланоқ унинг кўзлари юмилиб, боши ва қўли кул бўлиб ёйилиб кетибди.

Кейин тўқувчи биринчи ўликнинг олдига борибди ва унга ҳам Махапуруб нима деган бўлса, ўшани айтибди.

— Ҳозир ўғлимни қаердан топаман? Ундан кўра сенинг ўзингга айта қоламан, — дебди у ва бешта хумчадаги пуллари ўчоқ ёнига, учтаси остонага ва тўртинчиси каравоти тагига кўмилганини айтибди. Охирги гапи чиқар-чиқмас кўзлари юмилиб, боши кулга айланибди.

Тўқувчи эса бу киши айтган жойга бориб, уйини топибди. Қараса ўғли ўта ночор аҳволда қолган экан. Унга яширилган пулларнинг жойини айтибди. Улар дарҳол ўша жойларни кавлаб, ҳаммасини олишибди, ўғил тўқувчига пулларнинг беш хумини совға қилибди. Тўқувчи пулни олиб, уйига кетибди. У энди тўғридан-тўғри рожа бўлиб олибди.

Эрининг келаётганини эшитиб, хотини ноғоралар чалдириб кутиб олибди. Ҳалиги ўликдан сеҳргарликни ўрганиб олмаганми, энди уйларига яқинлашишганида кулбалари ўзидан-ўзи саройга айланиб қолибди.

Савдогар эса, бу пайтда бор бойлигидан ажралиб, камбағаллашиб қолган экан. Тўқувчи уни ёнига олиб бирга шод-хуррам яшай бошлашибди.

## ЭРНИНГ УЛГАН ХОТИНИ БИЛАН ТОПИШГАНИ



ивоят қилишларича, бир қишлоқда ёш эр-хотин яшаган экан. Орадан бир оз вақт ўтиб тўсатдан хотин ўлиб қолибди. У ўлгач, эр ғам-ғуссага ботиб, ҳеч ўзига келолмабди. Куну тунларни фақат соғинчу кўзёши билан ўтказибди. Худонинг берган куни хотини ёндирилган ерга бориб йиғлаб ўтирадиган бўлибди.

Айтишларича, бир куни худо Исорми ёки бошқасими, унинг йиғисини эшитиб, олдига келибди-да, ундан сўрабди:

— Ўғлим, нега йиғлаяпсан?

— Менинг севикли хотинимни Исор тортиб олувди, мана шу ерда уни ёқдик. Шуни соғиниб йиғлаб ўтирибман, — дебди.

— Бас энди, кўп йиғлайверма.

— Ахир қандай чидайман бу жудоликка, — дебди йигит.

— Бўлди қил энди. Хотинингни кўришни хоҳлайсанми?

— Бўлмаса-чи, — дебди у.

— Майли, қани юр, кўрсанг кўрақол, — дебди Исор ва уни бошлаб жуда узоққа, нақ нариги дунёнинг ўзига олиб кетибди.

— Мана шу ерда ўтир. Ҳозир уни кўрасан, — дебди у.

Шунда йигит ҳақиқатан ҳам аллакимларнинг рақс тушаётганини кўрибди.

— Хўш, хотинингни танияпсанми? — деб сўрабди Исор.

— Ҳа, танияпман, лекин негадир унинг оғзи қорайиб қолибди.

— Гапинг тўғри, — дебди у. — Агар эсингда бўлса сизлар олов ёқишни оғзидан бошлагандинглар. Ушанинг учун оғзи қорайиб қолган.

У югуриб бориб хотинини қучоқлаб олибди. Фақат йигит ўлик бўлмагани учун унга бегонасираб муомала қилибди.

— Уйга қайтиб бориб, ўчоқ ёнини кавла, ўша ерга билагузугимни кўмиб қўювдим. Уни олиб келиб бер, — дебди хотини.

Йигит уйига қайтиб борибди, ўчоқнинг ёнини кавлаётган экан, қўлини илон чақиб олибди ва у ўша заҳоти жон берибди. Шундай қилиб улар яна бошқатдан нариги дунёда учрашибдилар.



## ҚЎРҚОҚ ЙЎЛБАРС

Ир куни деҳқон далада ер ҳайдаб юрган экан, бирдан аллақасдан бир йўлбарс пайдо бўлиб қолибди. У деҳқоннинг рўпарасига келибди-да, унга қараб бақирибди:

— Ҳой, чол! Мен жудаям очман! Агар жонинг омон қолишини истасанг, ҳўкизингни бер, ейман.

Шундай ҳам қўрқоқ деҳқон йўлбарсни кўриб ўтакаси ёрилиб кетай дебди. Бутун аъзойи бадани титраб, ҳўкизлардан бирини аравадан чиқариб бермоқчи ҳам бўлибди-ю, лекин бирдан миясига: «Ҳўкизинг ўрнига сигирни берақолсам бўлмасмикин? Унга сигир янаям ёқса керак. Агар ҳўкизни берворсам, қолган биттаси билан қандай қилиб ер ҳайдайман? Ерларимни ҳайдамасам ҳеч нима унмайди, ҳосил бўлмагандан кейин ҳаммамиз очдан ўлиб кетамиз», деган фикр келибди.

Шуларни хаёлидан ўтказиб, йўлбарсга дебди:

— О, жаноби йўлбарс! Майли, ҳўкиз сеники бўлақолсин. Лекин агар хоҳласанг бунинг ўрнига уйдан сигиримни олиб келиб бераман.

— Ҳа, майли, — рози бўлибди йўлбарс. — Фақат тезроқ олиб кел, бўлмаса ҳозир очимдан ўлиб қоламан.

Деҳқон уйига югуриб кетибди. Кетатуриб, ўз-ўзини уриб, уришиб кетибди. Йўлда хотинини учратиб қолибди-да, бўлган воқеани унга баён қилибди.

— Қани бўл, тезроқ олиб чиқақол сигирни, ишқилиб далада якка қолган ҳўкизларни еб қўймаган бўлсин-да.

— Сигирни икки дунёдаям йўлбарсга бермайман, — жавоб берибди хотини. — Сутсиз ҳолимиз нима кечади.

Улар ўзаро узоқ тортишиб кетишибди. Ва ниҳоят эридан кўра ақлли, айёр ва довжорак бўлган хотин бир қарорга келибди:

— Ҳозир йўлбарснинг олдига бөргин-да, унга шундай дегин: «Ҳозир кетимдан хотиним келяпти, у сенга ёш, бақувват от олиб келади».

Деҳқон унинг гапига унамабди, хотин эса уни охири кўндирибди. У қўрқувдан титраб-қалтираб йўлга тушибди. Далага етиб бориб, йўлбарсга:

— О, жаноби йўлбарс! Бирпас сабр қилгин. Ҳозир хотиним сенга ёш, бақувват от олиб келади.

Ёш, бунинг устига бақувват от дарагини эшитиб, иштаҳаси очилиб кетган йўлбарснинг оғзидан сўлаклари оқиб кетибди ва бир оз кутиб туришга рози бўлибди.

Бу пайтда деҳқоннинг хотини устига йиртиқ, ола-була латта-путталар ташлаб, сочини ёйибди, бошига катта саллани ўрабди-ю, нақ алвастининг ўзи бўлибди-қолибди. Қўлига каттакон қалқонни олиб, отнинг устида далага қараб йўл олибди.

Йўлбарс эса эгат четида кутиб ўтирибди. Хотин яқинроқ келиб, эрига бақира кетибди:

— Битта йўлбарсни бошимга ураманми? Ахир тўртта йўлбарс кутяпти, девдинг-ку, қани улар? Мен ҳаммасини бирийўла еб қўя қолардим.

Унинг бу гапини эшитган йўлбарс қўрқиб, дик этиб туриб кетибди.

Хотин отдан тушибди-да, тўғри йўлбарсга қараб бораверибди.

— Ҳа, майли, ҳозир шунисини ҳазм қилиб тура қолай, кейин бошқаларини ерман, — дебди.

Шу гапни айтиши билан йўлбарс думини гажак қилибдию орқасига қарамасдан қочиб қолибди. Бу воқеаларни боятдан бери бир бўри четдан кузатиб ўтирган экан. У эр-хотиннинг ҳамма гапларини эшитибди. Улар эса йўлбарснинг устидан роса кулишибди.

— Вой айёр хотин-ей, роса бопадинг-ку, а? — дебди деҳқон.

— Ҳа, бу борада мен ҳеч кимдан ўрганмасам ҳам бўлади. Фақат сен ўлгудек қўрқоқсан, бўлмаса йўлбарсга сигиримизни бера қолайлик, дермидинг? Юракданам бор-да, а? Кўрдингми мени, озгина каллани ишлатсанг бўлди.

Бу гапларни эшитган бўри югуриб йўлбарснинг олдига борибди.

— Салом, эй ҳайвонлар шоҳи! — деб қуллуқ қилибди. — Намунча ҳарсилламсанг? Нима, бирон нима бўлдим?

Йўлбарс зўрға нафасини ростлаб олибди. У бўрига жавоб берармишу овози қалтираб чиқармиш:

— Улжа излаб юриб, сал қолди ўзим ўлжа бўлишимга. Мени алвасти еб қўйй деди.

— Қанақа алвасти! Уйлаб гапиряпсанми? — хахолаб кулибди бўри. — У алвасти эмас. Бор-йўғи деҳқоннинг хотини. Шоҳ



бўлсанг ҳам лақма экансан, оддий хотиндан шунчалик қўрқиб ўтирибсанми?

Иўлбарс унинг гапларига ишонмабди, шунда бўри:

— Орқанга қайтиб борсанг, айтган гапларим ростлигига ишонасан, — дебди.

Бўри уни ўз ҳолига қўймай, орқасига қайтиб боришга мажбур қилибди.

— Майли, қайтиб бораман, фақат сен билан бирга, шунда ҳам агар думингни менинг думимга боғлаб қўйсанг. Бўлмаса мени алдаб олиб бориб, ўзинг қочиб қоласан.

Улар худди шундай қилишибди: бир-бирларининг думларини боғлаб, йўлга тушишибди.

Деҳқон эса хотини билан бўлган воқеани эслашиб кулишиб ўтирган экан. Бир пайт бундай қараса — йўлбарс келаётганмиш, яна тагин ёнида бўри билан. У қўрқиб кетиб бақира бошлабди:

— Войдод, одамлар, ёрдам беринглар. Бизларни ейиш учун йўлбарс ўзи билан бўрини ҳам олиб келяпти. Войдод! Юр, хотин, қочиб қолайлик!

— Оғзингни юм! Агар ҳозир қочадиган бўлсак, икковимизни ҳам еб қўйишади. Узингни қўлга ол-да, ҳеч нима бўлмагандай ўтиравер. Уларни менга қўйиб бер. Сен қараб тур-чи, нима қиларкинман.

Йўлбарс билан бўри уларга яқинлашиб келаверишибди. Йўлбарснинг кўзлари қаҳрдан қонга тўлганмишу, лекин танаси қўрқувдан қалтирармиш. Уларни кўрган деҳқоннинг ҳам аъзойи бадани қўрқувдан қалтирабди, лекин хотини парвойи фалак, шундай дебди:

— Ҳей, оғайни! Бу нима қилганинг? Ахир ваъдага биноан думингга тўртта йўлбарсни боғлаб олиб келишинг керак эди-ку, биттагина олиб келибсан? Буни бошимга ураманми?

Йўлбарс ҳолдан кетиб, бўрига ҳадиксираб қараб қўйибди, хотин эса бундан яна ҳам дадилланиб, бўрига яқин келибди-да:

— Ҳа, майли, қўрқма. Ҳозир бунисини еб турай. Думингга боғлаб яхши иш қилибсан. Бўлмаса яна боягидака қочиб кетарди.

Унинг бу гапларини эшитган йўлбарс бўри билан хотиннинг тили бир экану мени бунга едириш учун алдаб бу ерга олиб келибди, деб ўйлабдию орқа-ўнгига қарамай қочибди. Бўри эса уни тўхтатаман деб шунча уринса ҳам бўлмабди.

Бўри қанчалик орқага тортса, йўлбарс шунчалик ундан шубҳаланибди.

Бўрининг кучи етармиди, йўлбарс уни анча жойгача судраб кетибди.

Бўри йўл-йўлакай судралавериб, қонга беланиб ўлибди.

Деҳқон ўзининг уддабурро, фаросатли хотинидан жуда мамнун бўлибди.

Йўлбарс эса шундан кейин ҳеч қачон далага бурнини суқмай қўйибди.



## БЕФОЙДА БИТИМ

адим замонларда бир қишлоқ чеккасида чол билан кампир яшашаркан. Чол ўрмондан ўтин ташир экан, кампир эса овқат тайёрларкан. Уларнинг ёрдамчилари йўқ, ўзлари қариб қолишгани сабабли уй-рўзгор ишларидан анча қийналишаркан. Уйларининг ёнгинасида катта манго дарахти бўлиб, мевалари ғарқ пишиб ётса-да, чол билан кампирнинг уни узиб олишга кучлари етмас экан. Қачонки тагига тўкилса, ўшани еб, ҳузур қилишаркан.

Мана, бир неча кундирки, уйларида ҳатто печь ёқишгаям ўтин қолмаган, кампир эса чолни ўрмонга юбора олмай жони ҳалак экан. Чунки чол бетоб бўлгани сабабли ўтин кўтариб келишга қуввати йўқ экан. Лекин ўтинсиз қандай қилиб овқат пишириб бўлади?

Кампир чолини қандай баҳона билан ўтинга жўнатишни ўйлай-ўйлай, охири шундай қарорга келибди. Чоли жуда паловга ўч бўлгани учун, у:

— Агар ўрмондан бир боғлам ўтин олиб келсанг, мазали палов пишириб берардим, — дебди.

Паловнинг дарагини эшитган чолнинг оғзидан сўлакайи келибди. Қўлига болтасини олибди-да, ўрмонга қараб кетибди. Кампир эса палов пиширишга киришибди.

Чол ўрмонга етиб бориб, ихраб-сихраб дарахт кесишга тушибди. Дарахтни чопиб, боғлам қилиб бўлгандан кейин қараса, қаршисида бир айиқ турганмиш. Чол аввалига қўрқиб кетибди, кейин ўзини тутиб олибди. Айиқ унга яқин келиб, дебди:

— Шунча ўтинни қандай қилиб олиб кетасан. Ахир бир ўзингга оғирлик қилади-ку.

— Гапинг тўғри, шунча юкни ўзим кўтаришга ожизлик қиламан. Лекин уйда кампирим тайёрлаб ўтирган мазали паловни эсласам, бирдан кучга тўлиб кетяпман.

— Мазали палов? У нима? — ҳайрон бўлиб сўрабди айиқ.

— Нима, сен паловни билмайсанми? О-оҳ, у шундай мазали овқатки, асти қўяверасан! Балки бирор кун палов ейиш сенга ҳам насиб қилиб қолар.

Чолнинг бу гапларидан кейин айиқнинг ҳам оғзидан сўлаклари оқиб, палов егиси кепқопти.

— Агар мана шу ўтинларингни уйингга ташиб берсам, мени ҳам палов билан сийлайсанми? — деб сўрабди у.

Айиқ чолнинг дилидаги гапни айтибди.

— Палов — жуда қиммат масаллиқлардан тайёрланадиган овқат. Унга ёғ ва шакар ҳам қўшилади. Агар ростдан палов егинг келаётган бўлса ана шу ўтинларнинг ҳаммасини бир ўзинг ташиб берасан.

Айиқ аввалига кўнмабди, кейин ўйлаб туриб, рози бўлибди. Чол ўзига кичкина боғламни олиб, қолганини айиққа юклабди.

Биринчи бўлиб чол уйга келибди-да, бўлган воқеани кампирига айтиб берибди.

— Уни ҳам палов билан меҳмон қил, ахир шунча ўтинни ташиб келиш осон гапми?

Палов эса ҳақиқатан ҳам жуда ширин бўлган экан. Чоли келгунича кампирнинг ўзи ярмини еб қўйибди. Қолганини эса чол билан айиққа бўлиб олиб қўйибди. Чол энди қишда ўтиннинг ғамидан қутулганига ўзида йўқ қувонибди.

Чолга палов жуда ёқибди ва у айиқнинг тегишидан озгина ўзига солибди. Уни кўриб кампир ҳам олибди. Шундай қилиб улар айиққа олиб қўйилган паловни ўзлари еб қўйишибди. Чол бўш талинкани кўриб, қўрқиб кетибди:

— Ҳозир айиқ келиб қолса, нима деймиз?.. У палов ейишга келади, паловнинг ўрнига иккаламизни еб қўймаса бўлдийди.

Чол уйдан чиқиб қараса, елкасига катта боғлам ўтинни орқалаб айиқ келяпти, буни кўриб у қўрқувдан даҳшатга тушибди.

Кампирга далда бериш учун:

— Юр, ошхонага беркиниб оламиз. Айиқ келиб, уйда ҳеч ким йўқлигини кўради-да, келган йўлига қайтиб кетаверади.

— Ўтин-чи? Ўтин нима бўлади?

— Топган ваҳимангни қара-ю! Нима, яна орқалаб кетарми-ди ўтинингни, албатта ташлаб кетади-да.

Чол енгил хўрсиниб, кампирнинг кетидан ошхонага чиқиб кетибди.

Шу орада ўтинни ортмоқлаганча айиқ келиб қолибди, ўтинни ерга қўйиб чолни қидирибди. У уй эгалари эшитсин учун қаттиқ-қаттиқ йўталиб, томоғини қирибди. Лекин ҳеч ким кўринмабди. Ошхонага чиққан экан, кўзига қувача кўринибди. Қувачани ҳидлаб кўрган экан, ундан жуда ёқимли ҳид келибди. Шунда айиқ, палов ана шу идишда пишган деб


ўйлабди. Лекин кувача бўм-бўш экан. Айиқ хафа бўлибди. «Мен-ку ҳайвон бўлсам ҳам ўз сўзимда турдим,— деб ўйлабди у.— Чол-чи, чол, оппоқ соқоли билан мени алдади-я!»

Айиқ кувачани яна бир марта ҳидлабди, чунки бу ҳид унга жуда ёқиб қолган экан. «Мана шу кувачани обкетиб қолсам-чи»,— деб ўйлабди у. У ташиб келган ўтинларини ҳам қайтариб олиб кетмоқчи бўлибди-ю, лекин фикридан қайтибди, чунки жуда ҳолдан тойган экан.

Кувачани олиб, жаҳл билан ҳовлига чиқибди. Шунда у меваси фарқ пишиб ётган манго дарахтини кўриб қолибди. Борибди-да, дарахт устига чиқиб, бор кучи билан шохларини силкитибди. Бутун ҳовли манго меваларига тўлиб кетибди. Оч қолган айиқ алам билан мева ейишга тушиб кетибди.

Чол билан кампир эса айиқ нима қиялтийкин, деб тирқишдан мўралашибди. Бир пайт кампир, ўзини тутолмай, акса уриб юборибди. Айиқ эса, овчи менга милтиқ отяпти, деб ўйлаб тура қочибди. Шошиб қолганидан кувача ҳам, манго ҳам эсига келмабди.

Чол-кампир эса ошхонадан хотиржам чиқиб, манго меваларидан мақтаб-мақтаб териб ейишибди.





## ХҲРОЗ БИЛАН МУШУК

Бир кишининг уйида хўрози бор экан. Шу уйга мушук тез-тез кириб туришга одатланиб қолган экан. У секин, биқиниб ошхонага кираркану бирон нарсани ўмариб, қақолаб одамларни чақираркан, улар келиб мушукни ҳайдаб чиқаришаркан. Мушук хўроздан хафа бўлиб, пайт пойлабди, бир куни энди тутиб олай деганда, хўроз қақолаб оламини бузибдию одамлар югуриб ёрдамга келишибди.

Хўроз ҳовлига сепилган донни чўқилаб териб еб юрган экан, бир пайт қараса қаршисида мушук турибди. Хўроз қочиб қолмоқчи бўлган экан, мушук унга мулойимлик билан гапирбди:

— Дўстим, нимага мендан кўрқасан? Ахир мен сенга ҳеч қанақа ёмонлик қилмайман-ку.

Унинг мулойим гапларига учган хўроз, қани буёғи нима бўларкин, деб жойида тураверибди. Гаплари хўрозга таъсир этганини сезган мушук давом этибди:

— Кел, дўстлашамиз. Энди бундан буён мен ошхонага кирганимда сен қақоғламагин, бунинг эвазига мен у ердан ширинроқ бир нималар олиб чиқаман, кейин иккаламиз баҳам кўраимиз.

Хўроз, мушукнинг гапларини жимгина эшитиб турибди-да, розилик билдирибди.

Шундан кейин мушук ошхонага кўрқмасдан кириб, сут ичиб, қаймоқ еб, қорнини тўйдиргач, қолган-қутганларини хўрозга олиб чиқадиған бўлибди. Уларнинг дўстлиги шу тарзда давом этаверибди.

Бир куни уй эгаси ошхонада кувача тўла қаймоқни қолдирибди. Буни кўрган мушук хўрозга шундай дебди:

— Бир неча кундан кейин висакхи байрами келади, шунинг учун баъзи нарсаларни ғамлаб қўйишимиз керак. Агар менга ёрдамлашворсанг, манави кувачадаги қаймоқни ҳеч ким то-

полмайдиган жойга беркитиб қўядик-да, байрам келганда эса маза қилиб ичардик.

Бу фикр хўрозга ҳам жуда ёқиб тушибди. У тумшуғи билан қувачани бир томонидан, мушук эса иккинчи ёнидан ушлаб, қаймоқни янги солинган уйлардан бирининг мўрқонига беркитиб, секингина қочиб қолишибди.

Лекин орадан бир оз вақт ўтгач, мушук қайтиб келибди. Чунки қувачадаги қаймоқ унинг иштаҳасини қитиқлаб қўйган экан. Шунинг учун у: «Агар қаймоқдан озроғини есам хўроз сезмайди», деб ўйлабди. Қаймоқ эса ҳақиқатан жуда мазали экан. Мушук тумшуғини бир неча марта қувачага тиқиб, қаймоқдан ичибди-ю, лекин қанча ичса ҳам ташлаб кетгиси келмабди. Охири ўзини тўхтатиб уйига кетибди. Барибир қаймоқнинг мазасини унутолмабди ва кунига уч мартадан бориб, ичиб келибди. Эртаси ҳам шундай ўтибди. То қувачани топ-тоза қилиб ялаб қўймагунча тинчимабди.

Мана, байрам ҳам келибди. Уйда байрам дастурхонига атаб ҳар хил ширинликлар, мазали овқатлар пиширишибди, уларнинг ҳиди мушукнинг иштаҳасини янаям қўзғаб қўйибди. Лекин ошхонадан бирон нимани ўмаришнинг ҳеч иложи бўлмабди. Мушук ўйлай-ўйлай бир қарорга келибди-да, хўрозга:

— Бугун байрам. Юр, биз ҳам қаймоғимиздан еб, бир чакчақлашайлик! — дебди.

Хўроз унинг кетидан йўлга тушибди. Мушук қувачани олиб чиқибди-да, ичига қараб:

— Ие, бу қанақаси? Қаймоқни бир томчи ҳам қолдирмай еб қўйибсан-ку! Шуми дўстликнинг оқибати? — дебди.

— Нималар деяпсан? Мен ўша кундан бери бу ерга энди келишим! Балки бу ишни ўзинг қилгандирсан?

Мушук қутуриб кетибди.

— Вой, ўғри! Вой, айёр-муттаҳам! Сен каби хиёнаткорга бу дунёда жой йўқ! — деб қичқириб хўрозга ташланибди.

Хўроз жонҳолатда қичқирибди. Лекин мушук шарт этиб унинг бўйнини қайирибдию маза қилиб хўроз гўштини тушира бошлабди.



## КАПТАРЛАР ВА ОВЧИ

ир ўрмонда каптарлар яшар экан. Улар дарахт тепасига ин қуришибди, мода каптар бола очиш учун тухум қўйибди. Лекин у, бирор-бир ҳайвон келиб, уларни еб қўймасин-да, деб доим юраги пўкиллаб турар экан.

— Азизим! — дебди у бир куни нар каптарга. — Кел, қийин дамларда бизга ёрдами тегадиган бир ишончли дўст топайлик.

Унинг гапига нар каптар шундай жавоб қилибди:

— Жонгинам! Ахир бу яқин ўртада бизнинг уруғдан ҳеч ким йўқ-ку?

Мода каптар ўйлай-ўйлай дебди:

— Нима бўпти, бошқа уруғдан бўлса ҳам дўст топайлик, бўлмаса бу ерда ёлғиз ўзимизга қийин бўлади.

Нар каптарга унинг гапи маъқул тушиб, дўст қидириб кетибди.

Уларнинг дарахтларига яқин жойда қирғийлар оиласи яшаркан. Каптар уларнинг олдига келибди-да:

— Ҳой қўшнилар, келинлар, дўстлашамиз, — дебди.

Каптарнинг таклифи қирғийга маъқул бўлибди.

— Оғайни! — деб жавоб қилибди у. — Мен сен билан бажону дил дўстлашаман, фақат битта таклифим бор: тепнал дарахтининг қавагида каттакон илон яшайди, агар рози бўлсанг у билан ҳам дўстлашсак. Чунки унинг бизга вақт-бевақт фойдаси тегиб қолиши мумкин.

— Тўғри айтасан, — рози бўлибди каптар, — дўстнинг ҳеч қачон ортиқчаси бўлмайди, қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Улар илонникига йўл олишибди, бориб таклифларини айтибдилар. Илон аввалига бир оз ўйлаб турибди-да, кейин улар билан дўстлашишга рози бўлибди.

Орадан анча вақт ўтибди. Бир куни ўрмонга овчи келибди. У куни бўйи ўрмонда айланиб юриб ҳеч нарса тутолмабди. Бир неча марта қушларни отибди, аммо ўқи нишонга тегмабди. Овчи бундан жуда қайғурибди. Қишлоққа икки қўлни бурнига тиқиб қайтишга уялибди, шунинг учун ҳеч бўлмаса қушларнинг инини қидириб, тухумини олиб кетишни ўйлаб, дарахтга чиқмоқчи бўлибди. Қушларнинг овози эшитилганими, йўқми, деб қулоғини дарахт танасига тутибди. Бир неча дарахтни эшитиб кўриб, ниҳоят каптарлар яшаётган жойга етиб келибди. Бу пайтда мода каптар бола очиш учун тухум босиб ўтирган экан. Овчи каптарларнинг гув-гувланини эшитиб, хурсанд бўлиб кетибди; уйига бўш қайтмаслик учун қушларни тутмоқчи бўлибди.

Бу пайтга келиб, қуёш ботиб, атроф қоронғилаша бошлабди. Овчи қоронғида ҳеч нима кўринмагани учун олов ёқмоқчи бўлибди. У қуруқ шох-шаббалар олиб келиб ўт ёқибди.

Каптарлар эса анчадан бери овчини кузатиб туришган экан. Улар овчи бир балони бошламоқчи эканини сезиб, жуда қўрқиб кетишибди. Мода каптар қўрқувдан дағ-дағ титрабди, нар каптар эса уни юпатиш учун:

— Авваламбор ҳамма ўзига ишониши керак. Кел, ундан қутулиш учун аввал ўзимиз ҳаракат қилиб кўрамиз, агар эпломасак дўстларимизни ёрдамга чақирамиз, — дебди.

Улар қандай қилиб яқинлашиб келаётган хавфнинг олдини олиш чорасини ўйлаб кетишибди. Мода каптар:

— Агар манави оловни ўчирсак қоронғида овчи бизнинг инимизни тополмасди, — дебди.

Нар каптар унинг гапини маъқуллабди. Овчи оловнинг ёруғида энди дарахтга тирмаша бошлаган экан, каптарлар дарёга бориб тумшуқларини сувга тўлдириб келишибди-да, оловни ўчира бошлашибди. Аланга унча кучли бўлмагани учун дарров ўчақолибди. Атроф қоп-қоронғи бўлиб қолгани учун ҳеч нима кўринмабди, овчи дарахтдан тушибди. У яна олов ёққан экан, каптарлар бу гал ҳам ўчириб қўйишибди. Жаҳли чиққан овчи бақувват шох-бутоқларни йиғиб келиб, катта гулхан ёқибди. Каптарлар жуда ҳолдан кетишибди, бунинг устига аланга ҳам жуда баланд экан, уни ўчиришга кучлари етмабди. Шунда мода каптар:

— Менимча, дўстларни ёрдамга чақирин пайти келди. Бориб қирғийни айтиб кел, — дебди.

Нар каптар бориб, қирғийга бўлган воқеани айтиб берибди. Қирғий вақтни қўлдан бермай модаси билан ёрдамга бориб



дарров оловни ўчиришибди. Бу пайтда овчи дарахтда экан, қараса бирдан яна олов ўчиб қолибди. Аввалгиларидан баттар ғазабланган овчи, кўнглида қушларнинг ўзаро аҳиллиги ва довюраклигини тан олса-да, ташида улардан албатта қасос олишни ўйлабди. У пастга тушиб, эрталабгача дам олмоқчи бўлибди, тонг отгач эса дарахтга чиқиб, инни бўшатишга қарор қилибди.

У дарахт остига ётибди-ю, уйқуга кетибди. Лекин каптарларга унинг нияти аён бўлибди. Улар қирғийлар билан илоннинг ёнига учиб боришиб, бўлган воқеани баён қилишибди.

Илон уларга:

— Хотиржам бўлинглар! Бугун энди овчи сизларни безовта қилмайди, эртага эса мен бориб, дарахтга чирмашиб оламан, қани шунда ҳам у дарахтга яқинлашиб кўрсин-чи, — дебди.

Овчи барвақт уйғонибди. Энди дарахтга чиқмоқчи бўлиб, яқинлашган экан, кўзи баҳайбат илонга тушибди. Қўрқиб кетганидан ҳатто ўқ-ёйини ҳам ташлаб орқасига қарамай қочибди. Ушандан буён уни бу ўлкаларда ҳеч ким кўрмабди. Каптарлар ҳам тинчгина ўз инларида яшашибди.



## ШОҚОЛ ВА ТҮНҒИЗ

**Ш**оқолни очлик жуда ҳам қийнаб юборибди. Нима қиларини билмай ўзича: «Йўлбарс тоғамникига бориб, бир нима ундириб келсаммикин», — дея ўйлаб йўлга тушибди. Йўлда унга тўнғиз дуч келиб қолибди. Шоқол унга:

— Оғайни, биласанми нима, бугун менинг ярамас йўлбарс тоғам сени жуда ёмон ҳақорат қилди-да, — дебди.

— Йўғе? Нима деди?

— У: «Шу ифлос тўнғиз қўлимга тушса, ҳатто думини ҳам қолдирмайман. Агар уни еб қўймасам, майли, ким бўлса ҳам мўйловимни кесиб ташлай қолсин», деди.

Тўнғиз эса шоқолга бундай дебди:

— Агар ўша ифлос тоғангни кўриб қолсам, битта оёғим билан тепибоқ тинчитиб қўя қоламан.

Шоқол йўлида давом этиб, тоғасиникига етиб келибди-да, башарасини бужмайтириб тураверибди.

— Ҳа, жиян, тинчликми? Нега башарангни бужмайтириб турибсан?

— Нега дейсизми? Ҳозир йўлда келаётиб тўнғизни учратиб қолдим. У менга: «Агар ифлос йўлбарсни кўриб қолсам, бир тепиб, тинчитиб қўя қоламан», — деди.

Йўлбарсининг жаҳли чиқиб кетиб унга:

— Қани, юр-чи, мени ўша зўравоннинг олдига олиб бор, — дебди.

Улар бояги жойга етиб келишса, тўнғиз йўқ, кетиб қолибди.

— Хўш, қани тўнғиз, нега мени алдаб, овора қилдинг, а? — дебди йўлбарс.

— Агар алдаган бўлсам, орқамни мумлаб, миямни болта билан чопа қолишсин! — қасам ичибди шоқол.

Шундай деб шоқол энди тўнғизнинг олдига йўл олибди. Бориб, башарасини буриштириб тураверибди.

— Ҳа, оғайни, намуноча башаранг буришмаса?

— Тоғамнинг олдига борувдим, у яна: «Агар ифлос тўнғизни учратиб қолсам борми, думигача қолдирмай еб қўярдим», — деди.

— Юр, мени унинг олдига олиб бор, — дебди тўнғиз.

Келишса, у аллақачон кетиб қолган экан.

— Хўш, биродар, нега мени алдадинг? — сўрабди тўнғиз шоқолдан.


У эса:

— Ҳечам алдаганим йўқ, агар гапимга ишонмаётган бўлсанг, майли, орқамни мумлаб, миямни болта билан чопа қолишсин, — дебди.

Бир куни тўнғиз йўлбарсни учратиб қолиб уни ўлдирибди. Ўзи ҳам ўлар ҳолатга келибди. Шоқол келиб тоғасиниям, тўнғизиниям емоқчи бўлибди.

— Жоним чиққунча сабр қилиб, нафсингни тийиб тур, — дебди тўнғиз.

Шундай ёнгиналарида сал дарахтининг тўнкаси бор экан. Дарахтни яқингинада кесганлари учун тўнканинг усти мумлаиб қолган экан. Шоқол тўнғизнинг ўлишини кутиб туриш учун ўша тўнкага ўтирганакан, орқаси билан мумга ёпишиб қолибди. Шу пайт ўша ердан овчи ўтиб қолибди. Тўнғизни кўриб, ўлдирибди. Шоқол эса қочмоқчи бўлган экан ёпишиб қолганидан жойидан қимирлаёлмабди. Овчи болтаси билан унинг миясига уриб, тинчитиб қўйибди.





## УРМОН МАЛИКАСИНИНГ ҲҒЛИ

адим замонда бир рожа яшаган бўлиб, унинг хотини олтига экану, лекин биттаям фарзанди йўқ экан. Рожа овга жуда қизиқаркан, шунинг учун худонинг берган куни ов қилиш учун чиқиб кетаркан. Кунлардан бир куни у кўл бўйидаги бир дарахт соясига жой қилдириб, бирорта ҳайвон сув ичишга келиб қолмасмикин, деб кутиб ўтирибди. Уша дарахтнинг қоқ учида Урмон маликаси ўтирган бўлиб, у тинмай йиғлаётган экан. Унинг кўзёшлари ёнбошлаб ётган рожанинг кўксига тушибди. Шунда у хизматкорларини чақирибди-да, уларга:

— Қаердандир менинг кўкрагимга сув томчилари тушяпти. Атрофни яхшилаб қараб боқинглар-чи, — дебди.

Ҳаммалари дарахтга қараб ҳеч нарса кўришмабди. Уларнинг орасида бир кўзи кўр мулозим ҳам бор экан. У:

— Ҳа, ҳув анави ерда бир нима кўриняпти, — дебди.

Улар Урмон маликасини кўриб, пастга тушишини сўрашибди.

— Айт-чи, кимсан ўзинг: жинмисан ё паримисан? Ким бўлсанг ҳам пастга туш.

У эса:

— Сизлардан қўрқяпман. Агар тушсам мени ўлдирасизлар-да, — деб жавоб қилибди.

Охири уни пастга тушишга кўндиришибди, олдига сархил овқатлар қўйиб, меҳмон қилишибди. Унинг шоша-пиша овқат еётганини кўрган хизматкорлар:

— Бечора, неча кундан бери оч қолганга ўхшайди, — дея ўзаро шивирлашибди.

Уша куни тунда қиз рожа билан ўша ерда қолибди, эртасига эса рожа уни саройга олиб кетибди. Қизни кўрган рожанинг хотинлари роса аччиқланишибди.

— Биз уни ҳар куни овга кетади десак, гап буёқда экан-да, — дейишибди улар.

Бу гап бутун шаҳарга ёйилибди. Маликанинг таърифини эшитган халқ томоша қилмоқ ниятида саройга келибди. Рожа уч кечаю уч кундуз тўй-томоша қилиб унга уйланибди. Рожанинг бошқа хотинлари жуда рашкчи бўлиб, малика билан бир оғиз ҳам гаплашмай қўйишибди, рожа ҳар куни овга кетар, у эса битта ўзи диққинафас бўлиб, зерикиб ўтираркан. Орадан икки ё уч йил ўтгач, малика ўзида қандайдир бир ўзгариш сезибди ва бир куни эрига:

— Ҳукмдорим, ҳар куни овга кетиб, мени ёлғиз ташлаб кетасан. Вақт-соати етиб, кўзим ёриси аҳволим нима кечади? — деб кўзёш қилибди.

Рожа ўйланиб турибди-да, кейин:

— Сарой минорасига каттакон қўнғироқ осиб қўяман. Тўлғоқ бошланиши билан уни урсанг, ўша заҳоти етиб келаман, — дебди ва овга жўнаб кетибди.

Бирмунча вақт ўтиб, уни тўлғоқ тута бошлабди, рожа эса уйда йўқ экан. Оғриқнинг зўридан ўрмон маликаси қўнғироқ чалиши ҳам эсидан чиқарибди. Шунда рашкчи кундошлар уни дон-дун солинадиган катта хум ичига тиқиб, тагини тешиб қўйишибди. Натижада туғилган бола ерга тушибди. Кундошлар болани олиб, ўрнига тош қўйиб қўйишибди. Бечора малика қоронғиликда нима туққанини ҳам пайқамабди. Болани эса қўтослар топтаб ўлдирсин, деб уларнинг туёқлари остига ташлаб келишибди. Орадан икки кун ўтгач, рожа қайтиб келибди. Шунда хотинлари унга тошни кўрсатиб:

— Мана маликангнинг сенга совғаси, кўриб кўзинг қувонсин, — дейишибди.

Рожа бошини чангаллаганча, ғам-ғуссага ботиб узоқ ўтирибди. Урмон маликасининг сочларини қириб, саройдан ҳайдаб юборишибди. Рожанинг иккита хотини боладан хабар олиш учун боришса бир қўтос унга сут бериб, эмизиб турганмиш. Уларнинг жони чиқиб, болани шартта у ердан олиб, оғилхонага ташлашибди. Орадан икки-уч кун ўтиб, подачи чол билан кампир оғилхонани тозалаш учун киришибди. Шунда кампир болани кўриб қолиб уни латта-путалар билан ўрабди-да, уйига олиб кетибди. Чолига болани кўрсатиб:

— Қара, мен Урмон маликаси туққан болани топиб олдим, — дебди. Қувониб кетган чол, битта эчкини сўйибди, ҳамқишлоқларини меҳмонга чақирибди ва ҳаммага:

— Қариганда олло бизга фарзанд ато қилди, — деб мақтанибди. Кейин кампирга сут келсин, деб ҳар хил доривор гиёҳлар топиб келибди. Уларни ичгач, ҳақиқатан ҳам кампирнинг кўкрагига сут келиб, болани эмиза бошлабди.

Бола саккиз ойлигида ўтириб-турадиган бўлибди. Уч ёшдан ошганда эса чопқиллаб юра бошлабди. Болаларнинг ўйнаб юрганини кўриб, чолдан унга ҳам ўқ-ёй ясаб беришини сўрабди.

У дарахт учидаги кабутарларни отиб, уйга ташиб кела бошлабди. Яна унинг етгита тош отадиган палахмончаси ҳам бор экан. Бошқа болалар қанча отиб нишонга ололмасалар-да, у бир ургандаёқ мўлжални аниқ оларкан. Уша ерлик болаларнинг одатига кўра сувда отда сузишаркан. Лаъл ҳам — чолкамбир болага шундай исм қўйишган экан — менга от олиб беринглар, деб хархаша қилибди. Чол йигирма рупия олиб, от буюриш учун дурадгорникига борибди.

— Мана, сенга ўн рупия, — дебди у. — Беш кун ичида ясаб беролсанг яна ўн рупия оласан.

Беш кун ўтиб, у Лаълга от олиб келибди. Бола отни бўйнидан маҳкам қучоқлабди:

— Фақат сенгина мени онамнинг олдига олиб борасан, — дебди.

Кейин эса ёғоч отига миниб, болаларга қўшилиб кетибди. Улар пойга ўйнашибди. Лаълнинг оти ҳаммасидан ўзиб кетибди.

Ўйнаб чарчаган Лаъл уйга келиб овқатланибди. Кейин эса олтига малика чўмилаётган кўлга келиб, отини суғора бошлабди.

— Ичақол, жонивор, ич, — деб унинг ёғоч тумшуғини сувга тикибди.

Маликалар буни кўриб, таажжубланишибди:

— Ҳой эсипаст, нега бу ёғоч отни сув ичишга мажбур қиляпсан? Ёғоч отнинг сув ичганини ҳеч ерда кўрганмисан? — деб сўрашибди.

Бола эса бундай деб жавоб берибди:

— Майли, буни қўятуриглар-да, менга бир нарсани айтиб беринглар: хотин кишининг тош туққанини кўрганмисизлар ҳеч замонда?

Шунда улар қўрқиб кетиб, ўзаро пичир-пичир қилиб бир нималар дейишибди. Кейин битта-иккиталари чўмилишга қолибди, қолганлари эса уйга қайтиб кетибди. Уйга бориб оғизларига овқат ҳам олмай, ўзларини тўшакка отишибди. Рожа келиб, бу ҳолнинг сабабини билмай, ҳайрон бўлибди. Уларнинг урф-одатига биноан хотин кўчадан кириб келган эрга мулозамат қилиб қўлига сув қуйиши ва олдига овқат олиб келиши керак экан, бунинг ўрнига ҳаммаси чўзилиб ётганмиш.

— Нима бало, ҳаммаларингга безгак келганми? Бу нима ётиш? — деб сўрабди рожа.

Шунда хотинлари ёғоч от минган боланинг гапини айтиб беришибди. Уларнинг гапидан кейин бирдан рожанинг юрагида умид чироғи порлабди. «Балки у менинг ўғлимдир», — деб ўйлабди-да, дарҳол мулозимларига болани олиб келишларини буюрибди. Мулозиму аскарларни кўрган чолнинг қўрқувдан эсхонаси чиқиб кетибди. У йиғлаб туриб:

— Уни нима қилмоқчисизлар? — деб сўрабди.

Лаъл эса:

— Мендан хавотир олманг, — дебди-да, дадил қадам ташлаб уларнинг олдига тушиб кетибди ва ҳамма гапни рожага гапириб берибди. Кейин:

— Агар гапларимга ишонмаётган бўлсангиз, ҳайдаб юборганингиз маликани топиб келинг, — дебди.

Иккита мулозим Урмон маликасини қидириб топиб келишибди. У келгач, рожа остонада кутиб туришни буюрибди ва малика билан Лаълнинг ўртасини етти қават парда билан тўсишибди. Шунда Лаъл:

— Агар парда ортида турган ҳақиқатан ҳам менинг онам бўлса, кўкрагига ўзи салгина қўл теккизса бас, шунда унга сут келади ва у етти қават пардадан ўтиб, тўппа-тўғри менинг оғзимга тушади, — дебди.

Урмон маликаси кўкрагига тегибди. Шунда ундан сут отилиб, парда ортидаги Лаълнинг оғзига тушибди.

— Ана, кўрдингларми, бу менинг онам! — дея қичқирибди Лаъл.

Кейин эса рожанинг мулозимлари томон ўгирилиб:

— Сизлар — ақлли, доно одамлар ҳеч замонда хотин кишининг тош туққанини эшитганмисизлар? — деб сўрабди.

— Ҳеч қачон эшитмаганмиз, — дейишибди улар. — Сен ростдан ҳам рожанинг ўғлисан.

Шундан кейин рожа ўғли билан Урмон маликасини саройга олиб келибди, олтита хотинини эса ҳайдаб юборибди.



## МАҒРУР РОЖА

адим замонда жуда мағрур бир рожа яшаган экан. Овданми ё саёҳатданми қайтган кунлари хотини унинг истиқболига югуриб чиқиб, оёқларигача эгилиб таъзим бажо қиларкан. Рожа бўлса хотинига таъзим қилаётганида бир қўли билан бурнидаги булоқисини ушлаб туришини буюраркан-да, унинг тешигидан найзасини зарб билан отиб ўтказаркан. Қўлидаги найзасини шундай куч билан отарканки, у полга тушганда зарбидан ҳатто ер титраб кетаркан. Кейин эса хотинидан:

— Хўш, қани айт-чи, ер юзида мендан ҳам кучли одам борми? — деб сўраркан.

Хотини эса итоткорлик билан:

— Ақли ва куч жиҳатидан менинг рожамга тенг келадигани бу дунёда йўқ, — деркан.

Уларга яқин жойда бир боғбон аёл яшаркан. Рожа ҳар гал хотинининг булоқисидан найзасини отиб ўтказганда, у жонини ҳовучлаб ўтираркан. Уйлаб-ўйлаб, охири уни бу одамдан қутқарадиган йўлини топибди. Бир куни рожа йўқлигини пойлаб, уйига келибди-да, хотинидан:

— Эринг ҳар доим булоқингдан найзасини отиб ўтказганда сендан нимани сўрайди? — дебди.

У эса кеккайиб, эрининг кучлилигидан мағрурланишини айтибди.

Шунда боғбон хотин унга:

— Мен сенга ҳозир бир нарса айтаман, фақат бу гапни ҳеч кимга, айниқса эрингга айтмасликка қасам ичасан. Бўлмаса у мени ўлдириб қўяди, — дебди.



У қасам ичибди. Боғбон хотин шундай дебди:

— Эринг келиб, сендан яна ўзидан бошқа кучли одам бор-йўқлигини сўрайдиган бўлса, бундай дегин: «Мен учун фақат сен кучлисан, аммо яна юлдузлар бор, бутун ер юзи ҳам ҳаммадан кучлидир».

Кечқурун рожа келибди-да, яна найзасини хотинининг булоқисидан шувиллатиб отиб ўтказибди. Кейин эса дунёда ундан кучли одам бор-йўқлигини сўрабди, хотини эса:

— Мен учун фақат сен ўзинг кучлисан, лекин яна юлдузлар бор, бутун ер юзи ҳам ҳаммадан кучлидир, — дебди.

Хотинидан бу гапни эшитиб рожанинг ғазаби қайнабди.

— Ҳа, демак, дунёда мендан ҳам кучли одам бор экан-да, а? Мен уни қидириб топиб, токи ўлдирмагунимча уйга қайтмайман, — дебди-да, уйдан чиқиб кетибди.

Хотини кўрқиб, кетма, деб роса ялинибди, лекин қайсар эрини энди ҳеч нима билан қайтариб бўлмабди.

Рожа саккиз куну тўққиз тун юриб, салтанати чегарасидан чиқибди. У ерда меҳмоннинг филига қумдан арқон тўқиб ўтирган бир одамни кўрибди. Юрагига ғулғула тушиб, ўзига-ўзи: «Балки ҳақиқатан ҳам бу рожа мендан кучлидир?» — деб яна йўлида давом этибди.

Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, узоқдан бир катта подани кўрибди. Подачи сурнай чалиб ўтирган экан. Бегона одам келаётганини кўриб у ҳуштак чалган экан, ҳамма қўйлар унинг ёнига югуриб келишибди. Подачи уларнинг ҳаммасини битга айлантириб, рўмолчасига тугибди-да, жўнаб қолибди.

Рожа яна йўлида давом этиб, катта бир даладан чиқиб қолибди. Бу ерларни ўша ернинг рожаси ўз қўли билан ҳайдаётган экан. У қўшга ҳўкизнинг ўрнига йўлбарс қўшган бўлиб, илон қўш вазифасини ўтаётган экан, ҳайдаётган ерлари эса қоп-қора тошлоқ экан. Хотини билан қизи унинг ишини томоша қилиб ўтиришган экан. Бегона одам келаётганини кўриб, қизи хурсанд бўлиб қичқирибди:

— Отажон! Ана сизга тайёр ўлжа, узоққа бориб овора бўлмайсиз энди.

Бу ернинг рожаси — одамхўр рақшас экан. У қизининг товушини эшитиб, келгиндини тутиш учун чопиб кетибди. Шунда у келиши билан рожа: «Салом, тоғажон!» — дебдию ҳаётини сақлаб қолибди. Чунки ҳеч маҳал тоға ўз жиянинию қайната куёвини ўлдиролмайди-ку. Жони чиқиб кетган рақшас бўйлиб қичқирибди.

— Сен фалокатга қайси бир синглим жон ато қилган?

Улар рожани уйларига таклиф қилиб, у билан хушмуомалада бўлишга мажбур бўлибдилар. Кечаси ухлаб қолганда еб қўйишга келишибди. Кечқурун унинг шарафига зиёфат берилибди. Тезроқ маст бўлиб, қотиб ухласин, дея кўп-кўп


вино қуйишибди. Рожа ўзи ҳам ичибди, токи маст бўлиб, ағанаб қолмагунларича уларга ҳам қуйиб бераверибди. Ҳамма уйқуга кетишлари билан рожа қочиб қолибди.

Ракшас уйғониб, рожанинг кетидан қувиб кетибди. То уйига етгунча саккиз куну тўққиз кун қувибди. Рожа хотинининг ёнига югуриб кириб, бўлган воқеани тушунтирибди. Хотини ўзини худди ҳозир кўзи ёригандек тутибди. Тезгина битта эчкини сўйишибди-да, қонини ерларга сачратиб рожага-ям суртишибди. Кейин қўлига рожани кўтариб олибди, эчкининг қорнини ёнига қўйиб, бутун хотинларни йиғиб ўтирибди. Ракшас келиб, рожани сўрабди, хотин эса йиғи-сиғи билан.

— Буни кўр, мўйловли бола туғдим, рожа бунинг шарафига сўйгани ракшас топиб келай деб кетди, — дебди.

Унинг гапини эшитган ракшас қўрқиб, жонини ҳовучлаганча қочиб қолибди.

Ушандан бошлаб рожа гердайишни бас қилибди. Чунки хотини унга энди она ўрниниям босибди, нега деганда у эрига яна бир марта ҳаёт бағишлабди-да.





## ИККИ АКА-УКАНИНГ ЖАНЖАЛИ

ачонлардир, бир қишлоқда икки ака-ука яшаган экан. Уларнинг иккови ҳам уйланиб, бола-чақалари кўпайгач, ҳар бирлари алоҳида яшай бошлашибди.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин орада келишмовчилик чиқиб, ака-ука жанжаллашиб қолишибди. Иш ҳатто муштлашишгача бориб етибди. Шунда ука бориб ҳамқишлоқларини чақириб келибди. Улар ҳар икки томоннинг арзини тинглаб, яраштириб қўйишибди.

— Бўлди энди. Бугун мана, ярашиб олдинглар. Агар бундан кейин ҳам жанжаллашадиган бўлсаларинг ҳар икковингга ҳам солиқ соламиз. Шу гапимиз эсингларда бўлсин, — улар шундай деб, уй-уйларига тарқалишибди.

Орадан қанчалар вақт ўтиб, улар яна тортишиб, худди аввалгидек, уришиб кетишибди. Ука бундай дебди:

— Намунча мени уришавермасанг? Ҳозир ҳаммани чақириб келаман, ана ундан кейин солиқ тўлашга мажбур бўласан.

У ғазабдан қизариб-бўзарганча, халойиқни йиғиб келишга кетибди. Биттаям уйни қолдирмай, ҳар бирига алоҳида кириб чиқибди, унга:

— Бугун кеч бўлди. Эртага келиб ҳаммамизни чақирсанг борармиз, — дейишибди.

Шундан кейин у ноилож уйига қайтиб кетибди. Қўшнилари эса бир-бирларига:

— Жуда жонга тегди-ку булар. Энди қаттиқ жазо берайлик буларга. Шундай қолдирсак, яна бошимиз галвадан чиқмайди-ганга ўхшайди, — дейишибди.

Эрталаб хўроз қичқириви билан ака укани чақирибди-да, унга:

— Менга қара, — дебди. — Тортишиб қолган икковимиз бўлсак, сен эса бутун қишлоққа ёйиб юрибсан. Нима, назарингда фақат менга солиқ солишадими? Кўрасан, ҳали

ундан сен ҳам қочиб қутулолмайсан. Бундай танангга ўйласанг-чи, йиққан-терганларимизнинг ярмини ўз қўлимиз билан бировларга берамиз-у ахир. Тўғрими? Агар ўзаро битишсак, ўзимизга яхши эмасми, а? Ундан кўра, ўшаларга берадиган пулга мол сотиб олиб, бола-чақаларимиз билан еб-ичсак яхши эмасми? Хўш, қани, нима дейсан?

— Гапларинг тўғрилиқка тўғрику-я,— дебди ука,— фақат кеча мен ҳамма қўшниларни айтиб қўювдим-да. «Кеча-ку жуда ловиллаб келувдинг, бугун нега чақирмаяпсан? Агар чақирманг, бундан кейин ҳеч қачон гапингни эшитмаймиз!» дейишмайдими улар.

— Шундай дейишлари турган гап,— жавоб берибди ака.— Сен уларга мен ўргатганимдай жавоб қилгин. Ҳаммаларини чақиргин, улар йиғилиб бўлиб, сендан: «Хўш, нимага бизни чақирдинг? Қани, гапир!» деб сўрашади. Сен уларга бундай дегин: «Ҳа, муҳтарам зотлар, кеча акам билан яна тортишиб қолувдим, ўшанинг учун сизларни чақирган эдим. Шуни бир ёқли қилиб беринглар, девдим». Улар сенга: «Қани, бизга нима гап ўтганини бир бошдан гапириб бер-чи. Эштайлик. Ана ундан кейин биз бирорта маслаҳат берамиз», дейишади. Сен эса уларга бундай дегин: «Муҳтарам зотлар, бизларнинг нима деганимизни топинглар-да, ана ундан кейин ҳал қилиб беринглар. Мен сизларни шунинг учун чақирдим». Агарда шундай десанг, улар миқ этолмай қолишади. Сени койиб, уйларига қайтиб кетишади. Биз эса, сен билан битта молни сўйиб, ҳаммамиз биргалиқда еймиз. Гапимни уқдингми? Ҳеч қанақа ортиқча гап-сўз қилма. Энди бор, ҳаммани йиғ.

Ҳақиқатан ҳам шундан кейин ука ҳамқишлоқларини чақириб келибди. Бирпасда бутун оломон йиғилибди.

Йиғилганлар ундан сўрашибди:

— Хўш, қани айт-чи? Нимага бизни бу ерга тўпладинг? Бўлган гапларни бизга бир бошдан айтиб бер-чи. Ана ундан кейин бирор маслаҳат берамиз.

Ука уларга шундай дебди:

— Муҳтарам оқсоқоллар! Мен сизларни бир иш билан чақирган эдим. Ана шуни бизга ечиб берсаларинг. Акам иккимиз ҳеч ечолмаяпмиз. Шунинг учун сизларни безовта қилишга тўғри келди.

— Хўп, майли,— дейишибди улар.— Қани, айт-чи, у қандай иш экан. Олдин эштайлик.

— Муҳтарам зотлар,— дебди яна ука.— Кеча биз, ака-ука қаттиқ тортишиб қолдик. Ким ҳақлигини аниқлаб беринглар. Шунинг учун сизларни чақирувдим.

— Майли,— дейишибди унга.— Нимадан бошланди гап? У сенга нима деди? Ахир биз эшитмай туриб ҳеч нима деёлмаймиз-ку!

— Муҳтарам зотлар, ахир бундай ўйлаб кўринглар. Наҳотки бизларнинг тортишувимизнинг сабабини билмасаларинг? Шунинг учун сизларни буёққа чақирдим-да. Агар мен яна сизларга айтиб берсам, унда қандай қилиб бизларни ажрим қиласизлар?

Шундай қилиб, улар узоқ вақт ўзларининг гапларини маъқуллашиб, тортишишибди.

Ва ниҳоят ҳамқишлоқлари уни яхшилаб уришишибди.

— Сен — фалон-писмадон! Модомики бошидан гапириб бермас экансан, унда нимага йиғиб келдинг бизларни?

— Бизларни ажрим қилиб беринглар, — дебди у.

— Ахир қандай қилиб эшитмай туриб ажрим қилиш мумкин, оvsар? Бошидан эшитсак, ўшанда бир қарорга келамиз. Сеникида ўтириб қанча вақтимиз бекор кетди. Энди шу қилганингга бизга овқат бер. Осонликча қутулмайсан бизлардан. Гапирганинг учун келдик. Сендан бошқа қиладиган ишимиз йўқмиди? Бўлди, етар. Қани, тушки овқатингни олиб келақол, — дейишибди улар.


Йигит эса:

— Нега энди мен сизларни боқишим керак экан? Ахир менга ҳеч нимани ҳал қилиб беролмадиларинг-ку. Бекорчихўжаларга берадиган овқатим йўқ. Агарда масалани ҳал қилиб берганларингда, олдиларингга боримни тўккан бўлардим. Энди эса ҳеч нима бермайман, нима десаңглар деяверинглар.

Улар оғизларига келган гап билан уни ҳақорат қилиб, тарқалиб кетишибди. Улар кетган заҳоти ака-ука мол сўйишибди ва уйдагиларни яхшилаб зиёфат қилишибди. Ҳамма хурсанд бўлиб, еб-ичибди. Ака укасига бундай дебди:

— Ука, мана кўрдингми? Гапимга кўнмаганингда, худо билади ҳозир кимларни боқиб ўтирган бўлардик.

Шундай қилиб эртагимиз ҳам тамом бўлди.





## ОМАДЛИ АВЛИЁ

ир қишлоқда чол билан кампир яшаган экан. Чол ҳар куни далага ишлагани чиқиб кетар, кампир эса уйда ўтирар экан. Уйдалигида то эри қайтиб келгунча мазали таомлар, ширин-ширин кулчалар пишириб, бир ўзи еб оларкан. Кечкурун эри келгач, ўчоққа олов ёқиб, унга бўтқа пишириб бераркан. Бунчалик кеч овқатланиш чолнинг жонига тегибди-да, бир куни хотинидан нега у келгандан кейин овқатга ўт ёқишининг сабабини сўрабди. Хотини:

— Кундуз кунлари бозорга бораман, — дебди.

Чол эртасига буқаларини далага олиб бориб қўйибди-да, ўзи орқага қайтибди ва хотини сувга чиқиб келгунча дон турадиган идишга бекиниб олибди. У ердан хотини ўзига қандай овқатлар тайёрлаётганини кўриб ўтирибди. Кейин у яна сувга кетганида беркинган жойидан чиқиб, буқаларни олиб келишга кетибди. Уларни олиб қайтганда хотини яна овқатга олов ёқиш ҳаракатида экан. Чол ўтириб, ўз кафтларига диққат билан тикилибди. Кейин:

— Йўқ, сен бугун бозорга бормадинг. Уйда бўлдинг. Сен ўзингга нўхот қайласи солиб гуруч пиширдинг ва нон ёпдинг, — дебди.

Ҳайрон бўлган хотин:

— Қаердан билдинг? — деб сўрабди.

— Қўлимдан, — жавоб берибди чол. — Мана, қара! Манави ерда, «гуруч», бу ерда «нўхот», мана бу ерда эса «нон» дейилган.

Эртасига эрталаб кампир бутун қишлоққа эрим ҳамма нарсани одиндан айтиб беролади, деб гап тарқатиб чиқибди. Бу гап ҳаммаёққа овоза бўлиб кетибди.

Бир куни рожанинг қизи кўлга чўмилишга бориб, қирғоқда маржонини йўқотибди. Бир қарға уни олиб, битта дарахтнинг тагига обориб ташлаган экан. Рожа хизматкорларига маржонни




— Мен ҳамманинг гапини эшитиб бўлдим. Хўш, сен нима дейсан? — дебди.

Чол ўрнидан турибди-да, диққат билан ўз кафтларига қарабди. Узоқ қараб тургач, бундай дебди:

— Менга, тўғрими-йўқми билмайману, лекин қўлларим шундай деяпти: душанбада ёмғир ёғади, сешанба куни эса жала қуяди.

— Агар гапинг тўғри чиқса, — дебди рожа, — мен сенга битта қишлоқ билан хоҳлаганингча пул инъом этаман. Агар ёлғон бўлса — ўлдираман.

Чол даҳшатдан қалтираб, уйига кетибди. Душанба куни эса ёмғир ёға бошлабди, сешанбада эса жала қуйибди — шундан кейингина чолнинг кўнгли жойига тушибди. Рожа уни саройга чақирибди ва ваъда қилгани қишлоқ билан анча-мунча пул берибди. Шундай қилиб чол умрининг охиригача роҳат-фароғатда умр кечирибди.





## РОЖАНИНГ ҲҒЛИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АҚЛ СОТИБ ОЛДИ?

**Х**икоя қилишларича, қадим замонда бир рожа яшаган экан. Унинг биттаю битта Ҳғли бўлиб, бир куни Ҳғлига:

— Болажоним, Ҳқиш ва ёзишни Ҳрган,— дебди.

Ҳғлининг эса парвойи фалак. Рожа ҳар куни унга:

— Ҳғлим, Ҳқишни, ёзишни Ҳрган. Билим ол. Эринма. Бир кун келиб мен ҳам нариги дунёга кетаман. Ушанда ҳолинг нима кечади? — деб такрорлайверибди.

Отасининг бу насиҳати Ҳғлининг бу қулоғидан кириб, наригисидан чиқиб кетаверибди.

Кунлар шу тахлит Ҳтаверибди ва ниҳоят Ҳғил катта бўлиб, вояга етибди. Одатга кўра рожаларнинг болаларини ёшлигида-ёқ уйлантиришар, шу сабабли у ҳам унашиб қўйилган экан. Шунинг учун буни ҳам ҳали жуда кичкиналигида уйлантириб қўйишибди. Энди катта бўлгач, отаси уни билим олиб, Ҳқиб-Ҳрганишга кўндирмоқчи бўлибди.

Бир куни у Ҳғлини ёнига Ҳтқазиб, шундай дебди:

— Болам, гапимни яхшилаб эшитиб ол. Мен сенга билим ол деб қачондан бери айтаман, лекин сен гапимни ҳатто эшитгинг ҳам келмайди. Қандай катта ҳокимиятни бошқаришимни Ҳзинг биласан. Сен ахир рожанинг Ҳғли бўласан. Бундай билимсиз, саводсиз бўлиб юриб вақти келганда бу ҳокимиятни қандай бошқарасан? Айтайлик, сенинг олдинга бирор-бир қишлоқ оқсоқоли ёки бўлмаса унинг ёрдамчилари иш билан келишса, нима қиласан? Сен ахир оддий муомалани ҳам билмайсан-ку. Ёки бўлмаса бирор жанжалли иш билан келишса, сен уларни қандай ажрим қиласан? Мендан кейин шу ишларнинг бари сенинг зимманга тушади. Ҳозир гапимга кирмасанг, кейин кеч бўлади.

Тўғриси айтганда, унинг бу гаплари Ҳғлига анча таъсирини Ҳтқазибди. «Отам ҳақ гапни айтади,— Ҳйлабди у Ҳзича.— Ҳамма ишларимни бир чеккага қўйиб, бошқа Ҳлкаларга боришим керакки, ақл-идрок қидиришимга тўғри келади». У шундай қарорга келиб, кармонини пул билан тўлдирибди, яна уч бўлак тилла ҳам олиб, ёт Ҳлкаларга ақл ахтариб кетибди. Кетаётганини фақат хотинига айтибди.

У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, лекин, айтишларича, ҳеч кимни учратмабди. Аммо барибир йўл юришда давом этибди. У ниҳоятда чарчабди. Узоқдан ер ҳайдаётган бир киши кўринибди. «Қани, аввал ундан чекиш учун тамаки сўраб кўрай-чи, кейин бирон гап бўлар», — дебди йигит ўзига-ўзи. У киши тамаки берибди, кейин икковлари гапга тушиб кетишибди. Йигит:

— Бу ерларда гап усталари бор-йўқлигини менга айтиб беролмайсизми? — деб сўрабди.

— Бунақа гапга уста сенга нимага керак бўлиб қолди? — сўрабди у.

— Мен фалон ўлка рожасининг ўғли бўламан. Қўлимдан на бир ишу на бир муомала қилиш келади. Шунинг учун мен гап устасини қидириб юрибман. Агар қўлингдан келса, бу ҳунарга ўзинг ўргатақол, — ялинибди йигит.

— Ҳа-а, бундай дегин. Албатта, бу иш қўлимдан келади. Агар ўзингда иштиёқ бўлса, мен сенга икки-учта маслаҳат берардим. Бу ишга майлинг бўлсагина ўргатаман сени, — дебди у.

— Албатта, ўрганишни хоҳлайман. Шунинг учунгина уй-жойимни ташлаб чиқиб кетдим-ку, ахир. Хўш, қани айт-чи, менга: текинга ўргатасанми ё пул оласанми?

— Текинга ўргатмайман. Албатта пулга-да.

— Бўпти, мен розиман. Пулга бўлса пулга-да. Ҳар бир маслаҳатингга бир бўлақдан тилла оласан.

— Майли, унда сендан ёрдамимни аямайман. Фақат нима десам ҳаммасини ёдингда тут: маслаҳатим шуки, сен рожанинг ўғлисан. Мабодо бирор ёққа меҳмонга борадиган бўлсанг — бирор-бир қишлоқ оқсоқолиникигами ёки қўл остингдаги оддий одамларникигами — сенга гилам ё курси қўйишади-да, ўтиришга таклиф қилишади. Шунда сен дарров ўтирма. Курсини сал нарироққа суриб, кейин ўтиргин. Мана сенга битта маслаҳатим. Қани, энди тиллани бер.

У тиллани берибди.

— Мана, энди иккинчи маслаҳатимни эшит, — дебди у, — Сен рожанинг ўғлисан. Турган гапки, чўмилишга борасан. Қаерда хоҳласанг — кўлдами, ҳовуздами — кўнглингга ёққан ерда чўмилавер. Фақат шу кўл ёки ҳовузга тушаверишда чўмилма. Мана менинг иккинчи маслаҳатим. Қани, энди тиллани бер.

Йигит иккинчи тилласини берибди.

— Энди сенга учинчи маслаҳатим. Сен рожанинг ўғлисан. Сенинг ҳазурингга одамлар ёрдам ёки маслаҳат сўраб келишади. Улар келадими ёки ўзинг борасанми, барибир сен ҳал қилишингга тўғри келади у масалани. Уни албатта ўша ердаги оқсоқоллар билан бамаслаҳат ҳал қилгин. Зинҳор уларсиз ўз-

ўзингча бир хулосага келма. Мана, сенга учинчи маслаҳатим. Қани, энди тиллани бер.

Йигит учинчи бўлак тиллани берибди-да, кейин:

— Тиллаларим тамом бўлди. Эндиги маслаҳатингга нима билан ҳақ тўлай? — деб сўрабди.

— Қўлингдаги бор нарсангни сарфлаб бўлиб, бундан кейин қандай ўқийсан? — дебди у одам. — Ҳа, майли, битта маслаҳатимни сенга текинга бераман.

— Бўпти, — дебди йигит.

— Бўлмаса эшит. Сен рожанинг ўғлисан. Сенга маслаҳатим шуки, ҳеч қачон жаҳл устида иш қилма. Узингни қўлга ола бил. Узинг кўриб ё бўлмаса бировларнинг гапига ишониб ҳам чора кўришга шошилма, қўлингни ишга солма. Вақтинчаликка бўлса ҳам жаҳлингни жиловлаб ҳар томонлама ўйлаб иш қил. Айбдор топилса — жазола, топилмаса — эътибор берма. Ақлли одамлар жаҳл устида иш қилмайди. Олдинига ишни тинч йўл билан ҳал қилишга ўрган, илож қолмаганда қўлингни югуртир. Мана сенга текин маслаҳатим. Агар тилланг бўлганида, мен яна баъзи бир маслаҳатлар берардим. Йўқ экан, илож қанча?

Шундай қилиб улар ажралиб кетишибди.

Йигит йўлда боратуриб қилган ишидан пушаймон еб ўзича гапириб кетибди: «Мени хўп лақиллатди-ку. Арзимаган учта маслаҳатига уч тилла олди-я. Ҳали унинг гаплари ростми, ёлғонми? Майли, нима бўлса бўлди. Пешонага ёзилгани бўлади-да».

У юра-юра чарчабди, бунинг устига егулик овқати ҳам тугабди. «Уёқ-буёққа кетишимдан олдин шу шаҳардан бирор егулик сотиб ола қолай», — деб, бир шаҳарга кириб борибди, кириши билан ҳар томондан уни чақиритибди.

— Буёққа кел! Буёққа кел! Манавилардан ол!

Бошқалар эса:

— Агар сотиб олгинг келмаса майли, бирпас дам олиб, тамаки чекиб кет, — деб ўз дўконларига таклиф қилишибди.

У бир дўкон ичига кирибди. Уни гиламга ўтиришга таклиф қилишибди. У дўконга бирпас ўтириб дам олишга кирибди. Эндигина унга ўтирмоқчи бўлиб чўккалаган экан, бирдан муаллимнинг гапи эсига тушиб қолибди ва у гиламни бир чеккага сурибди. Кўрсаки, унинг таги ўра эмиш. «Мана маслаҳатинг фойдаси, — ўйлабди у. — Қанчалар аҳмоқман, а? Агар муаллимнинг маслаҳатини олмаганимда, ҳозир ҳаёт билан видолашган бўлармидим. Унинг маслаҳатини олиб жуда тўғри иш қилган эканман». У бир қанча егуликлар сотиб олиб, кета-кетгунча шу ҳақда ўйлабди.

У анча-мунча юриб, ҳовуз кўриб қолибди. «Ҳовузда бир чўмилиб чиқсам-да, овқатланиб, кейин яна йўлга тушсам», — дебди у. Ҳовузга яқин бориб, муаллимнинг маслаҳатини

эслабди-ю, чеккароққа борибди. Кийим-кечаклари билан нарса-ларини ўша ерга қўйиб чўмилиб чиқибди ва овқатланиб йўлга тушибди.

У ерда пул тўла кармонини эсидан чиқариб қолдирибди. Бир оз юргач, эсига тушиб, қайтиб борса — кармони жойида турган экан. Шунда у муаллимнинг маслаҳати қуруқ гап эмаслигига амин бўлибди-ди:

«Ҳа, менга жуда ақлли муаллим учраган экан. Агар ҳовуз бўйида чўмилганимда шунча пулдан айрилган бўлардим», дебди ўзига-ўзи.

У то кеч бўлиб қоронғи тушгунча юраверибди. Ниҳоят, қоронғи тушгач, бир қишлоққа кириб, тунаш учун жой сўрабди.

— Оқсоқолимизникига борақол. У ерда йўловчилар тунаши учун махсус жой бор, — дейишибди унга.

У оқсоқолникига бориб жой сўрабди.

— Муҳтарам зот, сизларникида тунаш учун менга бир кечага жой топиладими?

— Албатта топилади. Марҳамат, ҳув анави айвонга жой қилиб ётишинг мумкин, — дебди оқсоқол.

— Раҳмат. Менга айвон ҳам бўлаверади, — дебди йигит.

— У ерда сенга ўхшаб жой қидириб келган бир йўловчи ҳам бор. Сенам ўшанинг ёнида ётавер.

У айвонга чиқибди. Қараса, ундан олдин келган киши ўзига бўйра солиб ётган экан. Уям битта бўйра сўраб, ёнида ётибди. У киши донишманд бўлиб, бечора уйқусида ўлиб қолибди.

Эрталаб уй эгалари қарашса донишманд ўлиб ётганмиш. Шунда йўлга отланаётган рожанинг ўғлига:

— Тўхтаб тур. Гап бор, — дейишибди.

Оқсоқол бутун қишлоқ аҳлини чақирибди-да, бундай дебди:

— Кеча мен уйимда тунаш учун иккита йўловчига жой берган эдим. Ким билади, нима бўлиб, улардан бири ўлиб қолибди. Энди уни нима қилиш керак? Қани, маслаҳат беринглар-чи?

— Нима қилардинг? Бу ердан олиб чиқиб ташлайсан-да, — дейишибди йиғилганлар.

— Ким уни обчиқади бу ердан?

— Ким бўларди? Кеча у билан ким ётган бўлса, ўша-да, — дебди ораларидан биттаси.

Унинг гапини бошқалар ҳам қўллаб-қувватлашибди.

— Тўғри айтяпти. Агар у йўқ деса, биз унга кўрсатиб қўямиз.

Йигит эса:

— Мен рожанинг ўғлиман, обчиқмайман, — дермиш.

Унинг гапи тугар-тугамас, ҳамма унга ёпишиб кетибди.

Шунда у муаллимнинг, кўпчиликнинг қарорига қарши чиқма ҳеч қачон, деган гапни эслабди. Шундан кейин у рози бўлибди.

— Майли. Хўп, уришаверманглар. Обчиқсам обчиқаверман.

У ўликни олиб, дарёга кетибди. У ерга борганида қадимгиларнинг: «Ўликни ечинтириб олиш керак», деган гапи эсига тушиб, уни ерга қўйибди ва марҳумнинг белига боғлаган белбоғини ечибди. Қараса, боғич ичида анчагина пул бор экан. У пулларни олиб: «Устозим тенги йўқ одам экан, менга қанча нарса ўргатди-я», деб устозидан мумнун бўлибди. Бу пайтга келиб туш вақти ҳам бўлибди. У чўмилиб чиқиб, яна йўлида давом этибди.

Кеч бўлганда отасига қарашли ерга келибди.

Уйига етиб боргунча тун ярмидан оғибди. Келса, уйда ҳамма донг қотиб ухлаб ётган эмиш. У ҳеч кимни безовта қилмай, секингина уйига кирибди. Ётоқхона эшигига келса, остонада бир жуфт оёқ кийими билан қилич турганмиш. У шахт билан қилични қинидан суғурибди-да:

— Ким у, менинг уйимга киришга журъат қилган? — деб қичқирибди.

Уйда эса сингиси хотини билан ётган экан. Унинг қичқиригидан иккови ҳам уйғониб, апил-тапил кийинишибди-да, чироқни ёқишибди. Шунда сингиси:

— Кеннойи, акам қайтиб келганга ўхшайди. Мен бошқа уйга чиқиб ёта қолай, — деб энди уйдан чиқмоқчи бўлган экан, қараса акаси қилич кўтариб, чопиб ташлашга тайёр турган эмиш. У орқасига қайтибди-да: «Чиқсам шаксиз ўлдиради», дебди ва унга қараб:

— Акажон, бу ахир менман — синглингиз бўламан. Кеннойим кўрқмасин, деб ёнларида ётиб юрувдим. Бегоналар кирмасин деб қилич қўйиб қўювдик, — дебди.

Лекин ғазабга минган ака унинг гапни эшитмабди ҳам.

— Ким бўлсанг ҳам менга барибир. Қани, чиқ буёққа! — деб бақирибди.

Шунда сингиси: «У ғазабдан эсини йўқотибди. Ҳақиқатан ҳам агар ҳозир чиқсам, у мени ўлдиради», деб ўйлабди ва эғнидаги кўйлагини ечиб акасига отибди. Шундагина у ишонибди.

Шунда яна устозининг гапи эсига келиб, йиғлаб юборибди. Хафа бўлиб, ўзига-ўзи: «Устозим, ғазабингни тийишни ўрган деб тўғри гапирган экан. Озгина қолди-я, қўлларим қонга беланишига», дебди.

Ана шунинг учун ҳам биз, санталлар, ўтиришга таклиф қилиб қўйилган ғўлани бир оз четга суриб, кейин ўтирамиз.

Шу билан эртагимиз ҳам тугади.



## ШОҚОЛ ВА КАКЛИК

унлардан бир куни каклик шоқол билан дўст тутинибди. Лекин икковининг ҳаётга қараши икки хил экан. Каклик қувноқ, хушмуомала, қизиқчи бўлиб, шоқол эса аксинча, бадгумон, жиззаки, доимо ҳамма нарсадан норози бўлиб, ўзича тўнғиллаб юраркан. Бир куни у какликка:

— Сен мендан то ўлгунигча қарздорсан. Агар мен бўлганимда сени аллақачон ҳайвонлар еб қўйишарди. Хўш, бундан менга қандай манфаат бўлди? Дўстлигингдан менга нима наф? Дўстлик фақатгина кулдириш билангина бўлмайди, у қайғунгни ҳам бирга тортиши, оч қолганда боқиши ҳам керак. Дўст фақат яхши кунлардагина эмас, балки бошингга бирон иш тушгандагина билинади.

— Нима ҳам дердим, ҳамонки менинг қандай дўст эканлигимни синаб кўрмоқчи экансан, марҳамат, қачон хоҳласанг синаб кўравер.

Шоқол ўйлаб-ўйлаб, охири зарда билан дебди:

— Қани бўлмаса олдин мени бир кулдир-чи!

— Хўп, майли, сен айтганча бўлсин, — дебди каклик. — Шундай кулдирайки, ичакларинг узилади. Қани, юр!

Улар дарё бўйига кетишибди. У ерда каклик қирғоқ ёқалаб бораётган иккита йўловчини кўриб қолибди. Улардан бирининг тугуни елкасидаги таёқчага илинган бўлиб, иккинчисиники эса қўлида экан. Иккови ҳам кўринишдан қаттиқ чарчашган ва бунинг устига нимадандир хафа экан.

Каклик уларга қараб турибди-да, шоқолга дебди:

— Мана ҳозир қанча хоҳласанг шунча куласан. Ҳув анави буталарнинг орқасига ўтиб тур-да, менинг ҳаракатларимни кузат.

У шундай деб учиб бориб биринчи йўловчининг елкасидаги таёққа сездирмасдан қўнибди. Уни кетидан келаётган иккинчи йўловчи кўриб қолиб, оёғидаги кавушини ечибди-ю, қушга



отибди. Қуш чаққонлик билан учиб кетибди, кавуш эса тўппа-тўғри бориб биринчи йўловчининг бошига тегиб, салласини учириб юборибди. Жаҳли чиққан йўловчи дўстига бақира кетибди:

— Нима бало, кўрмисан? Кавушни қаёққа отяпсан?

Дўсти эса бепарволик билан жавоб берибди:

— Хафа бўлма, оғайни. Мен сенга эмас, таёгингда қўнган какликни мўлжалга олувдим, мўлжалим нотўғри кетиб, кавуш сенга тегиб кетди.

Биринчи йўловчи унинг гапига ишонмасдан таёғи билан дўстини ура кетибди. У эса ўзини ҳимоя қиламан, деб ёқасидан олибди. Шундай қилиб иккала дўст бир-бири билан олишиб муштлашиб кетишибди. Буталар орасида уларни кузатиб ўтирган шоқолнинг кулавериб ичкалари узилай дебди.

— Хўш, қалай, энди хотиринг жам бўлдимиз? — деб сўрабди каклик ундан.

Лекин шоқол барибир норози бўлибди.

— Кулдириш ҳам иш бўлганими? — дебди у. — Қачонки мени йиғлатолсанг ана ўшандагина сенинг дўстлигинга ишонаман.

— Бўлгани. Сен айтганча бўлсин, — дебди каклик.

Улар анчагача ўрмонда сандироқлаб юришибди-да, ниҳоят ит эргаштириб юрган бир овчини кўриб қолишибди. Шунда каклик дебди:

— Манави дарахт ичидаги уяга кириб, ҳаракатларимни кузатиб ўтир. Мен сени ҳўнгротиб йиғлатаман.

Дарахт атрофи буталар билан ўралган экан. Каклик ўзини шу буталар ичига уриб, бор кучи билан қанотларини қоқибди. Итларга худди буталар ичида аллақандай катта ҳайвон беркиниб ётгандек туюлибди: улар акиллашиб, ўзларини ўша ёққа уришибди. Каклик шоқол беркиниб ётган уя тепасига учиб борибди. Итлар эса унинг кетидан қувишибди. Шунда битта ит беркиниб ётган шоқолни сезиб қолиб унга қараб акиллай бошлабди. Дарҳол бошқа итлар ҳам келишиб, шоқолни уядан тортиб чиқаришибди-да, таталай кетишибди. Шоқол жон аччиғида увилабди, итлар эса парвойи палак, талайверишибди ва ниҳоят, уни чала ўлик ҳолида ташлаб кетишибди.

Итлар қайтиб кетишгач, каклик ундан сўрабди:

— Хўш, оғайни, энди мендан розидирсан-а? Ана, сени кулдирдим ҳам, йиғлатдим ҳам, энди яна нима керак сенга?

Шоқол вой-войлаб гапирибди:

— Ётар шунча устимдан кулганинг, сал қолди ўлиб қолишимга-я.

У оғриқдан анчагача жойидан қўзғалолмай, тишлаб-тортқиланган ерларини ялаб-юлқаб ўтирибди. Кун ботиб, атроф қоронғилаша бошлабди, шундагина шоқол оч-наҳорлигини сезибди.



— Дўстим! — деб чақирибди у какликни. — Нима бўлса бўлиб ўтди. Сендан илтимос, ейишга бирон нима топиб кел, ичакларим сурнай чалапти.

— Ҳа, майли, сен учун яна бир ҳаракат қилиб кўраман, — дея жавоб қилибди каклик ва учиб кетибди.

Йўлда у тугун кўтариб бораётган бир аёлни учратибди: аёл далада ишлаётган эрига овқат олиб кетаётган экан. Каклик бир дарахтга қўнибди-да, ҳалиги аёл анча яқинлашиб қолгач, худди ярадордек бирдан ўзини тап этиб ерга отибди. Аёл уни тутиб олмоқчи бўлган экан, ўзини четга олибди. У тугунини ерга қўйибди-да, қўлларини чўзиб, каклик орқасидан югурибди. Шунда бутоқлар ичидан шоқол чиқиб, тугундаги овқатни пок-покиза туширибди.

Каклик учиб келибди-да, унга дебди:

— Хўш, энди мендан розидирсан?

— Ҳа, сен мени кулдирдинг ҳам, овқат бериб тўйдирдинг ҳам, йиғлатдинг ҳам — ҳаммаси тўғри, — дебди шоқол. — Лекин агар менинг бошимга бирор бахтсизлик тушса сен ёрдам беролмайсан. Бошга фалокат тушганда ёрдамга келганнигина ҳақиқий дўст деса бўлади.

— Унда ёрдам беролмаслигимга сабаб, балки менинг ожизлигим ёки кичиклигимдир, — дея хафа бўлиб жавоб қилибди каклик, — лекин агар бошингга бирор фалокат тушгудек бўлса, қандай ҳолатда бўлишимдан қатъий назар, албатта ёрдамга келаман.

Бу вақтга келиб кеч тушибди.

— Қара, анча кеч бўлиб қолди, уйга кетадиган вақтимиз ҳам бўлди, — дебди каклик. — Йўлга чиқиб олишимиз учун манави дарёдан кечиб ўтишга тўғри келади.

— Мен қандай ўтаман? Ахир сузишни билмайман-ку, чўкиб кетишим мумкин, — дебди шоқол.

— Хотиржам бўл, сени ёлғиз ташлаб кетмайман. Бу ерда менинг бир дўстим бор — тимсоҳ, ундан илтимос қилсак, бизларни нариги қирғоққа ўтказиб қўяди.

Шоқол розилик билдиргач, улар қирғоққа келишибди. Каклик тимсоҳни чақирибди-да, унга илтимосини айтибди:

— Акажон! Илтимос, бизларни нариги қирғоққа ўтказиб қўйсанг?!

Тимсоҳ жон деб рози бўлиб, уларни устига ўтказибди. Лекин дарёнинг ўртасига етмай бирдан феъли айниб, иккала дўстни еб қўймоқчи бўлибди ва сал сув остига шўнғибди. Каклик унинг ниятини сезиб, дарҳол тепага учибди.

— Менимча, тимсоҳнинг феъли айниганга ўхшайди, — деб қичқирибди у шоқолга. — У бизларни емоқчи!

— Ох, наҳотки ўлиб кетсак?! — дебди шоқол.

— Мен-ку, қўрқмасам ҳам бўлади, учиб кета оламан, лекин сенинг ҳолинг нима кечади?

Қўрқиб кетган шоқол какликка ёлворибди:

— Азизим какликжон, сен ахир ақлисан-у, мени қутқаришни ўйла, то ўлгунимча қилган яхшилигингни унутмайман.

Каклик ўйга чўмибди. Тимсоҳ эса бу пайтда дарёнинг ўртасигача бориб қолибди-да, уларга қараб:

— Менга қаранглар: эрталабдан бери очман, иккалангларни жудаям егим келяпти, — дебди.

Шоқол унинг бу гапидан титраб кетибди, каклик эса бепарвогина:

— Биласанми, ошна, мени тута олмайсан — учиб кетаман, дўстим шоқол эса сен ўйлаган аҳмоқлардан эмас, у жонини ўзи билан ҳеч қачон олиб юрмайди. Агар билсанг жонини фақат ўз уясида сақлайди.

Ҳайрон қолган тимсоҳ:

— Яна алдаётган бўлмагин, — дебди какликка.

Шоқол, какликнинг гапи рост, деб қасам ичибди. Тимсоҳ баттар ҳайрон қолибди, лекин барибир дўстларни қирғоққача олиб борибди. Қирғоққа етгач, иккови ҳам аҳмоқ тимсоҳдан узоқроққа қочишибди. Улар ўрмонга етиб боришгач, каклик сўрабди:

— Хўш, мана энди менинг ҳақиқий дўстлигимга ишонгандирсан?

Лекин шоқол норозилик билан тўнғиллабди:

— Ҳа, қойилман сенга, тимсоҳни жуда бошлаб лақиллатдинг! Мени кудирдинг, йиғлатдинг, қорнимни тўйғаздинг, ҳатто ҳаётимни сақлаб қолдинг, лекин айёр билан ҳеч қачон дўстлашмаслик керак, чунки вақти келиб у дўстини ҳам алдаб кетиши мумкин. Шунинг учун бизнинг дўстлигимиз ҳам ниҳоясига етди.

## АҲМОҚ ТИМСОҲ

**Д**арёга яқин бир уяда шоқол яшар экан. У ташналигини қондириш учун тез-тез дарёга бориб тураркан. Уша дарёда эса бир тимсоҳ яшаркан. Тимсоҳ битта-яримта ҳайвон сув ичишга келса, тутиб олиш илинжида қирғоқдаги буталар ичида беркиниб ётаркан.

Бир куни шоқол дарёга келибди: қараса, қирғоққа яқин жойдаги сув хира ва ифлосланган. Дарёнинг сал ичкарироғига кириб, энди тоза сувга энгашган экан, тисоҳ шап этиб оёғини тишлаб олибди. Шоқол олдинига чўчиб кетибди, кейин сал ўзига келиб, оёғини қандай қилиб тимсоҳнинг оғзидан бўшатиш йўлини қидирибди. Уйлаб туриб: «Худди оёқ меники эмасдек, қилт этмай туравераман!» деган қарорга келибди.

Шундай деб у тимсоҳга хотиржамлик билан дебди:

— Ҳой тимсоҳ оғайни, оёғим мажнунтолларга илашиб қолди, тезроқ келиб менга ёрдам бермасанг чўкиб кетадиганга ўхшайман.

Тимсоҳ унинг гапига лаққа тушибди. У: «Қанчалик аҳмоқман, дарахт илдизини шоқолнинг оёғи деб ўйлаб, оғзимни очмасдан ўтирибман-а», — деб ўйлабди-да, шоқолнинг оёғини қўйиб, илдизларни тишлаб олибди. Шоқол ўзида йўқ қувониб унга:

— Катта раҳмат сенга! — дея хурсанд бўлганича, бир ашулани хиргойи қилиб, келган йўлига қайтиб кетибди.

Шоқол уни лақиллатиб кетганини билган тимсоҳ жуда газабга келибди.

Эртасига яна шоқол қирғоқда пайдо бўлибди. У тимсоҳ ҳам шу ерда уни кутиб ўтирганини сезибди. Шунинг учун аввал бир текшириб кўрмоқчи бўлиб баланд овозда дебди.

— Кеча шу ердан сув ичаётганимда майда балиқлар сузиб юриб, пуфакчалар чиқаришаётувди. Бугун негадир сув тинч, биттаям пуфакча кўринмайди. Энди сув ичким келмай қолди, майли, кетақолай.

Ана шу сўзлардан кейин тимсоҳ бирдан нафас олиб, катта-катта пуфакчалар чиқариб юборибди. Буни кўрган шоқол, тимсоҳ ўзини кутиб ётганини тушунибди-да, ура қочибди. Қочатуриб тимсоҳга шундай дебди:

— Эҳ, жаноби тимсоҳ! Ниятингиз мени ейиш бўлса, яна қўлга тушдингиз!

Унинг бу гапидан тимсоҳ хафа бўлиб ўзининг аҳмоқлигидан баттар ғазабланибди.

Шоқол бу воқеалардан кейин сув ичгани дарёга бормай қудуққа қатнай бошлабди. Тимсоҳ эса шоқол уни икки марта аҳмоқ қилиб кетганига чидолмай, қандай йўл билан бўлмасин, албатта ундан қасд олишни ўйлаб қўйибди.

Дарё яқинида катта бир манго дарахти ўсаркан. Шоқол эса манго меваларининг ишқибози экан. У тез-тез келиб, ана шу мевалардан еб кетаркан. Буни билиб қолган тимсоҳ, манго меваларини катта тўп қилиб уйибди-да, ичига кириб беркиниб ётибди.

Бир оздан кейин шоқол манго ейиш учун келибди, қараса мевалар жуда катта тўп бўлиб уйилиб ётганмиш. Бундан у дарров шубҳага тушибди. Одатдагидек, у яна синаб кўрмоқчи бўлибди.

— Олдинги гал келганимда манголарнинг ўзлари қўлимга келиб тушарди. Қизиқ, негадир бугун ундай бўлмапти.

Унинг бу гапларини эшитган тисоҳ бир нечта мангони олиб шоқолга отибди. Буни кўрган шоқол тўпнинг ичида кимдир беркиниб ётганини билибди-да:

*Ширин мева ичига алдамчи беркинибди,  
Алдамчи хароб бўлиб, эҳтиёткор қочибди,—*

деб куйлабди, куйлабдию қочиб қолибди. Тимсоҳ унинг кетидан қувиб ета олмабди. Бу гал тимсоҳ ўзининг ландовурлигидан олдингиларидан ҳам баттар хафа бўлиб энди шоқолни ўлдиришга қасам ичибди.

Орадан бир неча кун ўтибди. Бир куни туш пайти тимсоҳ, шоқол келиб қолса, тутиб олиш ниятида унинг уясига беркиниб олибди.

Уясига келаётган шоқолнинг кўзи ердаги катта-катта изларга тушибди. Наҳотки тимсоҳ уямга кириб олган бўлса, деб ўйлабди шоқол. Авваламга қўрқувдан юраги орқасига тортиб кетибди, кейин эса уяга яқин бориб қичқирибди:

— Уя, уя! Нега жимсан? Ахир доим келганимда мени ширингина ашуланг билан кутиб олардинг-ку?! Бугун сенга нима бўлди? Ёки овозинг бўғилиб қолдими?

Шунда тимсоҳ ўзининг ёқимсиз овози билан қўшиқ куйлабди:

*Салом сенга, салом уйнинг эгаси!  
Мен сенинг хизматкоринг! Мен сенинг хизматкоринг!*

Шоқол дарров тимсоҳни овозидан таниб қолибди. Бир оз ўйланиб туриб шундай дебди:

— Вой, эсим қурсин, ўтин олиб келиш ёдимдан кўтарилибди-я! Ахир олов ёқиш керак эди-ку! Ҳозир, ҳозир келаман!

У шох-шаббаларни йиғиб келиб, ёқиб юборибди ва оловни уянинг ичкарироғига итараверибди. Тимсоҳ иссиқ ва тутундан бўғилиб ўлибди, шоқол эса ўтириб, қўшиғини айтаверибди.



МУНДАРИЖА

*Ҳинд тилидан Амир Файзуллаев таржималари*

Гап тагида гап бор . . . . .	5
Ким улуг? . . . . .	14
Қилмиш-қидирмиш . . . . .	28
Арзоннинг шўрваси татимас . . . . .	32
Доно ўғиллар . . . . .	37
Мўту билан Чхўту . . . . .	42
Дангаса эшак . . . . .	51
Ростгўй авлиё . . . . .	58
Қисмат . . . . .	66
Ўртанча ўғил . . . . .	78
Ақлнинг кучи . . . . .	89
Куёш билан шамол . . . . .	97
Кампирнинг тангаси . . . . .	99
Биринчи сабоқ . . . . .	102
Она қарзи . . . . .	105
Меҳнатнинг меваси . . . . .	107
Бойўғли нега тунда учади? . . . . .	112
Ёлғоннинг умри қисқа . . . . .	115
Эгри қозикка эгри тўқмоқ . . . . .	119
Ҳозиржавоб вазир . . . . .	127
Хато . . . . .	134

*Рус тилидан Тожибой Мирқосимов таржималари*

Аппа жийнинг фили . . . . .	144
Ниярам . . . . .	146

Кимнинг қўли чиройли . . . . .	151
Уста ва дурадгор . . . . .	152
Фотима билан дарвеш . . . . .	155
Етти опа-сингил ва етти оға-ини . . . . .	160
Чугурчук ва нўхат донаси . . . . .	168
Айёр вазир . . . . .	172
Қўр тиланчи . . . . .	176
Учта олтин қўғирчоқ . . . . .	182

*Рус тилидан. Шоҳида Соатова таржималари*

Айёр шоколад . . . . .	184
Шоколад билан Ануа . . . . .	191
Йўлбарснинг қасами . . . . .	196
Номозгар . . . . .	198
Қуён билан сантал . . . . .	201
Икки илон . . . . .	203
Яхшиликни биладиган ҳайвонлар . . . . .	206
Қискичбақанинг дўстлиги . . . . .	208
Дурадгорнинг ўғли . . . . .	217
Лангур . . . . .	229
Бачком ўти қаердан пайдо бўлган? . . . . .	240
Тадбиркор бола . . . . .	243
Ақли ўғил . . . . .	248
Мўтилаъл . . . . .	252
Эчкини ким еб қўйди? . . . . .	255
Ҳожатбарор . . . . .	257
Эрнинг ўлган хотини билан топишгани . . . . .	262
Қўрқоқ йўлбарс . . . . .	263
Бефойда битим . . . . .	266
Хўроз билан мушук . . . . .	269
Каптарлар ва овчи . . . . .	271
Шоколад ва тўнғиз . . . . .	274
Ўрмон маликасининг ўғли . . . . .	276
Мағрур рожа . . . . .	280
Икки ака-уканинг жанжали . . . . .	283
Омадли авлиё . . . . .	286
Рожанинг ўғли қандай қилиб ақл сотиб олди? . . . . .	289
Шоколад ва каклик . . . . .	294
Аҳмоқ тимсоҳ . . . . .	299

*Литературно-художественное издание*

На узбекском языке

**КОВАРНЫЙ ВИЗИРЬ**

*Индийские народные сказки*

Перевод с разных изданий

Рассом Х. Зиёхонов

Расмлар муҳаррири О. Муинов

Техник муҳаррир Е. Толочко

Корректор Ш. Соатова

ИБ-0400

Босмахонага берилди 26.11.90. Босишга рухсат этилди 27.06.91. Бичими 60×90<sup>1</sup>/16. Офсет қоғози № 1  
Тип Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоқ, 19,0. Нашриёт табоқ ҳисоби 17,48. Шартли  
бўёқли босмада нашр ҳажми 57,0 100 000 нусхада. Буюртма № 4139. Шартнома № 58–90. Баҳоси  
2с. 50т.

«Чўлпон» нашриёти, 700083. «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Ўзбекистон СССР Матбуот Давлат комитетига қарашли «Матбуот полиграфия ишлаб чиқариш бирлашма-  
сининг Бош корхонаси, Тошкент – 700129, Навоий кўчаси, 30.

